

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ  
ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМЛИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИ

М. МУРОДОВ, У. ҚОРАБОЕВ, Р. РУСТАМОВА

# ЭТНОМАДАНИЯТ

ЎҚЎВ ҚЎЛЛАНМА

ТОШКЕНТ  
"АДОЛАТ"


2003

7135  
А1-77

Қўлланма Абдулла Қодирий номли Тошкент Давлат  
Маданият институти Илмий Кенгаши қарорига биноан  
чоп этилмоқда

Масъул муҳаррир-фалсафа фанлари доктори,  
профессор А.Бегматов

Тупловчи ва нашрга тайёрловчи – Р.Рустамова



Қўлланмада ўзбек этномаданиятининг асосий жиҳатла-  
ри ёритилади. Муаллифлар ўзбек халқ удумлари, ўзбек  
фольклори, халқ ўйинлари, этнопедагогика каби масала-  
ларни атрофлича ёритишга ҳаракат қилишган.

© Абдулла Қодирий номли Тошкент давлат маданият институти, 2003я.  
© Р. Рустамова, 2003 й.

## СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, ўзбек этномаданиятини ўрганиш учун кенг имкониятлар пайдо бўлди.

Чоризм даврида ўзбеклар этномаданиятини ўрганишга бир мунча киришилган эди. Лекин бу ўрганиш гаразли мақсадларни қўзлаб амалга оширилганди. Этномаданият чоризм вакиллари учун халқни тобеликда тутиш йўлларини кўрсатишга хизмат қилиши керак эди. Халқ орзу қилган жамиятни, қаҳрамонларни, қадриятларини ўрганиш орқали унга мос бошқарув усуллари, аниқроғи, миллий зулмнинг маданият билан ниқобланган усулларини ишлаб чиқиш учун этномаданиятга мурожаат қилинган эди ўшанда.

Шўролар даврида ҳам этномаданиятга муносабат сезиларли ўзгармади. Етмиш йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўзбеклар этномаданиятининг фақат шўролар манфаатига бурса бўладиган қисмигина ўрганилди. Оқибатда ўзбек халқ ўйинлари, маросимлари, байрамлари ва оғзаки ижодининг кўп намуналари йўқолиб кета бошлади. Истиқлол давридагина ажодларимиз маданиятини тўлалигича ва холис, мустабид тузум лойқаларидан тозалаб ўрганиш, йўқолган, унутила ёзган маданият намуналарини тиклаш имкони туғилди.

Бу соҳада мамлакатимиз, хусусан, Тошкент Давлат маданият институти олимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Бу ўринда биз профессор У.Х.Қорабоев ва айниқса, марҳум олимимиз, этномаданиятни ўрганиш жонкуяри профессор М.М.Муродовнинг хизматларини алоҳида тилга олмоқчимиз. Қўлингиздаги ушбу қўлланма ҳам проф. М.М.Муродовнинг тадқиқотлари асосида ва бошқа бир қатор олимларимиз ишларига таяниб тайёрланди. Қўлингиздаги ушбу китобча проф. М.Муродовнинг ёрқин хотирасига эҳтиромимизнинг яна бир ифодасидир.

Шу билан бирга биз ўзбек халқи этномаданиятини ўрганишга ўз ҳиссасини қўшган ва асарларидан, қўлёзмаларидан ушбу қўлланмани тайёрлашда фойдаланганимиз олимларга чуқур миннатдорлигимизни билдирамыз.

М.Б.Бекмуродов – социология фанлари доктори, профессор.

## ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЭТНОМАДАНИЯТИ (Этномаданият курсига кириш)

Масалалар:

Мустақил Ўзбекистон: маънавий ислохотлар жараёнида миллий қадриятларнинг тикланиши.

Этномаданиятнинг моҳияти ва хусусиятлари.

Этномаданиятнинг асосий кўринишлари.

Халқ маданиятини ривожлантиришга оид муаммолар.

Этномаданиятни ривожлантириш йўллари.

### Муқаддима

Мустақилликка эришган ҳар бир давлатнинг маънавий пойдевори мустаҳкам бўлгандагина, у бақувват бўлиб, кенг қўламда ривожлана олади. Бунинг учун эса аждодлар минг йилликлар ичида яратган бебаҳо мерос - халқ маданияти анъаналарини яна жонлантириш, тараққий эттириш ва ундан ақл-идрок билан фойдаланиш лозим бўлади. Бирок, маънавий меросни чуқур, ҳар томонлама ўрганмасдан туриб, бу бебаҳо бойликни тиклаш, айниқса, ривожлантириш асло мумкин эмас.

Шўролар даврида тезроқ умумдавлат совет ҳалқини шакллантириш мақсадида миллий хусусиятга эга бўлган қадриятлар, миллий онг, руҳият, халқ одатлари, анъанавий маданият каби ҳодисалар норасмий таъқиқланди.

Мустақилликка эришган ҳар бир миллат энг аввало ўзлигини тиклашга ҳаракат қилади. Чунки, истилочилар энг аввало, ўз мустамлакасидаги халқнинг маънавий ўзлигини йўқ қилишга ҳаракат қилади. Миллатнинг маънавий ўзлигини эса миллий онг, рух, анъаналар, тил, дин, адабиёт, ахлоқ, илм-фан, маърифат каби маънавий қадриятлар вужудга келтиради. Республикамиз мустақилликка эришгандан сўнг энг дастлабки ишлардан бири тарихий-маънавий қадриятларни тиклаш бўлди.

“Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган гоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросини тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди,- деб таъкидлаган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов.<sup>1</sup> Дарҳақиқат, мустақиллик туфайли амалга оширилган тарихий буюк ишларидан бири - бу халқимизнинг маънавий меросини тиклана бошлагани бўлди.

### *1. Мустақил Ўзбекистон: маънавий ислоҳотлар жараёнида миллий қадриятларнинг тикланиши*

Маънавий қадриятларимизни тиклаш ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. У энг аввало, мустақиллик шарофати билан вужудга келган тарихий эҳтиёжлар асосида, маънавият ва маърифат соҳасидаги ислоҳотлар замирида содир бўлмоқда. Маънавий соҳадаги ислоҳотлар доирасида қуйидаги муҳим ишлар амалга оширила бошланди. Энг муҳими Ватанимизда жаҳонда беқиёс “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, кейинроқ эса Кенгаши тузилди ва унга юклатилган вазифалар ўлкамизда жамоатчилик диққатини маънавий масалаларига қаратди.

Маънавиятни ривожлантириш - давлатнинг бош вазифаси деб қараш бу соҳанинг жиддий тараққий этишига замин бўлди.

Ўзбекистон Президентининг “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш туғрисидаги (1996 й) фармонида “Маънавий-маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий, устувор йўналиши деб ҳисоблансин”, - деб қайд қилинди.

“Айрим катта-кичик раҳбарлар... - дейилади ушбу фармонда, -маънавиятнинг асл маъносини тушуниб етмаслик туфайли, унга иккинчи даражали иш сифатида қарашмоқда. Маънавий-маърифий ишларга бўлган бундай эътиборсизлик келажаги буюк демократик, озод давлат куришдек эзгу мақсадимиз рўёби учун мутлақо зиддир”. Фармондаги

бу фикрлар турли даражадаги раҳбарларни халқ маънавиятига жиддий эътибор беришга ундади.

Миллий мафкурага бағишланган (6 апрел 2000 йилги) анжуманда Президентимиз раҳбар ходимлар, энг аввало, маънавият, мафкура, маданият билан шуғулланиши даркор эканлигини таъкидлади.

Барча даражадаги раҳбарлар маънавият билан бевосита шуғуллана бошлаши - барча жойларда кенг кўламда маънавиятни жонлантиришга имконият яратмоқда. Маълумки, илгари, жумладан, шўролар даврида маънавият билан учинчи раҳбар (ёки раҳбарнинг учинчи ўринбосари) мафкура ишининг бир қисми сифатида шуғулланар эди. Кўпгина мустақилликка эришган давлатларда ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бизнинг Республикамизда эса Президентимиз Фармони асосида: “жойларда маънавият билан боғлиқ ишларнинг амалга оширилиши учун бугун масъулият шахсан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоят шаҳар ва туман ҳокимлари, республикамиздаги барча вазирликлар, идоралар, ташкилотлар биринчи раҳбарларининг зиммасига юклатилди. Президентимиз эса барча раҳбарларга шахсий намуна кўрсатиб, ўзини “маънавиятнинг бош - ҳомийси ва ҳимоячиси” деб эълон қилди.

Йирик нуфузли ташкилотларга маънавият бўйича махсус - раҳбарнинг 1-ўринбосари лавозими жорий этилиши - дарҳақиқат барча ишлар орасида маънавиятнинг биринчи ўринга олиб чиқилганига амалий далил бўлди. Айниқса, олий ва ўрта махсус билим юртларида ректор ва директорларнинг “маънавият ва маърифат” бўйича 1-ўринбосари лавозимлари жорий этилиши - ўқув юртларида нафақат яхши мутахассисларни, балки маънавий камол топган бўлажак раҳбарларни тарбиялаш учун имконият яратди.

Республикамизда азалий қадриятларни тиклаш бўйича ўта жиддий тадбирларнинг амалга оширилиши - маънавиятимиз “бино”сининг қаддини кўтаришга муҳим воситалардан бири бўлмоқда. Натижада республикамизда маънавият соҳасининг янги тизими вужудга кела бошлади.

“Ўзбеккино”, “Ўзбекнаво”, “Ўзбекракс”, “Ўзбектеатр”, Бадий академия, Ўзбек амалий санъати маркази, “Таълим маркази” каби кўплаб республика ташкилотларининг тузилиши маданият ва маънавиятнинг асосий соҳаларини тараққий эттиришга кўмак бермоқда.

Дарҳақиқат, миллий қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган тарихий ишларимизнинг қамрови жуда кенгдир. Уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

- Кўп минг йиллик тарихимиз ҳаққоний, чуқур ва ҳар томонлама ўрганилиши, тарихий мавзулардаги (совет даврида тўқиқланган) асарларнинг чоп этилиши миллий-тарихий онгни шакллантиришда муҳим роль ўйнамоқда.

- Халқ одатлари, маросимлари ва байрамлари (Наврўз, Рўза ҳайит, Қурбон ҳайит кабилар)нинг тикланиши ва янги байрамлар (Мустақиллик куни, Ўқитувчилар куни, Хотира ва қадрлаш куни кабилар)нинг жорий этилиши халқ маънавий ҳаётига ижобий таъсир этмоқда.

- Диний қадриятларнинг тикланиши, эски мачит ва мадрасаларнинг таъмирланиши, янгиларининг барпо этилиши, диний адабиётлар нашр этилиши республикамызда виждон эркинлигини таъминламоқда.

- Дунё тараққиётига ўз хиссасини қўшган - буюк мутафаккирлар, давлат арбобларининг маънавий меросидан халқимиз фахр билан фойдалана бошлади, жумладан, Имом Бухорий, Ат-Термизий, Нақшбандий, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро кабиларнинг асарлари халқимизга руҳий-маънавий қувват бермоқда. ЮНЕСКО ёрдамида жаҳонга муносиб хисса қўшган алломалар (Улуғбек, Амир Темур, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний)нинг юбилейларини ўтказиш одамларда миллий фахр туйғуларини юксалтирмоқда.

- Жаҳонни лол қолдирган тарихий меъморчилик иншоотлари кенг кўламда таъмирланмоқда, жумладан, Бухоро, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби шаҳарларда тарихий-меъморий ёдгорликларнинг тикланиши, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарларнинг 2.500 йиллигини нишон-

лаш таътаналари нафақат ватандошларимизни, балки бу ерларга таъшир буюрган ажнабийларни лол қолдирмоқда.

- Ўзбек тилининг давлат тили даражасига кўтарилиши дилни қувонтирмоқда. Ўз навбатида жаҳон тилларини ўрганиш эҳтиёжи бизнинг оламга “юз тутишимиз”га, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш, умуминсоний қадриятларни ўрганишимизга ёрдам бермоқда.

- Халқ ижоди, амалий санъати жонланиб, ватандошларимизни ҳам, хорижликларни ҳам лол қолдирмоқда. Халқ ижоди бу республика ва халқаро анжуманлар ўтказилиши, аждодларимиз қолдирган мерос миллий-ахлоқий маданият дурдонаси ёшларни тарбиялашда муҳим омил бўлмоқда.

- Буни алоҳида таъкидлаш керакки, аждодларимиз меросини тиклаш бўйича қилинаётган ишларимизни нафақат ўзимиз, балки бутун жаҳон тан олмақда. Бу борадаги оламшумул ишларимизни ўрганиш учун дунёнинг кўпгина мамлакатлари (чунончи, Жанубий Америка, Норвегия, Голландия, Франция, Олмония, Туркия)дан таъшир буюрган мутахассис-олимлар анъанавий маданиятимизни тиклаш бўйича қилинаётган ҳаракатларимизга қойил қолишмоқда.

## *2. Этномаданиятнинг моҳияти ва хусусиятлари*

Тарихий - маънавий қадриятларни тиклаш - миллатни тиклаш демакдир. Бу амалга оширилаётган ишлар ичида, халқ маданияти анъаналарини тиклаш масалалари алоҳида диққатни жалб этади. Чунки, анъанавий халқ маданияти - аждодларимиз меросининг таркибий қисми сифатида ижтимоий-тарихий тараққиёт жараёнида муҳим ўрин тутиб келган ва ҳозирги даврда ҳам жамиятни маънавий камол топтиришда катта аҳамиятга эга. Республикамиз мустақилликка эришгач, миллий меросларни тадқиқ қилишга кенг йўл очилиши натижасида, шўролар даврида таъқиқланган тарихий мерос, маънавий қадриятлар, халқ маданияти анъаналари ва улардан фойдаланиш масалаларига доир қатор изланишлар пайдо бўла бошлади. Айниқса, бу борада И.Жабборов, Н.Комилов, М.Хайруллаев, каби олим-

лар ишлари диққатга сазовордир. Шунингдек халқ турмуши, ижоди, санъатини ўрганишда фольклоршунослар, этнографлар, санъатшунослар ва педагоглар ҳам фаоллик кўрсата бошлади.

Мазкур муаммога диққат жалб қилиш учун, энг аввало, адабий, илмий, қомусий ва бошқа манбалардаги (халқ), “маданият” тушунчаларига изоҳ бериш лозим. Агар мавжуд манбалардаги бу атамга оид турлича изоҳлар умумлаштирилиб, қисқа баён қилинса, унда “халқ маданияти” биринчидан, муайян жойда, (ҳудуд)даги аҳоли маданияти; иккинчидан, оддий халқ ва кенг меҳнаткаш омма маданияти; учинчидан, этнос (яъни уруғ, элат, миллат)лар маданияти каби маъноларда тушунилади. (Айнан учинчи маъно этномаданият тушунчасига тўғри келади). Энди маънавий мероснинг асрлараро шаклланган, авлоддан-авлодга ўтиб, одатга айланиб қолган қисми - “анъанавий халқ маданияти” тушунчасига таъриф бериш мақсадга мувофиқдир.

Анъанавий халқ маданияти - этносларнинг тарихий-маънавий эҳтиёжлари асосида вужудга келган, уларнинг ақлий-ижодий фаолияти натижасида тараққий этган, минг йилликлар мобайнида аждодлар фикрлари, тажрибалари, орзу-истаклари, анъаналари ва қадриятларини ўзида бирлаштирган, авлоддан-авлодга ўтиб, асрлар оша сайқалланиб, мураккаблашиб борган бебаҳо мерос ҳамда жамиятимизни ахлоқий соғломлаштирувчи ва инсонпарварлигини барқарор этувчи халқнинг маънавий камол топишига хизмат қиладиган муҳим омил.

Анъанавий ўзбек халқ маданиятига яхлит ижтимоий-маънавий ҳодиса ва халқ турмушининг таркибий қисми сифатида қараш маданиятшунослик фани доирасида “ЭТНОМАДАНИЯТ КОНЦЕПЦИЯСИ”ни яратишга имкон беради. Бу концепция анъанавий халқ маданиятини яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Мустақиллик шароитида кўпгина фан тармоқларининг мазмунини, шу жумладаи, маданиятшуносликнинг асосий тушунчаларини ҳам қайтадан кўриб чиқиш лозим бўлмақда. Айниқса “Халқ маданияти”, “Миллий маданият”, “Анъ-

паний маданият", "Этномаданият" атамалари янги изоҳни талаб қилмоқда. Ҳанузгача кам ўрганилган "этномаданият" (ёки "этник маданият") тушунчаси юқоридаги бошқа атамаларни тушунишга қулайликлар яратади.

"Этномаданият" тушунчаси тарихий жараёнда уруғ, элат, миллат маданиятининг шаклланиши ва ривожланишини акс эттиради. "Анъанавий халқ маданияти" тушунчаси эса айнан этник маданиятнинг тарихий жараёни шаклланган, синалган ва анъанага айланган авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтаётган муҳим қисми сифатида намоён бўлади.

Агар этномаданиятнинг тарихий-маданий ҳусусиятларини белгилайдиган бўлсак, у қуйидагилардан ташкил топиши мумкин;

а) этнослар табиий ва тарихий маънавий эҳтиёж асосида вужудга келади;

б) ўз моҳияти ва ҳусусияти, мазмуни ва шаклига эга бўлиб, бошқа ҳаётий соҳалар билан чамбарчас боғланиб кетади;

в) халқ ҳаётида ўз ўрнини топиб, турмушнинг ажралмас таркибий қисмига айланади;

г) маънавий - тарихий эҳтиёж сифатида авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтади ва даврлар оша тараққий этади;

д) жамиятнинг баркамол бўлишига хизмат қилади.

### *3. Этномаданиятнинг асосий кўринишлари (шакллари)*

Анъанавий халқ маданиятини яхлит ва кўп қиррали ҳодиса сифатида ўрганиш, унинг тузилиши, асосий кўринишлари, шаклларини аниқлаш муҳим аҳамията эга. Шу боис биз этномаданият эволюцияси ва умум қабул қилинган "маданият" таснифидан келиб чиқиб, халқ маданиятининг асосий соҳаларини аниқлашга интилдик. Натижада, этномаданият ва унинг таркибий қисми бўлган анъанавий халқ маданияти тизимининг таркибий қисмида: халқ донишмандлиги, халқ фалсафаси, халқ эътиқоди, халқ педагогикаси, халқ одатлари, халқ ижоди, халқ ўйинлари, дам олиш маданияти, халқ пазандалиги, миллий либослар, халқ меъморчилиги, халқ амалий санъати, халқ табobati, халқ тур-

муш маданияти каби кўплаб соҳаларни ажратса бўлади.

Анъанавий халқ маданиятининг барча соҳаларида авлодларнинг дунёқарашлари, фалсафий тушунчалари ўз аксини топганлиги учун этномаданият таркибида халқ донишмандлигига алоҳида эътибор бериш лозим. Бунинг сабаби шундаки, халқнинг ғоя, фикр, билим, дунёқарашини ифода этган этномаданият кўринишини халқ фалсафий донишмандлигисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, халқ маданиятининг фалсафий - ғоявий мазмуни қанчалик чуқур бўлса, унинг шакли ҳам шунча бақувват, ижтимоий аҳамияти кучли, умри ҳам боқий бўлар экан.

Халқ маданиятининг асосий кўринишларини аниқлаш билан бирга ўзига хос хусусиятлари ва тавсифий белгиларини аниқлаш ҳам катта илмий қийматга эгадир.

Оддий меҳнаткаш халқ оммаси маданий - ижодий фаолият билан асосан, ишдан ташқари, яъни бўш вақтида машғул бўлади. Эндиликда ҳанузгача деярли ўрганилмаган анъанавий дам олиш маданиятига алоҳида эътибор бериш лозим бўлмоқда. Шу сабабли халқ орасида машҳур бўлган мавсумий дам олиш анъаналари ("Гул сайли", "Сув сайли", "Тоғ сайли", "Боғ сайли", "Гап-гаштак" кабилар) ҳамда турли тарихий жараёнларда маданий - маърифий ҳордиқ чиқариш масканлари (Эркаклар уйи, Оташхона, Ийдгоҳ, Маданий боғлар, Таробхона, Томошагоҳ, Сайлгоҳ, Ўйингоҳ, Чойхона кабилар) тажрибаси диққатга сазовордир.

Халқ ижодий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, жумладан, халқнинг оғзаки, мусиқали, амалий, театр - томошавий деб аталган асосий ижод турлари жанрларини тиклашга оид услублар ишлаб чиқиш зарурати туғилмоқда.

Халқ оғзаки ижодининг аския, дoston, мушоира, лоф, кулги-ҳикоя, асотир (миф), афсона, эртак, латифа; анъанавий мусиқа ижодининг алла, ялла, ёр-ёр, алёр, терма, ашула, маросим қўшиқлари ва мусиқа фольклори асосида вужудга келган оилавий жамоалар, фольклор-этнографик гуруҳлар, халқ ҳаваскорлик жамоалари; халқ театр-томоша ижодининг масхарабоз, қизиқчи, дорбоз, муаллақчи,

найрангбоз, қўғирчоқбоз; халқ оммавий - безак ижодининг наққошлик, кулолчилик, ўймакорлик, зардўзлик, тўқимачилик; табиат билан боғлиқ бўлган ижоднинг ранг-баранг тур ва жанрларини таҳлил қилиш асосида шундай хулосага келиндикки, улар авлодлар онгини, бадий тафаккурини, эстетик қарашларини тараққий эттирибгина қолмай, балки ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида ижодкорликни ривожлантирган, халқни ўз тарихи ва тақдири ҳақида ўйлашга, бунёдкорлик қилишга ундаган. Шунинг учун, ижодий меросни тиклаш ва камол топтириш халқнинг барча ижтимоий-маданий соҳаларидаги фаоллигини оширишда муҳим омил бўлади.

Халқ педагогикаси минг йиллар давомида қарор топиб, юзлаб авлодларни тарбиялаш жараёнида вужудга келган илғор ахлоқий ғоялар, тажрибалар ва усулларни ўзида умумлаштиргани учун, у фақат тарихий-маданий кадриятлар сифатида намоён бўлибгина қолмай, балки ҳозирги замон таълим-тарбия тизимини такомиллаштиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунончи, халқ педагогикаси кадриятларидан фойдаланиш замонавий таълим-тарбия, маданият тизими фаолиятининг самарадорлигини ошириб, ижтимоий ҳаётда одамият-инсонпарварликнинг янада камол топишига зарур имкониятлар яратиб берди. Халқ педагогикасига оид тажрибалар, анъаналарни ўрганиш натижасида тарбиявий жараённинг самарали бўлишига хизмат қилувчи “Тағ мақсад (тағ маъно)”, салбий тарбиявий жараённи келтириб чиқарувчи “хуфия тарбия” - ҳамда катта қимматга эга бўлган ва асрлар оша синалган “устоз - шогирд” анъаналарига алоҳида ўрин бериш муҳим экан.

“Анъанавий халқ маданияти” дейилганда кенг маънода этноснинг ҳаётидаги барча кадриятлар тушунилса ҳам, унинг туб маънодаги негизини халқ анъаналари ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам халқ анъаналарини ўрганиш ўзбек маданиятшунослигининг асосий вазифаларидан бирига айланмоғи лозим.

Анъаналар халқнинг тарихий шаклланиши ва ривожланиши жараёнида яратилган ва авлодлардан авлодларга

муқаддас мерос сифатида ўтиб келаётган бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади. Этнос-миллатнинг асосий белгиларидан бирига айланган ҳолатларни асраш ва камол топтириш ҳар бир авлодларнинг муқаддас бурчига айланган. Анъанавий халқ байрамларининг тикланиши ўзбек маданияти тарихида ўта муҳим воқеа бўлиб қолмоқда. Чунки, байрамлар ҳаётнинг энг яхши томонларини ўзида мужассамлаштирадиган ва акс эттирадиган кўзгу сифатида халқ маданиятининг йирик ва муҳим шакли ҳисобланади. Шунинг учун азалий маданиятнинг энг қимматли томонларини қоидалаштиришга замин яратилди.

Барча даврларда байрамларга эътибор берилган бўлса-да, уларнинг даражаси турлича бўлган. Масалан, Шўролар давлати ўз давригача мавжуд бўлган барча азалий байрамларни инкор этиб, янги совет байрамларини ҳаётга жорий этмоқчи бўлди. Шунинг учун, совет байрамлари тизими худди унинг сиёсати каби инқирозга учради.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон раҳбарияти энг аввало, халқимизнинг эҳтиёжи, орзу - истакларини ҳисобга олиб, азалий байрамларни тиклашга ва янги истиқлол байрамларини шакллантиришга катта эътибор бера бошлади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов фармонлари асосида “Наврўз”, “Рўза ҳайит”, “Қурбон ҳайит”лар расман тикланиб, халқ ўртасида кенг нишонлана бошлади. Шунингдек, истиқлолни шарафлайдиган икки байрам “Мустақиллик куни” ва “Конституция куни” жорий этилди. Ўз навбатида Ўзбекистон раҳбарияти Шўролар даврида пайдо бўлган барча байрамларни таъқиқламади. Улар орасида умуминсоний ғоя ва қадриятларни тарғиб қилувчи “Янги йил байрами”, “Хотин-қизлар байрами” кабилар сақлаб қолинди.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг асосий давлат байрамлари асосан шаклланган бўлса-да, азалий байрамларни тиклаш жараёни тугаган, деб ҳисоблаш нотўғри бўлади. Бу борада ҳали бажариладиган ишлар ҳам кам эмас. Бир томондан, азалий байрамлар билан бирга уларга хос одатлар ва анъаналар тикланиши даркор. Иккинчи томондан,

мустиқиллик даврида пайдо бўлган тарихий - маънавий қадриятлар билан ҳам бойитилмоғи лозим.

Маълумки, оилавий маросимлар ўзбек халқ анъаналарининг асосий ва муҳим қисмини ташкил этади. Оилавий маросимларнинг кўпи болалар ҳаётидаги муҳим воқеаларга бағишлангани учун ҳам ёшларнинг маънавий камол топишида муҳим ўрин тутади.

Маълумки, ўзбек халқи тўйпараст халқ. У тўй қиламан, эл дуосини оламан, бошқаларни қувончимга шерик қиламан деган мақсадда яшайди. Шунинг учун тўй ўзбек миллати ҳаётида муқаддас ҳодиса ҳисобланади. Бироқ совет даврида ўзбек оилавий маросимларининг бир қисми таъқиқланди, иккинчиси, таъқиқлаш мумкин бўлмаганлари (масалан, “Никоҳ тўйи”) янгича умум совет анъаналари асосида ўзгартирила бошланди.

Оилавий қадриятларнинг тикланиш жараёни миллий-маънавий тикланиш жараёнидаги муҳим ҳодиса бўлди. Аммо ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида, бир иқтисодий ҳолатдан иккинчисига ўтиш пайтида оилавий маросимларга оид муаммоли ҳодисалар ҳам кўзга ташланмоқда. Масалан, кўпгина иқтисодий бақувват оилалар ортиқча дабдабали, ҳаддан ташқари ҳаражатлар билан исрофгарчиликка йўл қўйиб тўй ўтказса, кам ҳаражатли оилалар болаларнинг ризқини қийиб, қарзга ботиб тўй қилишмоқда. Кўпгина маросимлар, масалан, “Бешик тўйи”, “Суннат тўйи” оила, қўни-қўшни ва қариндошлар ўртасида ўтказилиш ўрнига, дабдабали байрамга айлантириб юборилмоқда.

“Никоҳ тўйи”га оид “Нон синдириш”, “Келин кўрди”, “Келин чорлар”, “Қуёв чақирди” каби одатлар алоҳида - алоҳида тадбирга айланиб кетмоқда. Улар ортиқча дабдаба ва катта ҳаражатсиз, ихчам шаклда, оила аъзолари, яқин қариндошлар иштирокида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Жойларда катта тўйга айланиб кетаётган “Туғилган кун”, “Бешик тўй”, “Суннат тўй”, “Пайғамбар ёши” каби маросимлар ҳам кичик, ихчам, оилавий тадбир сифатида яқин қариндош ва қўни-қўшнилар иштирокида нишонланишни тақозо этади. Ҳозирги ўтиш қийинчиликлари дав-

рида эгалари ўз бойликларини тарғиб қиладиган - “Қийим кўрди”, “Сарпо ёзди”, “Тугун қайтди”, “Эшик очди” каби ортиқча маросимлардан воз кечиш керак бўлмоқда. Ҳозирги кунда тўйнинг моддий томонига эмас, балки маънавий жиҳатларга алоҳида урғу бериш лозим.

Жойларда мол олиш, мол бериш, уй жиҳози, мебель, сарпо, совға ва бошқалар устувор бўлиб, тўйларнинг маданий, ахлоқий томонлари кейинги ўринларга тушиб қолмоқда. Тўй базмларини ҳам мазмунли, файзли, яхши бадий савияда ўтказишга жиддий эътибор бермоқ лозим. Жойларда шаҳар, туман, хўжалик раҳбарлари ёш келинкуёвларга моддий ва маънавий ёрдам бериш кераклигини сира ҳам унутмаслиги лозим. Хуллас, оилавий маросимларга оид муаммолар кўп. Уларни ҳал қилиш учун жойларда - туман, шаҳар, маҳаллаларда нуфузли ва обрўли кишилардан ташкил топган оилавий маросимлар кенгашлари (тўй комиссиялари) ишлаб турса айни муддао бўлар эди. Бу кенгашлар маҳаллий шароитдан ва иқтисодий аҳволдан келиб чиқиб, жойлардаги оилавий маросимларнинг муносиб ривожланишига ёрдам бериши табиийдир.

Халқ анъаналарига оид тадқиқотларимиз, чунончи, Марказий Осиё халқларининг минг йил ичидаги юзга яқин байрам ва маросимларига оид тўпланган маълумотлар таҳлил натижасида қуйидагилар маълум бўлди: Инсоннинг табиий - ҳаётий эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган маросим ва байрамлари асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уларга сиёсий вазиятлар, турли давлат, сулолаларнинг маҳв этилиши, ҳукмдорлар, истилочиларнинг келиб кетишлари, ҳаттоки ҳудуддаги аҳоли таркиби ўзгаришлари ҳам таъсир этмайди. Иккинчи туркум байрам маросимлар эса маълум вақтдан сўнг ўзгариши ёки бошқа янги байрамлар вужудга келиши учун асос бўлиши мумкин. Учинчи гуруҳ маросим ва байрамлар эса муайян давр сиёсати, давлат ёки ҳукмдорларнинг хоҳиш-иродаси сифатида вужудга келади, ўшалар билан биргаликда яшайди ва ўз тарихий вазифасини бажариб бўлгандан сўнг барҳам топади.

Халқ анъанавий маданияти борасида сўз борганда, ёшлар камолотида муҳим ўрин тутадиган халқ ўйинларига алоҳида тўхталиш лозим. Бунинг сабаби қуйидагилардан иборат: биринчидан, ўйинлар - аждодларимизнинг энг қадимий тарихий қадрияти, кўпгина маданият шакллари чашмаси - рақс, театр, спорт, маросимлар кабилар айнан ўйинлар заминида келиб чиққан ва тарихий жараёнларда ўйинлар аждодларимизнинг соғломлаштирувчи воситаси бўлиб келган; иккинчидан: ота-боболаримиз халқ ўйинлари ва мусобақалари ёрдамида ақлан расо, руҳан тетик, жисмонан бақувват бўлиб келган; учинчидан, ўйинлар фақат маънавий мерос бўлиб қолмасдан замондошларимизни, айниқса, ёшларимизнинг ақлий, руҳий ва жисмоний баркамол бўлишида ўта муҳим ўрин тутадиган манбадир.

Ўйинлар - энг қадимий маданият шаклларида бири. Улар кўпгина санъат турлари (рақс, театр), маросим, спорт кабиларнинг сарчашмасидир. Биз шунга алоҳида эътибор бериб, Фориш ноҳиясида 1985 йилдан бошлаб унутилган халқ ўйинларини ўрганиш (1985-86 йил) тиклаш (1987-91 йил) ва тарғиб қилиш (1991-93 йил) бўйича тажрибалар олиб бордик. Бунинг натижасида, 100 га яқин ўйинлар тикланди. Мазкур тажриба натижалари анъанага айланиб, ҳар йил ўтказилиб келинаётган "Халқ ўйинлари" байрамлари олимпиадаси, қатор фильмлар ва оммавий ахборот воситаларида, тадқиқотларда ўз аксини топди. Тажриба асосида халқ ўйинларини тиклаш ва ривожлантириш йўллари белгиланди.

Республикамизда халқ ўйинларининг тикланишида ҳам айнан Жиззах вилояти Фориш тумани тажрибаси диққатга сазовор бўлди. Бу ерда аввалига бир мактаб, қишлоқ, кейин туман, сўнгра вилоят ва ниҳоят, республика даражасида тикланган халқ ўйинлари бўйича мусобақалар уюштирилди. Форишда 1994-96 йилларда Республика 1-11 Олимпиадалари ўтказилиши ўлкамизнинг турли жойларида азалий халқ ўйинларига бўлган қизиқишни кучайтириб юборди.

Шу нарсани қувонч билан қайд этиш керакки, ўйинни жон дилдан севадиган ёшларимиз аждодларимизнинг ўйинларига катта қизиқиш билан қарашмоқда. Форишда ўтка-

зилган олимпиада мусобақаларининг иштирокчилари асо-сан, ўспирин-ёшлардан ташкил топди. Бу эса XX аср ўрта-ларида унутилган анъаналарнинг аср охирида тикланиб, ёшлар томонидан ўтказилганидан далолат беради.

Халқ ўйинларини тиклаш жараёнида ҳам ўзига хос муам-молар йўқ эмас. Масалан, азалий мусобақаларнинг спортга яқин турларига кўп эътибор берилмоқда. Бироқ ўйинларнинг ҳаракатли томонига эътиборни кучайтириб, урғу бериб, ру-хий томони унутилиб қўйилмоқда. Холбуки Шарқ ўйинлари-да олдинги ўринда руҳият, кейин жисмоният турган. Аждод-ларимиз фойдаланган сўз ўйинлар, ақлли ўйинлар, рақсли ўйинлар, сюжетли театрлаштирилган ўйинлар ҳам диққат талаб қилмоқда. Халқимизда инсонни ҳар томонлама барка-мол қиладиган анъаналар, ўйинлар, мусобақалар яратил-ган, улардан нафақат саралаб, балки анъанавий ўйинлар тизимидан яхлит шаклда фойдаланмоқ ҳам керак.

Маданий меросимизнинг бир қисми бўлган, авлод - аж-додларимизга асрлар мобайнида рух, жон ва соғлиқ ато этиб келган халқ ўйинларини жонлантириш - миллий қиёфа-миз, маънавиятимиз ва қадриятимизнинг муҳим қисмини тиклаш демакдир. Уларни кўз қорачиғидек асраш, эъзоз-лаш ва улардан оқилона фойдалана олиш муқаддас иш экан-лигини унутмаслигимиз керак. Ана шундай қила олсак ўзи-мизнинг ҳам, келажак авлодларимизнинг ҳам, халқ ибора-си билан айтганда “жону тани омон бўлади”.

Анъанавий халқ маданияти ва унинг асосий кўриниш-лари (халқ донишмандлиги, эътиқоди, педагогикаси, анъ-аналари, ижоди, дам олиш маданияти, ўйинлари кабилар) инсониятнинг тарихий эҳтиёжлари асосида вужудга келиб, халқ ҳаётида ўзининг муносиб ўрнини топган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтган, такомиллашиб, ижтимоий та-раққиётда муҳим ўрин тутган. Улар ҳозирги замонда ҳам жамиятни маънавий камол топтириш учун муҳим омил сифатида хизмат қилади. Шунинг учун аждодларимизнинг бу бебаҳо меросини янада чуқурроқ ўрганишимиз, тикла-шимиз ва камол топтиришимиз учун ақл, куч ва ғайрати-мизни аямаслигимиз лозим.

#### 4. Халқ маданиятини ривожлантиришга оид муаммолар

Маълумки, ҳаёт ўз жойида турмайди. Тараққиёт хоҳлай-мизми йўқми, олдимизга муайян муаммоларни қўйиб туради.

Албатта, ижтимоий-маънавий соҳаларнинг бири - халқ анъаналари доирасида ҳам ютуқлар билан бирга ўзига хос муаммолар мавжуд. “Нур борки, соя бор!”. Нур қанчалик кучли бўлса, соя ҳам кучли кўринади. Соҳа қанчалик ривож топса, унинг муаммолари ҳам шунчалик кўпайиб боради. Ўз муаммоларини билмаган ва кўрмаган, уларни бар-тараф қилишга интилмаган жамият ичидан “чирийди” ва аксинча, муаммоларни олдиндан сезиб, уларни ҳал қилишга ҳаракат қилган халқ тараққиёт йўлидан боради. Маънавият соҳасида вужудга келаётган муаммоларни ҳал қилмасак, улар борган сари катталашиб ва мураккаблашиб бораверади ва тараққиётга тўсқинлик қилади. Қўйида маънавият соҳасининг энг муҳим муаммоларига тўхталамиз.

Биринчи муаммо: маданият амалиётини равақ топтириш учун, энг аввало, бу соҳанинг илмини ривожлантириш лозим. Шундай қилсак, маданият илми бу соҳа амалиётида вужудга келган муаммоларни аниқлаш ва ҳал қилишга кўмак беради. Гап шундаки, маданият муаммоларини бевосита тадқиқ этадиган махсус марказ ҳозиргача республикамизда йўқ, Бу соҳага оид ташкилотлар (масалан, Республика “Маънавият ва маърифат” маркази, Республика маданий-маърифий ишлар ва халқ ижоди илмий-методик маркази, Таълим маркази ва бошқалар) кўпроқ ташкилий ва тарғибот ишлари билан машғул бўлиб, улар илмий фаолият билан махсус шуғулланмайдилар. Бу иш уларнинг вазифаларига кирмайди ҳам. Мазкур соҳага яқин бўлган бошқа илмий - тадқиқот институтлари (масалан, Санъатшунослик институти, Тил ва адабиёт институти ва бошқалар) санъат, адабиёт, тил, халқ ижоди бўйича хусусий тадқиқотлар билан машғул бўлиб, улар бевосита маданият муаммолари билан шуғулланишмайди. Хуллас, мадани-

ятнинг умумий ва ўзига хос муаммолари билан шуғулланадиган махсус илмий - тадқиқот маркази тузилса, у халқ маданиятининг амалий равақ топишига хизмат қилган бўлар эди.

Иккинчи муаммо: маънавиятнинг моддий заминини мустаҳкамлаш билан боғлиқ. Аёнки, маданиятсиз (чунончи, унинг таркибий қисмлари - илм, фан, маърифат, ахлоқ, дин, санъат кабиларсиз) моддий ҳаётнинг тараққий этиши қийин бўлади. Ўз навбатида маданият ҳам моддий заминсиз равақ топа олмайди. Агар маънавиятнинг моддий "томири" бўш бўлса, у яхши равақ топа олмайди. Масалан, маънавият билан машғул бўлаётган зиёлилар давлат томонидан яхши моддий таъминланмаса, яъни уларнинг даромади ўзига, оиласига етарли бўлмаса, улар ҳаёлини қўшимча даромад топиш эгаллаб, ўзининг маънавий соҳадаги касбига (ойлигига яраша) енгил қарайди. Ҳар бир маънавий соҳадаги мутахассис ўз касбига енгил қараса... - натижада, маънавият тараққий этмаслиги маълум. Маънавият яхши тараққий этмаса, бизга маълум бўлганидек, моддий соҳада ҳам ривожланиш бўлмайди. Шундай экан, маънавий кадрлар билан шуғулланаётган мутахассислар моддий ва руҳий кадрлар турилса, уларнинг асосий вақти ва ҳаракати маънавиятга сарфланади.

Учинчи муаммо: мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Маълумки, фуқароларни маънавий камол топтириш учун маданият масканлари тизимидан маҳорат билан фойдаланиш керак. Бундай тизим ҳали мукамал бўлмаса-да, бироқ мавжуд театр, концерт ташкилотлари, клуб, маданият уйлари, музей, кутубхона, истироҳат боғлари каби масканлар инсонни маънавий камол топтириш учун улкан имкониятларга эга. Бироқ, жойларда уларга керакли даражада эътибор бермаётганлари учун улар фаолсизланиб қолмоқда: кўпгина театр, клуб, кутубхона ва бошқа масканларга одамлар деярли кирамай қўйган. Хуллас, жойларда аҳолининг маънавий камол топишига кўмаклашиш учун, бир томондан маданият масканлари тизимини мукамаллаштириш, иккинчидан, мав-

жуд маданий масканлар имкониятларидаи самарали фойдаланишимиз даркор.

Тўртинчи муаммо: кадрият бунёдкорларининг кадрла-ниши билан боғлиқ. Очигини айтганда, кейинги пайтларда менеджер, бизнесмен каби нисбатан янги ихтисосликларга қўпроқ эътибор бериб, тараққиётда бош роль ўйнаб кел-ётган мутахассисликларга кам эътибор берадиган бўлиб қолдик. Жойларда турли даражадаги йиғинларга, асосан, амалдорлар таклиф қилинадиган бўлди, лекин раҳбар бўлмаган мутахассислар четда қоладиган ва уларнинг фикри билан ҳеч ким қизиқмайдиган бўлиб қолди. Тўғри, мутахассислардан янги раҳбарлар тайинланаяпти (бу яхши албатта), бироқ барча яхши мутахассислардан ҳам етук раҳбарлар чиқавермайди. Улар раҳбарларга маслаҳатчи бўлмоқлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бирок, фақатгина ўзини ўйлайдиган раҳбарларгагина - мутахассислар “халақит” бериши мумкин. Шунинг учун, маълум тоифадаги раҳбарлар ўз атрофига мутахассисларни эмас, лаганбардор - мутахассисларни йиғишмоқда. Ишхонадаги қисқартиришлардан фойдаланиб, айнан мутахассисларни қисқартиришга интилаётганлар ҳам кам эмас.

Вазирликлар, ҳокимият бўлимлари ва бошқа жамоаларда мутахассислардан ташкил топган маслаҳатчи кенгашлар тузилса, айнаи муддао бўлар эди. Айниқса, бундай маслаҳатчи кенгашлар маънавият соҳасига жуда зарур. Ўлмас Умарбеков Маданият Вазири бўлган даврда Вазирлик қошида маданиятнинг барча соҳалари бўйича мутахассислар кенгаши мавжуд эди. Бу кенгаш маданият равнақи учун яхши маслаҳатлар берар эди.

Тарихий жараёнда зиёли - мутахассислар ижтимоий ҳаётни тараққий эттиришда асосий ўрин тутгани барчага маълум. Аждод - бобокалонларимиз -Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Бобур, Улуғбек, Фитрат каби буюк маънавият дарғалари жаҳонга машҳур ишларни амалга ошириб, нафақат Ватанимиз, балки бутун инсоният тараққиётига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Ҳозирги кун зиёлилари ҳам мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз ҳиссаларини

қўшишлари шубҳасиздир. Маънавий қадрият билан шуғулланаётган мутахассислар ҳар томонлама қадрланишса - маънавий тараққиёт олга силжийди.

### *5. Этномаданиятни камол топтириш йўллари*

Анъанавий маданиятни тадқиқ қилишдан асосий мақсад, аجدодларимиз томонидан яратилган бебаҳо меросни асраш ва тараққий эттиришдан иборат. Шунинг учун, тадқиқот натижалари асосида халқ маданияти анъаналарини тиклаш ва ривожлантиришга оид асосий йўналишлар, шохобчалар ва ижтимоий-маданий услубиятлардан ташкил топган тамойилларни аниқлашга интилдик.

Анъанавий халқ маданиятини тиклаш ва тараққий эттириш тенденциялари таркибида уч бош йўналиш мавжуд.

Биринчи йўналиш - одамлар истиқомат қилаётган жойларда, оилаларда бебаҳо қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш;

Иккинчи йўналиш - давлат маданият муассасалари - клуб, маданият уйи, кутубхона, музей, маданият ва истироҳат боғлари, маданий марказларда маънавий меросни тиклаш ва тараққий эттириш;

Учинчи йўналиш эса халқ маданияти анъаналарини юқори поғоналарда - туман, вилоят, республика ва халқаро миқёсда тарғибот қилиш йўлларини такомиллаштириш;

Ҳар бир уч йўналиш ҳам ўз навбатида уч асосий шохобчага бўлинади. Уларнинг заминида умумий ижтимоий-маданий услубият ишлаб чиқилди. У тўрт поғонали жараёндан ташкил топди.

Хуллас, анъанавий халқ маданиятини сақлаш, тиклаш ва камол топтириш учун қуйидаги поғоналарда иш олиб бориш лозим:

1. Халқ маданияти дурдоналарини тарихий-маънавий мерос сифатида, асл ҳолида, анъанавий шаклда асраш;

2. Замонавий (жумладан, бошқа халқлардан ўтган) маданий шаклларни анъанавий элементлар ҳисобига бойитиш;

3. Халқ анъаналари асосида ўзига хос замонавий миллий маданият шаклларини бунёд қилиш;

4. Келажакда хизмат қиладиган, истиқболли, янги этно-маданият дурдоналарининг яратилиши учун шароитлар ҳозирлаш.

Мазкур жараён анъанавий халқ маданиятини кенг қўламда тараққий эттиришга самарали хизмат қилади.

СОҒЛОМ АВЛОДНИНГ МАЪНАВИЙ ТОМИРЛАРИ.  
 ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ, АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ  
 ТАРБИЯСИ ВА ЭТНОМАДАНИЯТ

Масалалар:

1. Соғлом авлоднинг теран томирлари: жисмоний ва ақлий тарбиянинг халқона тизимлари.
2. Мустақиллик, этномаданиятнинг тикланиши, соғлом авлод – комил инсон тарбияси.
3. И.А.Каримовнинг миллий мерос ва қадриятларни тиклашдаги хизматлари.
4. Соғлом авлод ва этномаданиятимизнинг шарқона илдизларига яна бир назар.
5. Этномаданиятимизнинг тарбиявий-таълимий, ахлоқий-руҳий тизимлари.
6. Этномаданиятимизнинг комил инсон тарбиясида тутган ўрни ва роли.
7. Этномаданиятимизнинг жаҳоншумул аҳамияти.
8. Соғлом муҳит - соғлом авлод гарови.

Аждодларимиз асрлар давомида:

- Ёш авлодни билимли, уқувли, илм-билимли бўлиши, касб-ҳунар эгаллаши учун шароитлар яратган;

- Турли қадриятлар, расм-русмлар, одатларни амалга оширган;

- Ранг-баранг ҳаракатли ақлни ўстириш ўйинларини ўйлаб топган, ҳаётга жорий этган, бола тарбиясида: «Соғ танда - соғлом ақл» шиорига амал қилган;

- Соғлик, саломатликнинг ёшлиқдан, ҳатто ота-она қорнидан оқ қадрига етиш, вужуд соғлиги, ақл-тафаккур соғлиги, тиниқлиги, турмуш, оила, муҳит соғломлиги ҳақида бош қотириш лозим. Бунда албатта, дам олиб ҳордиқ чиқариш, маърифий-ижодий, ақлий-руҳий чарчоқлик, толиқшнинг олдини олишга ҳам алоҳида аҳамият берган.

Саломатликнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш, сақлаб ривожлантириш, камолга етказиш билан боғлиқ беҳисоб удумларимиз, одатларимиз орасида маърифий-ижодий ҳордиқ чиқариш, дам олиш алоҳида ўрин тутиши бежиз эмас. Булар:

1. Қадим-қадимлардан ота-боболаримиз, момо-онахонларимиз фарзандларининг покиза бўлишларига алоҳида эътибор берар эканлар, озодалик ва дам олишга энг асосий диққатни қаратганлар.

Маърифий-ижодий дам олдириш орқали (унинг турлари, тизимлари, усуллари жуда кўп бўлган) ёшларда, хусусан, болаларда хушдамлик, қувноқлик, дил-дилдан кула олишлик, яхши кайфият, вақтичоғлик, тетиклик, бардамлик, энг асосийси руҳий соғломлик руҳида тарбиялашдек омилларни қўллаганлар. Демак, соғлом, қувноқ, тетик танда руҳий соғлик бўлишини эсдан чиқармаган ҳолда иш тутганлар.

2. Ҳазил-мутойиба, аския, лутф, қизиқчилик, хиргойи, ширин сўз, ширин муомала, чиройли, ёқимли сўзларни қўллаш, амалга ошириш орқали болада маърифий-ижодий дам олиш, ҳордиқ чиқаришни, демак жисмоний ва ақлий соғлом бўлиб ўсишни таъминлаганлар. Маърифий-ижодий дам олиб, ҳордиқ чиқаришнинг уддасидан чиқа олганлар, уни тўғри, мақсадга мувофиқ ташкил эта олганларида соғлом авлоднинг етишиб чиқиши ва юксак фазилатларга эга бўлиши тажрибалар синовидан ўтган ҳақиқат эканлиги барчага аён. Халқ бежиз «Кулинг, кулиш умрни узайтиради», «Яхши кайфият - яхшиликка олиб боради. Ёмон кайфият ёмонликка олиб боради», - деб бежиз айтмаган.

3. Халқимиз маърифий - иждодий дам олиб, ҳордиқ чиқариш орқали ёш авлодни турли хил асаббузарликдан, арзир- арзимас гап сўзлари, майда-чуйда ишлардан жиғибийрон бўлиш, дилхунликка берилиш, руҳан эзилиш каби инсон умрини қисқартирувчи ҳолатларга йўл қўймаган. Бунинг давоси ҳам маърифий-ижодий ҳордиқ чиқариб, дам олдириш бўлган. Бунда халқ оғзаки иждоди намуналари, дostonлар айтиш, қўшиқлар куйлаш, эртаклар айтиш, мақоллар, ҳикматли сўзлар, топишмоқлар, тез айтиш,

болалар фольклорининг хилма-хил жанрларидан фойдаланиш, халқ миллий ўйинларини ўйнатиш, адабиёт, санъат, тарих ва бошқаларни қўллана билиш орқали, бадиий сўзни ишга солиш, яхши амалларни амалга ошириш билан бажарилган.

Халқнинг таъкидлашича, аъмолларнинг тасдиқлашича, кулгу шифобахш чашмадир. Кулгу - соғлик, яхши кайфият, тетиклик ва бардамлик, жисмоний бардам-бақувватлик, ақлий-руҳий тетиклик, ҳаётга, келажакка умид-орзу, яшашдан қаноат ҳосил қилиш, тотувлик, ишонч, эътиқод омилдир.

Кулгу нафақат соғлом авлод тақдирида, балки ижтимоий фаолиятда, маънавий-ижодий ҳордиқ чиқариб, дам олиш, руҳни тетиклаштириб, ҳаётга муҳаббатни ошириш, яшаш истагини кучайтиришдир. Ҳа, кулгу, яхши кайфият оқилона ташкил этилган маърифий-ижодий ҳордиқ чиқариб, дам олдириш - ҳар қандай одамни яшартиради, умрига умр қўшади, ишда унумни оширади, оила, жамиятда яхши муҳит яратади.

Унинг яна бир ҳусусияти, жаҳлни туширади, ёмон кайфият, ҳолат, вазиятни яхшилик томон буради.

Ёмон кайфият, жаҳл эса - инсон умрини эговлайди, бевақт хазон бўлишига олиб келади. Кулгу, лутф, яхши кайфиятни таъминловчи маърифий-ижодий ҳордиқ чиқариб, дам олишнинг ижтимоий аҳамияти, умримиз узайиши, соғлом авлод етказишдаги ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган аҳамияти ҳам ана шунда.

4. Халқимизда «Саёҳат - танга роҳат», «Яхши дам меҳнатга ҳамдам», «Бир нафаслик роҳат, Сулаймон тахтидан афзал», «Яхши дам олдинг -ишингга унум солдинг» каби ўнлаб мақоллар, иборалар, керак сўзлар, кўпдан-кўп афсона ва ривоятлар ва бошқаларда дам олиб, ҳордиқ чиқаришнинг киши саломатлиги, руҳан тетиклиги, ақлий ва жисмоний камолоти борасидаги аҳамияти теран ифодаланган.

Шундай қилиб, дам олиб, ҳордиқ чиқаришнинг фойдали томонлари халқона одобноманинг саҳифалари беҳисоб. Хуллас, соғлом авлод, комил авлод тарбиясида дам олиб,

ҳордиқ чиқаришнинг, яъни маърифий-маданий ҳордиқнинг кўринишлари тахминан шундай:

1. Оилада маърифий-ижодий ҳордиқ чиқариб, дам олиш. Бунинг усуллари, тизимлари беҳисоб.

2. Жамоа жойларида маърифий-ижодий дам олиб, ҳордиқ чиқариш. Бунинг ҳам ўзига хос йўллари, услублари жуда кўп.

3. Саёҳатлар, туризм йўллари билан маърифий-ижодий дам олиб ҳордиқ чиқариш;

4. Якка тартибда, жамоа бўлиб, маърифий-ижодий дам олиб, ҳордиқ чиқариш;

5. Зиёрат жойларга, қадимий масканлар - қўхна шаҳар қолдиқлари, қалъалар, қўрғонлар, қадам жойларга бориб дам олиб ҳордиқ чиқариш;

6. Табиат кўйнига - тоғу тошлар, қир-адирлар бағрига, сойлар, кўллар, дарёлар бўйларида сўлим гўшалар ва бошқа жойларда маърифий-ижодий дам олиш ва ҳордиқ чиқариш;

7. Маданият ва истироҳат боғларида, ҳайвонот боғларида, ботаника боғлари-ю, санъат, адабиёт, тарих, этнография, табиат, спорт, тиббиёт, турли фанлар, касб-ҳунарга оид музейлар, кўргазмалар, анжуманларда маърифий-ижодий дам олиб ҳордиқ чиқариш ва ҳоказо.

Маърифий-ижодий дам олиб, ҳордиқ чиқариш масканлари, усуллари қанчалик кўп бўлса, унинг манбалари, услублари, йўл-йўриқлари ҳам шунчалик кўп ва хўб. Улардан оқилона ва мақсадга мувофиқ тарзда фойдалана билиш, соғлом авлод - комил авлод тарбиясида қўллана билиш сиз билан бизнинг топқирлигимизга, уддабуронлигимизу оқилона иш тутишимизга, қолаверса илмимиз-билишимиз ақл ва идрок билан иш тутишимиз одоб-ахлоқимизу тажрибаларимизга боғлиқ. Биз ёш авлодни соғлом, тетик, бардам-бақувват, қисқаси ақлий ва жисмоний комил инсонлар қилиб тарбиялашда, маърифий-ижодий дам олиб, ҳордиқ чиқаришнинг, ота-боболаримиз, зукко онахон-момоларимиз яратган бой ва бетакрор меросдан шундай оқилона фойдаланишни, ёшларимиз, замонамиз, давлатимиз, мустақиллигимиз, президен-

тимиз талабларига муносиб фарзандлар бўлиб етишишини истаймиз. «Соғлом авлоднинг теран томирлари ҳам, мақсад-вазифалари-ю, пировард, оқибат натижаси ҳам ана шу ма-саланинг тўғри ва ҳаққоний ташкил этилишига ҳам боғлиқ.

Нима учун мустақилликнинг илк қадамларидаёқ мамла-катимиз, давлатимиз, унинг биринчи Президенти И.А.Ка-римов соғлом авлод, унинг комил инсон бўлиши, иймон-эътиқодда бутун, маънавият, маърифатда устивор бўли-ши учун катта аҳамият беришди? Бунинг туб моҳияти, мазмуни нималардан иборат?

Бунинг учун дарсда қуйидаги саволларга жавоб бера-миз:

1. Соғлом авлоднинг теран томирлари.
2. Соғлом авлод - комил авлод.
3. Соғлом авлодни камолга етказишда маърифий ва ижо-дий ҳордиқ чиқаришнинг аҳамияти.

*Соғлом авлод: ўтмиши, бугуни ва келажагида  
этномаданиятнинг роли ва урни*

Аслини олганда, табаррук заминимиз, она Ватанимиз, жафокаш ва мард халқимизнинг бугуни, эртасининг маъ-но-мазмуни, келажаги буюк давлатларни, қолаверса, ота-боболаримиз орзу қилган ва мустақиллигимизни амалга ошира бошлаган буюк ишларни амалда бажариш, ниҳоя-сига етказишни соғлом авлод бажаради, амалга оширади.

Соғлом авлод эса соғлом оилада, соғлом ота ва онадан пайдо бўлади ва ривожланиб камол топади. Юқоридаги қоидаларда ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, Президентимиз соғлом ҳаёт тарзини барқарор этиш йўлидаги учта мақсад-га интилишни эслатиб ўтди. Булар:

1. Соғлом ва оқил фарзандлар тарбиялаб ўстириш, ко-мил инсонларни вояга етказиш;
  2. Оиласи ва фарзандлари учун иморат қуриш, қулай шарт-шароит яратиб бериш;
  3. Яхши ният, орзу-умидлар билан дарахтлар ўтказиш;
- Соғлом авлоднинг вужудга келиши ва оиладаги муҳит. Бу муҳитни барқарор этувчи эр-хотиннинг соғ-саломатли-

ги, ўзаро муомала-муносабатлари, ишонч-эътиқодлари тарбияни тўғри йўлга қўйишлари, қолаверса ижодий-маърифий дам олиб ҳордиқ чиқаришларни тўғри ташкил қилишлари билан бевосита боғлиқдир.

Хуш, соғлом авлоднинг жисмоний хислат-фазилатлари ва уларни шакллантириш, тарбиялаб вояга етказиш, камол топтиришда бошқа манбалар, асослар қаторида маърифий-ижодий ҳордиқ чиқаришнинг ўрни, роли ва аҳамияти нималардан иборат?

Энг аввало, соғлом авлодга хос хусусиятлар, белгилар, шакл-шамойиллару талабларни санаб ўтайлик: Соғлом авлод-комил авлод учун: Ватан ва ватанпарварлик, дўст-биродарлик ва аҳиллик, меҳнат ва меҳнатсеварлик, илм-касб хунарга ўта меҳр-муҳаббат, донолик ва зукколик, яхши сўз ва яхшилик қила олиш, камтарлик ва хокисорлик, мардлик ва ботирлик, тўғрилик ва ҳалоллик, тўғри сўзлилиқ ва адолатлилиқ, ҳушёрлик ва сергаклик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик, саҳийлик ва саҳоватлилиқ, меҳмондўстлик ва одамхушлиқ, одамийлик ва инсонпарварлик, кадр-қимматни ўрнига қўйиш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззатлилиқ, оила ва ота-онага чексиз ҳурмат, эътиқод ва садоқатлилиқ, одоблилиқ ва ахлоқлилиқ, қариндош-уруғ ва маҳалла-қўй, кишиларга меҳр-оқибатлилиқ, умид, ишонч ва орзу-ҳаваслилиқ, сабр-қаноатли бўлиш, иқтисод, тежамкорлик, исрофгарчилиқка йўл қўймаслик, меъёрни билиш, вақт ва фурсатнинг қадрига етиш, фаҳм-фаросатлилиқ, гурур, виждон, ўзини англай олиш, ёшлиқнинг қадрига етиш, халқ удумлари, анъаналари, расм-русмлари-ю қадриятларини чуқур билиш ва қадрлай олиш, маърифий, ахлоқий-руҳий қонун-қоидаларга риоя қилиш, исломий одатларни иймон-эътиқодни чуқур билиш ва унга астойдил эътиқодда бўлиш, ақл ва идрок билан иш тутиш, илмни эгаллаш, унга амал қилиш, ўз эли-юртига содиқлик ва ўта меҳрибонлик, дўст, ёру биродарларга фидойилиқ, сўзлаш, кийиниш, кўча-қўй муомала одобини мукамал эгаллаш, саёҳатни ўрнатиш, тўрт унсур - олов, сув, ер, кўкнинг қадрига етиш, овқатланиш, ҳордиқ чиқариш, ижод қилиш, яратиш ва бунёдкорликни

тўғри ташкил қила олиш, қаноатли бўлиш, турли кайф қилувчи ичимликлар, нашавандлик, гиёҳвандликдан ҳоли бўлиш, қимордан йироқлик, турли-туман бидъатлар, ярамас хулқ-атвору шармандаликларга йўл қўймаслик, турли хил диний ақидалар, чунончи ақидапарастлик ва бизга ёт бўлган диний оқимлардан йироқ бўлиш, ўз Президентига садоқатлилиқ ва фидойилиқ, мустақиллик йўлида, озодлик, хурлик йўлида керак бўлса жонини ҳам тикиш, хорижий ёшлар билан дўстона муносабатда бўлиш ва бошқа инсоний фазилатлар, хислатлар мукамал бўлмоғи лозим. Шунингдек, ҳаётий ва диний қонун-қоидалар, донишмандлар ҳаётлари-ю аъмоллари, ҳикматларидан, халқ ижоди, адабиёт, санъат, тарих ва бошқа илм-фан соҳаларидан озми-кўпми хабардор бўлишлари ҳам талаб этилади. Айни чоғда, соғлом авлод жисман бардам-бақувват бўлиши, халқимизнинг сувга тушса чўкмас, ўтда ёнмас, ўқ-ёй олмас Алпомишлари, Барчинойлари, Рустамлари, Авазхонлари-ю Ҳасанхонлари каби мард, танги, жангар, қўрқмас, довюрак, паҳлавон, уддабурон бўлишлари, жисмоний жиҳатдан чиниққан, ҳар қандай қийинчиликлар, тўсиқлар олдида довдираб қолмаслик хусусиятларига эга бўлишлари талаб этилади. Яна бир масала: Соғлом авлод: худбинлик, ишёқмаслик, текинхўрлик, нодонлик, ёмонлик, бадхулқлилиқ, манманлик, қўрқоқлик, эгрилик, эгриқўллик, ёлғончилик, эҳтиётсизлик, калтабинлик, бахиллик, инсофсизлик, қадрсизлик, бевафолик, одобсизлик, оқибатсизлик, умидсизлик, орзуҳавассизлик, сабрсизлик, исрофгарчилик, мероссизлик, ношудлик, фаросатсизлик, хушомадгўйлик, лаганбардорлик, мутелик, жаҳолат, адолатсизлик, фирибгарлик, кибру ҳаво, бахиллик, қаноатсизлик, мастлик, душманлик, қора юраклилиқ, тирноқ ичидан кир қидириш, ҳасадгўйлик, хиёнат, қувлик, кўролмаслик, жанжалкашлиқ, ватангадолик, кафангадолик, оқпадарлик, онабезорлик, халқ қарғиши, отаона дуойибадлигидан холис, аксинча яхши дуо, олқишга сазовор бўлиш, ёмон хулқ-атворга эга бўлмаслик, хулқ-атворда, фазилатларда намуна бўлишлари талаб этилади. Соғлом авлод дам олиб ҳордиқ чиқариши, туризм ва саёҳат-

булар фаола қатнашган, уларни қадрлай оладиган ва улардан унумли фойдаланиб, ўзида мужассамлаштира оладиган кишилар бўлиши давр талаби, ҳаёт тақозоси.

Юқорида санаб ўтилган ижобий хислат-фазилатлар бир кишида жамулжам бўла оладими? Бунинг учун ота-она, қавм-қариндош, қўни-қўшни-ю маҳалла-қўй, муҳит соғлом бўлиши ҳам тақозо этилади. Ватан тинч, фуқаро осойишта, йўлбошчи ақлли, заковатли, тadbирли, ўз халқини жонидан ортиқ севувчи, фидойи бўлмоғи лозим. Биз шунинг учун ҳам бахтлимизки, ана шундай оилалар, маҳалла-қўйлар-у бошлиқларга энг биринчи ғамхўримиз соғлом авлод ҳаракатининг бошловчиси ва раҳнамоси йўлбошчимиз И.А.Каримовга эгамиз.

Энди маърифий-ижодий ҳордиқнинг ўрни, аҳамияти ва ролига келиб ушбуларни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман:

Инсоният дунёга келибдики, ёш авлоднинг жисмонан бардам-бақувват, ақлан соғлом-тетик бўлиб ўсишига алоҳида аҳамият берган. Халқона тизимларни, таълим-тарбия воситаларини, йўл-йўриқларини ишлаб чиққан. Маълумки, 1998 йилнинг 6 ноябрида мамлакатимиз пойтахти, жаҳонда тинчлик, меҳнат, меҳр-мурувват маскани деб тан олинган Тошкентда бўлиб ўтган ЮНЕСКО Кенгашининг 115 сессиясининг якуний йиғилишида янги тарихимиз, янги кадриятлар тизими тарихига, саҳифаларига олтин ҳарфлар билан битиладиган воқеа бўлди. Буни бутун инсоният, тарих тан олди. Дарвоқе, сессия кун тартибида «Дунё маданияти ва ЮНЕСКОнинг аъзо давлатлардаги фаолияти мавзуси муҳокама қилинган эди».

Юксак нуфузли халқаро анжуманда йўлбошчимиз И.А.Каримовга Абу Али ибн Сино номидаги олтин медал топширилди. Бу Президентимизнинг тинчлик, осойишталик, аксиология - кадриятшуносликка қўшган-қўшаётган ҳиссалари, қолаверса этномаданият, соғлом авлод, таълим-тарбия, маънавият, маърифат, одоб-ахлоқ борасида буюк хизматларининг тан олиниши ва уларга юксак баҳо эди.

Ана шу тарихий сессияда И.А.Каримов тарихий нутқ сўзлаб, унда шундай деган эди:

«Менинг назаримда, жаҳон маданияти ғояси ХХI асрдаги умуминсоний тараққиёт фалсафасининг манбаи бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя ўтган асрларда ҳам кўпқиррали ва бетакрор инсоният цивилизацияси ривожининг ўзаги, юксак маънавият ва инсонпарварлик ғояларининг асоси бўлиб хизмат қилган. Бу ғоя бугун ҳам дунёдаги тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш йўлида халқларни бирдамлик ва ҳамкорликка даъват этиши лозим. Мен умуминсоний қадриятлар ривожини ҳар бир халқ маданияти ва ўзига хослигининг ўзаро уйғунлашувида деб биламан».

Ўшанда яна қуйидаги сўзлар юрагимизга ўрнашиб бизни ҳайратга солган эди:

1999 йилда ЮНЕСКО шофелигида туркий халқлар дostonи «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги нишонланиши ҳам барча туркий забон халқлар учун улкан байрам бўлди... Учинчи минг йиллик ибтидосида биз ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимий цивилизациянинг давлатчилиқ ва зардуштийлик даври динининг пайдо бўлиши ва ривожланиши нуқтаи назардан бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган, умуминсоний тараққиётда ёрқин из қолдирган икки шонли сананинг гувоҳи бўлдик. Бу Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги ҳамда Хоразмда яратилган зардуштийликнинг муқаддас китоби - «АВЕСТО»нинг 2700 йиллиги юбилейларидир. >

ХХI аср бошланиши даврига келиб жаҳоннинг салоҳиятли файласуф, социолог, аксиологлари, этномаданият, педагогика, эстетика фани намоёндалари жаҳон ва хусусан Оврупода маданият ва маънавиятнинг боши берк кўчага кириб қолаётганлиги ҳақида куйиб-ёниб гапирётган, ёзаётган бир пайтда юртбошимизнинг бу сўзлари, таклифлари бағоят аҳамиятга молик бўлди. Маданиятни, хусусан этномаданиятни, унинг бетакрор намуналарини сақлаб қолиш, замонга хизмат қилдириш, таълим-тарбия, ахлоқий-руҳий фаолиятимизда фойдалана билиш, этномаданият анъаналари ва маросимлари асосида мустақиллик қадриятлари, тизимларини яратиш, ишлаб чиқиб, ҳаётга кенгроқ жорий этиш, янги авлод тарбиясида фойдаланиш, таълим ҳақидаги давлат қонуни, кадрлар тайёрлаш давлат дастури ти-

зимларини амалга ошириш борасидаги роли ва ўрни беқиёс-дир. Мустақиллигимиз, Давлатимиз, Президентимиз талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ана шу долзарб муаммоларни ҳал этишда этномаданиятимизнинг педагогик аҳамияти юксак. Шу нуқтаи назардан мазкур мавзуни этномаданиятимизнинг шарқона удумларини яна бир қайта кўздан кечириш орқали, унинг замонавий йўналишларини белгилаш, баҳолаш, миллий ва умуминсоний хусусиятларни ёритиш орқали ана шу масалага, яъни этномаданиятимизнинг ёшларни маънавий, маърифий, ахлоқий, руҳий тарбиялаш масаласига бағишладик. Аввало, шунини алоҳида таъкидлаш керакки, ўзбек этномаданияти, юқорида ўтилган мавзуларда қайта-қайта таъкидлаб ўтганимиздек, қамрови ниҳоятда кенг. Жуда бой, маъно-мазмуни ниҳоятда чуқур соҳадир. Шу боис унинг айрим саҳифаларига кўз ташлаш, ўқилмаган саҳифаларини варақлаш орқали мақсадга эришишни лозим деб топдик. Бу борада кўпроқ этномаданиятнинг олтин бешиги, дунё цивилизациясининг бетакрор бой маскани деб тан олинган Сурхондарё минтақасининг, яъни Жанубий Ўзбекистоннинг бир бўлагини танладик.

1. Алпомиш - этномаданиятнинг олтин саҳифаларидан бири.

Алпомиш дostonи барча туркий халқларнинг шоҳ асарларидан бири саналади. У йиллар, асрлар давомида эллардан-элларга ўтиб, аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келаётир. Аждодларимиз ижодий даҳосининг бебаҳо бадиий ёдгорлиги сифатида жаҳон халқлари эпик ижодиёти намуналари ичида алоҳида ўрин тутди.

Дoston мустақил ривожланиш даврида миллат бирлиги ва маънавий уйғониш, миллий гурур ва ўз-ўзини англаш рамзига айланган. Шу боис мазкур дostonнинг ёшлар тарбиясида, хусусан талабаларнинг маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий тарбиясидаги аҳамияти беқиёс. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу дostonнинг 1000 йиллигини кенг нишонлаш бўйича қарор қабул қилди. Дostonнинг катта тўйи ЮНЕСКОнинг 1999 йилдаги тадбирлари доирасида ўтказилди. Шунини эътиборга олганда бу тўй ўзбек этномаданияти, хусусан Сурхон-

дарё қадимий маданиятининг ҳам катта тантанасига айланаши табиийдир. Зеро, Алпомиш Ватани деб Сурхондарё - ана шу қадимий диёр деб тан олинган экан, бу ўлка этномаданиятининг шарқона илдизларини, асосий йўналишлари-ю шарт-шароитлари; тизимлари, тарихий тараққиёт босқичлари, нафосат ва уларнинг жаҳон маданият хазинаси олтин захирасида тутган ўрнини тадқиқ қилиш, танишишнинг аҳамияти ҳам бениҳоят катта. Уларнинг маънавий, маърифий, ахлоқий-руҳий ва комил инсон тарбиясидаги аҳамиятини белгилаш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамияти ҳақида кенгроқ фикр юритиш этномаданият фанининг энг долзарб муаммоларидан биридир.

Шуни ҳам алоҳида қайд этиш керакки, Сурхондарё замини илк ибтидоий одамзот макон топган жой сифатида жаҳон афкор оммаси, илм-фани томонидан тан олинган. Дарвоқе, Бойсунтоғ тизмалари бағридан ўрта палеолит даврига (мелоддан аввалги 100-40 минг йиллар) оид ибтидоий одам манзилларининг қолдиқлари топилганлиги фанга маълум. Ибтидоий одамзот яшаган давр, олимларимиз эътироф этганларидек, бундан қарийб бир миллион йил бурунги замонга тўғри келади.

Сурхондарё тоғларида яна тош даврининг сўнгги босқичи - юқори палеолитга (мелоддан аввалги 40-12 минг йилликлар) доир топилмалар ҳам талайгина, яна баъзи бир мисолларни куриб ўтайлик.

• Тешиктошдан (Бойсуннинг унгурларида) саккиз-тўққиз яшар бола - «Неандертал» одам топилган;

• Айритомда жуда қадимий манзиллар аниқланган;

• Маҷай ғори манзилидан қадимги даврга оид хилма-хил тош қуроллар топилган;

• Бойсуннинг Кўҳитанг тизмасидаги Зарқўтон дарасидан ёввойи буқани итлар ёрдамида овлаш манзараси қизил буюк билан тасвирланган суратлар жаҳонни лол қолдирди ва қолдирмоқда.

• Қадимги деҳқончилик воҳаси - Шеробод, Шўрчи, Бандихон ва бошқаларда қадимги илк шаҳар маданияти шаклланганлиги фанга маълум.

Сополлитепа, Миршоди, Муллали, Кампиртепа, Жарқутонди кўрғонлар, қалъалар, қабрлар мавжудлиги аниқланди.

Бу жойларда бугдой, арпа, шоли, пахта етиштириш маданияти кучли бўлган;

Сополлитепа манзилдан топилган ашёлар ўша даврдаги этномаданият, хусусан ашёлар - хунармандчилик, турмуш санъати ҳақида бой материаллар беради.

Бу ерларда хунармандчилик, хусусан металлургия (меҳнат ва муқаддас қуроллари, идишлар, безак, кўзгу), кулчилик, тўқимачилик, ёғочсозлик ривожланган.

Милоддан аввалги VIII-VII асрларда Сурхон воҳаси ўз даврининг қудратли давлати Бақтрия подшолигига қараган. Аҳолининг асосий дини зардуштийлик бўлган. Муқаддас китоб «Авесто»да Эрон ва Турон ерлари ҳақида гап кетганда Укуздан (Амударё) жанубда яшовчи аҳоли деҳқончилик билан шуғуллангани айтилади. Уларнинг юртини Турон дейилган. Демак, ҳозирги Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудига бепоён ерлар, жумладан, Сурхон воҳаси Турон ўлкаси деб атала бошлаган...

Милоддан аввалги 547 йилдан 539 йилларга қадар Бақтрия ахмонийлар сулоласидан бўлмиш Эрон шоҳлари томонидан босиб олинди, то Искандар юришига қадар Сурхондарё шу сулолага қарам бўлиб турди. Бу даврга оид археологик ёдгорликлар - этномаданият Қўҳитош ва Бойсун этакларидан Сурхондарё ва Амударё воҳасига қадар тушиб боради... Хуллас калом, султонлар ўрнини султонлар, подшоҳлар ўрнини подшоҳлар, бошқача иборалар билан айтганда, ҳукмдорлар ўрнини ҳукмдорлар эгаллайверди, маданият гоҳ ривожланиб, гоҳ сусайиб бораверди. Аммо, хусусан Кушон даврига келиб ёдгорликлар кўпайди ва хилма-хил бўлди. Ахмонийлар ва Юнон-Бақтрия давридан тахминан 40 манзил-шаҳар ҳозирча маълум бўлса, Кушон даврига оид 120 дан ортиқ шаҳар ва қишлоқ аниқланган.

Фаннинг аниқлашича, Сурхондарёдаги энг йирик шаҳар (яқинда унинг 2500 йиллиги нишонланди) Термиз эди. Демак, Чағониён, Термиз - катта шаҳарлар, Далварзинте-

па, Зартепа ўртача шаҳарлар, Жондавлаттепа, Талаштепалар эса шаҳарчалар бўлган. 120 та топилган ёдгорликлардан 40 таси катта шаҳарлар бўлган. Бу шаҳарларда илм-фан, касб-ҳунар, адабиёт, санъат, маданият, қисқаси, моддий-маънавий маданият ривожланган. Улар халқимизнинг бебаҳо олтин мероси ҳисобланади, маданиятимиз, маънавиятимиз қадимдан юксак эканлигини кўрсатади.

Баъзи шаҳарларни кўриб ўтайлик:

Айритом - бу шаҳарда Юнон-Бақтрия ва Кушон подшолигига оид ёдгорликлар кўп топилган. Хароба будда ибодатхонаси, хумдонлар, супача ва бир неча тепалик деворларини ўз ичига олган моддий-маънавий ёдгорликлар; зарб қилинган тангалар ва сопол идиш-товоқлар бунга далил бўла олади;

Далварзинтепа - бу ердан 1972 йили 36 кг олтин топилган; хазина сопол кўзада бўлиб, унда 115 хил тилла буюм бор эди! Булар: турли шаклдаги қуйма ёмбилар, гардиш буюмлар, билак узуклар, сирға, эркак ва аёлларнинг тақинчоқлари, нодир маржонлардир.

Тилла буюмлар орасида қуббали узук беҳад санъаткорона ишланган, унинг ўртасида афсонавий йиртқич ҳайвон тасвири туширилган. Четига қимматбаҳо тошлар қадалган Будданинг гипсдан ишланган қолдиқлари ҳам топилган. Ҳайкаллар орасида эркак калласи диққатга сазовор (расм-суратлар кўрсатилиб, изоҳ берилади, аҳамияти ҳақида сўзланади). Бу топилмалар Японияда (1988) Парижда (1995) намойиш қилинди, жаҳонни ҳайратга солди...

Холчаён бир неча тепаликлар - Хонақоҳтепа, Қорабоғтепа, Маслаҳаттепа харобалари, истехком, канал, боғ, сарой, турли бинолар қолдиқлари; Сарой, ёпиқ устунли айвон, меҳмонхона, подшо тахти қўйилган хона, йўлак ва бошқа буюмлар бағоят бебаҳо! Деворлар бўялган, нақш, расмлар солинган, сочи силлиқ таралган, соқоли олинган Бақтриялик йигит тасвири, бошқа йигитлар тасвири ва бошқалар ҳам характерли. Ҳайкалтарошлик намуналари гўзал ва мукамал.

Аёллар ва эркакларнинг қиёфалари, совут кийган жангчилар, суҳбатдошлар, ҳукмдорлар, жанг лавҳаси маҳорат билан ишланган.

Бу жойдан аждодларимизнинг турмуши, маданияти ва санъатини ўрганишга ёрдам берадиган, этномаданиятимизга оид жуда кўп материаллар, хум, тоғора, кўза, сопол идишлар, ханжар, қилич, турли тақинчоқлар, танга пуллар ва бошқалар ҳам топилганки, булар ўзлигимизни англаш, тарихимизни билиш, ўзбекнинг кимлигини жаҳонга кўз-кўз қилишда муҳим манбадир. Айтиш керакки, ҳақиқатда ёшларни, хусусан ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, юртсеварлик ва бошқа қадриятлар руҳида тарбиялашда муҳим манбалар бўлиб хизмат қила олади. Жарқўрғон минораси ҳам худди шундай. Султон Саодат мажмуаси 1220 йилда қурилган. Мўғуллар Термиз, Чағониён ва бошқа давлатларни босиб олиб, юртни вайронага айлантди. Шаҳарларни йўқ қилди, фақат қолдиқлари қолди. Қалъалар, қўрғонлар, миноралар, шунингдек, маданий-маънавий маданиятнинг деярли барча тури хонавайрон қилинди. Демак, қадимий бой, бетакрор этномаданиятнинг гузал намуналари кунпаякун бўлди. Дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик маданияти издан чиқди. Аммо, халқ қолди, унинг хотираси қолди.

Сўнгра Амур Темур бобоколониимиз Мовароуннаҳрни эгаллагач, (1370) Сурхондарё Темур давлати таркибига кирган..

Оқибат натижада, бутун Мовароуннаҳрда бўлгани каби, Сурхондарёда ҳам Темур ва темурийлар даврида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг юксалиши, юрт ободончилиги, маданият юксалиши кузатилади.

Шундай қилиб, то октябрь тўнгарилишигача Сурхондарё маданияти, санъати, қисқаси моддий-маънавий ҳаёти, юқорида ҳам қисман айтиб ўтганимиздек, гоҳ ривож топди, гоҳ эса ҳукмдорлар томонидан топталди, аммо у яшаб қолди, қолдиқлар, парча-пурчалар, тошларга битилган битиклар қабилда бизгача етиб келди. Шу етиб келган қолдиқлар ҳам маънавиятимиз-маърифатимизни бойитиш, қадриятларимизни оширишда жуда катта аҳамият касб этади. Ҳа, Сурхондарё этник маданиятининг педагогик имкониятлари жуда кенг ва беқиёс. Дарсинг якуний қисмида “Сурхондарё альбоми” (тузувчи Эдвард Ртвеладзе, Муроджон Аминов; 1996 йил), “Бойсун археологик ёдгорликла-

ри” (Тўхташ Аннаев ва бошқалар; Т; 1999 йил) ҳамда “Сурхондарё тарихидан лавҳалар” (Тўхташ Аннаев, Шопўлат Шайдуллаев; Т; 1997 йил) китобларидаги этномаданиятга оид материаллар изоҳлаб берилади. Чунончи:

1. Динозаврларнинг тошда қотиб қолган излари.
  2. Мачай ғоридан топилган тош қуроллар.
  3. Кампиртепа харобаси.
  4. Зараутсой дарасидаги тош давр расмлари.
  5. Жез даври буюмлари: Сопол идишлар, ховонча, шер боши тасвирланган оташқади қисми.
  6. Кампиртепа қалъа девори қолдиқлари.
  7. Будрачдан топилган шиша идишлар.
  8. Сополлитепа харобалари.
  9. Кампиртепа кўзгулари.
  10. Эски Термиздаги карвонсарой харобалари.
  11. Буддавий тош бараллари.
  12. Геракл боши.
  13. Вотхистепа (будда боши).
  14. Қоратепедаги будда монастири харобаси.
  15. Монастир хужраси.
  16. Фаёзтепадан топилган ҳайкалнинг бош қисми.
  17. Суякдан ясалган шахмат донаси.
  18. Айритом пиромани бўлаги.
  19. Бодисатва боши (Далварзинтепа топилмаси).
  20. Далварзинтепа топилмалари: олтиндан ясалган билакузуклар, қуйма ёмбилар ва гардиш буюмлар, бўйин тақинчоғи ва ҳоказо.
  21. Кушон даври сопол буюмлари (Далварзинтепа).
  22. Олтин узук.
  23. Жангчи боши.
  24. Даврий расмлар. ( Болаликтепа ) ва бошқалар
- Шундай қилиб, бу топилмалар улкан аҳамиятга молик ёдгорликлардир. Уларнинг ҳар бири миллий бойлигимиз, миллий ўзлигимизни англаиб турувчи тарихий хотира, сабоқ, одобномалардир. Айни чоғда соғлом авлоднинг теран томирлари, манбаларидир.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ  
ҚАДРИЯТЛАР, УРФ-ОДАТЛАР, РАСМ-РУСУМ,  
УДУМЛАР, МАРОСИМЛАР ВА АНЪАНАЛАРНИ  
ҚЎЛЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИЯТЛАРИ

Масалалар:

1. Мустақиллик берган имкониятлар. Шўролар даврида миллий қадриятларимиз, этномаданиятимизга муносабат.
2. Ўзбек этномаданиятининг ёш авлодни тарбиялашдаги аҳамияти.
3. Диний қадриятлар ва этномаданият.
4. Этномаданиятда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлиги.

Мустақилликка эришилгандан кейин топталган қадриятларимизни тиклаш, уларни халққа қайтариш имкони туғилди. Ётмиш йилдан ортиқроқ вақт давомида оёқ ости қилинган анъаналар, байрамлар, удумлар ва маросимлар тикланиб, улар халқнинг маънавий тикланишида миллий истиқлол ғоясини ёшлар ва аҳоли онгига сингдиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Ёш авлод тарбиясида халқ удумлари, байрамлари, анъана ва қадриятлар ўйнайдиган ролнинг барчасига тўхтаб ўтиш имкони бўлмагани сабабли уларнинг фақат баъзилари ҳақида тўхталиб ўтамиз. Жаноб пайғамбаримиз Муҳаммад саллолоҳи алайҳи вассалламнинг сўзлари, қилган ишлари ва ул улуг зот томонидан маъқулланган бошқа кишиларнинг ишлари-исломда суннат деб аталувчи ривоят матнлари Ҳадислар дейилади. Уларнинг ўзбек тилига ағдарилиб нашрдан чиқарилганлари кўпчилик китобхонларга етиб борди. Ҳадислар инсонлар қалбига нур олиб қираётганлиги, намоз, рўза ва ҳаж зиёратларининг эркин – эркинлиги Ийд Рамазон ва Қурбон Ҳайитнинг катта байрам сифатида тантана қилиниши, шунингдек ХАЛҚОНА қадриятлар,

айни ақлий-маданий, маънавий-рухий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий-рухий, меҳнат ва бадий-нафис анъаналарнинг байрам тусига кириши, шунингдек, “Наврўз” (бахорги тенг кунлик – йил боши 21-22 март), “Меҳржон” (кўзги тенг кунлик 22 сентябр), “Сада” (кишнинг энг узун туни, тўрт унсурнинг бири- олов байрами), “Ангом Ҳайит” (ёзнинг энг узун куни тўрт унсурнинг яна бири- Сув сайили) каби мавсум-маросим байрамларининг тикланиши ва айримлари Давлат миқёсида катта миллий байрам сифатида тантанали нишонланиши ҳамда ислом оламининг нуруний сиймолари Аҳмад Яссавий, Имом ал Бухорий, Ҳаким ат-Термизий; жаҳон илм-фани ва миллий ўзбек давлатчилигининг буюк даргалари – Имом ал Ҳоразмий, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Соҳибқирон Амир Темур ва Жалололдин Мангуберди каби бир қатор намоёндаларнинг юбилей тантаналарини нишонлаш мустақиллигимиз, истиқлолимиз шарофатидандир.

Анъаналар – қадим-қадимлардан инсоният ҳаётидаги энг яхши, ибратли, унинг турмуши ва ижтимоий фаолияти, меҳнати, ибратли ҳаёти сабоқларидир. Уларни авлоду аждодлар учун йўл-йўриқ дарслари десак янглишмаган бўламиз.

Шуролар даврида комфирқа мафкураси талаби-тақозоси билан зукко ота-боболаримиз, оқила момо-оналаримизнинг ижоди, теран ақл-заковати, ўзига хос дунёқараши ва ҳаётий фалсафаси кўп асрлик синов-тажрибалари жуда чуқур, аммо ихчам, лўнда шаклда чиройли баён этилган Ҳаёт сабоғи – донишмандликнинг бамисоли қўмусига айланган тарихий ҳар хил тўфон унсурлари-ю жангу жадалларига бардош бериб, даврдан-даврга, авлоддан-авлодга, бободан-отага, отадан-болага ўтиб, суяк суриб келган халқ мафкураси, маънавияти, маърифий ва ахлоқий-рухий тарбияси билан чамбарчас боғлиқ кадриятлар, шунингдек халқ анъанавий педагогикаси – шарқона панд-насихатлар, ўғитлар ва бошқа катта тарбия воситаларига бефарқ қаралди, деярли аҳамият берилмади, камситилди. Ҳа, халқона ибора билан айтилганда, қўйни бўрига топшириб, отардан ажралиб қолган эдик. “Профессионал педагогика”, “Коммунистик ахлоқ”, “Комсомол тўйи”, “Қи-

зил тўй”, социалистик урф-одатлар, анъаналар ва маросимларни, яна алламабалоларни ўйлаб чиқариб уларни халқ номидан меҳнаткашлар хусусан ёшлар турмушига кенг жорий этиш баҳонасида миллатимиз онг-онгига, қон-қонига, турмуш тарзи-ю, феъл-атворига тамомила мос келмайдиган европача таълимот қарашларига алоҳида аҳамият берилди. Ҳатто, уларга манқуртларча сажда қилинди. Қисқаси, “ижтимоий ишлаб чиқариш ҳамда оилавий-маиший характердаги янги урф-одат ва маросимларни меҳнаткашлар турмушига жорий этиш ва уларни тарғиб қилиш соҳасида” ҳеч нарса аялмайди. Бор куч ва маблағ ишга солинди. “Совет маросимларини жойларда аҳоли турмушига жорий этиш юзасидан партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш, республика кенг меҳнаткашлар оммаси ўртасида урф-одат ва маросимларни тарғиб қилишда матбуот, телевидение ва радио эшиттиришлари, санъат ва маданият муассасалари, ижодий ташкилотларнинг ролини кучайтириш устида<sup>1</sup>” тинмай иш олиб борилди.

Бунинг устига тарбия иши билан шуғулланувчи ходимларнинг ҳаммаси учун ҳам Москва, Ленинград, қатор қардош республикаларнинг янги урф-одат ва маросимларини тарғиб қилиш ва аҳоли турмушига жорий этишдаги тажрибаси жуда қимматли эканлиги зўр бериб уқтирилди, фаол иш олиб борилди. Ота-боболаримизнинг буюк мероси – қадриятларимизнинг катта бир бўлаги “ўз аҳамиятини йўқотган эски одатлар ва маросимлар”, “одамларни коммунистик руҳда тарбиялашга зарар етказмоқда” деб, уларга қарши кенг миқёсда ҳужум “уюштирилди”<sup>2</sup>. Шундай қилиб, “қолоқ”, “реакцион” ва зарарли эски анъаналарнинг маъноси, моҳияти, ижтимоий илдизлари, узоқ вақт сақланиб қолиш сабабларини ўрганиш ва фош этиб ташлашга, социалистик анъаналар ва одатларни фаол равишда шакллантириб бориш орқали эски жамият хулқлари ва одатларини

---

<sup>1</sup> Қаранг: Янги турмуш –янги анъаналар “Ўзбекистон” нашриёти, Тошкент – 1973 йил, 5-бет.

<sup>2</sup> Уша жойда 18-19 бетлар.

сиқиб чиқаришга давлат томонидан ҳам одатшунослар томонидан ҳам астойдил ҳаракат қилинди.

Бу соҳанинг жонкуяр “алломалари”, мислсиз маддоҳ-тарғиботчилари етишиб чиқди. Улар ҳар қандай урф-одатлар, удумлар, расм-русумлар, маросимлар, анъаналар бир, яъни қадриятлар ва анъанавий халқ педагогикаси миллий виждон, миллий руҳ, миллий хулқ, Ўзбекона одоб-ахлоқ меваси бўлиб уни яратган зукко халқ тарбиясининг асосини ташкил этишлигини англамадилар, англасалар ҳам тан олишни истамай, маънавий қашшоқлашиб қолишимизга сабабчи бўлдилар. Ваҳоланки, шарқона, биринчи навбатда Ўзбекона қадриятлар педагогик таълим-тарбия, унинг бош тизими панд-насиҳат, ўғитлар, даъватлар, йўл-йўриқлар ёш авлоднинг маданий, ахлоқий-руҳий, маънавий, маърифий камолоти ҳамда жисмоний етуқлигида асрлар давомида муҳим, ҳал қилувчи ўрин тутиб келганлиги тарихдан аён. Шунга яраша ўзбек ўғил-қизларининг ўтмиш даврларида таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, жисмоний ва мусобақа маданиятида қай даражада бўлганлиги ҳаммага маълум.

Ўзбекона қадриятларнинг ёш авлод, шу жумладан талабаларни тарбиялашдаги ижтимоий-сиёсий, маънавий-мафкуравий, маданий-маърифий ҳамда хушхулқлилик, ахлоқий, руҳий ва жисмоний етуқлик борасидаги улкан тарбиявий аҳамияти шундаки, бу уларнинг ижтимоий-педагогик, оммавий-маиший ҳаёти, юксак орзу-умидлари-ю идеаллари билан чамбарчас боғлиқ. Маънавият- тарбия демакдир. Ислом Каримов ибораси билан айтганда, “Маънавиятда инсоннинг сиймоси, эътиқоди, ахлоқи, ҳаётнинг маъносини қандай тушуниши, ички дунёси намоён бўлади. Ватан, халқ олдидаги бурчни англаш ҳам юксак маънавият белгисидир. Маънавий баркамол инсон-ўзининг савобли ишлари билан кечирган ҳаётидан рози кетади”<sup>3</sup>.

Қадриятларни халқ ижод қилади, демак улар халқнинг бебаҳо олтин мероси. Демак, қадриятларни сақловчиси ҳам,

<sup>3</sup> Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг хикматли сўзларидан “Шарқ” нашриёти матбааъ концернининг Бош таҳририяти, Тошкент 1998 йил 35-бет.

ҳаётга жорий қилувчиси ҳам, эскиларининг маъно-мазмунини янада сайқаллаштирувчиси ва бойитувчиси ҳам, замон ҳамда даврлар, аждод-авлодлар талаб-эҳтиёжлари ва тажрибалари асосида аста-секин янгидан-янгиларини яратувчиси ва турмушга тадбиқ этувчиси ҳам ана шу – ижодкор халқ. Айрим шахслар-(улар қанчалик зукко, билимдон ва донишманд бўлмасин)-томонидан ўйлаб чиқилган қадрият халқ томонидан қабул қилинмаслиги, эътироф этилмаслиги табиий бир ҳол. Халқимиз яратган ўзбекона қадриятлар, ранг баранг ва беқиёс. Уларнинг санови тахминан беш-ўн мингдан ошади! Бу гапда лоф ҳам йўқ, муболага ҳам йўқ. Аммо, бир ҳақиқатни унутмаслик керак. Гап, қадриятларнинг қанчалик кўп-озлигида эмас, балки маъно-мазмунининг теранлиги, жамият, ҳаётга авлодлар тарбиясида тутган ўрни, таъсир кучи ва шунга ўхшашлардадир.

Шуниси ҳайратланарлики, ўзбекона қадриятларнинг ҳар бири мустақил тарихий бадиий-эстетик, фалсафий-бадиий мукамал асар, деб аталишга ҳақли. Улар кўпроқ илмфан, мумтоз адабиёт, алломалар, мутафаккирлар, азиз-авлиёларнинг ҳаётлари, амалий саъй-ҳаракатлари, санъат, маориф, халқ оғзаки ижоди ва анъанавий педагогикаси ҳамда дин ва маънавий-руҳий ҳолатлар, оила ва маҳаллада шаклланган, камол топган. Шу боисдан ҳам уларнинг таъсир кучи, тарбиявий аҳамияти ниҳоятда буюк.

Кези келганда бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Халқимизнинг кимлиги, нечоғлик куч-қудратга эғалиги, унинг маънавият-маърифати, ахлоқ-одоби, ўзини англаши-ю феъл-атвори қандайлигини, ўзбекона табиати, миллий ғурури, орияти, қисқаси тарбия тизимининг нечоғлик ҳаётий, миллий ва умумбашарий эканлигидан тасаввур қилиш мумкин. Демак, анъанавий педагогика учун унинг қатламларидаги бой ва бетакрор ахлоқий-руҳий, маънавий-эстетик олтин мерос, расм-русумлар, одатлар, удумлар, маросимлар, анъаналардан кўра ишончлироқ манба йўқ.

Хўш, шундай экан, халқимизнинг ижтимоий ҳаёти, маиший турмуши ва педагогик таълим-тарбияси тизимида муҳим ўрин тутган қадриятларнинг асосийлари қайсилар?

Уларнинг мукамаллиги, нафосати ва ўзига хос характерли хусусиятлари нималардан иборат? Бизнингча қадимий ва замонавий янги ўзбекона қадриятларни шартли равишда бир неча турларга бўлиш мумкин:

- Турт унсур - ер, сув, олов, ҳаво билан боғлиқ халқ анъанавий маданий қадриятлари;

- инсоннинг она қорнида пайдо бўлиши, дунёга келиши, уни тантанали равишда рўйхатга олиш, исм қўйиш (ақиқа), униб-ўсиши билан боғлиқ қадриятлар;

- инсон ва унинг ижтимоий фаолияти саъй-ҳаракатлари билан боғлиқ ранг-баранг қадриятлар, маданият анъаналари;

- меҳнат ва меҳнатсеварликка оид маънавий анъана, маданият;

- замон, жамият, Ватан ва ватанпарварлик, миллат ва миллатпарастликка оид халқ анъанавий маданияти;

- таълим-тарбия ва ахлоқ-одоб, панд-насиҳатлар, ўғитлар билан боғлиқ қадриятлар-халқ анъанавий маданияти;

- оила, севги, ишқ-муҳаббат ва бошқа инсонийликка оид;

- халқона қонун ва қонунчилик, умуман ҳуқуқий тарбияга оид,

- қадриятлар қадри борасидаги халқ анъанавий маданияти;

- деҳқончилик, чорвачилик, овчилик, боғдорчилик маданиятига оид қадриятлар; анъанавий халқ маданияти;

- ҳайвонлар, парранда, дарранда, экинлар, ўсимликлар, ўрмонлар, тоғлар, сойлар, кўллар, дарёлар, тепаликлар, қир-адирлар, чўққилар, булоқ-чашмалар, сўлим жойлар, хушманзара манзиллар билан боғлиқ қадриятлар;

- йигитлар шаъни, қизлар иффати, инсон ор-номуси билан боғлиқ;

- никоҳ, суннат тўйи ва шунга ўхшаш маросимлар билан боғлиқ;

- кексалик қадриятлари; ўлим ва дафн, авлодлар ёди ва шунга ўхшаш маъракалар билан боғлиқ;

- маданият, тасвирий ва амалий санъатга оид халқ анъанавий маданияти;

- анъанавий халқ педагогикаси, оғзаки ижод, элшунослик ва бошқа илм-фан ва маданиятга доир; халқ анъанавий маданияти;

- тарих, тил, адабиёт, қадимги ёзувларга боғлиқ;

- жисмоний тарбия ва спорт маданиятига оид;

- байрам-сайиллар, мавсумий тантаналар билан боғлиқ;

- Ўзбекистон тарихи, ҳуқуқчилигига, давлатчилигига оид халқ анъанавий маданияти;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиат ва экология билан боғлиқ;

- “муқаддас жойлар”, табаррук қадамжолар, азиз-авлиёлар ва атоқли тарихий шахслар мақбаралари, мазорлар билан боғлиқ;

- фуқаролик ҳуқуқини олиш, паспорт топшириш, биринчи қўнғироқ, талабалikka бағишлов, биринчи маош, касб-ҳунар эгаллаш, устоз-шогирдлик анъаналари билан боғлиқ;

- тўртинчи ҳокимият - вақтли матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ;

- ҳарбий хизматга чақирув, ёшлар, талабалар кунлари билан боғлиқ халқ анъанавий маданияти;

Кўриниб турибдики, юқорида саналган юзлаб кадриятларнинг халқ анъанавий маданияти манбалари: ислом дини билан боғлиқ расм-русумлар, одатлар, халқ оғзаки ижоди, этнография, халқона удумлар, маросимлар, анъаналар, ёзма адабиёт, тасвирий ва амалий санъат, илм-фан, табиат, жамият, таълим-тарбия, тарих, ижтимоий ҳаёт ва халқ орзу-умидлари ва халқона идеаллардир. Ўзбек кадриятлари халқ анъанавий маданияти ҳар бири ўзига муқаддас, мўътабар, айна чокда, мустақилдир. Ҳар бирининг умумийликдан ташқари ўз мақсад-вазифалари, йўналишлари, услубий хусусиятлари, ўзига хос фазилатлари ва табиати бор.

Ҳар бири ўзига бир олам!

Ўзбек халқ анъанавий кадриятлари, маданиятлари хусусан, халқ педагогикаси, оғзаки ижод, унинг таркибидаги

пандномалар, ўғитлар, насиҳатлар, олқиш-дуолар ҳар куни, ҳар дақиқа жонли жараёнларда яшаб, турмуш тарзимизни безаб, айниқса фарзандларимизнинг тўғри бўлиш, тўғри яшаш ва ахлоқ-одоби жойида бўлишлигини эслатиб турувчи, даъват қилувчи манбалардир. Уларнинг ҳаётийлиги, ижтимоий-тарбиявий ҳамда умумбашарий аҳамияти ҳам ана шунда! Қисқаси, шарқона, хусусан ўзбекона қадриятларимизни халқ анъанавий маданияти авлод-аждодлардан суяк суриб келишдан ташқари бетиним қайнаб, ошиб-тошиб турувчи, булоқлари чанқоқ қалблар чанқоғини қондирувчи, жамиятга куч-қувват, кўрк ва маънавий безак, табиатга жон ато этувчи мусаффо чашмадир. Бу чашмадан маданиятимизни ошириш, маънавий-маърифий ташналикни бостириш учун қанчалик кўп фойдаланмайлик ва истъемол қилмайлик, чанқоқлик шунчалик ортиб бораверади. Демокчимизки, кишилар, хусусан ёшларимиз чин маънодаги халқона қадриятлардан нечоғлик кўп сабоқ олса, уларнинг тафаккурлари шунчалик бойиб, ақл-идроклари қайралгандан-қайралиб бораверади. Ҳар томонлама камол топаверадилар. Халқ маънавий маданияти-қадриятларимизнинг яна бир хусусияти ҳақида: улар учун умумий, муштарак бўлган бир томон бор: анъанавий халқ маданияти, қадриятларнинг барчаси инсонни иймон-эътиқодда бутун, маънавий-маърифий ва ахлоқий-руҳий тарбияда комил одам бўлишига қаратилган. Барча қадриятлар, халқ анъанавий маданияти қатламига тарбия, тарбия ва яна тарбия сингдирилган! Дарвоқе, ислом маданияти-қадриятларининг бош мавзуи ҳам — иймон, эътиқод, ихлос, ибодат, тақво ахлоқ-одоб, дўст-биродарлик, аҳиллик, ота-она, қариндош-уруқчилик, шунингдек фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол ва ҳаром, макруҳ, меҳр-оқибат, инсоф-диёнат ва шунга ўхшашлардир. Халқона қадриятлар исломий қадриятларга ҳамоҳанг. Уларда меҳр-оқибатлилиқ, ҳалоллик, поклик, адолат, Ватанни, элни эъзозлаш, меҳнатсеварлик, камтарлик, мардлик, қўни-қўшничилик, ботирлик, тўғрилиқ, ҳушёрлик, тадбиркорлик, саҳийлик, ҳайр-эҳсонлик, меҳмондўстлик, кадр-қиммат, муҳаббат, ишқ, вафо, садоқат, умидлилиқ, қариндош-

уруғчилик, сабр-қаноат, иқтисод-тежамкорлик, фаросат, гурур, фахр, тозалик, озодалик, фаҳм-фаросат каби инсоний фазилатлар улуғланади.

Инсон учун қора доғ бўлувчи ширк, куфр, разолат, кибр-хаво, ҳасад, адоват, хиёнат, ёлғончилик, фитна-фасод, зулм, дилозорлик, худбинлик, ишёкмаслик текинхўрлик, ҳаромхўрлик, танбаллик, боқимандалик, хоинлик, фоҳишалик, адолатсизлик, нодонлик, калтабинлик, илмсизлик, ёмонлик, манманлик, қўрқоқлик, эгрилик, эҳтиётсизлик, таъмагирлик, очкўзлик, очофатлик, бахиллик, инсофсизлик, қадрсизлик, оқибатсизлик, одобсизлик, умидсизлик, сабрсизлик, бенасиблик, исрофгарчилик, ношудлик, меъёрсизлик, фаросатсизлик, хушомадгўйлик, тенгсизлик кабилар қораланади.

Миллий ва исломий, бошқа умумбашарий қадриятлар авлодлар камолотида катта тарбиявий аҳамиятга эга эканлиги биринчидан, ҳаётийлиги ва умрбоқийлигида бўлса, иккинчидан асрлар давомида синов – тажрибалардан қайта-қайта муваффақият билан ўтишидадир. Учинчидан, уларда нафақат миллийлик, балки умумбашарий мақсадмаъноларнинг устунлигида. Қайси миллат ўз ота-боболари, момо-оналари яратган қадриятлардан мақсадга мувофиқ фойдалана билса, авлодлар тарбиясида оқилона қўлласа, ундай миллат буюкликка дахлдордир. Халқимизнинг буюклиги мезонларидан бири ҳам – ана шу қадриятларга содиқлиги, улардан унумли фойдалана билиш ва фарзандлари тарбиясида унумли фойдаланаётганидадир. Бу ўринда ота-боболаримиз, момо-оналаримиз меҳнати, ишлаб чиқариш фаолияти, саъй-ҳаракатлари, таълим-тарбия борасидаги тенгсиз даҳоси маҳсули хилма-хил анъаналар, ўзбекона оила, тажриба-синовлари ва ҳоказолар билан боғлиқ расм-русумлар, ранг-баранг маросимлар, анъаналар, бир сўз билан айтганда, ибратли қадриятларидан кўплаб намуналар келтириш мумкин. Аммо, маъруза ҳажмини эътиборга олиб 2–3та мисол келтириш билан чекланамиз.

Мана, хорижликларнинг айрим анъанавий халқ маданияти, урф-одатларимиз, удумларимиздан қойил қолиб билдирган фикр-мулоҳазалари: Ўтган асрларнинг 90 йил-

ларида таниқли этнограф, миссионер Н.П.Остроумов “Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобнинг, ҳатто гадонинг ҳам қулоғига ГУЛ ТАҚИШИ. дўпписи тагига гул қистириш учун гул ахтаришини кўриб хайратла қолдим”. (Н.П.Остроумов, Сарты, Ташкент, 1990, 36 бет). Бир инглиз олими: Ёш келинчакнинг тавозе билан икки букилиб назоқатли кўли билан пиёлада чой узатишини кўриб: “Қизларингизни шу маданият, одатига дунёдаги барча яхши одатларни алмаштирмаган бўлардим”, деган бўлса, мана, ўзимиз Москвада истихода бўлган бир воқеа: Ёш, мағрур ёшлик ғурури нашидасини суриб йўлда кетаётган йигитнинг эгилиб, ерда кўриб қолган бир парча нон ушогини олиб, ўпиб, кўзига суртиб баландроқ жойга қўйганини кўрган Американинг машҳур физик олими ҳозиргина номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган йигитнинг бу саъй-ҳаракатлари маъно-мазмунини англагач: О. мана шу маданиятли, ахлоқ-одобли ўдумингиз учун америкадаги энг яхши одатларни алмаштирган бўлардим ва ўзимни бахтиёр санардим.”, дегани ҳамон хотирамизда сақланади. Доно халқимизда “Кучат эк, боғ ярат”, “Бир туп тут эксанг, юз йил гавҳар терасан”, “Бирини кессанг – ўнни эк”, “Яхшидан боғ қолади, ёмондан доғ қолади”, “Ўғил кўрсанг терак эк, қиз кўрсанг мол бойла” каби пурмаъно ҳикматлари экология, табиат муҳофазаси-ю инсон камолоти билан боғлиқ маданият, анъана-удумларимиздан ўнлаб келтириш мумкин.

Ёхуд, дунёда одамийлик бир-бирига ихтиёрий ёрдам, дўст-биродарлик, ўзаро ҳамкорлик ва аҳилликнинг энг юқорисига чиққан ҳашар-меҳнат анъанаси ҳақидаги машҳур киночилар ва ёзувчиларнинг ўзбек (Фаргона) канали мисолида айтган гап-сўзлари ҳамон эсдан чиққанича йўқ. Бундай мисоллардан яна ва яна келтириш мумкин.

Халқ қадриятлар одобида ҳаққоний, адолатли йўл тутади. Халқ вақти келса, қаҳрли, қаттиққўл, керак бўлса юмшоққўнгил, талабчан, айна вақтда меҳрибон тарбиячидир. Яна шуниси аниқки, анъанавий маданият, халқ анъаналари, расм-русумлари, удумлари-қадриятлари одоб-ах-

лоқ масалаларига комплекс ёндашиб, тарбиянинг узилиб қолишига йўл қўймайди.

Халқ тарбиясида ҳамма нарса ўз ўрнида муҳим ва керакли. Ҳеч бир соҳа назар-эътибордан четда қолмайди. Оила ва жамият, шахс ва жамоа алоқаси, гузар, маҳалла-қўй, қўни-қўшни маъсулияти ҳам инобатга олинган ҳолда иш юритилади. Халқ, айтиш чоқда, ёш авлод тарбиясида ҳеч нарсани аямайди. Хуллас, қадриятлар халқ педагогикаси қатламларига, мазмунига сингдирилган. Улар бағрида камол топган. Миллий ва умуминсоний қадриятлар ёшлар, хусусан талабаларнинг маданий, маънавий-ахлоқий, маърифий-эстетик ҳамда жисмоний-маданиятни шакллантириш ва ҳар томонлама камол топтиришда уларнинг олдига тушадиган манба, восита йўқ ва бўлмайди. Ҳатто, айтиш лозимки, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-мафкуравий тараққиётида ҳам бевосита ёхуд бавосита қадриятларнинг ўрни ва роли бекиёсдир. Зеро, Президентимиз қайта-қайта таъкидлаётганларидек, ҳар қандай миллатнинг раўнақи, умумбашарият тарихида тутган ўрни, мавқеи ва шухрати бевосита ўз фарзандларининг ақлий ва жисмоний етуқлигига боғлиқдир. Яна шу ҳам исбот талаб қилмайдиган ҳақиқатки, жамият маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни писанд қилмаган жамият пировард-оқибатда таназзулга юз тутади<sup>4</sup>. Бироқ, шахс маънавий маданияти, яъни ички ва ташқи маънавий дунёси – ахлоқий-маънавий эҳтиёжи, маърифий-маданий қизиқиши ва саъй-ҳаракатлари, маънавий, эстетик, ижтимоий фаолияти, умуман олганда анъанавий маданияти маънавий-ахлоқий қадриятлари ўзбекнинг ўзини таниши, англаши, Жаҳонга чиқиб кимлигини кўз-кўз қила олиши, кадр-қимматини тик, бошқини баланд кўтариб юриши ҳамда жаҳон афкор оммасини тан олдириб, қойил қолдиришида унинг миллий давлати, ижтимоий-сиёсий тузуми билан баббаравар аҳамиятга моликдир. Айтиш чоқда, буюк миллатимиз олижаноб менталитети ва фазилатларига соя ташлаб, шаънини хиралаштириб, узи-

<sup>4</sup> Инсон бахт учун туғилади, 34-бет

мизни ўзгалар олдида уялтириб қўядиган, охир оқибатда жар ёқасига олиб борадиган ҳам ана шу халқона удумлару расм-русумлар, анъаналару маросимлар, бошқача айтганда, қадриятлар, улар маъно-мазмуни, моҳияти ва тизими-ни бузиб юборишимиз мумкин десак муболағага йўл қўймаган бўламиз. Буни биргина мисол, юртбошимизнинг 1998 йил 28 октябрда чиқарган фармонида яққол кўриш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, маросим-удумларимизни, расм-русумларимизу одатларимизни, анъана-қадриятларимизнинг чиройли халқона мазмунини бузиб, хаддан зиёд дабдабозлик, ичкиликбозлик, меъёр, инсоф ва адолатдан чекинган ҳолда ортиқча ҳаракатлар асосида ташкил этаверсак, қадриятларимизнинг буюк таълимий-тарбиявий таъсир кучини, ибрат мактаблигини унутиб қўйсак, охир-оқибатда нафақат келажаги буюк давлатимизни кўра оламиз, балки улуғ миллатлигимизни ҳам барбод қиламиз. Бошқача айтганда, Буюк Ватан, улуғ миллат қадрини муқаддас неъмат, улкан масъулият, мустақиллигимизнинг бўй-бастини-ю олий бахт эканлигини, ҳаётимиз мазмуни-ю тақдиримизнинг якка-ягона омили эканлигини, ўз иззат-қадриятларимизни унутиб қўйиш охир-оқибатда таназзулга олиб келади. Дарвоқе, “мустақилликни, у берган неъматларни сақлаб қолишимиз уни келажак авлодларга омон етказишимиз” қадрини тўғри тушунишимиз лозим. Бунинг учун ҳар бир одам, хусусан ёшларимиз юртбошимиз айтганларидай, “Мен кимман ўзи? Бу дунёга нимага келдим? Дунёга келиб нима қилдим?” – деб ўз-ўзидан сўрамоғи, шу саволларга бемалол жавоб бермоқ учун умри давомида савоб ишларни қилмоғи, ҳалол ва адолатли ҳаёт қурмоғи лозим. Ҳа, исломий халқона қадриятларда бош йўналиш бўлган ҳалоллик ва фидойилик билан яшаш, эътиқодда собит бўлиш, виждон ва иймон билан ҳаёт кечириш, шарм-ҳаёли, ор-номусли, меҳр-оқибатли, муруватли бўлиш, савоб, яхшилик, эзгулик андишани ўзига либос қилиб олиш, журъатли, жасур, танти, мард, жувонмард бўлмоғи шарт. Қисқаси, саждагоҳимиз бўлган Буюк Ўзбекистон Ватанининг ҳар бир фуқароси, айниқса ёшлари бир иймон-эътиқод билан яшамоғи, ўқиб-ўрганмоғи,

меҳнат қилмоғи, фаолият кўрсатмоғи лозим. Бу “Шу азиз Ватан – барчамизники. Унинг бахт-саодати, ёруғ истиқболи, фаровон келажаги учун яшаш, курашиши, керак бўлса жонни фидо қилиш муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон учун бахтдир”, (И.А.Каримов), – каби эътиқодни қонқонига синдириш, унга садоқатда бўлиш ва сидқидилдан амал қилишликдир. Ва яна, “Ватаним нима берди деб эмас, балки мен Ватанимга нима бера олдим, унинг тинчлиги, фаровонлиги, келажаги йўлида нима иш қилдим, дея яшаш керак.<sup>5</sup>”. Бундай иймон-эътиқодни исломий ва халқона қадриятлар бошқа маънавий-маданий, бадиий – эстетик, ахлокий-руҳий манбалар қаторида шакллантиради ва камол топтиради. Ўрни келиб қолганлиги сабабли қадриятлар ва тарбия хусусан, ёш авлод тарбиясида миллий қадриятлар – урф-одатлар, расм-русумлар, удумлар, маросимлар ва анъаналарнинг педагогик имкониятлари борасида айрим фикр-мулоҳазаларимиз ва хулосаларимизни қайд қилиб ўтмоқчимиз.

Маълумки, Ислом дини расм-русумлари, қоида-қадриятлари, исломий тарбия бўйича катта-кичик китоблар-қўлланмалар, дастур-амаллар, йўл-йўриқлар иймон-эътиқодга оид тегишли тўпламлар кўплаб босилиб чиқди. Бу яхши. Яна ҳам кўплаб яратилиши керак. Оллоҳга шукроналар ҳамда ҳамду санолар бўлсинки, булар мустақиллигимиз шарофатидир. Бундай исломий китоблар жуда зарур ва керак. “Ислом дини - бу ота-боболаримиз дини, у биз учун ҳам иймон, ҳам ахлоқ, ҳам диёнат, ҳам маърифат эканлигини унутмайлик. У қуруқ ақидалар йиғиндиси эмас. Ана шу маърифатни кишиларимиз жон-жон деб қабул қилдилар ва яхши ўғитларга амал қилдилар. Меҳр-оқибатли, номусли, ориятли бўлишга, иззат-эҳтиром тушунчаларига риоя этишга ҳаракат қилдилар (И.А Каримов)”.

---

<sup>5</sup> Инсон бахт учун туғилади, 11- бет

## ХАЛҚ УДУМЛАРИ ВА МАЪНАВИЙ МЕРОС

Масалалар:

- 1 Саломнинг сеҳри ва меҳмоннинг меҳри
- 2 Рамазон байрами
- 3 Келиной келар кийиниб...
- 4 Келин кўрсатарга боғлиқ удумлар
  - а) Қаллиқ унаштириш удумлари ҳақида
  - б) Куёв (келин қочар)
  - в) Олдига чиққан ота-она
  - г) Келин кўрсатар
- 5 Келин салом.
- 6 Урф-одат, удум, расм-русумлар ва анъаналарда орзулар пинҳон
- 7 Хулоса

Республикамиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан Президентимиз И.А.Каримов миллий ва маънавий қадриятларимизни, урф-одатларимизни тиклаш, халқимизнинг буюк тарихини, аجدодларимизнинг улуғвор хизматларини реал кўрсатиш вазифасини қўйди ҳамда шу соҳада улкан ютуқларни қўлга киритдик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясидаги маърузасида ҳам Президентимиз И.А.Каримов яна бир бор миллий қадриятлар соҳасида амалга оширишимиз лозим бўлган вазифаларни белгилаб берди: “Бу соҳадаги энг асосий вазифамиз миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлимизни англаш, миллий ғоя ва мафқурани шакллантириш, муқаддас динимизнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрнини ва ҳурматини тиклаш каби мустақиллик йилларида бошланган эзгу ишларимизни изчиллик билан давом эттириш, уларни янги босқичга кўтариш ва таъсирчанлигини кучайтиришдир” (“Ўзбекистон овози” газетаси 23 январь 2000 йил). Миллий қадриятларни тиклашнинг асосий воситаларидан бири – бунёдкор халқимиз узоқ асрлар мобайнида яратган бебаҳо маданий мероси-

миз - халқ оғзаки бадиий ижодини синчковлик билан ўрганиш, мақоллар, маталлар, эртақлар, ривоятлар, қўшиқлар ва дostonлар сингари хилма-хил жанрлар қатида бизгача мерос бўлиб етиб келган миллий ва умумбашарий урф-одатлар, расм-русумлар, этнопедагогик қарашларни жамлаш, тадқиқ этиш ва ҳаётга тадбиқ этишдир. Умумўзбек фольклоршунослиги бу вазифани уддалаш учун ниҳоятда бой бадиий – ижодий заминга эга. Агар 20-йиллардан бошлаб тўпланиб келаётган халқ оғзаки поэтик ижодининг ЎзРФА Алишер Навоий номли Тил ва адабиёт институти Фольклор бўлими, Қўлёзмалар институти ва Адабиёт музейидаги, ҳамда устоз фольклоршунослар М.Муродов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, Ч.Ҳамро, А.Қаҳҳоров, К.Очилов, К.Имомов, М.Саидов, М.Жўраев, А.Мусақулов ва ўзга ўнлаб олимларнинг шахсий архивида сақланаётган ўн минглаб саҳифаларни ташкил қиладиган турли жанрлардаги материалларни кўз олдимизга келтирсак, улар қатида сақланиб қолган миллий қадриятлар, урф-одатларни ўрганиш ниҳоятда мушкул, ўзбек фольклорини тўплаш, ўрганиш, чоп этиш асримиз бошидан бошланган бўлса ҳам, биз уларда акс этган ўзбекона хусусиятларни, характерларни, руҳиятни, расм-русумларни алоҳида ўрганиш, таҳлил этиш, назарий фикрлар айтиш, амалий хулосалар чиқаришдан анча чекланган эканимиз маълум бўлади. Бу соҳада профессор Б.Саримсоқовнинг “Ўзбек маросим фольклори” монографиясигина чоп этилди ва олим кейинги тадқиқотларида ҳам маросим фольклорини алоҳида тур сифатида таҳлил этишни давом эттирди. Аммо халқ оғзаки ижодининг йирик жанри-дostonларда маросим фольклорининг сақланиши, халқ урф-одатлари алоҳида тадқиқ этилган эмас, холбуки, эпоснинг барча турларидаги миллий ва умуминсоний қадриятларни таҳлил этиш, узоқ асрлик урфий анъаналарни аниқлаб, инсон камолоти, юрт истиқлолига хизмат қилдириш усуллари белгилаш улкан бир иш бўлиб, ўнлаб тадқиқотларни талаб этади. Биргина рисолада бу вазифани юздан бирини уддалашга ҳам имкон йўқлигини англаган ҳолда асосан ҳали чоп этилмаган “Келиной” туркумига кирувчи “Норгулой” (Қодир бахши Раҳимов варианты), қис-

ман “Алпомиш” (Қора бахши Умиров варианты) ва “Ёзи билан Зебо” (ота-бола Қодир бахши ва Қахқор бахши Раҳимовлар варианты) дostonларигагина мурожаат этдик Шунда ҳам фарзанд туғилиши, камолга эришувидаги ёхуд ижтимоий-маиший оилавий муносабатлар, байрамлар, сайиллардаги барча урф-одатлар, расм-русумлар, ирим-сиримларни эмас, балки никоҳ маросими билан боғлиқларидан бир қисмигагина тўхталишга мажбур бўлдик. Аслида умумЎзбек эпосидаги халқимизнинг барча қадриятларини, урф-одатларини ўрганиш, тадқиқ этиш, уларнинг келиб чиқиши, миллий ва умуминсоний хусусиятларини ва аҳамиятини ёритиш учун йирик-йирик монографиялар яратишга тўғри келади. Иншооллоҳ, ўша кунларга ҳам тезда муяссар бўлишимиз шубҳасиз.

### Саломнинг сеҳри, меҳмоннинг меҳри

Халқнинг ҳаётида саломлашиш, ҳол-аҳвол сўрашиш муҳим ўрин тутлади. У инсонийлик белгисигина бўлиб қолмай, ҳар бир кишининг ақли, одоби, заковати, феъл-атвори, маданийлик даражасини ҳам белгилайди. Ёшунг кексанинг ахлоқи, аввало, унинг шу муқаддас каломни қай ҳолатда ва қай вазиятда айта олиши, берилган саломга қандай алик олишига боғлиқ. Миллий ва диний қадриятларимизда саломлашишга алоҳида этибор қаратилган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорийнинг “Ал-жомиъ Ас саҳиҳ” китобида келтирилишича, саломлашиш қуйидагича юзага келган. Аллоҳ одам алайҳиссаломни яратиб бўлгач, ул кишига: “Анови ўтирган беш нафар фаришталарнинг олдида боргилда салом бергил, сўнг уларнинг сенга оладирган алигини яхшилаб эшитиб олгил, чунки бу сенга ва сендан тарқаладирган зурриётларинга йўллаган салом бўлғайдир!” - деди. Одам алайҳиссалом бориб: “Ассалому алайкум! (Сизларга салом!)” - дедилар, Фаришталар: “Ассалому алайка ва раҳматуллоҳи! (Сенга ҳам салом ва Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!)” - деб алик олишди...

Ана шундан буён Одам ато фарзандлари саломлашиб келишар экан. Неча йиллар давомида саломлашиш одоби, қоидалари юзага келган. Бу қоидалар Имом Бухорий ва Абу Исо Термизий ёзиб қолдирган “Ҳадис”ларда, яъни

“Қуръони Карим”дан сўнг иккинчи ўринда турувчи муътабар манбаларда ўз аксини топган. Жумладан, “От минган киши пиёдага салом беради, озчилик кўпчиликка салом беради, ташқаридан келган киши ичкаридаги кишига салом беради”. Зеро, халқимиз Салом Аллоҳнинг каломи эканини, саломлашиш чин дилдан бўлмоғини чуқур англаган:

Худо карами кенг унутма зинҳор,  
Аллоҳ ва Расулга бўлиш учун ёр,  
Учраган кишига аввал салом бер,  
Ўрматин жойига қўйиб биродар!

(А.Эргашев, Мангу тиловат, Насаф - 2000)

Кундалик турмушда муқаддас тушунчага айланган, ўзаро инсоний муносабатларнинг, муомаланинг, танишишнинг асоси бўлган саломлашиш барча халқ достонларида ўз аксини топган. Уни айтиш, шу муқаддас салом билан ўзгаларга мурожаат қилиш фарз, яратган олдида қарз. Масалан, “Алпомиш”да:

Худойим берибди инсонга калом,  
Бемаврид иш қилиб тортмагин алам,  
Яхши ҳам, ёмон ҳам шундан билинар  
Ким бўлса олдидан ўтма бесалом, -  
Деб насихат қилади чилтонлар ёш Алпомишга  
Ассалом алайкум, салом қарзим бор,  
Бугун кунда гулдай сўлган тарзим бор.

Бу Норгулой “Келиной” достон қаҳрамони Султоқнинг чўлпондан чанқовузни ким чалганини билмоқ олдидан берган саломи. У сеҳрли куй ижроси ҳақида, “Ўн саккизга қадам қўйгандир ёшим, билмадим ким бўлар унинг сирдоши. Ҳуснига эгилар осмоннинг боши, чанқовузни юлдуз чалди, ноз чалди”, - деган маълумотни олгач, куйга, куй орқали унинг ижрочисига ошиқ бўлиб бой хонадонини излаб кетди. “товнинг кун чиқар томонидан келиб, бўсағасига отни кўндаланг қилиб уйда турган нуроний чолни кўриб бир сўз деди:

Кечани ёритар осмоннинг оyi,  
Чопса тер чиқармас туркманнинг тойи,  
Қорним очди узоқ йўлдан келдим мен,  
Ассалом алайкум кўнғирот бойи.

Ушбу парчада муқаддас каломнинг тўртинчи мисрага тушгани, аввал бойни бир оз олқишлаб, сўнг салом берилгани эмас, балки даслабки саломдан сўнг бойдан иш сўраш, бой хонадонига аъзо бўлиши учун унинг диққат эътиборини ўзига қаратиш илинжида қилинган мурожат. Дарвоқе, “кечани ёритар осмоннинг оyi” ибораси бойга қаратилган, сиз кечани ёритган ой сингари одамлар кўнглини ёритувчи, ғамини аритувчи, муҳтожига ёрдам берувчи кишисиз дейилмоқда. Иккинчи мисрадаги “Чопса тер чиқармас туркманнинг тойи” ҳам бойга, унинг ҳориб толмас учқур отга эгалигининг ифодаси. Туркман тулпорлари машҳур бўлиб, у ҳаммада бўлавермаган, ҳамма бундай отларни минавермаган. Осмонни ойдаё ёритган, ҳормас тулпорларга эга бўлган Сўлтоқ салом бераётган одам оддий киши эмас, кўнғирот уруғининг эътиборли бойларидан. Эпик қаҳрамоннинг бир саломи орқали унинг одоби ҳам, кимга қандай мурожаат этаётгани ҳам бир бандда ўз ифодасини топади.

Сўлтоқ бойдан дастлабки топшириқни- ўғирланган отларни олиб келиш вазифасини бажариш учун Шердан бой чўпонлари ҳузурига борганда ҳам аввало салом беришни, шу муқаддас каломни айтиб уларни инсоф ва диёнатга чақиришни унутмайди:

Отга йўл бермайди товнинг ўрлари,  
Жабр қилса чиқар бедов терлари,  
Ассалом алайкум, касбдош дўстларим,  
Қулоқ сол сўзима, туркман шерлари....

Чўпон билар чўпонларнинг ҳолини,  
Кузгун билар кузгунларни тилини,  
Садага сизлардан, сатта чўпонлар  
Мен танидим бой бобомнинг молини.

Салом қуюқ берилди, муомала самимий бўлди, мақсад ётиғи билан тушунтирилди, аммо алик олиш саломга яраша бўлмади:

...Осмонда турибди ҳаво себалаб,  
Уч чўпони келди отни тебалаб,  
Омон гелди яна таёқ сермади,  
Сўлтоқ урди, кетди Гелди думалаб...

Бахши маҳорати шундаки, Сўлтоқ салом бериш жараёнидаёқ уларни хушёрликка чақирган, характерини кўрсатган эди. Яъни, отга йўл бермайди товнинг ўрлари. Шердан бойнинг ўғри чўпонлари- Омонгелди ва ҳамроҳлари отга йўл бермайдиган товнинг ўрлари каби зўравонлик қилувчи, эзгуликка қаршилик кўрсатувчи, тўғрилик, яхшиликни билмовчи кишилар эди. Тов ўрларидан ўтиш учун қаршиликни енгиш, отга жабр қилиб, уни ҳоритиш, терлатиш лозим. Тўғри йўл бўлмагач бошқа чора йўқ, имкон ҳам. Омонгелди бошчилигидаги ўғри чўпонлар тўғри гапни тушунмай, ўзгалар мулкини зўравонлик билан тортиб олаверганда уларга ҳам куч ишлатилади. Касбдошлар-чўпонлар ўртасидаги қарама-қаршилик кураш билан, курашда адолат тарафдорининг ғалабаси билан тугайди. Бу Сўлтоқ берган саломдаёқ аён бўлган эди.

Шуниси характерлики, халқ достонидаги саломлашиш халқимиз одатларига тўла мос келади. Достонларда ҳам саломни билмаслик, ёши улуғлар олдидан бесалом ўтиш қораланади. Салом бало офатлардан сақланиш омили, орзу умидга, ниятга етишнинг, душман устидан ғалаба қозонишнинг дастлабки шарти. Ҳатто бу сўз қаршисида эпик ёвуз кучлар: аждарҳолар, девлар, сеҳргарлар, жодугару мастонлар ҳам ожиз қолишади. Шу боис эртақ ва достонларда “Саломинг бўлмаганда икки ямлаб бир ютардим”-деб ёвуз кучлар эпик қаҳрамонга ёрдам беради. Қачонки, қаҳрамон саломни унутса, ёҳуд манманлик билан дуч келган кишига салом беришни эп кўрмаса муқаррар жазога гирифтор бўлади.

Зеро, халқда саломга яраша алик деган пурмаъно ибора бор. Салом қанчалик самимий, дилдан айтилган бўлса, жавоб ҳам шу қадар кўнгилдан қайтарилмоғи лозим. Акс ҳолда муносабатлар бузилади. Бунинг ёрқин далилини юқоридаги икки ўринда кўришимиз мумкин. Сўлтоқнинг саломига Фулом чўпон ва Шукурналибой муносиб алик олди-да улар ўзаро яқинлашди. Аксинча, чўпонлар саломни бежавоб қолдириб, таёқ кўтарганлари учун мағлуб бўлишибди.

Саломлашиш ҳозирги кунда ҳам ҳаминшадек долзарб ва зарурий инсоний муносабатларнинг бошланиши бўлиб, аксарият ҳолларда саломлашиш одобига риоя қилинмоқда. Халқимиз ўз фарзандларига салом ўргатишдан бошлаб тарбия бераётгани, жамият бу анъанани қўллаётганига гувоҳимиз. Айни дамда айрим ёшларнинг маҳаллада, кўча-кўйда, жамоат жойларида саломлашишни унутиб қўяётганини таъкидлаш лозим. Ҳатто талабаларнинг ўзлари ўқийдиган ўқув даргоҳларида саломга бефарқлигига кўп гувоҳимиз. Биргина мисол. Уч тўрт зиёли иш юзасидан олий ўқув юртларидан бирида бўлдик. Ректор келгунча залнинг безатилиши, талабаларнинг кийиниши ва муомаласини кузатдик. Залда юрган ўнлаб талабалар (бу ўқув юртида йигитлар кўп экан) билан юзма-юз келдик, гап ташлаб кўрдик, у-бу нарсани сўрадик, афсуски, бирон талаба қаршисидаги бегона кишиларга салом бера олмади.

Бошқа бир ҳолатда саломлашиш қоидалари катталар томонидан бузилмоқда. Яъни мактаблар, ўқув юртларида ўқитувчилар синф (аудитория)га кирганда ўқувчилар (талабалар)ни ўзларига хор бўлиб салом беришга ундамоқдалар. Улар бу йўлни танлаганда халқ одобномаси ва ҳадислардаги ёшлар ўзидан катталарга салом бериши керак деган фикрни ушлаганлари ҳолда икки қоидани унутмоқдалар, яъни озчилик кўпчиликка, ташқаридан келган киши ичкаридагиларга салом бериши керак, бу икки қоида ҳам асрлар мобайнида шаклланган, қатъий анъанага айланган бўлиб, уни зўрма-зўраки ўзгартиришга ҳақимиз ҳам, ҳожат ҳам йўқ.

Халқ ўз ижодида саломни дилга йўл топишнинг, ўзаро муносабатларнинг калити, асоси деб билади. Бу сўз бажар-

ган пазифани ўзга бирон калима ифодалай олмайди. Биз халқона бир шеърда айтгандек, одамнинг кимлиги, ақл-идроки, фикр-тушунчаси, муомаласи, характер-хусусияти саломидан намоён бўлади.

Саломнинг ҳам салмоқлиси бўлади,

Кинояли, илмоқлиси бўлади,

Саломни билганга келмайди офат

У Аллоҳнинг бир белгиси бўлади.

Аллоҳнинг бир белгиси, бир номи бўлган салом ва алиқдан сўнг сўрашмоқ, ҳоллашмоқ, танишмоқ, ўзаро муносабатларга киришмоқ бошланади.

Халқда, хусусан Қашқадарё, Сурхондарёда эшиқдан салом бериб келган меҳмон (танишми-нотанишми қатъий назар) ичкарига таклиф қилинади. Қаердан келаётгани, кимлиги, нима мақсадда юрганини сўраш кейинга қолдирилади-да, соғлиғини, оиласи, бола-чақаси тинчлиги ҳақида сўрашилиб, дастурхон ёзилади, чой-нон, таом тортилади, меҳмон овқатланиб бўлгандан сўнггина танишиш бошланади, сафардан мақсад суриштирилади. Аммо шу ўринда хос хусусиятлардан келиб чиққан меъёрлар борлигини таъкидлаш фойдадан холи бўлмас. Қашқадарё ва Сурхондарёнинг кўнғирот уруғи яшайдиган ҳудудларида сўрашишнинг ўзига хос тартиби, қоидалари бор. Яъни “Сиз сўранг”, “Қани сўранг”, “Сўраш меҳмондан” деган удумлар ҳозир ҳам амалда. Яъни бу ҳудудда яшовчилар меҳмонга албатта (ёш ёҳуд кексалигидан қагъий назар) “Сўранг” ёҳуд “Айтинг” дейди. Шугина бир сўз билан ўзларининг одоб-ахлоқ, кексага муносабат, меҳмонга ҳурмат ҳақидаги ғояларини билдиради. Агар меҳмон эътирозсиз бўлса, бу ердаги удумларни билмаса сўрашаверади. Аммо ҳудудий, маҳаллий шароитни билганлар “Сиз сўранг”, “Сиздан бўлсин”, “Сўрашиш мезмондан”, “Ёшингиз улуғ учун сиз сўранг”-деб навбатни мезбонга берса, ўз навбатида мезбон; “Меҳмон атоий Худо”, “Сўраш меҳмондан” ёҳуд “Мозор босиб (улуғларни зиёрат қилиш демоқчи) келгансиз, Сиз сўранг”-дейди. Шу тарзда бир-бирига ҳурмат эътироф билдиргач, ёши улуғ сўрашишни бошлайди ва навбат билан ҳол-аҳволлашиб оли-

шади. Шукуралибой салом бериб келган “Султоқни отдан тушириб, кўришиб, сўрашиб олдиға таом қўйиб, қорнини тўйдириб, Султоқнинг келишган қаддига, уткир кўзига қараб, мақсадини сўраб бир сўз деди:

... Яхшининг ёрдами тегар танг жойда,  
Ёмоннинг касоди тегар ҳар жойда,  
Яхши бўлиб, полвон хизмат айласанг,  
Ҳар ниятинг топилади бу жойда...

Бой Султоқнинг иш ахтариб борганини билгач, бир шарт билан қабул қиларкан: “Ёмон бўлсанг, еярсан ўз бошингни, яхши бўлсанг берай нону ошингни”, - дейди. Бегона элдан келган киши ишға қабул қилинди. Энди у ўз қариндош-уруғларидан, яқинларидан, туғилиб ўсган жойидан ўзга ерда меҳнат қилади, яшайди, бегона одамлар орасида фаолият бошлайди. У мусофир. Яхшиямки, халқимизнинг мусофирга кўмаклашиш, дардиға шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш, дил озорларини тинглаш қадриятлари шаклланган. Халқимиз ўз сафига қўшилган мусофирни ёлғизлатиб қўймайди, унга меҳрибончилик билан муносабатда бўлади. Зеро, ҳадиси шарифларда ҳам мусофирнинг дуоси ижобатға ўтади дейилиши бежиз эмас. Балки бу мусофирларға ёрдам қўлини чўзиш, уларни ранжитмаслик учун чақирдиқдир. Элға эл қўшилса яхшилик, эзгулик, куч-қудратнинг ошишидир. Достон қаҳрамони Султоқ Шукуралибой хонадонида бош чўпонликка тайинланган бўлса-да, ҳали у кўпчиликка нотаниш, борадиган жойи, яшайдиган уйи, жон куйдирадиган рўзғори, дил дардини айтадиган дўсту қадирдонлари йўқ. Мавжуд мусофирға муносабат анъанасиға асосан чўпонлар уни ўзига яқинлаштириши, ёрдам қўлини чўзиши лозим. Бу ҳам виждоний, ҳам инсоний бурч, ҳам ажодлардан қолган табаррук анъана, яхши одат.

“Чўпонлар Султоқни меҳмонликка чақиритди. Чўпонларнинг ичида Доно деган чўпон бор эди, ёши олтмишдан ошган, соқолиға оқ тушган, дунёнинг аччиқ-чучутини бошдан кечирган, манглайи, бети сал тиришган, қоматини тик тут-

ган, қандай мусофир бўлса қўшхонасига меҳмон қилган, чўпон бўлганига қирқ йилдан ошган, қомати жопсардай тутилган киши эди... Шуни чўпон: “Бутун бош даҳмардан (бош чўпон) бизникига меҳмон бўлади”, – деб чўпонларни чақирди. Доно энчи (хизмат ҳақи учун чўпонга бериладиган мол)га олган қўйни сўйиб, қозонга солиб қайнатма шўрва қилди. Йигирма чўпон ҳам йиғилиб келди, қилди гурунгни”.

Ана шу гурунг (сухбат)да чўпонларни Сўлтоқ, Сўлтоқни чўпонлар яқиндан билишади, танишади, дардлашади. Бу меҳмондорчилик мусофир Сўлтоқни чўпонларга яқинлаштиради. Аёнки, яқин-яқингача чўпонлару деҳқонлар, эркаклару аёллар, ёшлару кексалар радио эшитиб, телевизор кўриб кино томоша қилиб, театрга кириб маданий дам олишган эмас. Балки, дунё ташвишлари ҳақида сухбатлашиб, соз чертишиб, сўз айтишиб, қиссахонлик, достонхонлик қилиб ҳордиқ чиқаришган. Шу гурунглarda қилинган ишларга яқун ясашган, навбатдаги ишлар, режалар белгиланган. Доно чўпонникида ҳам: “Гапдан гап чиқди, балчиқдан лой сачради дегандай, гап Норгулой устида кетди”. Доно туриб: “Энди бир гап бор, ким дўмбирани чертиб Норгулойни зўр таърифласа, Норгулой учун бойга шу чўпон томонидан берса-бермаса бир совчи бўлиб борамиз. Бой бошқага берса ҳам шу чўпоннинг келини эди деб таърифлаб юрамиз, деди. Ана энди чўпонлар навбат олиб бир бошдан таърифлаб жўнади”.

Шу таърифларда соз ва сўз маҳорати намоён бўлади, эпик қаҳрамонимиз тақдирига доир муаммо ҳал этилади. Меҳмон шарафига ўтказилган зиёфатлар, меҳмон чорловлар, сухбатлар халқимизнинг хос миллий қадриятлари бўлиб, у ҳамон туманлар, қишлоқ ва овулларимизда сақланиб қолган. Қашқадарё – Сурхондарёнинг Қарши, Шаҳрисабз, Термиз, Денов каби катта шаҳарларини мустасно қилганда бошқа барча жойларида кимдир хизмат юзасидан ўша ерга бориб ишлаётган, яшаётган бўлса, уни чақириб меҳмон қилувчилар, ҳолидан хабар олувчилар истаганча топилади.

Бу ўзига хос ўзбекона анъананинг йирик шаҳарларда йўқолиб кетишининг боиси аввало этник қатламнинг хил-

ма-хиллиги бўлса, иккинчидан бефарқлик, қадриятларни билмаслик оқибатидир.

Истиқлол шарофати билан миллий ва руҳий қадриятларимизни тиклаётган эканмиз, саломлашиш одоби, сўрашиш, меҳмондорчилик, мусофирга муносабат соҳасидаги одатларга заррача бефарқ бўлмаслигимиз шарт. Чунки бу урф-одатларда инсонни севиш, ардоқлаш, унга ғамхўрлик, меҳр-муҳаббат руҳи мужассам.

Саломнинг сеҳрли кучи, меҳмонга бўлган меҳри асло озаймаслиги, балки ошиши зарурий бир хол бўлиб, улар иттифоқчилигимизни, машаққатларни енгишимизни, осойишталигимиз ва улуғвор ғалабаларимизни таъминлайди.

### Рамазон байрами

Достонларда ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший урф-одатлар ҳам ўз ифодасини топади. Уларнинг ҳар бирида эзгу ният, ўрнатма бўларли ҳолат, яхшилик ўз ифодасини топган. Халқ маъқуллаган, халққа манзур бўлган байрамлар, сайиллар, ўзаро муносабатлар, инсоннинг камолоти, яшаш тарзи, оилавий муҳити, тутуми билан боғлиқ удумлар жамият томонидан ҳамиша эътироф этилмаган, гоҳо улар қатағон қилинган. XX асрда бу соҳада энг кўп озор чеккан диний урф-одатлардир. Улар нечоғлик ҳаётий, инсонпарварлик характериға эға бўлмасин таъқиб этилган, қораланган. Аммо халқ пинҳона тарзда бўлса-да уларни асраб-авайлаб сақлаб келди. Ушбу рисола муаллифларидан бири республика миқёсида довруғли бир мактабнинг директори бўла туриб, 80-йилларда ўз ўқувчиларига “Ё рамазон”ни ўргатгани, уни рўза ойида айттиргани учун ҳуқуқ эгалари томонидан сўроқ қилинган, диний урф-одатларин тарғиб этаётгани учун таъқиб этилган. Аммо шунга қарамай 1990 йилда “Туркистон” (собиқ “Ёш Ленинчи”) муҳарририяти “Ё рамазон” ҳақида мақола эълон қила олди. Бу орада ҳуррият бўлди, юртбошимиз И.А.Каримов раҳбарлигида диний эътиқодға, Исломидаги инсонпарварлик ва ахлоқий муносабатларға бўлган нуқтаи назар тўғри белгиланди. Ўтган қарийб тўққиз йилда миллий, руҳий, диний қадриятимиз-

ни тиклаш, истиқлол эгалари тарбиясига бўйсундириш борасида улкан ишлар қилинди.

Биз эса ушбу ўринда биргина “Ё рамазон” айтиш ва унинг аҳамияти ҳақида тўхталмоқчимиз холос.

“Норгулой” достонида “Ё рамазон” қачон айтилиши, қандай айтилишининг мумтоз намунаси сақланган.

“Мана рўза ойи”,-деди Доно чўпон, “Ё рамазон” деган қўшиғимиз бор, рўзанинг учинчи куни тутила айтилади. Ҳаммамиз бир бўлиб, эшикма-эшик юриб рамазон айтамыз, бойникига ҳам борамиз... Бу гапга ҳамма рози бўлиб келишиб қўйдилар. Рўзанинг учинчи куни кечқурун ҳаммаси бир бўлиб, телпақларини бостириб кийиб, хуржинларини елкаларига қўйиб, овулга аралашиб кетдилар. Ҳар бир эшикка бориб, “Ё рамазон” айта бошладилар. Охири кечага яқинлашиб қолганда Шукуралибойнинг бўсағасига бориб айта бошладилар...

Қўринадика “Ё рамазон” рўза ойида унинг ҳам белги-ланган учинчи кунида айтилади. Одамлар ўша куни “Ё рамазон” айтилишини, унинг ижрочилари уйга келишини билади. Шу сабабли бу кунга ҳоли қудрат тайёргарлик қўрилади. Нимадир ҳозирлаб қўйилади. Оилалар унга байрамона тус берадилар, рамазон айтувчиларнинг истаги рўёбга чиқишига ишонадилар. “Ё рамазон”ни бир киши бошлайди, қолганлар унинг нақоратига жўр бўлишади. (Зеро, “Ё рамазон” бир киши томонидан эмас, балки уюшган гуруҳ томонидан ижро этилади. Унинг матнини ҳамма иштирокчилар билиши шарт бўлмаса-да, аммо битта сўзга чечан, гапни- гапга улайдиган, ҳар бир хонадоннинг маиший-оилавий хусусиятига қараб бадиҳагуйлик йўли билан рамзий сатрлар тўқий оладиган иштирокчи бўлмоғи зарур).

Доно чўпон:

Ховв...

Ё рамазон айтиб келдик эшигингизга,

Қўчқордек ўгил берсин бешигингизга.

Ҳаммаси:

Ё рамазон, ё рамазон.

Бу анъанавий бошланма. У барча хонадонда айтилади. Гарчи оила аъзолари Шукуралибой ва хотини каби кексай-

иб фарзанддан қолишган бўлса-да. Аммо неvara, чевара кўриши мумкин. Ўша туғилажак ўғил эса барибир шу сулолани давом эттиради. Яна одат борки, ўзбек оилаларда ота-она ўз фарзанди ўсиб катта бўлган бешикни муқаддас билиб неварасига, неваралар соғ-саломат улғайса, чеварасига асрайдилар. Бешикли хонадон муқаддас ҳисобланади. У тиловчи, яъни авлодларни ўз бағрида камол топтиради. Бешик элда ҳамиша муқаддас саналган. Қачонки унда фарзанд нобуд бўлса, ўша бешик сақланмаган, майда-майда бўлакланиб, нобуд бўлган фарзанд қабри устига қўйилган. Ўзбек хонадонида бешик авлодларнинг дунёга келиши, аждодлар анъанасининг давомчисини камолга етказувчи восита (предмет) тарзида эъзоз топган. Шу боисдан ҳам муқаддас руза ойининг табаррук кунида “Ё рамазон” айтувчилар бешикка ўғил тилашдан ўз истакларини бошлаб давом эттирадилар-да, сўнг ўзга ниятга ўтадилар.

Сум-сум тилла, сум тилла сувга солса ботмасин,

Худо берган кенг давлат тепкиласа кетмасин.

Ҳаммаси:

Ё рамазон ё рамазон.

Тилла металл, у сувда чўқади. Аммо истак шуки, ният билдирилаётган тилласи сувга солса ботмасин. Чунки ботиш йўқотишдир. Халқ эса йўқотишни эмас, бунёд қилишнинг, яратишнинг тарафдори. Тилла давлат, бойлик, борлик, тўкинлик. Шу тўкинликни худо берган бўлса, у тепкиласа-да, кетмайди. Чунки худо ялқовга, бузукқа, диёнатсизга назар солмайди, бойлик ҳам ато этмайди.

“Ё рамазон” матнининг барча мисраларида инсонни улуғлаш, уни оилада бахтли-саодатли, иноқ, бой-бадавлат, хорзор бўлмай, қайғу-озор чекмай яшашига ундаш асосий ўринда туради. Воқеалар чорвадорлар ҳаётидан олингани боис чорва билан боғлиқ ўринлар кўпроқ тавсия этилади:

Кўганингиз бошига чопса отлар етмасин,

Осмондаги ойингиз минг йилда ҳам ботмасин.

Ё рамазон ё рамазон.

Кўган кўзи-улоқларни қаторлаштириб бўйнидан боғлайдиган арқон. Бу ерда кўзи улоқлар тилга олинаётгани йўқ,

Баллик кўпга атамасининг Узоқ кўзи-улоқлар тушунчасини  
Балликнинг Кўзи-улоқларингиз шу қадар мўл бўлсинки,  
инанч қолганда ҳам унинг охирига ета олмасин. Мол шунча-  
лик кўп бўлган, унинг эгаси умри ҳам узоқ бўлиши лозим.  
Шу билан осмондаги ой-умр минг йилда ҳам завол кўрмасин.  
Аmmo бу умр фарзандсиз сариқ чақага арзимайди. Узоқ-  
умр, сонсиз чорва, беҳисоб олтин-бойлик, ўғил-қизларнинг  
борлиги, уларнинг бахти, иқболи, келажаги билан завқли:

Фарзандингиз кўп бўлсин, душманингиз чўғ бўлсин,  
Олтинингиз қоп бўлсин, қатор-қатор саф бўлсин.

“Ё рамазон”“Ё рамазон”.

Чопқиллашсин тойингиз, мингдан ошсин қўйингиз,  
Оппоқ бўлсин уйингиз, элга етсин мойингиз.

“Ё рамазон”“Ё рамазон”.

Элга катта тўй беринг, минг йилгача гап бўлсин,  
Гапгинангиз доимо элу юртга жуп бўлсин.

“Ё рамазон”“Ё рамазон”.

Яйловингиз ҳўл бўлсин, буғдойингиз мўл бўлсин,  
Қуш сайратиб тургани боғингизда гул бўлсин.

“Ё рамазон”“Ё рамазон”

...Ҳар йил боққан қўйингиз бўлсин қўша қўзидан,  
Ичгангина сувингиз бўлсин булоқ қўзидан.

“Ё рамазон”“Ё рамазон”.

Қайси отга минсангиз, улоқ олинг ҳар тўйдан,  
Бувишингизни қўли аримасин ҳеч мойдан.

“Ё рамазон”“Ё рамазон”.

Хўкизингиз ер ҳайдаб юмшоқ шудгорда толмасин,  
Ўсиб чиққан буғдойда қора куя бўлмасин.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”

Уйингизни ичида меҳмонингиз кўп бўлсин,  
Йилқи билан туянгиз ҳар селгада тўп бўлсин.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”.

Юз туяга юк бўлсин, ҳар кўчганда юкингиз,  
Фарзанд билан хор бўлманг бувиш билан иккингиз.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”.

Ўғлонингиз шер бўлсин, қизгинангиз ой бўлсин,  
Қадам босган жойида саккиз қорин мой бўлсин.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”.

Юқоридаги мисраларнинг ҳар бирида табаррук инсон зотига, унинг оиласига тиланган эзгу ният, яхши истак мужассамки, шу истаклари амалга ошган одам қанчалар тўкин-сочин, фаровон, бахтли яшашини тасаввур қилиш қийин эмас. “Ё рамазон” айтувчилар бу истакни ҳар бир хонадонга умумий тарзда билдирадилар.

“Ё рамазон” айтилганда, одамлар ҳар бир хонадондан кўнгилдан пул чиқариб, озиқ-овқат маҳсулотлари ёхуд ўзга бирон нарса беради. Кимдир “Ё рамазон” айтувчиларнинг овози чиққандан ният қилганини бериб жўнатади, ўзга бир киши эса уни айтувчиларнинг маҳоратини баҳолаш, ниятларини эшитиш учун ўзини чоғлаб сукутда туради, уларни ичкаридан эшитиб кузатади. Шукуралибой ҳам худди шундай кузатувчилардан бўлганидан шунча ният билдирилса ҳам жим, сукутда. Бу осойишталикни яна Доно чўпон-“Ё рамазон” ижрочиларининг етакчиси бузади:

Супирангиз, бувишим, бурчакда тир-тир этар,  
Бой бобоман бувишим ухлабди хур-хур этар.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”.

Шунда Шукуралибой ўтовнинг ичида туриб: “Хой, Доно

чўпон, ухлаганимиз йўқ. Сен “Ё рамазон” айтгани келиб-санми олмаям кетмайсан, озроқ сабр қилинглар”, деди. Доно чўпон эса яна “Ё рамазон” бошлаб юборди. Эндигиси умумга айтиладиган эмас, индивидуал шахсга, унинг характер-хусусияти, яшаш тарзидан келиб чиқиб оиласига айтиладиган ниятлар, истаклар. Энди юмор устунроқ, эру хотинни ўзаро чоғлаштириб, уларнинг туйғуларини кўзгаб катароқ ҳақ олиш истаги кўпроқ:

Анов товнинг пастада тулкилар панг-панг этар,  
Бувишимиз ун берманг тўрвада чангиб кетар.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”

Бой бобомиз супрадан тўш бераман, дейди-ё,  
Бувишимиз рўмолни буш бераман, дейди-ё.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”

Бой бобомиз кўтондан кўй бераман, дейди-ё,  
Бувишимиз бўхчадан тўн бераман, дейди-ё.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”

Бой бобомиз киссадан пул бераман, дейди-ё,  
Бувишимиз ўчоқдан кул бераман, дейди-ё.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”

Бой бобомиз яйловдан той бераман, дейди-ё,  
Бувишимиз қориндан мой бераман, дейди-ё.

“Ё рамазон” “Ё рамазон”.

Бой бобомиз адирдан ҳўкиз берай, дейди-ё,  
Бувишимиз ийновидан бугиз берай, дейди-ё.

“Ё рамазон” “Ё рамазон” .

Ҳазил тариқасида уй эгаларидан бирини сяхоматли, қули очик, иккинчисини бироз хавфсизроқ тарада таърифлаб, улар бериши мумкин бўлган нарсалар санаб утилади. Легида “Ё рамазон” айтувчиларга кўнгилдан чиқариб нима бериш уй эгаларининг ҳимматига боғлиқ. “Шу вақт Шукуралибой ўтовдан елбагай чиқиб келди-да: “Ҳой Доно чўпон, менинг берганим шулки, ўз олдингдаги сурувдан битта чори қўйни сўйиб олинглар. Бувишингни бергани мана”, -деб ҳар бирига битта-битта тўн берди. “Мана бу рўмолчани Норгулим берди, биттадан бўлиб олинглар, бу пулни болаларнинг ҳаққидан олинглар”, -деди бой”.

Бу дostonда учрайдиган “Ё рамазон” айтишнинг нисбатан тўлиқ ва мукамал варианты. Ҳозирги кунда – истиқлолдан сўнг “Ё рамазон” айтишга ҳам барча қадриятлар қатори имконият берилди. Бугунги кунда уни 7-14 ёшлар атрофидаги болалар, ўсмирлар айтмоқда. Орада кўп йиллар тазйиқ туфайли “Ё рамазон” айтишнинг ҳам таъқиқланиши боис ҳозирги матнлар ҳам ёддан кўтарилган. Шу боис унинг ҳозирги ижрочилари дастлабки икки мисра - “Ё рамазон айтиб келдик эшигингизга, қўчқордек ўғил берсин бешигингизга”, -нигина айтиб уч сўм беринг ё беш сўм беринг дейишдан нарига ўта олишмайди. Шунингдек, улар рўзанинг учинчи кунда эмас, биринчи кундан бошлаб гоҳ охирги кунигача айтишади. Ҳар куни “Ё рамазон” айтавериш, бир хонадонга ҳар куни боравериш эса, одамларнинг меъдасига тегиб қоляпти ҳам. Биз катталар “Ё рамазон” айтишни ўзимиздан соқит қилиб, болалар ва ўсмирлар зиммасига қолдирган эканмиз, ақлли ёш ижрочиларга матнни тўлиқ ўргатишимиз, қачон айтишни тушунтиришимиз, “Ё рамазон”нинг аҳамияти, байрамона кайфият бахш этишини таъкидлашимиз лозим. Улар одамлардан фақат пул сўрайдиган тиланчиларга ўхшаб қолмаслиги керак. “Ё рамазон”ни катталар айтиб, одамлар кўнгилдан чиқариб берган маблағ ёҳуд озик-овқат маҳсулотларини бир жойга жамлаганлар ва уни ўзлари тенг бўлиб олибгина қолмасдан, овул, қишлоқ, маҳалладаги беморлар, етим-есирлар, ногиронлар, қариялар, муҳтож оилаларга улаш-

гиллар ҳам. Эл берган моддий маҳсулотлар билан элнинг отир шароитда яшовчи вакилларига мадад беришган. Демик, "Ё рамазон" бу жиҳатдан ҳам савобли, зарурий анъана ҳисобланган. Шу боис унинг хилма-хил вариантларни ёзиб олиш, чоп этиш, ёшларга "Ё рамазон" айтиш йўллари уни ўргатиш, уни айтишдан кузатилган мақсадни-одамларга эзгу ният билдириш, соғлиқ, омонлик, тукин-сочинлик, осойишталик тилаш ва муҳтожларга ҳоли қудрат ёрдамлашиш керак эканлигини тушунтириш зарур.

## ХАЛҚ ҰЙИНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАҚИДА

Масалалар:

1. Халқ ўйинлари – этномаданиятнинг таркибий қисми.
2. Халқ ўйинларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
3. Чорвачилик билан боғлиқ халқ ўйинлари.
4. Деҳқончилик билан боғлиқ халқ ўйинлари
5. Табиий-мавсумий ўйинлар
6. Худудий ва турли жойларга хос ўйинлар.
7. Турли ёшларга хос ўйинлар.
8. Халқ ўйинларини тиклаш ва ривожлантириш зарурати.

Халқ ўйинлари қадимий ва бой тарихга эга. Уларнинг илдизи инсоният пайдо бўла бошлаган ибтидоий даврга бориб тақалади. Энг содда ўйин турлари ҳайвонот дунёсида ҳам учраб туради. Бу эса ўйинларнинг тирик (жонли) мавжудотга хос фаолият эканлигидан далолат беради.

Ўйин қадим замонларданоқ инсониятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим ўрин эгаллаб келганлиги сир эмас. Ибтидоий одамлар термачилик билан машғул бўлган даврда бу соҳага оид иш тажрибалар билан бирга ўйин-мусобақаларга ҳам эҳтиёж сезила бошланган.

Биринчидан, термачилик даврида ким кўп ва тез мева заҳирасини йиғса, у тўқ бўлган. Бу ўзига хос мусобақани вужудга келтирган.

Иккинчидан, мохир теримчилар қариганда, уларга даврахт учига чиқиб, ҳатарли шохларда туриб, мева териш қийин бўлган. Болаларда эса, ҳаракат-ўйинларга мойиллик бўлган. Бундан фойдаланган қариялар болаларга мева теришни иш сифатида эмас, балки ўйин шаклида ўргатишган.

Учинчидан, ибтидоий даврда уруғ-қабилалар ўртасида серхосил жойлар учун жанглар бўлиб, улар оқибатида қурбонлар кўп бўлган. Борган сари масалани маданий шак-

қилган ҳал қилиш йўллари иланган. Бунинг натижасида икки уруғ бир-бири билан эмас, балки уларнинг сардори якка-якка жанг қилганлар. Вақт ўтиб, ўлим билан тугайдиган жанглар ўрнига, маданийлашган сардорлар кураш-олишувлари вужудга келган. Бу олишувлар эса ҳозирги миллий курашларнинг ибтидоси бўлади.

Туртинчидан, қабилалар ўз муаммоларини жанжал билан эмас, балки тинчлик йўли билан ҳал қилиш мақсадида қўшни уруғ вакилларини меҳмонга чақирган. Инсон тили ривожланмаган бу даврда меҳмон ва мезбонлар ўз фикрларини пантомима (ўйин-рақс) шаклида ифодалаган.

Хуллас, инсон термачилик билан машғул бўлаётган даврдаёқ ўйинларнинг илк шакллари – мева териш бўйича мусобақа, тарбиявий ўйин машғулотлар, сардорлар олишувлари, пантомим ўйин-рақслар қабилар шакллана бошлайди. Одамлар овчилик билан шуғуллана бошлаганда, уларнинг ови самарали тугаса – қорни тўйган, ов натижа бермаса оч қолган, қийналган. Овдан ўлжа билан қайтишаётган овчилар хурсанд бўлиб, ов жараёнини имо-ишора, махсус ҳаракатлар ҳамда ўйин шаклида такрорлашга ҳаракат қилишган. Натижада “Ов ўйинлари” номи билан тарихда муҳим ўрин тутган маданий тадбир вужудга келади.

Ибтидодий одамлар ҳаётида “Овчилик ўйин”лари муҳим ўрин тутиб, улар овдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам ўтказилган. Овдан олдинги ўйинлар - ов олди машқи (овга тайёргарликни текшириш, овга руҳий ва жисмоний шайланиш) вазифасини ўтаб, ўзига хос кичик жиддий тадбир шаклида уюштирилган. Ов олди машқларида одамлар ўлжани қўлга олиш, унга яқинлашишни ўрганишган, бунинг учун ниқоб кийиб ҳайвон қиёфасига киришни, унинг юриш туришлари ва товуш чиқаришларини машқ қилишган. Бу ўйинлар ёшларни ҳам ов қилишга ўргатган.

Ўйин фақатгина чаққонлик машқи, довдюраклик дарси-гина бўлиб қолмасдан, балки ўз замонасига мос одамларни тарбиялаш мактаби ҳам бўлиб хизмат қилган.

Овчилик асосида чорвачилиқ шаклланади. Чорвани боқишга оид муҳим меҳнат жараёнлари, масалан, сигир со-

тиш (“хўш-хўш”), чорвани сўйиб қишга гўшт мақсулотларини тайёрлаш дақиқаларида бу жараёнларни акс эттирадиган ўйинлар пайдо бўлади. Аниқроғи катталар меҳнат қилишаётган вақтда болалар уларнинг иш жараёнларини ўйин шаклда такрорлаб туришган.

Чорвачиликда муайян ҳайвонлар: от, хўкиз, эшак, туя, буғи, меҳнатидан фойдаланиш жараёнида ҳам бу ҳайвонлар ҳаракатларига тақлид қиладиган ўйинлар вужудга келади. Масалан, баҳорда ер ҳайдаш учун хўкизни боқиш - (“хўш-хўш”), шохларини мойлаш, бўяш-“Шохмой”, қўш ҳайдаш маросимлари (“қўш ҳайда”), илк бор от эгарлаш вақтида - “қайсар от” каби ўйинлар пайдо бўлади. Шунингдек, қўй жунларини олиш мавсумий маросими, қора мол териларини ийлаш ва улардан пўстин тикиш, жун йигириш ва кийим тўқиш анъаналари, турли қўшиқ-рақслар, ўйинлар ёрдамида амалга оширилган. Хуллас, чорвачилик тармоқларининг ҳар бири, масалан, қора молчилик, қўйчилик, йилқичилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик кабилар билан боғлиқ ўзига хос ўйин-одатлар пайдо бўлган.

\* \* \*

Деҳқончилик вужудга келиши ва ривожланиши икки анъана: яъни баҳорда меҳнат мавсумига кириш ва кузда ҳосилни йиғиш якунига бағишланган маросим-байрамларни юзага келтиради. Айниқса, ёз бўйи меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирган деҳқонлар хурсанд бўлганидан ўзига хос хирмон тўйини ўтказиб, унда меҳнат жараёнларини ўйинлар орқали акс эттиришган. Бу “Меҳнат ўйинлари” яхши кайфиятда, байрам ҳолатида ўтган.

Шундай қилиб, энг қадимий даврдан бошлаб инсон ҳаётида термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончиликка оид меҳнат тажрибалари билан бирга ўйин-рақслар шакллана бошлайди. Онгли меҳнат ва тажриба асосида турли ўйинлар пайдо бўлади. Бу ўйинлар меҳнатнинг тараққий этишида, инсон ҳаёти ривожланишида ҳам муҳим ўрин

тутади. Чунки ўйинлар бошқалар тажрибасидан, илгорлар ютутидан, кексалар ибратидан, авлодлар меросидан самарали фойдаланишга имконият яратган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, маросим, санъат, ижод каби маданият турларининг вужудга келишида ва ривожланишида ўйинлар ўта муҳим роль ўйнаган. Образли қилиб айтганда, ўйин кўпгина қадимий маданий турларнинг, жумладан, рақс, театр, спорт кабиларнинг “онаси” ҳисобланади. Дастлаб ўйин инсоннинг ривожланиши учун керак бўлган бўлса, кейинчалик инсон ўйинни ривожлантирди.

Ҳар бир тарихий давр ўз ўйинларини яратади ва бу ўйинлар ўз даври кишисини тарбиялашда муҳим ўрин тутади. Ўйинлар одамларда яшаш учун энг зарур бўлган сифатларни шакллантирибгина қолмай, балки уларни ҳар томонлама - маънавий, ақлий, жисмоний ривожлантиришда ҳам аҳамиятли бўлган. Лекин, асосий эътибор ўша вақт учун жуда муҳим бўлган хусусиятларга, масалан, итоат қилиш, буйруқни бажариш, жанговорлик кабиларга қаратилган.

Ўйинларнинг шакли ва мазмуни аввало табиий шароитдан, шуғулландиган фаолият, кишилар орасидаги ўзаро муносабат, ижтимоий ахлоқ, сиёсий вазият кабилардан келиб чиққан. Ўйинлардаги “низолли” ҳаракатлар ижтимоий ҳаётдаги қарама-қаршилиқларнинг ифодаси ёки ўзига хос акси сифатида вужудга келган.

Ўйинлар халқ ҳаётининг муҳим қисми бўлганлигини Шарқ алломалари - Фирдавсий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Қайқовус, Алишер Навоий, Бобурларнинг асарларидан ҳам билса бўлади. Чунки Фирдавсий - шоҳлар ўйинлари, Беруний қадимги халқлар ўйинлари, Ибн Сино - ўйиннинг шифобахш хусусиятлари, Маҳмуд Қошғарий - туркий халқларга оид кўплаб ўйин турларининг баёни, Қайқовус - ўйинларда қатнашиш одоби, Алишер Навоий - паҳлавонлик ўйинларининг бадий ифодаси, Бобур - ўйинлар завқ-шавқи ҳақида жиддий фикрлар изҳор этганлар.

Тарихий адабиётлардан биламизки, қадимги ва ўрта асрлар давридаги минглаб ўйинлар ичида шундай мусо-

бақа бўлганки, бунда шаҳарнинг икки қисм вакиллари орасида “Қилич жанги”, “Туя пойгаси”, “Туялар жанги”, “Отлиқлар пойгаси” ва ҳоказолар ўтказилган. Уларга шаҳар аҳли йил давомида тайёргарлик кўришган.

Ўрта аср Шарқ миниатюраларидаги “Чавгон ўйини”, (“Қобок ўйини”), “Ўимтўп” каби тасвир-ўйинлар катта қизиқиш уйғотади.

Афсонавий ва тарихий шахсларнинг шаклланишида халқ ўйинлари муҳим ўрин тутган. Масалан, Алпомишнинг алпқоматли паҳлавон бўлишида мерганлик, олишиш, найза отиш, қиличбозлик, чавандозлик, от, кураш каби мусобақа ўйинлари асосий омил бўлган.

Соҳиб Қирон Амир Темурнинг ҳар томонлама камол топишида ҳам ўйинлар ҳам катта роль ўйнаган. А.Темур ёшлигида олишув-кураш, от ўйинлари, чавандозлик, пойга, мерганлик, (тирандозлик), қиличбозлик, тош кўтариш, узоққа чопиш каби мусобақаларда қатнашиб, чиниққан. Ёшлигидаги бу ўйин-машқлар кейинчалик соҳибқиронга жуда асқотган.

Ўйинларнинг энг муҳим томонлари шундаки, инсон ҳаётида эришолмаган ёки ўзига етишмайдиган нарсалар, ҳодисаларга ўйин ёрдамида эришарди. Ўйин орқали инсон (жисмоний, рухий, ақлий) кучи ривожлантирилган, унинг ёрдамида, керак бўлса, инсон ортиқча кучини ҳам ўзидан чиқариб юборган, сарфлаган.

Маълумки, барча ўйинлар орасида турли касб эгаларининг ҳам ўзига хос ўйинлари бўлган. Баъзи тадқиқотчилар фикрича улоқ (кўпқари) ўйини чорвадорлар орасида кенг тарқалган экан. Албатта бундай ўйинлар чўпон-чорвадорларнинг эҳтиёжларига кўра вужудга келган. Маълумки, чўпонлар ўз касб хусусиятларига кўра камроқ ҳаракат қиладилар. Бунинг устига улар ўз касб хусусиятларига кўра мулоқотга қизиқарли ўйинларга ўч бўлишади. Чўпонлар подани ташлаб кета олмасликлари туфайли ўша атрофда ўйнаш имкониятларини излаганлар. Бунинг учун улар атрофидаги мавжуд жой ва воситаларнинг ўзи кифоя бўлган. Пода боқиладиган ўтлоқ ўйин учун жуда қулай бўлган, доим қўлдан тушмайдиган чўпон таёғи эса “чавгон” вази-

фасини бажарган. Тўпни эса қўй (ёки мол) жунидан осонликчи ясаб олинган. Шу тариқа чўпонларнинг “Подачи”, “Пода тўп”, “жун тўп”, “Чим тўп”, “Чавгон” каби ўйинлари пайдо бўлган. Тарихдан маълум бўлган “Чавгон” номли ўйин дастлаб подачилар, йилқичилар ўйини бўлиб кейинчалик турли табақалар орасида, ўрта асрларда эса отлик харбийлар ўртасида кенг тарқалган Бундай ўйинлар Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган бўлиб, уларни “Чим тўп” деб номланган. Бобур лашкарлари бу ўйинни Ҳиндистонда ҳам севиб ўйнашган. Шу билан бу ўйин у ерда ҳам оммавий тус олади. Инглизлар Ҳиндистонни босиб олгандан сўнг бу ўйинни инглиз солдатлари Англияга олиб ўтишади. Шундай қилиб бу ўйин асосида янги “Чим устида хоккей” номи ўйин дунёга кенг тарқалади.

Тарихда халқ ўйинлари айниқса байрам, тўй, сайил кунлари авжига чиқиб, бу тантаналарнинг кўрки ҳисобланган ва улар файз киритган. Халқ ўртасида “Пойга”, “Подачи”, “Ёстик ўйин”, “Тош ўйин”, “Ағдариш”, “Чавгон”, “От пойгаси” каби ўйин ва мусобақалар айнан байрам кунлари авжига чиққан. Айниқса кураш, пойга, кўпкари (улоқ) кабилар машҳур бўлган. Шунингдек, байрам ва дам олиш кунлари турли характердаги қимор ўйинларини чунончи, “суяк”(“ошиқ”) ўйини, тухум уриштириш, бедана, хўроз, ит ва кўчқор уриштиришларни ҳам учратиш мумкин бўлган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, анъанавий байрам кунлари қизиқарли оммабоп халқ ўйинлари учун ўзига хос норасмий жадвал-календарь ҳисобланган. “Наврўз” ва “Қурултой” кунлари ўйин иштирокчилари ҳам, томошабинлар ҳам азалдан маълум жойга (сайлгоҳга) эълонсиз тўплана беришган. Халқ ўртасида кенг тарқалган ўйинлар (кўпкари-улоқ, кураш кабилар) оддий мусобақа-ўйин бўлибгина қолмасдан балки, уларни уюштириш ўзига хос маросимга айланиб қолган. Масалан, тўй-томоша ва сайилларда уюштириладиган кураш мусобақаларининг ўз анъаналари мавжуд бўлган. Бошқача қилиб айтганда, тўй кунлари ўзига хос спорт маросимидан ташкил топган: кураш мусобақаларини томоша қилиш учун юзлаб томошабин-ишқибозлар йиғилган, обрўли киши-

лар ва оқсоқоллардан ҳакамлар ҳайъати сайланган. Мусобақа ўз тартибига эга бўлиб, унинг муқаддимаси икки оқсоқолнинг рамзий беллашуви билан бошланган. Сўнг энг кичик “пахлавонлар” майдонга тушишган. Бирин-кетин (ёшга, сўнг гавдага қараб) курашчилар даврага туша беришган. Мусобаканинг авжида энг кучли ва донгдор пахлавонлар майдонга чиқишган. Ғолиблар кураш тугаши билан дарҳол моддий рағбатлантирилган, уларга қимматбаҳо соврин (зот)лар берилган. Чунончи, агар ёш курашчига белбоғ-дўппи берилса, энг машхур полвонга қўй, отларгача берилган.

Аждодларимиз ҳаёти ҳозирги ҳаётга нисбатан бир хил, монотонроқ бўлган. Ўйинлар эса бу ҳаётнинг маълум муддатга бўлса-да мазмунли, қизиқарли ва мароқли ўтишига ёрдам берган.

Ўйинлар кишиларни вақтинчалик реал ҳаётдан, унинг муаммо, ташвишларидан чалғитиб, қарама-қаршиликларни, қийинчиликларни енгиш ва муваффақият қозониш учун шундай бир вазиятни вужудга келтирардики, буни шоира Нилуфарнинг қуйидаги хотиралари билан ифолаш мумкин: “Уруш даврларида хотин-қизлар ғам-ташвишдан эзилган, қийналган, оч-наҳор бўлишларига қарамай, ўйин учун (кундузги оғир турмушдан кейин, кечқурун) махсус жой ва вақт топа олганлар. Ўйин орқали улар қисқа вақт бўлса ҳам фожиали даврни унутдилар, тўпланиб ётган ҳиссиётлар ўзини кўрсатар, эртанги меҳнат учун янги “куч” олар эдилар. Уруш даврларида бу кам учрайдиган, аммо мароқли дақиқалар ҳисобланарди”. Шундай қилиб, ўйин инсоннинг чуқур маънавий, руҳий ва жисмоний эҳтиёжларидан келиб чиқиб ривожланган. Ўйин жуда қадим замонларда-ноқ кишилар шаклланиши ва ривожланишининг муҳим шаклларида бири бўлган. Тарихий ривожланиш жараёнида ҳар бир этник гуруҳ (қабила, уруғ, элат, миллат)нинг ҳаётий-табиий эҳтиёжлари асосида ўзига хос ўйинлар ва маънавий-руҳий, жисмоний маданияти вужудга келган. Шунинг учун ўйин асосларини ва жумладан, бой ва серқирра халқ ўйинларини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

## 1. ХАЛҚ ҲЙИНЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА АНЪАНАЛАРИ

Маълумки, ҳар бир халқ бой Ҳйин манбаига эга. Ҳзбек халқи ҳам бундан истисно бўлмай, у жуда бой Ҳйин меросига эга. Халқ бағрида минглаб Ҳйинлар мавжуд бўлиб, буларнинг орасида ҳаммага маълум Ҳйинлар билан бир қаторда, айрим минтақаларга хос Ҳйинлар ҳам бўлган, баъзан бир қишлоқ Ҳйинлари бошқа қишлоқ Ҳйинларидан фарқ қилган. Булардан ташқари, Ҳзбек халқининг анъаналари орасида турли ёшдагилар, турли жинсдагилар, йил фасллари, шаҳар ва қишлоқларга хос Ҳйинлар тизими ҳам бўлган.

Ҳзбек халқ Ҳйинлари орасида бошқотирма, сўз, қўшиқ, рақс-Ҳйинлар, воқебанд, ҳаракатли Ҳйин турлари машҳур бўлган. Шунингдек, халқ ҳаётида тўй - байрам Ҳйинлари, жамоалар иштирокида ўтадиган Ҳйинлар, завқ-шавқли Ҳйинларнинг ҳам ўзига хос ўрни бўлган. Хуллас, халқ ҳаётида минглаб Ҳйинлар, ўнлаб, юзлаб Ҳйин турлари мавжуд бўлган. Бироқ илмий адабиётларда ҳанузгача умум қабул қилинган таснифни топиш қийин. Шундай бўлса-да, қуйида биз Ҳйинлар ва уларга хос айрим анъаналарни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганамиз.

### 1. Табиий-мавсумий Ҳйинлар.

Табиатдаги ўзгаришлар йил фасллари асосида вужудга келган. Шу сабабли доимий ўтказиладиган Ҳйинлар билан бирга ҳар бир фасл Ҳйинлари ҳам мавжуд бўлган. Масалан, баҳорда дарахтлар уйғониб, толлар куртак чиқарганда - "Тол баргак", дала гуллари очилганда ўзига хос қўшиқли, рақсли, тез ҳаракатли "Ёмғир ёғалоқ", "Оқ теракми - кўк терак" каби Ҳйинларга эҳтиёж туғилган. Ёзда эса салқин жойларда, дарахтлар сояларида, сой ва ариқ бўйларида кам ҳаракат қиладиган Ҳйинлар ўйналган. Айниқса сувда чўмилиш вақтида "Сувда қувлашиш" ("Қувлашмачоқ"), "Тез сузиш", "Сув остида сузиш" каби Ҳйинлар авжга чиққан.

Ёз охири - куз боши - пишиқчилик, тўқчилик вақтида данак, ёнғоқ Ҳйинлари, арғимчоқ училлар севилиб ўйналган.

Кеч куз – қишда ёғингарчилик бошланиб, ер юмшаганда қозик, ошиқ, тош ўйинлари одатга кирган. Қор ёққанда “қорхат”, “Қорбўрон”; ёмғир ёққанда “Ёмғир ёғалоқ”; кучли шамол эсганда – “Бўрон-бўрон” кабиларни ўйнаш анъаналари бўлган. Совуқ ўз кучини кўрсатганда барча сандал атрофида йиғилиб: “Топишмоқ топ”, “Тез айт”, “Ким айтиш”, “Оёғингни торт” каби ўйинлар ўйналган.

Барчага маълум, бўлган “Улоқ” ҳам ҳамма вақт ўйнала берилмаган. У кеч куздан то баҳор ўрталаригача ўтказилган, чунки иссиқ ёз кунлари от ҳам, чавандоз ҳам қаттиқ қизиб кетган, булардан ташқари баҳордан то кеч кузгача бўлган давр қишлоқ хўжалик мавсумига тўғри келган.

Ёзда иссиқ пасайган, салқин кечада болалар “Оқ суяк” ўйнаганлар. “Оқ суяк”ни нафақат кечаси, балки қоронғу тунда ҳам ўйнаш мумкин бўлган.

## II. Худудий ва турли жойларга хос ўйинлар.

Ўзбекистон худудида умумхалқ – ҳамма биладиган қизиқарли ўйинлар билан бирга ҳар бир ҳудуд, жойга хос ўйинлар бўлган. Бир жойда маълум бўлган ўйин бошқа жойдагиларга номаълум бўлган. Буни ўқитувчи А.Васильевнинг мақоласи тасдиқлаши мумкин. У 1909 йили болаларнинг ўнлаб ҳаракатли ўйинларини тўплаб, ёзиб қолдирган. Шулардан, “Чумчук тушди бошимга” ўйини Фарғонада кенг тарқалган, лекин Тошкентда яшовчилардан сўралганда бирортаси билмаган. Васильевнинг хизмати шундан иборатки, у фарғоналикларнинг жуда кўплаб ўйинларини ёзиб қолдирган. Булар “Ботмон-ботмон”, “Қушнинг боши”, “Капан”, “Дуппи ташлар”, “Парр этди”, “Шайтон-шайтон” ва бошқалар.

Шаҳар ва қишлоқ ўйинлари орасида ҳам маълум фарқлар бўлган. Агар қишлоқ ўйинларининг кўпчилиги кенг далаларда ўтказилса, шаҳар ўйинлари кичик майдонларда ўтган. Масалан, тошкентлик қизлар орасида “Чигирик” (жойида айланган ҳолда копток ўйнаш), “Чарак” (ерда чизиб кўйилган тўртбурчак чизиқлар орасида сакраш), “Ар-

“Тош ўйин” (арқондан сакраб ўтиш), “Тош ўйин” (майда тош-чалар) каби ўйинлар ўрин эгаллаган. Шунингдек, қизлар ўйнаш учун навбат билан бир-бирларининг ҳовлиларига тупланганлар, бу анъанавий шакл “Ҳалфана” қизларнинг бўш вақтларини ўтказишда ўзига хос уюшма ҳисобланган.

Хуллас, кўп асрлар давомида табиий шароит, атроф-муҳит, ижтимоий муносабатлар, турмуш тарзи, ҳаёт эҳти-ёжлари асосида халқ маънавий ҳаётининг таркибий қисми сифатида болалар ва катталар, шаҳар ва қишлоқ, мавсу-мий ва бошқа ўйинларнинг ўзига хос тизими ривожланади.

Умумхалқ ҳудудий ўйинлари ҳам турли жой ва муҳит-да ўйналган. Масалан, уйда- сандал ўйин, бошқотирма ва сўз ўйинлари; ҳовлида- тош ўйинлари, арқон, чизиқли ўйинлар, бекинмачок; майдонларда- тортмачок; боғда- ёнғоқ, данак ўйинлари; сувда-сув остида кўп туриш, су-зиш бўйича мусобақалар, қувлашмачок; ҳатто ҳавода- ар-ғумчоқ учуш; осмонда- варрак ўйинлари бажарилган.

Хуллас, ҳар бир жойнинг ўз ўйини бўлган, ҳатто сар-доба, карвонсарой, чойхона, меҳмонхона каби жойларнинг ўз ўйинлари бўлган. Карвон кетаётганда йўлда бажарила-диган ўйинлар ҳам бўлган. Туя, отда ўтириб келаётган йўловчилар дам олиш бекатларида оёғини ёзиш, фаолият алмаштириш мақсадида арқон сакраш ўйинлари билан шуғулланганлар.

Ўйин-мусобақалар ўтказиладиган махсус жойлар бўлган. Улар ўйингоҳ ёки сайилгоҳ деб ном олган. Ўйингоҳ-ларда бир неча тартибда юзлаб ўйинлар ўйнаш мумкин бўлган.

### III Турли ёшларга хос ўйинлар.

Маълумки, ўйин инсоннинг шаклланишида ва айниқса ёш боланинг ривожланишида ўта муҳим ўрин тутади. Ўйинга эҳтиёж ва қизиқиш бола табиатида бор. Боланинг биринчи фаолияти ўйин билан бошланади. Бола ҳаётни аввалига ўйин билан ўрганади, ҳис қилади, тушунишга ҳаракат қилади. У ўйин ёрдамида катта ҳаётга тайёргарлик кўради.

Ҳар бир ёшнинг ўз ўйинлари бор. Турли ёшларга оид характер, фазилатлар ўйин шакли ва мазмунини белгилаб беради. Масалан, чақалоқ йиғламаслиги учун унга овунчок беришади ва уни овутадиган ўйинларга жалб этишади. Ундан сўнг, бола гўдак даврида манипуляцияли – ўйинчок қўғирчок ўйинларини хуш кўрадиган бўлиб қолади. Ундан сўнг болалар тақлид қилиш ва сюжетли ўйинларга, яъни уй-уй, она-бола, қўшни-қўшни, ов-ов, иш-иш каби ўйинларга дуч бўлишади. Шу ёшдаги қизлар орасида, айниқса хола-хола, бола боқиш, овқат пишириш; ўғил болалар ўртасида эса овга чиқиш, уруш-уруш ва ҳоказолар ривожланган. Ўсмирлар ва ёшлар орасида эса ҳаракатли ўйинлар: бекинмачок, оқ теракми-кўк терак, чиллак, ёнғоқ ўйини, тош ўйини, суяк ўйини, дўппи “телпак кетди”, подачи кабилар кенг тарқалган.

Болалар ва ўсмирлар ҳаётида ўйиннинг аҳамияти жуда катта бўлган. Аввало, шуни айтиш керакки, болаларнинг ҳаётини ўйинсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айниқса 7 ёшгача бўлган болалар орасида ўйин асосий машғулот ҳисобланади. Кейинчалик ўйинлар ўрнини ўқиш ва аста-секин иш ва меҳнат эгаллай боради. Ўйинлар болалар учун “Ҳаётга тайёрланиш мактаби” бўлиб, уларнинг жисмоний, ақлий ва руҳий ривожланишига хизмат қилади. Ўйин бола онги, тафакқурини ўстириб, хотира, диққат, иродасини мустаҳкамлайди, жисмоний, руҳий, ҳиссий (Эмоционал-)тараққий этишига хизмат қилади. Шунингдек, ўйин болани катта ҳаётга тайёрлашда машқ вазифасини бажариб, келажакда ҳаётда дуч келадиган турли ҳолатларга маънавий тайёрлайди. Агар бола ўйинда ҳалол ўйнаса, кейинчалик ҳаётда ҳам ҳалол бўлади ёки бола ўйинига қараб, уни қандай одам бўлишини айтиш мумкин, деган нақллар бекорга айтилмаган бўлса керак. Қисқа қилиб айтганда, ўйин болаларда ижодий фаоллик, ташаббускорлик, ташкилотчилик ва бошқа кўникмаларни ривожлантиришда муҳим восита ҳисобланади. Ўйинларда болаларни ўраб турган дунёни тушуниш ва унга таъсир қилиш эҳтиёжи шаклланади, ақлий, ахлоқий, иродавий ва жис-

инсоний сифатлари шаклланади, бир сўз билан айтганда уларнинг тарбияланади, шахс шаклланади.

Ўйинлар нафақат болалар, балки катта ёшдагилар ҳаётида ҳам муҳим ўрин тутди. Агар ўйинлар болаларнинг руҳий ва жисмоний ривожланиши, ҳаётга тайёрланиши учун керак бўладиган бўлса, катта ёшдагилар учун улар бўш вақтларини мазмунли ва қизиқарли ўтказиш, ҳордиқ чиқариш ҳамда балки ўзларининг соғлиқларини мустаҳкамлаш, чиниқиш, инсоний маданий шакл ва мазмунни сақлаш учун лозим бўлади. Агар болалар кўпроқ ўзлари учун (томоша учун эмас) ўйнасалар, катталар ўйинларининг муайян қисми (энг иқтидорли ўйинчилар – ҳаваскор ва профессионаллар иштирокида) томошавий мусобақа, тадбир сифатида ташкил қилинади.

Истеъдодли ўспирин-ёшлар орасидан аста-секин профессионал ўйинчи-спортчилар етишиб чиқа бошлайди. Уларнинг касбий машғулоти ўйин-мусобақа бўлиб қолади.

#### IV. Турли жинсдагилар ўйинлари.

Ҳаммабоп ўйинлар билан бир қаторда болалар ва қизлар ўйинлари, кейинчалик эса эркак ва аёллар ўйинлари бўлган.

Ўғил ва қиз болаларга хос инстинкт 2-3 ёшдан намоён бўла бошлар экан. Масалан, ёш қизларда қўғирчоқ ўйинига мойиллик сезилса, ўғил болалар эса иш ва уруш қуролларига ўхшаш ўйинчоқлар танлаб ўйнашади.

Ёш болаларнинг умумий ўйинлари бўлса-да, тахминан 13 ёшдан сўнг қизлар ва йигитлар алоҳида ўйнашади.

Натижада йигитларнинг: подачи, чавандоз, оқ суяк, оқ таёқ, кўрпа ёпинди, тепа кураш, елкада кураш, қирқ тош, соққа, қулоқ чўзма каби ўйинлари шаклланган.

Қизлар эса: дурра, чори-чанбар, тортишмачок, болқон-болқон, анакий, чекимотош, фоз-ғоз каби ўйинлар ўйнашган.

Катта ёшдаги эркакларнинг улоқ, кураш(олишиш), чавгон каби спорт турлари бўлса, аёлларнинг эса кўпроқ сўз,

ракс, кўшиқли ўйинларни ўйнаши одат бўлган.

Ҳозирги катта спортда ҳам эркаклар қатнашадиган барча ўйинлар (масалан, бокс, тош кўтариш кабилар) бўйича аёллар ўртасида мусобақалар ўтказилмайди.

#### V. Машғулот, меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган ўйинлар.

Тарихий жараёнда, термачилик, овчилик, чорвачилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик, тикувчилик каби иш фаолияти билан боғлиқ ўйинлар шакллангани бизга маълум. Масалан, термачиликда (дарахтга чиқиб, мева териш, мўлжалга таёқ ва тош отиш мусобақа ўйинлари); овчиликда: (ов ўйини), камондан отиш, учар нишон (кийик ови), чорвачиликда: (подачи, чўпон ва оқсоқ бўри); деҳқончиликда: (машоба, хирмон-хирмон); ҳунармандчиликда: (сартарош, ковушим, каштачи, теримчи) каби ўйин одат бўлган.

Ҳарбийларнинг ҳам ўз машғулотларига мос келадиган уруш-уруш, аср олиш, қалъани эгаллаш каби ўйинлари машҳур бўлган.

#### VI. Воқебанд ўйинлар.

Театрлаштирилган (сюжетли) ўйинлар тарихий воқеаларни, ҳаётнинг таъсирли, қизиқарли дақиқаларини бадиий-ижодий ифодалайди. Бундай ўйинларга: подшо вазир, ов ўйин, уриш ўйин, асир олиш, эчки-чўпон, бўри-қўйлар ва бошқалар мисол бўла олади.

#### VII. Харакатли ўйинлар.

Эпчиллик, чаққонлик, кўпчилик мусобақаси сифатида бир неча томонлар ўртасида ўтказилади. Буларга мисол қилиб, тепа кураш, қўриқчи, айланиб теп, қирқ тош, чиркаш (ёки чири кас) кабиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бир кишили ўйинлар (масалан, қозиқ ўйин, сакра кабилар). Улар инсоннинг хусусий, жисмоний фазилатларини тараққий эттиришга кўмак берган.

2. Икки пишили ўйинлар (масалан, кураш-олишув, эрдариш, шахмат кабилар). Улар яккама-якка курашиш, мақсадга эришиш, галаба қозонишга интилиш ҳисларини шакллантирган.

3. Гуруҳ, жамоа бўлиб ўйналадиган ўйинлар (масалан, айланма дарра, сичқон-мушук, чўпон ўйини кабилар). Улар иноқлик, ўртоқлик, дўстлик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик каби хислатларни вужудга келтиришга хизмат қилади.

4. Тарафма- тараф (команда-команда) бўлиб ўтадиган ўйинлар (масалан, оқ теракми-кўк терак), ботмон-ботмон кабилар. Бу ўйинлар рақибга қарши ҳалол курашиш ва жамоа аъзоларини ҳурмат қилиш, мақсадга ҳамжиҳат бўлиб эришиш каби фазилатларни тарбиялаган.

### VIII. Турли воситали ўйинлар.

Бу ўйинларни иккига бўлиш мумкин: моддий воситалар (овунчоқ, қўғирчоқ, ўйинчоқ ҳамда таёқ, тош, тўп, ёнғоқ кабилар) ёрдамида бажариладиган ўйинлар; - маънавий, бадий-ифодали воситалар (фикр, сўз, қўшиқ, рақс, театр кабилар) ёрдамида амалга ошириладиган ўйинлар.

Моддий воситалар билан бажариладиган ўйинларда тўп, тош, таёқ, суяк (ошиқ), арқон, белбоғ кабилардан фойдаланилади. Кўпинча фойдаланиладиган восита ўйин номини белгиланган. Тўп ёрдамида пода тўп, қочартўп, тўп девор, тўп ўйин, тош ёрдамида чекимотш, бекки, уч тош, беш тош, қирқ тош, юз тош, лаппар каби, таёқ ёрдамида чиллак, дастак, қадама таёқ каби, ёнғоқ ёрдамида тоқми-жуфт каби суяк ёрдамида оқ суяк, ошиқ ўйин каби, арқон ёрдамида арқон тортиш, белбоғ ёрдамида белбоғ тортиш, белбоғ устида кураш каби ўйинлар ўйналган.

Ўйин қуролларини (атрибутларини) тайёрлаш – болаларнинг ривожини учун муҳим бўлган, у меҳнат ва маҳоратни талаб қилган. Масалан, тўпни – мол жунидан, чиллик, ёғоч от кабиларни дарахт новдасидан тайёрлаш жараёни

болаларда меҳнатсеварликни ривожлантирган. Болалар ўртасида ўйин қуролларини тайёрлаш бўйича норасмий мусобақалар ҳам вужудга келган.

Маънавий, бадиий, ифодали ўйинларда номоддий воситалардан фойдаланилган. Масалан, агар ўйин ақлни, бош қотиришни тақозо этса – бошқотирма ўйин, агар ўйинда асосий восита сўз бўлса – сўз ўйинлари; агар ўйинда ҳаётий ҳодисалар, воқеалар, сюжет, образ орқали ифодаланган бўлса, уларни – Воқеабанд (театрлаштирилган) ўйинлар; агар ўйинда қўшиқ асосий вазифа бўлса, уларни қўшиқли ўйинлар деб аташ мумкин.

Асосий восита ўйин мазмуни, характери, шакли, кўпинча тури ва номини белгилаб беради. Шу сабабли, ифодали воситали ўйинлар ичида сўзли, қўшиқли, рақсли, воқеабанд (театрлаштирилган) каби ўйинлар алоҳида ўрин тутади.

1. Бошқотирма ўйинлар. Бу ўйинларга ақлий салоҳият керак бўлади, улар болаларнинг миясини ишлатишга, ақлни ўстиришга, мантиқли ва тез фикр қилишга, фаросатли, доно, топқир бўлишга хизмат қилади. Масалан, тахта жанг, чизиқ ўйин, шахмат, топқир каби ўйинларни бошқотирмасдан ўйнаб бўлмайди.

2. Сўз ўйинлари. Асосан, оғзаки нутқдан ташкил топиб, уларга тез айтиш, топишмоқ топ, қирқ ёлғон, баҳри байт, гулдир-гуп кабилар киради. Бундай ўйинларда ақлий фаолият асосий ўрин тутгани учун, уларни баъзида ақлий ўйинлар ҳам дейишади.

3. Қўшиқли ўйинлар. Куй ва ашула, айтув асосида вужудга келиб, уларга як-як, ум-уфу, бўшама, кичкина, юрамана-юраман, сидирча, ёзи-кал, ботмон-ботмон, оқ теракми-кўк терак кабилар киради.

4. Рақсли ўйинлар. Асосан, рақсли ёки пантомимали ҳаракатлар асосида ижро этилиб, уларга бешқарсак, чўпон ўйин, хўш-хўш, лакка-лак ва бошқалар киради. Шуни таъкидлаш керакки, воситали ўйинлар кўпинча соф ҳолда, яъни турли ёшлилар турли жинсдаги кишилар орасида йилнинг турли даврларида ҳам ўйналади.

## IX. Ҳайвонлар иштирокида ўтадиган ўйинлар.

Бу ҳолдаги ўйинлар энг қадимги ҳисобланади. Қадимги одамлар аввалига табиатнинг ўзида ҳайвонлар жангини томоша қилишган. Кейинчалик ҳайвонларни ушлаб, уларни махсус уриштиришган. Натижада бедана уриштириш, хўроз уриштириш, қўчқор уриштириш, ит уриштириш кабилар пайдо бўлган.

Ҳайвонлар иштирокида ўтадиган бошқа ўйинлар ҳам бўлган. Уларда ҳайвонлардан восита, улов сифатида фойдаланишган. Жумладан, эшак ва от миниб ўйналадиган ўйинлар - эшак кўпқари, улоқ, от пойга, ағдариш, чавгон ва бошқалар ўзбек халқи орасида кенг тарқалган.

Хуллас, халқ ҳаётида минглаб ранг-баранг ўйинлар мавжуд бўлиб, улар минг йилликлар ичида бойиб борган ва аждодларимизнинг маънавий ва жисмоний ҳаётида муҳим ўрин тутган. Кўп асрлар давомида халқ ўйинлари авлодларни тарбиялашда “ҳаёт мактаби” вазифасини ўтаган. Улар аждодларимизнинг ақлий, жисмоний баркамол бўлишида муҳим ўрин тутиб келган.

### 3. ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИ ТИҚЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

#### *а) Халқ ўйинларининг таъқиқланиш сабаблари*

Минг афсуслар бўлсинки, XX асрда, аниқроғи шўролар давридан бошлаб халқ ўйинлари ҳаётдан сиқиб чиқарила бошланди. Бунинг сабаблари кўп.

Биринчидан, халқ анъаналарини таъқиқлаш тоталитар тузумнинг яширин миллий сиёсати натижаси эди. Бу сиёсатнинг асосий мақсади мамлакатда умумсовет халқини вужудга келтириш эди. Бироқ шўролар бу мақсадга тезроқ ва сунъий йўллар билан эришишга интилишди. Умумсовет халқини вужудга келтириш учун эса барча миллат ва элатларни бир-биридан ажратиб турадиган хусусиятларни, яъни миллий онг, миллий анъаналар, миллий тил ва маданиятини йўқ қилиш лозим бўлди. Шунинг билан бирга барча

учун умумий бўлган онг, тил, одатлар, ўйинлар жорий қилина бошланади. Бу сиёсат натижасида этник маданиятнинг муҳим қисми бўлган халқ ўйинларига ҳам эскилик сарқити сифатида кураш олиб борилди. Жумладан, халқ таълими бўлимлари томонидан мактабларга “ўқувчилар эски ўйинларни ўйнамасин” деган кўрсатмалар ҳам берилди. Юқорида берилган кўрсатмаларга асосан халқ ўйинлари намояндалари устидан кулинди. Мабодо халқ ўйинлари тарафдорлари, ҳимоячилари пайдо бўлса, уларни тезда маҳв этишган, ҳақорат қилишган, уларга миллатчи ва халқ душмани деган ёрлиқлар ёпиштирилган. Улар эски ҳаётни қўсовчи, онгсиз, тараққиётни тўхтатувчи деб айбланганлар. Албатта, ким ҳақ – ким ноҳақ эканлигига тарих ўз баҳосини бермоқда.

Иккинчидан, урбанизация натижасида кичик қишлоқлар йўқотилди, қир-адирлар ўзлаштирилди, ўйингоҳлар ва саргоҳлар ўрнига пахта ва бошқа экинлар экилди. Шаҳар ўйингоҳлари ўрнида баланд-баланд иморатлар қад ростлади. Янги яшаш жойларида ўйин майдонлари деярли барпо этилмади қўйди. Анъанавий ўйингоҳларининг йўқолиши халқ ўйинларининг йўқолишига олиб келади.

Учинчидан, болаларга халқ ўйинлари ўрнига Европада қабул қилинган ўйинлар таклиф этилди. Бутун мамлакат мактабларида волейбол, баскетбол, гандбол, футбол ва ҳоказолар ўйналди. Халқ ўйинлари эса бир четга суриб қўйилди. Болалар ўйнаши мумкин бўлган ягона жой мактаб спорт майдончалари янги ўйинлар учун мослаштириб қурилган эди.

Авлодлар ўзгарди. Қадимги халқ ўйинларини кўзи билан кўрган эмас, балки оталар ва боболаридан фақат эшитиб билган авлод вужудга келди. Бир сўз билан айтганда, ёзувимиз, тилимиз, урф-одатларимиз қаторида халқ ўйинлари ҳам қатағон қилинди.

XX аср ўрталарида халқ ўйинларини авлоддан-авлодга ўтиш анъаналари бузилди, кўплаб ўйинлар унутилди. Минглаб ўйинлар ичида бир неча халқ ўйинлари ва мусобақалари (кураш, улоқ, қиз қувди, от пойгаси) кабилар

маълум маънода сақланиб қолди, холос<sup>6</sup>. Азалий ўйинларнинг таъдиқланиши халқ ҳаётига катта зарар етказди, аҳолининг маънавий ва жисмоний камолотига тўсқинлик қилди, кишиларнинг саломатлигини ёмонлаштирди, одамлар орасида касалликни кўпайтирди. Холбуки, халқ ўйинлари аجدодларимизга асрлар давомида ақлий, руҳий, жисмоний куч бериб келадиган муҳим манба эди.

Энг асосийси, бу ўйинларга халқда катта эҳтиёж бор эди. Зеро энг яхши халқ ўйинлари, оддий, содда, ҳамма ўйнай оладиган, қизиқарли, шу билан бирга кучлилиқ, эпчиллик, мардлик, топқирлик, чидамлилиқ, каби қимматли инсоний сифатларни риволантиришга катта ёрдам берарди. Шу сабабли халқ ўйинларининг тикланиши зурур эди.

### *б) Халқ ўйинларининг тикланиши.*

#### *Фориш тажрибалари*

Маълумки, халқ ўйинлари кўпроқ кишилар анъанавий ҳаёт тарзида яшовчи чекка жойларда сақланиб қолган эди. Халқ анъаналарини ўрганиш мақсадида Ватанимизнинг чекка, узоқроқ жойларини кездик. Экспедициялар уюштирдик. Хусусан, Фориш, Ургут, Гиждувон, Қўшробот туманларига бориб, у ерларда дур ахтаргандек, қадимги халқ ўйинларини излай бошладик. Айниқса, халқ ўйинлари Фориш туманининг тоғли жойларида яхши сақланиб қолган экан. Бу ерда 1985 йилдан буён кўплаб ишлар олиб борилди. Аввалига Бирлашган (Саримсоқ), Қамиш қишлоқлари қарияларидан 120 қадимий ўйин ёзиб олинди, сўнг бошқа қишлоқларга ҳам ўзига хос кичик экспедициялар уюшти-

---

<sup>6</sup> Кўпгина ўйинлар бошқа сабаблар билан йўқолиб кетди: баъзилар учун керакли воситалар (масалан от) камайиб кетди. Айрим ўйинлар (масалан кулоқ чўзди, чертак) ахлоққа зид деб ҳисобланиб, рад қилинди. Ўйинларнинг айрим қисми эса қимор ўйинлар (масалан бедана, каклик, қўчқор уриштиришва хоказо) сифатида рад қилинди. 70-йилларда олимлар, ёзувчилар, раҳбар ходимлар ўртасида “улоқ”- (кўпқари) ўйини ҳақида икки қарама-қарши фикр юзага келди. Баъзилар уни таъқиқлашга уриндилар. Жумладан, 80-йилларнинг ўрталарида улоққа йиғилган чавандозлар милиция ёрдамида зўравонлик билан тарқатилганининг шахсан гувоҳи бўлганмиз.

рилди. Вақт ўтиб халқ ўйинларини тиклашга келганда бир мунча қийинчиликлар, тўсиқлар вужудга келди: ўйинлар унутилиб кетган, уларни тиклаб бўлмади. “Ўйиндан бошқа ишимиз кўп” дейдиганлар ҳам топилди. Чунки бу даврда (1986–88 йиллар) халқ анъаналарини таъқиқлаш тўлқини яна кўзғолган эди. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг котиби Р. Абдуллаева халқ одатлари ва байрамлари жонкуярларини қандай жазолаётгани ҳақидаги гаплар энг чекка жойларгача етиб бормоқда эди. Шу сабабли бўлса керак, 1987–88 йиллар Фориш тадқиқотлари бир оз сушлашди. “Қарама-қаршилик одамларни чиниқтирди” деганларидек бу даврда йўқолган халқ маросимини сақлаш ғоялари янада синалди ва кучайди.

Натижада 1989 йил Фориш туманининг ўнлаб қишлоқларида (жумладан, Сайёд, Осмонсой, Илончи, Ишма, Учма ва бошқа жойларда) уч юзга яқин ўйин ёзиб олинди ва уларнинг кўпларини тиклаш йўллари излана бошланди. 1989 йил аввало, Бирлашган қишлоғида, сўнг туман маркази- Янги қишлоқда халқ ўйинлари байрамини ўтказишга интилишлар бўлди. Бироқ бу иш амалга ошмади. Шундай бўлишига қарамасдан озгина вақтдан сўнг 1990 йил Сайёд ва Бирлашган қишлоқларига телеэкспедиция уюштирилиб, унинг натижалари телевидение орқали бир неча марта кўрсатилди.

Фориш ўйинларининг Ўзбекистон телевидениеси орқали намойиш қилиниши, аҳолининг халқ ўйинларига қизиқшини ошириб юборди ва бу “Халқ ўйинлари” байрамини кенгроқ доирада ўтказишга жиддий замин тайёрлади.

Нихоят, 1991 йил Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, Жиззах вилоят ижроия қўмитаси, Фориш тумани раҳбарлари ёрдамида илк бор Жиззахда халқ ўйинларига бағишланган анжуман ва Форишда халқ ўйинлари байрами ўтказилди. Фориш халқ ўйинлари байрамининг асосий мақсади – унутилаётган халқ ўйинларини тиклаш ва тарғиб қилиш эди. Унда тумандаги хўжаликлар ва 13 мактаб жамоалари юзлаб ўйинларини қайта тиклаб, халқ олдида намойиш қилди. Чунончи, Фориш туманининг 7-мак-

таби – Тап тош, Анагай, Тикки, Отиб қочар, Кўрпа елар, Қотди каби; 33-мактаб – От арава, Оппон-Суппон, От ўйин, Қидириб топ, Жанбил, Дувбозор ўйин, Чекиштош, Ошиқ, Данак, Ёнғоқ ўйин каби; 5-мактаб – Ботмон-ботмон, Бўта солай, Хатламоқчи, Подшо-вазир, Момо-момо, Хўроз уриштириш каби; 19-мактаб – Хўроз-хўроз, Бекки тош, Боғлиқ кўз, Тепа кураш, Пиёда ва эшак, Пиёда кўпкари ва Эшак кўпкари каби; 55-мактаб – Чўп от, Пирмат эшак, Сажмин, Пир этди каби; 1-мактаб – Тақир-тукур қайрағоч, Олтин дарвоза, Тўғноғич, Аллам-буллам каби; 2-мактаб – Дўппи яшир, Учпой (олопой), Чавандоз, Яққол каби; 30-мактаб – Кўриқчи, Доирадан уриб чиқар, Осмон-осмон, Чунка шувок, Сакка, Урда, Минди каби; 6-хунар-техника билим юрти – Подачи, Истандир, Танки, Аср олиш, Қочар тўп, Тапир-тўпир, Ғоз-ғоз, Чувалашма, Моллар, Товус, Даханаки жанг каби ноёб ўйинларни тиклаб, намоёниш этишди.

Шунингдек, Қизилқум, Чимқўрғон, Фориш, Кивон номли жамоа хўжаликлари, Учма, Сайёд, Бирлашган қишлоқлари вакиллари ҳам боболари севган анъаналарга янгидан жон бахш этишди. Хуллас, бу анжуманда халқ ўйинларини тиклаш, жонлантириш ва тарғиб қилиш борасида Фориш туманида 5–6 йил ичида қилинган илмий-тадқиқот ва амалий ишларнинг натижаси намоён қилинди, 30 жамоа (13 мактаб, 7 хўжалик, 10 дан ортиқ дасталар) юзлаб унутилган халқ ўйинларини тиклаб кўрсатишди.

Илк бор Форишда бўлиб ўтган “Халқ ўйинлари байрами”га Собиқ Иттифоқнинг турли жойларидан келган мутахассис-олимлар қайта тикланган ўзбек халқ ўйинларининг “шоҳи” – “Улоқ” – “Кўпкари”га таклиф этилди. Меҳмонлар “Қизил қир” отчопарига ташриф буюриши билан ҳайратда қолишди: гўё улар ўйингоҳга эмас, “мўъжизагоҳ”га тушиб қолгандай эди. Нега деганда, улар мингга яқин отчавандоз қатнашадиган ва улкан табиий майдон – отчопарда бўладиган бундай ўйинни хаёлига сиғдира олмас эдилар. Улар ўзбек халқида бундай буюк ўйин бор эканлигига

қойил қолишди, ўз вақтида улоқнинг таъқиқланганини эшитиб, афсус қилишди ва уни кенг тарғиб қилиш лозимлигини қайд этишди.

Меҳмонлар чавандоз улоқчиларнинг мардонавор ҳаракатларига ҳам қойил қолишди. Айниқса, кўпчилик диққатини Пушкин-полвон деган чавандоз ўзига тортди. Чунки бу чавандоз фақат ўз лақаби билангина эмас, балки ўзининг маҳорати, “алпомиш” қомати, қолаверса отининг гўзаллиги ва “учқурлиги” билан барчани қойил қолдирди.

Дарҳақиқат, бу чавандознинг асли исми Наимжон бўлса, ҳам у Пушкинга ўхшагани учун ҳам уни барча “Пушкин-полвон” деб чақирар экан. Бу бекорга айтилмаган бўлса керак. Чунки, ҳар бир соҳанинг ўз “Пушкин”лари бор. Пушкин – поэзия дарғаларидан бири бўлса, Наим-чавандозлар “Пушкин”и... Чунки, унинг ўзида ҳам, отида ҳам, ўзига хос поэзия бор. Наимжон ўзининг учқур ва гўзал оти билан кўпқари чопганда, улоқни олиб бораётганда ва уни маррага олиб келаётганида полвонлик, чаққонлик, мардлик билан бирга “чавандозлик поэзияси”ни ҳам яққол ҳис қилса бўларди.

Шунинг учун бўлса керак, қадимдан чавандоз – полвонлар элнинг энг машҳур кишилари ҳисобланган, халқ қаҳрамонлари даражасига кўтарилган, улар ҳақида кўплаб афсоналар, дostonлар тўқилган. Кейинги йиллар давомида эса биз бошқа эллардан ўтган ўйин-мусобақа ғолибларини тарғиб қилиш билан овора бўлиб, ўз халқимизнинг амалий ўйин-томошалари қаҳрамонларини унутиб қўя ёздик. Халқимиз орасида эса Наимжон (Пушкин)-полвон каби ҳаётда камтар, меҳнатда толмайдиган, майдонда жасур-мард ўғлонлар кам эмас. Ўз элининг асл фарзанди, қаҳрамони бўлган бундай марду майдон, полвон-чавандозларни яна эъзозлаш вақти келганлигини “Фориш халқ ўйинлари байрами” куни янада чуқурроқ ҳис қилдик.

Фориш анжуманида байрам қатнашчиларининг диққатини кўп азалий ўйинлар ўзига тортди. Куйида Форишда тикланган халқ ўйинларининг яна бири ҳақида фикр юритамиз. Қадимий манбаларда “дук” номли жанг-мусобақа

Бўлган деган маълумотлар бор эди. Бироқ, у бутунлай йўқолиб кетган дейиларди. Лекин қачонлардир машҳур бўлган ҳодисалар бутунлай йўқолиб кетмай, қандайдир из қолдиради. Биз уни топишга интилдик.

Саксонинчи йиллар ўрталарида Фориш тумани Қамиш қишлоғида унутилган халқ одатлари ва ўйинларини ёзиб олиб юрганимизда (ўтган асрда туғилган) Шамсий бобо: “Биз ёшлигимизда “кара-тэ”га ўхшаган тепиш ўйинига тушиб турар эдик”, деб қолди. Бу ўйинга қизиқиб, Бирлашган, Ишмадаги мактаб директорларига бу ноёб топилма ўйин-олишувни тиклашни илтимос қилдик. Дарҳақиқат, “Дук”-“Тепиш”<sup>1</sup> шарқ халқларига хос бўлган япон “Кара-тэ”сига, Корея “Таэкван-до”си, Хитой “У-шу” олишувларидан қолишмас экан.

Хуллас, қадимий жанговор ўйин “Дук”, “Тепиш” Ишма ва Бирлашган қишлоқ мактаблари директорлари ва ўқувчилари ёрдамида тикланди. Бу ўйиннинг Ўзбекистон телевидениеси орқали кўрсатилиши ва “Халқ ўйинлари” байрамида ҳам намойиш қилиниши – кўпчиликни лол қолдирди.

Халқимизнинг тарихий бисотида бу каби ўнлаб жанг-ўйинлар бўлганликлари шубҳасиз. Чунки ҳозир “қулочлаб уриш”, “бош уруш” каби жанг-ўйинлар ҳам бўлганлиги ҳақида маълумотлар топдик.

---

<sup>1</sup> “Дук”-“Тепиш”да икки ёки бир неча киши ўзаро жанг олиб боради, бир-бирларини жойда туриб, ҳаракат қилиб ёки сакраб тепар экан. “Тепиш” жангларига (худди “кара-тэ” дагидек оқ махсус либосда тушишган экан. Бу либос эски ёзги ўзбек кийимининг олишувга мослаштирилган шакли бўлса ҳам керак ўртада – ҳакам. У Форишда “ҳалолчи” деб номланган экан. (Чунки у ўта ҳалол бўлмоғи керак.) Энди “Дук”- “Тепиш”нинг ўзига хос хусусиятлари, бошқа шарқ жанг олишувларидан фарқи ҳақида фикр юритамиз Биринчидан, унда рақиблар бир-бирини фақат тепар экан, қўлини ишлатиш мумкин эмас. Иккинчидан, тепишда нафақат яккама-якка, балки икки гуруҳ бўлиб ҳам жангга тушиш мумкин экан. Учунчидан, бу жангда кўпроқ орқа юмшоқ жой “вишон”га олинган. Киндикдан пастга ва юзга тепиш ман қилинар экан.

Халқда машҳур донг чиқарган “қулочлаб урувчилар”<sup>8</sup>, “калла урарлар” (“каллачилар”)<sup>9</sup> бўлиб, уларнинг обрўи курашчи полвонлардан кам бўлмаган. Бизга бундай жон оғритадиган ўйин-жанглар керак эмас, дейдиганлар ҳам топилар. Балки, бу бир томондан тўғридир. Бироқ, бошқа халқларнинг жанг-курашчилари (бокс, кара-тэ, таеквандо, у-шу)ни ўз юртимизда тарғиб қилишни ўйлаймиз-у, нега ўз халқимизда бўлган ўхшаш ўйинларни ўрганишга интилмаимиз. Ҳеч бўлмаса, одамларни чиниқтирадиган, мардонавор қиладиган, ўзини ва ожизларни ҳимоя қилишни ўргатадиган ўйинлар бизнинг халқимизда ҳам бўлганлигини билиб қўяйлик. Қолаверса, уларни тиклайлик.

Хуллас, 1991 йилнинг бошларида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган халқ ўйинлари муаммоларига бағишланиб ўтказилган илмий-амалий конференция ва Форишда ўтказилган халқ ўйинлари байрами бу муаммога жамоатчиликнинг эътиборини қаратган биринчи ва жиддий анжуман бўлди<sup>10</sup>.

Жумҳурият матбуотида чоп этилган мақолаларда Ўзбекистон телевидениесидаги кўрсатувларда Форишдаги “Халқ ўйинлари байрами”га юқори баҳо берилди.<sup>11</sup>

---

<sup>8</sup> “Қулочлаб уриш”да курра ташлаб, аввал бир рақиб иккинчиси урар экан, сўнг иккинчиси биринчисини қулочлаб урар экан. баъзиларнинг фикрича, бири ураётганда иккинчиси ўзини ҳимоя қилмай, чидаб берар экан. Бошқаларнинг фикрича, у ўзини ҳимоя қилар, сўнг, навбати келганда, “жавоб қайтарар” экан. Қандай бўлмасин, рақиблар навбат билан бир-бирини урар экан.

<sup>9</sup> “Бош уриш” икки рақиб бир-бирини фақат бош билан урар, яъни “калла қилар” экан. Бунда қўл, оёқ, гавда ишга солинмаган.

<sup>10</sup> Иттифокда халқ ўйинларига бағишланиб, илк бор ўтказилган илмий анжуман ва байрамни ташкил қилишда республика жисмоний тарбия ва спорт Давлат қўмитаси, Жиззах вилояти ижроия қўмитаси, вилоят спорт қўмитаси ва маданият бошқармаси, Фориш тумани ижроия қўмитаси, жумҳурият маданият жамғармаси ва бошқалар фаол иштирок этди. Шунингдек, бу анжуманни ташкил қилишда вилоят ташкилий қўмитаси раиси – Г.Субхонова, байрам бадний-илмий раҳбари – У.Қорабоев, маслаҳатчи – Т.Усмонхўжаев, маъмури раҳбар – Р.Маликов, амалий ташкилотчилар – Р.Исмоилов (спорт бўйича), А.Топшўлатов (маданият бўйича) ва бошқалар фаол хизмат қилдилар.

<sup>11</sup> Жумҳурият матбуотида чоп этилган мақолаларда, Марказий ва Ўзбекистон телевидениеларидаги кўрсатувда Форишдаги халқ ўйин-

Бу тажриба ҳақида “Фориш ўйинлари”<sup>12</sup>, “Фориш охан-  
глари” (режиссёр Т.Юнусов), “Унутилган ўйинлар” каби  
фильмларнинг олиниши бу бебаҳо бойлигимиз – қадимий  
ўйин маданиятимизни кенг тарғиб қилади.

### *в) Миллий ўйинларнинг ривожланиши*

Айтиш мумкинки, Собиқ Иттифоқда ўтказилган халқ  
ўйинларининг байрамлари ўзбек маънавий ва жисмоний  
маданияти тарихида янги ва ўчмас саҳифа бўлиб қолди. Илк  
бор Форишда ўтказилган “Халқ ўйинлари байрами”да ён-  
ган “машғал” республикамизнинг кўплаб жойларидаги аза-  
лий ўйин-томоша анъаналарини тиклашга имконият яратди.

Агар 1990 йил “Халқ ўйинлари” байрами икки қишлоқ  
– Сайёд ва Бирлашганда ўтказилган бўлса, 1991 йил Фо-  
риш тумани даражасида ўтказилган бўлса, 1992-1993 йил-  
лар Жиззах вилояти даражасида-бу ҳудуд барча туман-  
ларининг фаол иштирокида уюштирилди. Ниҳоят 1994 йил  
Фориш тажрибаси янги поғонага кўтарилди. Бу ерда 1-Рес-  
публика халқ ўйинлари олимпиадаси ўтказилиб, унда Ва-  
танимизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Респуб-  
ликаси вакиллари қатнашди.

Олимпиадада азалий халқ ўйинлари Бўрон, Чавандоз,  
Олиб қочар, Чунка шивак, Елка кураш, Қириқ тош, Мин-  
ди, Тортишмачоқ каби турлари бўйича мусобақалар ўтка-  
зилиб, голиблар тақдирланди.

Фориш туманининг “Қизил ер сайилгоҳида ўтган 1-Рес-  
публика “Халқ ўйинлари” Олимпиадаси дастурида: очилиш  
маросими, тикланган халқ ўйинларининг намоиши, кўргаз-

---

лари байрамига юқори баҳо берилди. Жумладан, Иттифоқимизда илк  
марта ўтказилган бу байрам жумҳуриятимиз матбуотида “Фориш  
ўйинлари”, “Фориш олимпиадаси”, “Халқ ўйинлари 1-фестивали” деб  
ном олди. Фориш ўйинлари ҳақида жумҳурият газеталарининг деярли  
ҳаммасида, жумладан, “Халқ сўзи” (27 апрель 1991), “Народное  
слово” (26 апрель), “Совет Ўзбекистони” (25 апрель), “Еш ленинчи” (24  
апрель), “Спорт” (23 апрель) ва бошқаларда репортаж ва махсус  
мақолалар берилди.

<sup>12</sup> 1991 йилги “Фориш ўйинлари” марказий телевидение (“Время”  
программаси)да, Ўзбекистон телевидениесида икки марта (24 апрель,  
4 май) намоиш этилди.

мали чиқишлар, кўрик – танловлар, Республика вилоятлари ғолибларининг мусобақалари, ғолибларни тақдирлаш ва ҳоказо тадбирлар ўз аксини топди. Олимпиадада азалий халқ ўйинлари Бурон, Чавандоз, Олиб қочар, Чунка шивак, Елка кураш, Қирқ тош, Минди, Тортишмачоқ каби турлари бўйича мусобақалар ўтказиб, ғолиблар тақдирланди.

1996 йил эса II Республика “Халқ ўйинлари” олимпиадаси ҳам Форишда бўлиб ўтди. Анжуманлар 6 майда қадимий ва навқирон Жиззах шаҳрида бошланиб, 7 май куни гузал ва азалий анъаналарга бой Фориш туманида авжга чиқди. Тоғли Форишнинг табиат томонидан яратилган “Қизил қир” сайилгоҳида Республикамизнинг турли бурчакларидан келган вилоят беллашувларининг ғолиблари аждодларимизнинг қадимий ва файзли ўйинлари бўйича мусобақаларида қатнашдилар. Бу анжуман халқимизнинг тарихий меросини, узилган томирларини тиклаш ва унга жон беришга хизмат қилди. Миллатимизнинг маънавий ва жисмоний қадриятларини тиклашга хизмат қиладиган бу йirik анжуман маданиятимиз тарихида яна бир янги саҳифа бўлиб, у халқимизнинг руҳий, ақлий, жисмоний баркамол бўлишига йўл очади.

1998 йил “Алпомиш” дostonи яратилганининг 1000 йиллигига бағишланиб Термиз шаҳрида фестиваль бўлиб ўтди. Бу фестиваль “Алпомиш ўйинлари” деб номланади. У аждодларимиз тарихида муҳим ўрин тутган Алпомишдек халқ қахрамонларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлган “ёй отиш”, “камондан отиш”, “нишонга уриш”, “олишиш”, “кураш” каби ўйинлар-мусобақалардан ташкил топди.

Хуллас, “Алпомиш”га бағишланган Республика фестивалининг уюштирилиши Алпомиш давридаги дostonларга кўчган халқ ўйинларининг тикланишида муҳим воқеа бўлди. 1999 йил – “Аёллар йили”га бағишланиб, Жиззахда “Тумарис” қизлар ўйинлари фестивали ўтказилди. Агар Тумарис жанг майдонида – ғолиб бўлган бўлса, бизнинг қизларимиз спорт майдонларида ғолиб бўлишга интилишди. “Тумарис” фестивали – ўзбек хотин-қизларини спорт соҳасидаги “уйқу”дан уйғотди, десак хато қилмаган бўла-

миз. Бу фестиваль халқимиз орасида Тўмарисдек мард, жасур, кучли, гўзал қизлар борлигидан далолат беради.

*г) Ўзбек халқ ўйинларининг халқаро нуфузи*

Ўзбекистонда тикланган азалий ўйинлар нафақат собиқ иттифоқ (Ленинград, Москва, Махачкала шаҳарлари)дан келган мутахассисларни, балки дунёнинг бошқа бурчаклари – Америка, Олмония, Туркия, Эрон, Япония, Голландия каби мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонларни ҳам ўзига мафтун қилди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг баҳор келиб, табиат уйғониб, гўзаллашиб кетиши муқаррар бўлганидек, халқ анъаналарига бўлган эътибор жонланиб кетди. Натижада халқ ўйинлари қатнашчиларининг географияси (доираси) кенгайиб борди.

1996 йил Таиланд пойтахти Бангкокда бўлиб ўтган Бутун дунё халқ ўйинлари фестивалида Ўзбекистон делегациясининг қатнашиши, ўзбек халқ ўйинларининг “жаҳон миллий ўйинлари” гулдастасида ўзининг муносиб ўрин олишига имкон яратади.

Халқ ўйин мусобақаларининг бир тури – курашнинг халқаро аҳамияти ошмоқда. Ўзбек кураши бўйича жаҳон биринчилиги ўтказилмоқда, кўпгина мамлакатларда кураш федерациялари тузилмоқда, дунёда курашчиларнинг сони кўраймоқда. Кураш – жаҳон олимпиада ўйинлари сафидан муносиб ўрин олиш арафасида турибди.

Халқ ўйинларининг яна бир тури-улоқ (кўпкари)нинг ҳам Марказий Осиё геомухитида обрўи ошмоқда. Анъанавий тарзда турли жойлар (Самарқанд, Навоий вилоятлари) да ўтказилаётган улоқ мусобақаларида қўшни-қариндош давлат чавандозлари ҳам фаол қатнашмоқдалар.

Ўзбек халқи ҳаётида кураш, улоқ каби халқаро даражага чиқадиган ўйинлар кам эмас. Уларни чуқурроқ ўрганишимиз зарур. Бу борада халқ ўйинларини (кўплаб турларига бағишланган олимпиада, фестиваль, байрамлар) ўтказиш билан бир қаторда, аниқ бир турига оид туман, вилоят ва республика мусобақаларини ўтказиш лозим.

Республикаimizда ўтадиган йирик мусобақалар, спарта-

киадаларга халқ ўйинларидан ҳам қўшиш керак. Афсуски, биз ҳозир фақат бир неча халқ ўйин ёки мусобақасини, жумладан, “Кураш”, “Улоқ”, “Қиз қувди” кабилардан фойдаланмоқдамиз. Ваҳоланки, ўзбек халқининг тарихий бисотида минглаб ранг-баранг ўйинлар бўлган.

XX аср охири – XXI аср бошида ўйин маданияти бора-сида ҳам икки йўналиш кўзга ташланмоқда. Биринчидан, миллий ўйинлар тикланмоқда, иккинчидан, янги ўйинлар пайдо бўлмоқда.

Кейинги даврда телевидение туфайли кўпгина оммавий ҳордиқ чиқарувчи ўйинлар (масалан, “Отам, онам, ва мен – спорт оиласи”, “Қувноқ стартлар”, “Балли қизлар”, “Балли йигитлар”, “Қувноқлар ва зукколар”(КВН), “Нима, қаерда, қачон?”, “Бахтли воқеа”, “Мўъжизалар майдони”, “Олтин сандиқ”, “Чархпалак”, “Ўйла, изла, топ”) каби-лар кенг ривожланди. Электрон техника туфайли компьютер ўйинлари, ўйин автоматлари, телеўйинлар, тетрис, денди, сега каби ўйинлар, ҳатто электрон соат циферблатида ҳам ўйинлар пайдо бўлмоқда. Келажакда ҳам янги-янги ўйинлар вужудга келаверади. Лекин педагог-олимларнинг фикрича, техниканинг ривожланиши бир томондан бола ақлининг ўсиши, иккинчи томондан улар руҳияти-нинг бузилишига олиб келувчи қарама-қарши тенденцияларни ҳам туғдириши мумкин экан.

Янги ўйинларнинг пайдо бўлиши бу табиий ҳолдир. Бироқ, асрлар давомида синовдан ўтган халқ ўйинларини яна унутиш мумкин эмас. Улар бугунги кунимиздагина эмас, балки келажакда ҳам жуда катта фойда келтириши мумкин. Чунки халқ ҳаётидаги ўйинлар эгаллаган жойни бошқа маданий ҳодисалар, жумладан, спортнинг янги турлари, электрон-компьютер ўйинлари ҳам тўлдира олмайди. Халқ ўйинларининг инкор қилиниши халқ ҳаётига салбий таъсир кўрсатади, касалликни кўпайтиради, асабийликни кучайтиради. Зеро, халқ ўйинлари қадим замонлардан бери кишиларнинг ўзини даволашлари, кишиларнинг ўз эҳтиёжларидан ортиқча (жисмоний, маънавий) кучларини сарфлаш, керакли янги қувват йиғиш, ҳаётнинг маз-

шунли ва мароқли бўлишига ёрдам бериб келмоқда. Шунинг учун ҳам кўп минг йилликлар давомида вужудга келган ва вақт синовидан ўтган халқ ўйинларининг сақланиши, тикланиши, ривожланиши учун барча ишларни қилмоғимиз лозим. Жумладан, жойларда айниқса, спорт, маданият муассасаларида, мактабларда халқ ўйинларига оид клублар, уюшмалар, кенгашлар тузиш зарур. Шунингдек, “Халқ ўйинлари ихлосмандлари” кўнгилли уюшмасини тузиб, унга халқ анъаналарини яхши биладиган кексаларни ҳамда ўйинларнинг ашаддий ихлосманди – болаларни жалб қилсак яхши бўларди. Уюшма аъзолари қуйидаги ишларга эътибор қаратса мақсадга мувофиқ:

1) Жойлардаги сақланиб қолган халқ ўйинларини излаб топиш, эски қадимий ўйинларни қариялардан ёзиб олиш.

2) Халқ ўйинларини тиклаш ва улардан фойдаланиш ҳақида (анкета, оғзаки сўраш, суҳбат кабилар орқали) жамоат фикрини ўрганиш.

3) Халқ ўйинларидан таълим-тарбия муассасаларини (боғча, мактаб, олий ўқув юртлари)да кенг фойдаланишга кўмак бериш

4) Аҳолининг жумладан, болаларнинг бўш вақтида халқ ўйинларини ўйнашга шароит ва имкониятлар яратиш.

5) Анъанавий халқ ўйинларининг мусобақа-кўриқларини ташкил қилиш.

6) Халқ ўйинларини кенг тарғиб қилишга ёрдам берадиган “Халқ ўйинлари байрамлари”ни ташкил қилиш.

Хуллас, маданий меросимизнинг бир қисми бўлган, авлод-аждодларимизга асрлар мобайнида руҳ ва соғлиқ ато этиб келган халқ ўйинларини чуқур ўрганиш, жонлантириш миллий қиёфамизни сақлаш демакдир. Унутмайлик, халқ ўйинлари аждодларимизнинг минг йилликлар давомида тўплаган улкан тарихий-маданий бойлигидир. Уларни кўз қорачиғидай асраш, эъзозлаш ва улардан оқилона фойдаланиш зарур. Агар ана шундай қила олсак, ўзимизнинг ҳам, келажак авлодларимизнинг халқ тилида айтганда, “жону-тани омон бўлади!”.

## ТАБИАТНИНГ ХАЛҚОНА ҚАДРИЯТЛАРИ

Масалалар:

1. Кириш.
2. Этномаданият ва экология.
3. Табиатнинг халқона қадриятлари.
4. Табиат ва инсон.
5. Қадимий қадамжолар-зиёрат масканлари.
6. Табиат мўъжизалари - этномаданият кўринишлари.
7. Этномаданият ва экология мавзуининг аҳамияти.

Халқимизнинг табиат билан боғлиқ қадриятларини би-  
лиш, уларга чуқур эътибор билан қараш ва эъозлаш ҳар  
бир инсон учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Чунки, табиат  
фарзанди бўла туриб унинг ўзига хос маданий-маърифий  
қадриятлари қадрига етмаслик, инсонийликдан эмас. Ўзи-  
ни маданиятли ва маърифатли деб билган ҳар бир киши,  
ёш-кексалиги, аёл-эркаклиги ва касб-амалидан қатъий на-  
зар, ёш-атрофини ўраб турган муҳит, тўрт унсур, яъни,  
ер, ҳаво, сув ва Қуёш, шунингдек, ўт-ғиёҳлар, дов-да-  
рахтлар, катта-кичик жонли-жонсиз нарсалар ҳақида қай-  
ғуриши, жон куйдириши, қисқаси, табиат чиройига чи-  
рой, тароватига тароват қўшишни виждоний бурч, иймон-  
эътиқод иши, деб билмоғи лозим.

Шуни қайд этиш керакки, табиатсеварни Оллоҳ сева-  
ди, Оллоҳни суйган табиатни севади. Зеро, Оллоҳ табиат  
билан инсонни азалий бирликда яратган. Шу боис, табиат  
бошига тушган кулфат-инсон бошига келган кулфатдир,  
табиатнинг ўлгани-инсоннинг ўлганидир. Табиатнинг она деб  
аталиши, унинг ҳар қандай хасталиклар олдини олувчи,  
уларга даво бўлувчи меҳрибон шифокорлиги боиси ҳам ана  
шунда. Онанинг азизу мукаррамлиги, ер юзидаги ҳар қан-  
дай зотлардан улуғлиги аён. Чунки, у ҳаётга инсониятни  
берувчи зот. Шу боис инсон борки, у Онани дейди, унга

таълимда бўлади. Она шаънига гард юқтирмаслик, унинг соғ-омонлиги учун қайгуриш - фарзандлар бурчи, иймон-эътиқоди. Табиат онага тенглаштирилар экан, унга ҳам дунёга келтирган, оқ сут бериб, вояга етказган онадек қаралмоғи, унинг соғломлиги учун доимо қайгуриш лозим. Табиатни дардга йўлиқтирмаслик, мабодо, дардга чалингудек бўлса, дардига малҳам топиб, уни даволаш, ўз онасига муносабатда бўлганидек гард юқтирмаслик-инсонман деб юрган ҳар бир одамнинг виждоний бурчидир. Ҳа, инсон Она сути ва ота тузи билан униб-ўсганидек, Она табиат бағрида яшайди, шахс сифатида шаклланади, камолга етади. Чунки, табиат соғлом - инсон соғлом, табиат дардли - инсон носоғлом.

Англашиладики, табиат ҳам она мисоли инсон учун буюк тарбиячи.

Қўл ювиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Мусаффо, зилол сувлари билан танларга роҳат бахш этувчи, ҳатто баъзи бир хасталикларга даво бўлувчи булоқларнинг кўзлари юмилди...

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтининг мураббийси, гўзал инсон Тоҳир аканинг деганлари ҳар қандай қалбни ларзага келтирмай қўймайди: “Отам раҳматликнинг охирги дақиқалари қолиб, дорил бақога сафарлари олдидан бир васиятлари мени ҳеч қачон тарк этмайди”, - дейди Тоҳир ака. “Болам, дедилар, ўшанда отам, Кайковусдан бир коса сув келтиринглар.” Шу дақиқа ёнимизда оқиб ўтувчи Кайковус каналидан бир коса сув келтирдик. Отам ундан бир-икки ҳўплаган бўлдилар-да, сўниб бораётган кўзларини бизга тикиб, ҳорғин бир овозда: “Фарзандларим, нима бўлса ҳам Кайковусни асранглар, у мўъжиза, Оллоҳнинг биз ожиз бандаларига ато этган мўъжизаси... Охирги сўзлари бўғизларида қолди... Отам ва отамга ўхшаш минглаб, ҳатто, миллионлаб Кайковус сувидан баҳраманд бўлганларнинг илтижоси инобатта олинмади... Кайковус ва унга ўхшаш Оллоҳ берган буюк неъматларига хиёнат қилдик. Кайковус ахлатхонага айлантирилди...”

Барчага маълумки, она табиат асрлар давомида ўзининг кўрк-жамоли, беқиёс саховати, ноз-неъматини билан инсонларга хизмат қилиб келади. Шўро ва унинг мафкура-си ифодачиси-компартия “Табиатдан инъом-эҳсон кутиб ўтирмаймиз. Уни ўзгартириш - бизнинг бурчимиз!” шиори асосида актив фаолият кўрсатиб келгани оқибатида она табиатга жиддий зарар етказилди. Бу ҳол собиқ иттифок таркибига кирган республикалар, жумладан, Ўзбекистон жумҳуриятига жуда қимматга тушди. Ваҳоланки, халқимиз табиатга тош отмаслик, унга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, ардоқлаш бўйича жуда катта ўзига хос ОДОБ-НОМА яратган ва уни асрлар давомида амалий тажриба-сида қўллаб келган, авлод-аждодларимиз ана шу одобнома асосида тарбия топиб келган эди.

Шуни эътироф этиш керакки, ўзбек халқининг табиат ва инсон муносабати, яъни табиатга қанчалик ихлос қўйилса, меҳр-муҳаббат билан нечоғлик ардоқланса, табиат ҳам шунчалик саховат кўрсатиши билан боғлиқ қадриятлар саҳифалари ранг-баранг. Дарвоқе, идеал ўзбек қадриятлари орасида табиат билан боғлиқлари алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, табиатдан ташқари инсон ҳам, жонли-жонсиз мавжудотлар ҳам яшай олмаслиги исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Бас, шундай экан инсон боласи борки, табиат мўъжизалари, табиат марҳаматларидан бево-сита ва билвосита фойда топиб яшар экан, уни муҳофаза қилиш, бойлигига бойлик қўшиш, ҳамманинг иймон-эъти-қоди ва ор-номуси бўлмоғи лозим. Табиатни асраш дегани уни қўриқлаш, бойлигини сақлаш билан бирга табиат бой-лигига бойлик қўшиб уни янада бойитиш ҳамдир. Бунда жуда эҳтиёткорлик, айна чоғда зукколик, топқирлик, дид-фаросат ва юксак маданиятлилик, маърифат асосида иш тутиш талаб этилади. Чунки, табиат қадриятларига муно-сабатда эҳтиёсизлик қилиб кичик бир хатога йўл қўйил-са, кечирилмас оқибат юзага келиши мумкин. Айна чоғ-да, табиат йўл қўйилган катта ёки кичик хатоларни ҳеч қачон кечиролмайди. Биз ҳоҳлаймизми-йўқми, ўч олмай қўймайди...

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, табиатга боғлиқ, табиат билан уйғунлашиш, шунингдек, табиат қадриятларини қадрлаш каби масалаларда ўзбек халқи қадриятлари кўп.

Биргина мисол: фарзанд ёруғ дунёга келган кунидан бошлаб, табиатни севиш, ардоқлаш, уни эъзозлаш, уни топтамаслик, камситмасликка ўргатилади... Бу хилма-хил усуллар билан гўдак қалбига сингдирилади. Оила, қўни-қўшничилик, турли ирим-сиримлар, удумлар, расм-русумлар, шунингдек, фольклор адабиёт, санъат асарлари ва бошқалар воситасида бериладиган одобномалар шулар жумласидандир. Демак, халқимизга табиатни севиш, уни муҳофаза қилиш, Она сути билан киради ва у тобора ортиб боради. “Она сути билан кирган жон билан бирга чиқади” деган мақолнинг мазмуни ҳам ана шунга тўғри келади. Халқимизнинг Она табиатга муносабати асосида ота-боболаримиз асрлар мобайнида яратган, ҳаёт чиғирикларидан ўтган идеал қадриятлари, ўзига хос одобномаси ётади. Бу қадриятларнинг ибратлилиги шундаки, табиатни эъзозлаш, уни кўз қорачиғидек асраш, муҳофаза қилиш, шунчаки гапсўз, шиор-даъватномалардан иборат бўлиб қолмаслиги, балки кўркига кўрк, мазмунига мазмун, бойлигига бойлик қўшишга ўргатувчи хусусият касб этади. Табиатга астойдил эътиқод қилиш—бу меҳнатни аямаслик, ҳамма вақт фидойи бўлишлиқдир. Қисқаси, халқ қадриятларининг асосий мазмуни табиат ва инсон, инсон ва табиат ўртасида боғланиш, мувозанат ва бир бутунликни сақлашга хизмат қилишдек муқаддас бурчга қаратилган. Халқимизнинг ана шу борадаги қадриятлари саҳифаларидан баъзи бирларини кўздан кечирайлик.

...Халқ ақидасига биноан мевали, мевасиз, ҳатто, ёввойи дарахтларни ҳуда-беҳуда кесиш гуноҳи азим. Сувни беҳуда исроф қилиш, унга ахлат ташлаш, ҳатто, тупуриш, ундан ёмон ерни тозалашда беҳуда исрофлаш, сувга лоқайд муносабатда бўлиш, ташландиқ ҳолатга келтириш, иймон-эътиқодли кишининг иши эмас. Тоғу тошлар ичида қаттиқ овоз чиқариш, бақириб-чақириб безовта қилиш, безабон ҳайвон-

ларни уриб, отиб азоблаш, парранда-даррандалар умрини хазон қилиш, ўт-ўланларни топташ, табиат ноз-ниҳматларини керагидан ортиқча суистеъмол қилиш ва ҳокажлар ҳам табиат билан чамбарчас боғлиқдир.

Мурод бобонинг набираси билан бўлган мулоқотларидан бир шингил:

#### БИРИНЧИ МУЛОҚОТ:

Бобо:

- Ерни топтаманг, уни қийнаманг, жони ачийди, қарғайди, ер қарғаса ёмон бўлади.

Набира:

- Ернинг жони бормиди-ки, қарғаса. Ахир у жонсиз, ўлик ҳолда-ку?

Бобо:

- Ундай деманг, ерни жони бор. У бизни бир умр елкасида кўтариб юрса, тўйдирса, кийдирса, ўзининг гул-ло-лаларига шавқу завқ бағишласа, боз устига оламдан кўз юмганда ўз бағрига олиб, қарға-қузғунларга ем бўлишдан асраб, ириб-чириб кетишдан сақласа, қани айтинг-чи, жони бўлмасмиди? Ҳа, ер жонли, уни “хафа” қилса гуноҳ ҳисобланади.

Набира:

-Бобо, бўлди, бундан буён ерни ҳурмат қиламан, эъзозлайман, қадрига етаман...

Бобо:

- Балли болам, ер қадрини энг буюк қадриятлардан, деб билинг. Буни ҳеч қачон унутманг, камчилик кўрмайсиз.

#### ИККИНЧИ МУЛОҚОТ:

- Болам сувни ҳурмат қилинг, унинг қадрига етинг, яна оғриниб қарғаб қўймасин.

Набира:

- Ие, бобо сувнинг жони бормиди-ки, қарғаса?..

Бобо:

- Ҳа болам, сувнинг жони бор. Сув танамизни ювиб озода қилса, ташналигимизни қондирса, дорил бақога сафарга чиққаннимизда ювиб-тараб, ер бағрига кузатса, ердаги экин-

тикинлару дов- дарахтлар, парранда-ю даррандалар, хашорату курт-қумурсқаларга ҳаёт ато қилса, унда жон бўлмай нимада бўлсин? Сувнинг қадрига етинг. Ахир, сув - ҳаёт манбаи. Демак, сувсиз ҳаёт бўлмайди-ку?

Набира:

- Бобожон, бундан буён сувнинг қадрига етганим бўлсин.

УЧИНЧИ МУЛОҚОТ:

Набира:

- Бобо, дов-дарахтларнинг ҳам жони бор эканда. Анави куни ўрикнинг шохини синдирган эдим, акам: “Қўй, ундай қилса, ёмон бўлади, ўрик қарғайди”, - деб койидилар.

Бобо:

- Акангиз тўғри айтибдилар. Ишонинг, дов-дарахтларнинг ҳам жони бор. Улар ҳам тирик мавжудотлардай нафас оладилар, инсон учун хизмат қиладилар, ҳатто, дарахтларни кесишганда, шохларини синдиришганда улар кўз ёши тўкишади. Унга тош отсангиз, беҳуда синдирсангиз, қарғайди. Зеро, дарахтлар бутун борлиққа, олам кўркига кўрк қўшса, чиройи билан баҳри-дилингизни очса, мева етказса, берса, соя-салқинни аямаса, ёғоч-тахта бўлиб, бошпана берса, қариб-чириганида тандирлар, ўчоқларда ёниб нон, овқат пиширса, қулбани иситса, бундай нарсанинг жони йўқ, деб бўладими?

Мурод бобо билан набира ўртасидаги шу баҳсдан ҳам халқимизнинг табиат билан боғлиқлиги қанчалар чуқур моҳиятга эғалигини англаб олиш қийин эмас.

Халқда табиат ва инсон муносабатлари табиатнинг инсон камолотида тутган маърифий-тарбиявий аҳамияти акс этган оғзаки ижод намуналари беқиёс. Бунинг учун дostonлар, эртақлар, қўшиқлар, мақоллар, топишмоқлар каби ўнлаб жанрлардаги асарларни кўздан кечириш кифоя.

Табиат ва инсон муносабатлари билан боғлиқ ирим-сиримлар, одатлар, удумлар, расм-русумлар, маросимларга назар ташлашдан олдин, фольклорнинг бу борадаги айрим намуналарини қайд қилиб ўтишни жоиз деб билдик. Чунки, сўз бораётган фольклор намуналари - халқимизнинг фал-

сафий дунёқараши, ҳаётий ва диний тушунчалари, бадиий-эстетик ҳамда маърифий-тарбиявий пандномалари, ҳатто иқтисодий-сиёсий ақидалари билан авлодлар тарбияси учун муҳим аҳамиятга эга. Табиатнинг инсон тақдирида тутган ўрни акс этган оғзаки ижод асарлари кўламига ақл-идрок билан иш юритиш, табиатдаги ҳар бир дарахт, ҳар бир гиёҳ, ҳар бир тошнинг ўз ўрни ва вазифаси борлиги, уларга нописандлик билан қараш ҳалокатларга олиб келиши, аксинча инсонийлик нуқтаи-назаридан ёндашиш эса унибўсиш, иймон-эътиқодда бутунлик, маънавий устиворликка эришишга ёрдам берувчи омил эканлиги қайта-қайта таъкидланади. Халқ экологияси таъбирича, кишини бор қилувчи ҳам, йўқ қилувчи ҳам – табиат.

Табиат марҳамат кўрсатса, инсон яшайди, мақсадига эришади, табиат қаҳрига олса, унга қўл кўтарганнинг аҳволи вой. Мана шу гоё ўзбек фольклорининг табиат билан боғлиқ намуналарида бошдан оёқ қизил ипдай ўтган.

Ўзбекларда табиат билан танишув инсоннинг гўдаклик чоқларидан бошланади ва бу қадриятлар тарбияси бутун умр давомида олиб борилади. Халқ экологияси қадриятлари акс этган жуда кўп мисоллардан бирини эътиборингизга ҳавола қиламиз:

Шамол турса кўркмагин,  
Шамол бобонг бўлади.  
Ёмғир ёғса йиғлама,  
Ёруғ кунинг бўлади.  
Ой кўринса чўчима,  
У чучмоманг бўлади.  
Офтоб кўрсанг ҳайиқма,  
Нурафшонинг бўлади.  
Ерни кўрсанг интилгин,  
Ер ҳам ошнанг бўлади.  
Кучук кўрсанг кўркмагил,  
Кучук ошнанг бўлади.  
Мушук кўрсанг чўчима,  
Мушук ошнанг бўлади.

Сигир кўрсанг сарғайма,  
Сигир ошнанг бўлади.  
Бугдой кўрсанг букулма  
Бугдой нонинг бўлади.  
Пахта кўрсанг писинма,  
Пахта кўрпанг бўлади.  
Тойчоқ кўрсанг тортинма,  
Тойчоқ ошнанг бўлади.  
Чумчуқ кўрсанг чукинма,  
Чумчуқ ошнанг бўлади.  
Бўри кўрсанг бекинма,  
Бўри ошнанг бўлади.  
Айиқ кўрсанг айқирма,  
Айиқ ошнанг бўлади.  
Олов кўрсанг олайма,  
Олов ошнанг бўлади.  
Сувни кўрсанг сесканма,  
Сув ҳам ошнанг бўлади.  
Ариқ кўрсанг арқирма,  
Ариқ ошнанг бўлади.  
Сойни кўрсанг сувлагин,  
Сой ҳам ошнанг бўлади.  
Тошни кўрсанг ташлагин,  
Тошлар ошнанг бўлади.  
Тоғни кўрсанг талпингин,  
Тоғлар ошнанг бўлади.  
Дарахт кўрсанг дулангин,  
Дарахт ошнанг бўлади.  
Одам кўрсанг олайма,  
Одам наслинг бўлади.

Болаларга аталган панднома руҳидаги қўшиқ шу тарзда давом этаверади. Бу ва шу тоифадаги қўшиқларда халқнинг ҳаётий қарашлари, кўп йиллик синовлардан ўтган ҳаётий тажрибалари- экологик таълимоти бадиий акс этганлигини пайқаш қийин эмас. Халқнинг она табиат ҳақида кўйиниш, уни асраб-авайлаш, ҳимоя қилиш, файзига файз,

кўркига кўрк, мазмунига мазмун қўшиш борасидаги қараш-лари дostonлар, эртаклар, хусусан, асотирлар, афсона-лар ва ривоятларида кенг ўрин тутади. Бугунги кундаги табиат тўғрисидаги экология илми билан шуғулланаётган ўнлаб фан даргоҳлари-ю, юзлаб олим-тадқиқотчилар олиб бораётган илмий ишлар хулосалари, натижалари бундан минг йиллар муқаддам ишлаб қўйилганлигини моддиюн-чи, эл маданияти тарихидан беҳабарлар билмайдилар. Оммавийлашган халқ пандномалари ҳеч қандай кўрсатма-ю буйруқлар, жарималарсиз табиат билан инсон муноса-батлари мувозанатларини қандай сақлаб келганлигини кел-тирилган фольклор намуналари ҳам исботлайди:

Ҳикоят:

Бурунги замонларда бир шаҳар жуда обод, турмуши фаровон, одамлари шоду ҳуррам яшар эканлар. Олам ҳам гўзал бўлиб, турли-туман гуллар, гиёҳлар, дов-дарахт-лар ўсиб, вақт келганда гуллаб, мева тугиб, ҳаммани хуш-нуд қилар экан. Қишлоқдан бозор-ўчар қилгани тушган ёш-ялангларга бундай гавжум ҳаёт ёқиб, шаҳарда қолиб кетаверишибди. Бир қанча вақтлар ўтгач, шаҳар ён-атро-фидаги қишлоқ, овулларда ёшлар қолмай, фақат кекса оналар-у мўйсафид чоллар қолибди. Қишлоқ ҳувиллаб, у ердаги гавжум ҳаёт сукунатга ботибди. Вақти-вақти билан тозалаб турилмаган ариқлар, қайнар булоқлар - кекса ав-лод томонидан эъзозланган зилол сувлар ифлосланиб, бот-бот буталиб турилган дов-дарахтлар тарвақайлаб, ҳар то-монга шохлаб кетибди. Боғ-роғлар одам ўтолмас чангал-зорларга айланибди. Парваришсиз қолган далаларни ўт-ўланлар босиб, боғларда ҳосил берувчи дарахтлар ёввой-илашибди. Қушлар сайрашдан, шалола ва жилгалардан оқаётган сувлар куйлашдан тўхтабди.

Шу қишлоқда жуда қартайиб қолган кампир билан чол бор экан. Улар ҳар куни бир-бирларига суяниб, қишлоқ ўртасидан кесиб ўтган катта йўл ёқасига чиқиб олишиб, кун бўйи шаҳар томон маъюс қараб ўтиришар экан. Йўлдан бирон бир киши ўтса, унга дардимизни айтамыз, деб шун-дай қилишар экан-да! Бир куни йўлдан бир овчи ўтиб

қолибди. Кампир-чол: “Қаёққа кетаяпсан?” деб ундан сўра-  
шибди. Овчи: “Шаҳарга”, деб жавоб берибди. Шунда чол:  
“Иним, шаҳарга тушсангиз, боламизни топсангиз, оти Қу-  
вондиқ”, - дебди. Овчи: “Майли, болангизни топиб, унга  
нима деб қўяй?” - дебди. Кампир қўлтигидан тугунча чиқа-  
риб: “Қувондиқжонимизга мана шу бир тутам гулни элтиб  
берсангиз, бўлгани”, - дебди. Овчи йигит кексаларнинг бу  
илтимосларини бажонидил бажаришини айтиб, шаҳар қай-  
дасан, деб йўлга тушибди. У шаҳарга борибди ва қишлоғи-  
ни унутиб, қари ота-онасини тақдир ихтиёрига ташлаб,  
енгил ҳаёт истаган тошбағир болани топиб, унга тутам гулни  
берибди. Бола гулни ҳидлабди ва дарров ўз қишлоғига, ота-  
онаси ҳузурига равона бўлибди. Онаси овчидан бериб юбор-  
ган гул ҳиди боланинг қалбига ота-онаси, қишлоқ овули  
меҳрини солганидан, у шоша-пиша икки оёғини қўлга олиб,  
шаҳардан жўнаб қолибди... Ўша гулли ўсимликнинг номи  
“Ота-она иси” дейилиши шундан эмиш.<sup>13</sup>

#### ХАЛҚ ДОНИШМАНДЛИГИДАН:

Ёз меваси-қиш хазинаси,  
Ёз қоқиси-қишга даво.  
Баҳорги ҳаракат-қишги баракат.  
Баҳорнинг бир куни қишни боқар.  
Боғи борнинг-иқболи бор.  
Ерни эксанг боқади,  
Боқмасанг қоқади.  
Бир йил тут эккан киши,  
Қирқ йил гавҳар терар.  
Ер бойлиги-эл бойлиги.  
Ер тўйдирар, ўт куйдирар.  
Ер очганнинг-бахти очилар.  
Дарахтдан мева оламан десанг,  
Ниҳоллигидан парвариш қил.  
Тоғ ҳавоси-дард давоси.  
Табиатга боқсанг боқади,

<sup>13</sup> А.Аминов. Ҳисорнинг қирқ хазинаси,-Т.: 1990, 20-21 бетлар.

Олтин исирга тақади.  
Сув, ҳаво-танга даво.  
Кўчат эккан-мақсадга етар.  
Кунингдан бир кун қолса ҳам, кўчат эк!

Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин. Халқ донишмандномаси-мақолларда табиатда кечадиган жараёнлар, фаслларнинг фазилатлари, борлиқ-одамнинг таровати, саховати ва инсон руҳий ҳолати, кайфияти ва меҳнат фаолиятига таъсири фалсафий жиҳатдан чуқур ифодааланган, дейиш мумкин. Табиат билан инсон муносабатлари, уларнинг бирлиги нафақат мақолларда, балки маросим ва лирик кўшиқ тўртликлари, дoston ва эртакларнинг ҳам қон-қонига сингдириб юборилган. Бунга анъанавий дostonлар, жумладан, “Алпомиш”, “Тўрўғли” силсилавий дostonлари кабилар мисол бўла олади. Оламдаги жонли-жонсиз мавжудот – биринчи навбатда инсон ҳамма вақт табиат ва унинг фаслларига мослашган ҳолда ҳаёт кечиради, унинг руҳий кечинмалари, ҳолат-кайфиятлари турли хил фасллар ҳақидаги фольклорда кенг ифодааланган. Хусусан, баҳор фаслининг кириб келиши муносабати билан табиат уйғониб илк бор қуёшнинг илиқ нурлари сочилиши натижасида атроф-теварақда ҳаёт жилоланиши, қорлар эриб, мудроқ замин уйғониб, гул-чечаклар ер бағрини ёриб қулоқ кўрсата бошлаши, сой-ариқлар ўз қўшиқларини куйлашга тушиши, мусаффо чашмалар кўзини очиб, биллур каби тиниқ сувлар шилдираб оқа бошлаши, ёз ва кузнинг саховати-ю таровати, қишнинг ўзига хос жозибаси – барчаси киши кайфиятини кўтариш, ўзгача ҳолатга солиш халқ кўшиқ-тўртликлари мавзусини ташкил этади.

Баҳор ойим келдилар,  
Чопиб, чопиб, чопқилаб.  
Лолалар сочвордилар,  
Қир-адирга кулочлаб.  
Бизлар чопдик қирларга  
Лола териб олмоққа,  
Лолалар совға қилиб,

Шошдик дуо олмоққа.  
Югуриб олиб қирда  
Лола тердик бир кучоқ,  
Барча олди лолани,  
Чаккасига тақмоққа...

Табиатнинг халқона қадриятлари орасидаги бундай жозибали қўшиқларидан ташқари, турли-туман жониворлар, ҳашаротлар, ўсимликларнинг тимсолий образлари ёрдамида инсоний муносабатлар акс этган асарлар ҳам бор.

Ёрнинг қони лолазор,  
Замин жони лолажон,  
Тоққа сайилга келиб,  
Қурдик сени лолажон.

Гузал, хушманзара яратиб, киши кайфиятига айрича таъсир этувчи ҳар қандай инсонда ажиб ҳис-туйғулар уйғотувчи, маънавий-эстетик озиқ берадиган бундай тўртликлар табиат фасллари қадриятлари билан боғлиқ бошқа асарларда ҳам мавжуд. Халқ қадриятларида нафақат табиатдаги ўт-ўсимлик дунёси, балки ҳайвонот олами, парранда-даррандалар дунёсини ҳам ҳимоя қилиш, сақлаш, уларни ўлдирмаслик каби ибратли фикрлар ҳам алоҳида эътибор ва эҳтиром билан тасвирланади. Чунончи, барча ҳайвонлар азал-азалдан инсоннинг дўсти, йўлдоши, ҳамроҳи бўлиб келганлигини кўрсатувчи қадриятлар орасида ит, от, бўри каби ҳайвонлар, турли қуш ва паррандаларга бағишланган намуналар кўпдир. Масалан, чўпонлар ўзи асраган итини давлат боши деб эъзозлаганлар, овчилар эса итини “Етти хазинанинг боши” деганлар. Табиат ва ҳайвон, ҳайвон ва одам дўст-биродарлигини шунда ҳам кўриш мумкин, қалдирғоч, мусича сингари қушлар инсон истиқомат қиладиган уйларга ин қўядилар, булбуллар эса инсон авайлаб-асраган боғ-роғлар қўйнида табиат мўъжизаларидан маст бўлган ҳолда, минг бир мақомда куйлар эканлар, бу энг аввало инсон билан ундаги жониворлар ўртасидаги азалий дўстликнинг тимсоли ва ундан келадиган барча яхшиликлар дунёнинг гузаллигини сақлаб туришга хизмат қилади.

-Нега инсон хонадонига ин соласан? Иннингни дов-дарахтларга солсанг бўлмайдими?-сўрабди Қалдирғочдин Вайўғли.-Мени кўр, одамзод йўқ жойларга ин қураман-да, улардан йироқроқ бўлиб, эркин-эпкин яшайман.

-Одамлар меҳридан баҳраманд бўлай дейман-да,-жавоб берибди Қалдирғоч.-Инсонлар меҳр-оқибатини туймаган, улар мурувватидан баҳраманд бўлмаганлар буни сезмай-дилар. Ундайларнинг жойи албатта ташландиқ чордеворлар-да.

#### ҚИССАДАН ҲИССА:

Одам меҳри-олам меҳри.

Халқимиз об-ҳаво ўзгаришларини ҳайвонлар, парранда-даррандалар, қурт-қумурсқалар, ўт-ўланлар саъй-ҳаракатлари, ўзларига хос қилиқлари орқали олдиндан айтиб беришларини ҳам инсон ва табиатнинг ўзаро уйғунлигининг натижаси, дейиш мумкин.

#### МАСАЛ:

Булбул билан Тўрғай ким кўп ва соз хониш қилади, деб тортишиб қолишибди! Баҳс жанжалга айланибди. Икковлон Мусонинг олдига боришибди. У ҳамма ишни адолат тарозисига солиб, ҳал қилар экан.

-Ҳой Мусо, қани айтингчи, мен кўп ва хўп хониш қиламанми ё Тўрғайми?- сўрабди Булбул.

-Буни синаб куриш керак. Икковлон беллашсангда, ким кўп ва хўп куйласа, ўша ютиб чиққани ва биринчиликни олгани, деб шарт қўйибди. Биринчи бўлиб Тўрғай бошлабди-да, нағмасини мингтага етказибди. У шундай дард билан бўзлабдики, тоғу тошлар, дала-қирлар яйраб-яшнаб кетибди. Булбул куй-нағмасини бир минг биттага етказибди. У шундай хуш овозда куйлабдики, тоғу тошлар эриб кетибди. Қир-адирларда лола ва бошқа гуллар очилиб, борлиқ-олам гўзаллашиб, очилиб кетибди. Сой, булоқ, шаршаралар куйлашдан тўхтаб, булбул нағмасига маҳлиё бўлиб қолишибди.

Мусо:

-Булбул, сен ғолиб чиқдинг. Бундан буён сенинг жойинг одамлар орасида, улар яратган боғ-роғлар, ўстирган гул-

лар ичида бўлади. Тўрғай, сенинг жойинг чўл-биёбонларда бўлади, -дебди.

Шу-шу одамлар қаерда бўлса, булбул ўша жойда бўлармиш. Одамзод бунёд этган боғ-роғлар билан табиат сайқал берган гўзал жойлардаги гулларда ўтириб олиб, минг бир нағмасини чалар экан. Тўрғай эса, чўл-биёбонлар гўзаллигига маҳлиё бўлиб, бўзлагани-бўзлаган эмиш.

Халқ оғзаки ижодига хос фазилатлардан бири табиат мўъжизаси, сир-асрорларини билиш, моҳиятини англаш ва сабаб-оқибатининг тагига етишга интилишликдир. Халқ шундай доно ва зуккоки, инсон, олам, жонли, жонсиз борлиқ ҳақида етти ўлчаб бир кесиш қабилда чуқур мушоҳада билан фикр юритади, керакли ҳукмни чиқаради, айтадиган гапини гоҳ рамзий, гоҳ ошкора тарзда айтади. Унинг табиат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари борасида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Халққа хос донолик – донишмандлик ҳам ана шунда.

Фольклорда ифодаланган табиат ҳақидаги оқилона қарашлар – нафақат бугунги кишилар, балки келажак авлодлар тақдирини ҳам ўйлаб айтилган фикр-мулоҳазалар, айни чоқда, уларни огоҳлантирувчи ва хушёрликка чорловчи даъватномалардир.

Биз юқорида “Барча нарса Унинг ҳузурида ўлчовли” деган ҳадисни келтирган эдик. Халқ учун ҳам табиатда ҳеч қандай ортиқча, кераксиз нарса йўқ. Ҳамма нарса ўз жойида, уларнинг ҳар бири хосиятли, керакли, инсон учун зарур. Дарҳақиқат, халқнинг табиатга муносабати, қараш ва уни ҳаддан зиёд эъзозлашидан ҳайратга тушасан киши. Халқнинг табиат билан боғлиқ қадриятларида инсон учун ташвиш, ҳатто кулфат келтирувчи ҳайвонлар, ҳашоратлар: бўри, илон, чаён, қора қурт, ўргимчак, қурбақа, бойўғли, кўршапалак, чигиртка қабиларни ҳам йўқ қилмаслик ҳаракати кўзга ташланди. Бундай жонзотларнинг ҳар бири табиатда ўз ўрни борлиги, инсонлар учун фойдали эканлигини эътиборда тутиб, уларнинг йўқ бўлиб кетмаслиги учун қурраш – табиат билан инсон ўртасидаги мувозанатини сақлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар, деб билиш керак.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди қадриятлари қамрови нақадар кенглиги, унда инсон, табиат ва ҳаётнинг сон-саноқсиз муаммоларини ўз эътиборига олиши, ахлоқий ва руҳий тарбиянинг долзарб масалаларини улар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда талқин қилиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Бу масалани янада тўлароқ тасаввур қилиш учун биз узоқ йиллар давомида бевосита халқ орасидан йиққан инсон ва табиат қадриятларига оид фольклор намуналарининг ирим-сирим, урф-одат ва расм-русумларидан баъзи бирларини келтирамиз.

Ҳазрати инсон, табаррук замин, она табиат боғланишлари орасида гиёҳлар, ўт-ўланлару, дов-дарахтларнинг қадр-қиммати алоҳида ўрин тутди. Бизгача етиб келган қадриятларда қадимий ота-боболар эътиқодини чуқур ҳурматлаш, табиатни эъзозлаш, кишилар, хусусан, ёшлар ахлоқий ва руҳий тарбиясида бундай қадриятлардан оқилона фойдаланиш каби олижаноб чуқур инсоний қарашлар акс этганлигини англаш қийин эмас. Дарҳақиқат, табиат кўринишлари ва мўъжизалари ахлоқий-маърифий, руҳий, бадий-эстетик тарбиянинг камол топишида катта роль ўйнаб келган.

Ҳар қандай кишига гўдаклигидан бошлаб она-табиат ҳодисалари, кўринишлари ва оқибат-натижалари асосида тўғри, асосли тарбия берилса, у умрининг охиригача табиат шайдоси, хусусан, гиёҳлар, ўт-ўланлар, дов-дарахтлар ҳимоячиси ва улардан ақл-идрок, фаҳм-фаросат билан оқилона фойдалана олиш кўникмаларини эгаллаган киши бўлиб етишиши табиийдир.

Халқимиз донишмандлигидаги табиат билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар оламига бунчалик катта аҳамият берилишининг икки жиҳатини қайд этиш лозим. Биринчиси, қадимги бобомоларимизнинг баъзи гиёҳлар, ўт-ўланлар, дов-дарахтларнинг “ҳатти – ҳаракатлари: ўзига хос “фазилатлари”-ю “қилиқ”ларининг “сир”лари туб моҳиятини англай олмаслик бўлса, иккинчиси- ана шундай муъжизавий гиёҳлар, дов-дарахтларни тимсоллантириш орқали она табиатни сақлаш ва келгуси авлодларга етказишни асосий мақсад

қилгани, бу таъсирнинг амалий жиҳатларини чуқур англаган ҳолда табиатга киритилганидир”.

Дарҳақиқат, халқимизда ҳаётдаги жонли-жонсиз мавжудотлар воситасида авлодни тўғри йўлга солиш, камол топтириш асосига қурилган пандномаларнинг саҳифалари беҳисоб, имкониятлари кенг, маъно-мақсади чуқур. Кези келганда бир фикрни қистириб ўтмоқчимиз. Халқ пандномаси узундан-узун панду-насиҳатлар, ўғитлар, ақл ўргатишлар, кўрсатмалар бериш, таъкидлару даъватномалар билан келиша олмайди.

Халқ донишмандлиги хазинасида шундай ибора-сўзлар борки, уларни на қарғишга, на тергаш, на бошқа иборалар қаторига қўйиб бўлади. Бундай синтактик бирикмалар ўзига хос чуқур мажозий маънолар касб этиб, киши руҳиятига ўзгача таъсир қилади. Худди илоҳий сўзлардек жаранглайдиган ва унга амал қилинса гўё инсон юз тубан кетиши, тубсиз жарга қулаши, ҳаётида мудҳиш воқеа содир бўлиши мумкин туюладиган бундай иборалар фақат оммавий характерда бўлмай, ҳусусан, болалар руҳиятига бошқача таъсир этади. Ана шундай “Илоҳий сўзлардан”-синтактик бирикмалардан бири – “Ёмон бўлади” иборасидир.

Дарҳақиқат, қариялар нутқида тез-тез қулланиладиган “Ундай қилма – ёмон бўлади”, “Бундай қилма – ёмон бўлади” каби огоҳлантирувчи иборалар киши руҳига ёмон қарғишдай таъсир этувчи кучга эгадир. Қисқа, лўнда фикрмулоҳазани баён этиш орқали аниқ мақсадни амалга оширишга хизмат қилувчи “Ёмон бола” ибораси кишилар тарбиясида қанчалик катта роль ўйнаганини ҳамма вақт ҳам англавермаймиз. Ўтмишда “Ёмон бўлади” таъбири болалар тарбиясида алоҳида роль ўйнагани, уларни ёмонликлардан жиловлаб тургани аён. “Ёмон бўлади” иборасини бола онгига сингдириш ва унга амал қилдириш оқибат-натijasида қанчадан-қанча шифобахш усимликлар, мевали дарахтлар, ўт-ўланлар сақланиб қолиб, халқ табобатини бойитишга ёрдам бермадими? Кишилар саломатлигини сақлаб қолмадими? Ўзбекларда кексалар ҳаёт гултожи, тарбия хазиначиси, меҳр-оқибат ва қадриятлар булоғи сана-

лади. Улар сўзининг нуфузи баланд. Шу боис, айтганлари-айтган, деганлари-деган...

Қадриятларимиз қалб шуури ва нутқида қадим-қадимлардан давом этиб келаётган қадриятларимизнинг ҳар бири – ота мерос, одобнома дарсидир. Буни ўсимликлар, гиёҳлар, ўт-ўланлару, дов-дарахтларга муносабат, эътиқод, ҳурмат ва уларни сақлашдаги саъй-ҳаракатлари, панд-насиҳатлари-ю, йўл-йўриқлари мисолида кўришимиз мумкин. Айрим гиёҳлар, дарахтларни тимсоллаштириб, унга эътиқодда бўлиш, юқорида таъкидланганидек, экологик тарбиянинг энг қадимги ва таъсирчан кўринишидандир. Биз унинг генезиси, тарихий илдизларига тўхтаб олмаймиз. Узоқ йиллар давомида халқ экологик тарбиясига доир излай-излай қўлга киритганимизнинг айрим қирраларини ҳавола этамиз, холос.

Қадимдан Турон заминида табиат билан боғлиқ маросим ва байрамлар кўп бўлган:

1. Баҳор мавсумига алоқадор “Наврўз”, “Лой тутиш”, “Иш боши”, “Уруғ қадаш”, “Биринчи шудгор”, “Лола сайили”, “Қизил гул”, каби байрам сайиллари.

2. Ёз мавсумига алоқадор “Охирги тутам бугдойни ўриш”, “Чой момо”, “Гул байрам сайиллари”.

3. Куз мавсумига алоқадор “Маржон”, “Қовун сайили”, “Шамол чақириш маросими” ва бошқа ҳосил байрамлари.

4. Қиш мавсумига оид “Гап-гаштак”, “ян-юсун” маросимлари, “Биринчи қор”, “Қор хат”, шунингдек, тинимсиз қор, ёмғир ёққанда, сел, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар бўлганда ўтказиладиган урф-одат, расм-русумлар, одатлар ҳам бор. Буларнинг ҳар бири табиат билан боғлиқ ва бевосита табиат бағрида уюштириладиган қадимги қадриятлар ҳисобланиб, улар халқ оғзаки ижоди намуналари ёрдамида кенг ўтказилади ва у инсоннинг ахлоқий ва жисмоний тарбиясида муҳим ўрин тутати.

... Сурхондарёнинг Қўхитанг тоғида айнан одам шаклидаги тоғ жинси бор. Унга азиз авлиёга сифингандек сифинилади. “Ҳасан якдаста” деб аталган бу жойда булганлар баъзи бир хасталиклардан халос бўлишади...

Тоғу тошларни кезар экансиз, “Қирқ қиз”, “Беш қиз”, “Келинчак учган жой”, “Бобо тоғ”, “Олтин топган”, “Айни тепа”, “Қўй кўп”, “Илон бош”, “Туя бўйин”, “Тешик тош”, “Аждар ўнғир”, “Дулдулнинг охури”, “Тошхирмон” деган жойларга дуч келасиз. Уларнинг ҳар бири сирли-сеҳрли олам бўлиб, ё қарғишдан шу ҳолга келгани, ё азиз-авлиёларнинг қадамжолари эканлигини билиб оласиз. Масалан: “Тошхирмон” деган жой хирмон янчиқ қилаётган киши буғдой исрофига қўл ургани учун Худонинг қаҳрига дуч келиб қаргалганда, тош бўлиб қотиб қолган. Бундай жойларнинг ҳар бири қандай изоҳланишига қарамай, бирон бир хасталикка даво бўлишини англаб, ҳайратга тушасан, киши.

Ҳафталаб, баъзан ойлаб чўзилган изланишларда суял тош, қора тош, кўк тош, мунчоқ тош, бешик тош, қиз тош, сурат тош, тегирмон тош, қўй тош, тешик тош, каби табаррук жойларда бўлиб, улар ҳақида бағоят ибратли фольклор намуналар мавжудлиги гувоҳи бўлиб, зиёрат қилганмиз. Айтишларича, улардан бири зиёрат қилинса, кўк йўталга, бошқаси қўтирга, яна бири бефарзандликка даво бўлар экан. Бундай мўъжизали ҳодисалар ҳанузгача ўзининг илмий ечимини топмаган бўлса-да, бироқ амалиётда исботланганини айтиб ўтиш лозим.

Ойни илоҳий билиб, унга сиғинишларда ҳам ҳикмат кўп. Қирғизистон, Қозоғистонга чегарадош бўлган жойлардаги ўзбеклар (туркийлар) орасида янги ойга, нисбатан муносабат алоҳида ажралиб туради. Бинобарин, янги ойни кўрганда, осмонга қараб уч марта бош эгиб, унга сажда қилинган бўлса, бошқа жойларда Ойга қараб: “Ой янги чиқибди, янаги ой, янаги кунларгача эсон-омон, ўйнаб-кулиб етайлик. Ни-майки, мақсадимиз бўлса, амалга ошсин, эсонлик-омонлик бўлиб, касалларга шифо берсин, “Аллоҳу-акбар»- деб, юзга икки қўллаб фотиҳа тортилади. “Оймома ойдек, келинлари тойдек” ёки “Оймома, кулча ташланг” каби ақидалар, “Ойни кўрдим омонлик, ҳеч кўрмайин ёмонлик, келаси шу ой, шу кунларгача ўйнаб-кулиб юрайлик” каби янги ойга сиғинилади.

Муҳаммад Алайҳиссалом Ойни осмондан олиб тушиб, уни ўнг елкаларидан киритиб, чап елкаларидан чиқариб, яна осмонга қайтариб юборганлари ҳақидаги ривоят зами-нида ҳам қандай ақидалар ётади? Бунда доно халқимиз-нинг Ойга нисбатан қадриятлари негизда ниҳоятда оли-жаноб, умумбашарий гоёлар ётганлигини сезиш мумкин.

Халқимиз орасидаги Гулдур момо, Қидир бобо (мома-қалдиروق – М.М.) ҳақидаги тасаввурларида, тимсолга ай-ланган Момонинг осмону фалакдан, ҳаром-хариш билан машғул, эътиқодсиз кишиларга яшин ташлашининг боиси нимада? Оқпадар, она сути ҳаром, эл назаридан қолган кишиларнинг яшин уриб, ўлдирилганлиги фактларидан ҳам кўплаб келтиришимиз мумкин.

Камалакни халқда “Рустам ёйи” (“Камони Рустам”), Ҳасан-Хусан ёйи деб аталади-да, унинг ерга тегиб турган жойида олтин хазина борлигига шама қиладилар. Шу йўл билан бориб, олтин, маъдан топганлари ҳақида ҳам мароқ билан сўзлайдилар. Ёки қайси бир гумонаси бор хотин “Ҳасан-Хусан” камалаги остидан ўтса, эгиз фарзанд кўри-ши ҳақидаги тушунчалар қадимий қадриятимиз нақадар ҳаётбахшлигини кўрсатади.

Шамолни бобо деб аташ “Мирҳайдар, шамолингни қўй, ҳайдар” дея унга ялиниб, илтижолар қилишлари, кучли шамоллар куюн, гирдоб кабилар турганида ёш болаларни яшириб, беркитишлар, шамолга қарата тош отишлар, сув сепишлар, супургини тош остига бостириб қўйишлар, қал-дирғочларнинг янада баландроқ учишини талаб қилишлар, қуёшга мурожаатлар ҳам қизиқарлидир.

Шамол-“Дев бобо”дан қўрқиб, соқов, кар, юз-оғзи қий-шайиб қолганларни даволай олувчи жойлар бўлган. Азиз-авлиёларнинг қадамжолари қорлар, ўнғирлар ва бошқа-лар шундай жойлар саналган.

Қадим-қадимлардан оловга нисбатан илоҳий мазмун ва моҳият билан қараганлар. Қадимги Туронда ўтга топиниш одатлари мавжуд бўлиб, ҳар бир оила, уруғнинг ўз олови бўлган. Оташпарастлар оловни жуда эҳтиёт қилишиб, бо-шқа қабилаларга улашганлар. Зардўштилар ибодатхона-

ларига ғайридинларнинг кириши ман этилган. Оловга сиғиниш қадриятлари яқин-яқинларгача сақланиб қолган анъанадир. Одатда, оловга топиниш маросимларига қадимда кўпроқ аёллар бошчилик қилган.

Олов ҳалоскорлик рамзи ҳисобланган: у ҳаром-ҳариш нарсаларни ҳалок қилади, ифлосликларни тозалайди, одамни турли хато-гуноҳлар, инсу жинслардан ҳалос қилади. Қадимги Ўрта Осиё, жумладан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам ўз-ўзини оловга ташлаш одатлари бўлган ва бунинг қолдиқлари ҳамон сақланиб келмоқда.

Ўт-олов билан боғлиқ оғзаки ижод намуналарида энг қадимий бўлган қадриятлар ўз бағриларида нақадар катта маънавиятни асраб келаётганлигини кузатиш мумкин.

“Қари олов хўжа” деган жой бор. Бу ҳақида шундай ривоят юради. Айтишларича, мусулмон хўжалари шунчалик ғайри табиий, сирли, сеҳрли кучга эга бўлишган эканки, ҳатто, улар оловда ҳам ёнмасликлари мумкин эмиш. Буни синаш учун 50 арава ўтин келтириб, унинг ўртасига Қари хўжайинни ўтқазиб, сўнг олов ёқишган. Аланга сўнгандан кейин қарашса, хўжа ўтда ёнмабди. Кишилар ҳайрон бўлишиб, унинг сеҳрли кучига тан беришган экан.

Олов муқаддас, шу боис, унга туфланмаган, овқат қолдиғи, тирноқ, соч, супринди, суяк чириндиси ташланмаган. Сув билан оловни ўчириш, олов ёндирилган жойни бошиш маън этилган. Чорвадорлар тўл пайтида ўчоқдан чала ёнган ўтинни олишмаган. Ўчоқдаги оловни ҳуда-беҳуда ўчириш гуноҳи азим ҳисобланган. “оловни чуқаласанг, ўчади, кўшнини чуқаласанг - кўчади”, деб бежиз айтишмаган.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда, қадимдан олов билан боғлиқ қизиқарли бир маросим бўлган. Бу “Охирги чоршанба” маросимидир. “Қора чоршанба” ҳам дейилган. Эски йилнинг чиқиши, янги йилнинг кириш арафасида бу маросим амалга оширилган. Яъни эски йилнинг охирги чоршанбасида уч жойга олов ёқиб, ундан сакраганлар. Бу одат эски йилда тўпланиб қолган барча ёмонликлар, касалликлар ва бахтсизликлардан ҳалос бўлиш мақсадида ўтказилган. Ёниб турган ўтдан қари ҳам, эркак ҳам, аёл ҳам –

хамма сакраган. Шу сакрашда ҳар хил дуо-олқишлар ўқи-ганлар, мўл-ҳосил, соғлиқ, бахт-саодат тилаганлар, тинч-лик ва осойишталикни орзу қилганлар.

Қишлоқ, шаҳарларга кириш йўлларида бошқа жойдан келувчи меҳмонлар ва бошқалар бизнинг манзилимизга узи билан ёмонлик, хасталик, бахтсизлик олиб келмасин, гу-ноҳларидан халос бўлсин, деб, йўл бўйларига машъала, олов ёқиб қўйиш қадимда расм бўлган. Жонлик сўйиб, қурбонлик қилишган. Қадим-қадимлардан келин куёвниқига олиб келинганда, уч жойга олов ёқилиб, ундан келин айлантирилган, шундай қилинса, гўё келинга эргашиб келган инс-жинс ва бало-қазолар ўтда ёниб кетади, деб ишонилган.

Қадимий туркий халқларда келин куёвнинг хонадонига келиши билан оловга мой қуйган... Олов билан мой бир-бирини аланга олдиради. Демак, келин келган уйнинг олови ҳеч ўчмасин, деган олов билан боғлиқ қадриятлар сиру асрорларнинг кўринишларидандир.

...Ўзбек одатларига кўра, чақалоқ кичкина ва катта чилласи чиққунча, ҳар томонлама муҳофаза қилинади. Унда олов, ёруғлик муҳим ўрин тутаяди. Чунончи, чилласи чиқмаган гўдак бор хонадонда чироқ ва ўчоқдан олов қирқ кун ўчирилмайди. Боланинг киндиги тушгунга қадар қўниқўшницага олов бермаслик одат бўлиб, агар ёруғлик бир лаҳза ўчирилса, ёвуз кучлар, инс-жинслар қоронғуликда авжга чиқар эмишлар. Ҳақиқатдан ҳам халқ эътиқодига кўра, ўт, чироқ, ёруғлик, инс-жинсларни қувиш, уларни йўлатмаслик хусусиятига эга, чунки улар ҳамон муқаддас санаб келинади.

...Ҳомила яқинлашган пайтда ўчоқда олов ёқиб, уни алангалаштириш, бешиқни олов билан эласлаш, олов атрофида айланиш, оловни сизлаш, шаҳарга кириш жойларда олов ёқиб, охириги чоршанба маросимини ўтказиш, келинни оловда айлантириш, янги бўшалган аёл хонасидаги чироқни чилласи чиққунча ўчирмаслик, ўчоқдаги чўғ-аланганинг кетини узмаслик каби ирим-сиримларнинг ҳар бири чуқур маънога эга бўлиб, улар бобокалонларимизнинг олов билан боғлиқ қадриятларидандир.

...Болаларни олов билан ўйнатмаслик инс-жинсларни хайдаш мақсадида, чироқ, пилик ёқиш, чўғ, аланга билан жин, ажина каби ёвуз кучларни даф этиш каби урф-одатларнинг асоси ҳам олов қадриятларига бориб қадалади.

...Момо оши, кучириқ маросимлари ҳам олов билан боғлиқ. Кучириқда бемордан зиён-заҳмат хайдаш учун қирк бир чироқ ёқилади, ўт-оловдан сакратилади...

Келин-куёв бошига чилла тушмасин деб, чироқ ёқиш, узоқ сафардан қайтиб келганда уйга кириш олдидан олов ёқиб, ундан уч марта сакратишлар ҳам олов “сири” билан боғлиқ қадимий маросимлардир.

...Нафақат инсонлар балки, ҳайвонлар: мол, от, қўй, эчкилар ҳам юқумли касалга чалинса, болаласа, қишловга кетаётган ва ёхуд қайтаётганда икки олов ўртасидан ўтказиладилар.

Сирли олам ҳақида тўхталганда, “Муқаддас” ўсимликлар, ҳайвонлар, руҳ, уйқу ва туш кўриш, сўз билан доволаш, шунингдек, табобат ва сеҳргарлик билан боғлиқ халқ анъаналари ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ.

...Ота-боболаримиз доимий экиладиган ўсимликлар, хусусан, пахта, қовун-тарвуз касалланса, “Муқаддас қадам-жо”лардан тупроқ олиб келиб солганлар. Борди-ю, кўзлангандан кўра кўпроқ ҳосил олишга ақллари етса, кўзтикан, тумор, қўй, молнинг калла суякларини полиз бошидаги одамларнинг кўзи яхши тушадиган жойга осиб қўйганлар.

Қадимги манбаларда, жумладан, “Ажойибул маҳлуқот ва ғаройибул маснуот” китобида айтилишича, жами ўсимликлар Аллоҳ томонидан яратилган бўлиб, улардан 760 тури ҳаёт сарвари – инсонга, қолганлари эса ажиналарнинг базм қуриши учун яратилган.

Жинларнинг энг яхши кўрган жойи – гулзорлар, гул тагидир. Улар базмларни гул тагида қуришади. Шу боис, вақт-бевақт гулзорга кириш, гуллардан узиш хосиятли эмас.

Ривоят: Кунлардан бир куни бир кишининг кўзи оғриб қолибди. Унга кўрсатибди, даво тополмабди, бунга кўрсатибди даволана олмабди. Кекса бир киши унга Луқмони ҳақимнинг олдига боришни айтибди. Сўраб-суриштириб

ҳакимлар ҳақими Луқмони ҳакимни тошиб, кўзини кўрсатибди.

- Оёғинга хина қўй, - дебди Луқмони ҳаким беморга
- Менинг оёғим оғриётгани йўқ, кўзим оғрияпти, - дебди бемор.
- Тўғри, биламан, сеннинг кўзинг оғриган. Кўзининг бир томири оёқ тагида жойлашган, сен ўша томирни шамоллатгансан, -дебди ҳаким.

Касал оёғига хина қўйган экан, кўзлари соғайиб кетибди.

Кишилар қадим-қадимдан табиатнинг ажойиб-ғаройиб ўсимликларидан турли бало-қазоларнинг олдини олиш, кўз тегишини даф этиш, умуман, турли касалликларга даво сифатида фойдаланиб келганлар. Тудока, седана, тасбеҳ, асои мусо, газанда, чаён, қалапирмунчоқ, кўз тикан, сунбула, зуҳрасоч, кўк тикан, ҳамиша баҳор каврак, жилор, шивит, семизўт қоқи, ялпиз, хазориснон (исириқ ўт) кабилар ана шундай сирли-сахрои ўт-ўланлар ҳисобланиб, уларнинг ҳар бири инсонни бахтсиз ҳодисалардан сақлайди.

**НАҚЛ:** Пайғамбаримиздан Муса алайҳиссалом ҳассаларини ерга қадаган эканлар, ўша ерда мўъжиза рўй бериб, бир ўсимлик униб чиқибди, уни “асои мусо” деб атайдилар. Кимда-ким ана шу ўсимликдан йўниб ҳасса ясаб олса, унга инс-жинслар мутлақо яқинлашмайди.

Пиёз, саримсоқ, аччиқ қалампир, райҳон, қизил гул, сариқ гул, зиён-заҳматлардан асровчи, айни чоқда, баъзилари айрилик, ҳижрон келтирувчи мўъжизакор гиёҳ ўсимликлардандир.

Ёмон кунлардан асраш мақсадида, болага Саримсоқ деб исм қўйиш одат бўлган.

Афсона: “Муҳаммад Алайҳиссаломнинг бармоқларини заҳарли илон чақиб олибди. Пайғамбаримиз илон заҳрини сўриб олиб, ерга тупуриб ташлаган эканлар, ердан пиёз билан қалампир ўсиб чиқибди”.

“Кимда-ким заҳарли ўт, чаён ўтга ихлос ва эътиқод қўйиб ушласа, ўзидан заҳар чиқармас эмиш, борди-ю, шунчаки, билиб-билмасдан ушласа, ўзидан кучли заҳар чиқариб, ушлаган одамни чақармиш ва уни заҳарлармиш.”

Исирик, дўлана, мурч, янтоқ, писта, жилонжийда, маж-нунтол, ёнғоқ, жийда, чинор, тут, беҳи, олма, ўрик, сада қайрағоч, анжир, терак каби дов-дарахтлар ҳақида ҳам турли мўъжизали, сирли ақидалар, афсоналар бўлиб, уларнинг бирида ёмон кўзлардан асровчилигини таъкидланса, баъзилари беҳосият эканлиги ёмонлик, кулфат олиб келиши исботланган. Масалан, исирик ёмон кўзлардан, ёмон руҳлардан асраса, жилон жийда одам ичига кириб олган ёмон унсурларни чиқариш, касалликларни ҳайдашда илоҳий роль ўйнайди. Писта шохларига ҳар-хил латта-путталар осиб қўйиб, тагига чироқ ёқиш орқали ақлли, соғлом, доно одам бўлиб етишишлик таъкидланади. Дўлана ҳақидаги афсона қадим-қадимдан халқ орасида кенг тарқалиб, кишиларнинг бу шифобахш дарахтга ихлосини ошириб келган.

Ҳикоят: Муҳаммад Алайҳиссалом билан яҳудийлар ўртасида низо чиқибди. Пайғамбаримизнинг қизлари кўзим яҳудийларга тушмасин деб, қочибдилар. Шунда бир жойга бориб, “Эй, ер ёрил!”-дебдилар. Шунда яратганнинг амри билан ер ёрилиб, улар ер қаърига кириб кетибдилар. Қонларидан дўлана дарахти ўсиб чиқибди.

“Армуғон гул” деган гул бўлиб, у тоғларда ўсади. Ранги кип-қизил бўлиб, ривоятларда айтилишича, “армуғон гул” кофирлар билан бўлган жангда ҳалок бўлган мусулмонларнинг қонидан униб чиққан. Кимда-ким унга тегса, гуноҳ ҳисобланиб, албатта бирор фалокатга дучор бўлиши айтилган.

Ёнғоқ, анжир, чинор, жийда каби дарахтларнинг сир-асрорлари билан боғлиқ афсона, ривоятлар ва турли ақидалар ҳам халқ сирли оламининг мўъжизали саҳифаларидандир. Айтишларича, бу дарахтларнинг тағларида узоқ вақт ўтирилса ёки ухлаб қолинса, касалга чалиниб, ё оғзи қийшайиб қолади, ё шолга айланади, ақлдан озиши ҳам мумкин. Чунки жин, ажина, ёмон руҳлар, алвастилар, ана шундай тоифадаги дарахт шохлари ва танасига ин қуриб олган бўлармиш.

Тут, қайрағоч, гужум, тол, терак каби дов-дарахтлар билан боғлиқ қадамжолар, зиёратгоҳлар, муқаддас мас-

канлар борки, уларнинг ҳар бири ўзига хос мўъжиза, сеҳрли қудратга эга. “Оқ терак”, “Уч терак”, “Терак мазор”, “Буғозтерақ”, “Чилла тут”, “Тути калон”, “Тут ота”, “Қуш тут”, “Бобо тут”, “Чилонзор”, “Дўлана бобо”, “Писта мазор”, “Чакалақзор”, “Минг чинор”, “Минг тут”, “Минг терак”, “Жийда бобо”, “Бобо тут”, “Қуш тут”, “Беш ётоқ”, “Боботерак”, “Бутазор”, “Қуқ тупла бува” каби ўнлаб жойлар зиёратгоҳ, оромгоҳ ва шифогоҳ саналган.

Муқаддас қадамжоларда ўсган дов-дарахтлар фалокатлардан, ҳатто, бефарзандликдан сақланишга ёрдам бериб келган. Дарвоқе, гиёҳлар, дарахтларга сиғиниш, уларга ялиниб-ёлвориш ва эътиқод қилиш анъаналари, қадриятлари ҳам сеҳрли-сирли оламнинг фавқулодда гузал ва ибратли саҳифалардир.

...Ўзбекистонинг турли ерларидаги ҳазрати Алининг қўли ёки оёғининг тошдаги излари, у киши минган афсонавий Дулдул отининг туёқлари ёки зулфиқори қиличининг зарбидан пайдо бўлган жойлар ҳақида халқ ақидалари, афсона ва ривоятлари ҳамда табиатни асраш билан боғлиқ маърифий тасаввурлари бор...

...Муқаддас ҳисобланган қадамжолар, азиз-авлиёлар, пирлар, эшонлар каби ислом ҳомийлари қабрлари, даҳмаларига сиғиниш билан бирга бундай жойларда ўсган дарахтлар (тол, сада, тут, қайрағоч, жийда, дўлана ва бошқалар) шохларига йиртилган матолар, латта парчаларини илиб қўйиш каби амаллар мавжуд.

... Жойлардаги Али, Айюб, Сулаймон, Идрис каби пайгамбарлар, азиз авлиёларнинг номи билан боғлиқ муқаддас қадамжолар, мазорлар, қабрларга сиғиниш одатлари ҳам энг аввало, табиатни сақлаш билан боғлиқ. Чунки, табиатнинг энг гузал, сўлим жойларидаги ана шундай улғулар номи билан аталган «Қўли Қуббон» (Ҳамза обод), “Санги лаънат” (Ғова), “Али тепалиги”, (Қосонсой), “Алпомиш мазори” (Задарё), “Сангжумон харсанги”, “Нурота чашмаси” (Нурота), “Болалик мазор” (Наманган), “Қаптархона”, “Қирқ қиз”, “Амир Темур”, “Хўжанпок”, “Обираҳмат”, “Юнусхон”, “Оқтош”, “Чилламазор”, “Ҳазрати Довуд

гори”, “Йўлбарс гори”, “Хўжамўмин тузли тепаси”, “Занги ота”, “Чўпон ота” ва бошқа қадамжолар ҳақида шундай дейиш мумкин.

Ривоят: “Ҳазрати Али Шохимардонга келиб, тоғлар орасидаги бекордан-бекорга оқиб ётган дарёни кўриб қолибди ва уни тўсиб қўйибди. Кўлни “Кўли Қуббон” деб атабдилар. Шу жойлардаги тоғлар орасидаги “Олтин бешик”да Алининг ўғли тебраниб турармиш”. Халқнинг узоқ йиллик ва сочилиб ётган сеҳрли-сирли мероси ичида ҳайвонлар билан боғлиқликлари ҳам борки, уларни ҳар қанча ўрганса, тарғиб қилса арзигуликдир. Зеро, бундай қадриятлар доно халқимизнинг маънавияти, тафаккури, мушоҳадалари нақадар чуқур илдизга эгалиги, айни чоқда, она табиатни не чоғлиқ кадрлаши, эъзозлашини исботлайди. Умуман, халқимизнинг Аллоҳ мўъжизаси – она табиат саҳовати борасидаги меросини, яъни, ўт-ўланлар, олов, сув, ер, тоғ-тошлар, ҳайвонлар, ўсимликлар, дов-дарахтларни тинсоллаштиришнинг аниқ мақсад ва вазифалари мавжуд. Улар куйидаги қадриятлардан иборат:

1. Табиатни эъзозлаш, сақлаш, асраш, унга худа-беҳуда кўл кўтармаслик.
2. Табиат гўзаллиги, таровати ва саҳоватини эъзозлаш.
3. Табиат ва инсон мувозанатини сақлаб туриш.
4. Табиат саҳоватидан меъёрида фойдаланиш, уни суистеъмол қилмаслик.
5. Табиат гўзаллиги табиийлигини бузиб-нетмай, у аввал қандай бўлса, шундайлигича келгуси авлодга етказиш.
6. Табиатдаги барча жонсиз ва жонли нарсалар фақат инсон учун яратилганлиги, унинг равнақи учун хизмат қилиши, ана шу нарсаларни хор қилган албатта хорликзорлик тортиши ҳақиқатини кўрсатиш.

Жойлардаги “Бургут ота”, “Кўппак ота”, “Ҳўкиз ота”, “Кўчқор ота”, “Туятош ота”, “Чўпон ота”, каби муқаддас қадамжоларнинг сеҳрли-сирли кароматларидан кишилар минг-минг йиллардан буён ҳайратга тушадилар.

Ипак қурти боқиш, уни ўлдирмай, эсон-омон пилла ўратиш учун кишилар озмунча ишларни амалга оширадилар-

ми? Ипак қурти боқиладиган жойга доим чироқ ёкиб қўйиш. У жойга вақт-бевақт кир-чир, ифлос кийимли ва юлуксиз кишиларни қўймаслик, кўринарли жойга кўз тикиш, исирик, дуолар битилган туморлар осиб қўйишлар, ана шу муқаддаслашган қуртга атаб мушкул кушотлар ўтқишиш, кўзли ҳасадгўй, ичиқора, ғаламис, писмиқ, ғайридин кишиларни қурт сақланадиган жойга қўймаслик кабиларнинг ҳар бири сирли-сеҳрли аломатларга эга.

Илонлар, балиқлар, қушлар, хусусан, бойўғли, қалдирғоч, мусича, бургут, лочин, турна, булбул, тўрғай, ғурак, қарға, қизилиштон, саъва кабилар, чаён, қорақурт, тошбақа, чувалчанг, қумурсқа, капалак, бешиктебратар, чигиртка, бит, бурга, кана, суварак, мингоёқ, қурбақа, қўнғиз, каламуш, сичқон ва ҳоказоларни тимсоллаштириш, айримларини муқаддаслаштиришда ҳам чуқур эстетикамаънавий маъно ётади. Чунончи, лайлакнинг шержонлар худоси, оқлик подшоси деб таърифланиши, бойўғли бадбашара қушга айлантирилган подшоҳнинг яккаю-ягона ёлғиз ўғли, мусича Биби Фотима онамизнинг товуқлари, сасиқпопушак тожиси-Худонинг тароғи, қалдирғоч уй бекаси, сариқ илон-уй эгаси, тўрғай - сўфи, булбул - ошиқ, гул- маъшуқ ва ҳоказолар ҳақидаги нақл-ривоятларнинг ҳар бири халқ сирли сеҳрномаси ва бебаҳо пандномасининг ўзига хос кўринишларидандир. Бу ҳақдаги баъзи изоҳларни кўриб ўтайлик.

Ҳикоят: “Бойўғли бир замонлар катта бир бойнинг ўғли бўлган экан, намоз ўқимаган, рўза тутмаганлигидан отаси норози бўлиб, Худога нола қилибди. Муъжиза рўй бериб, бола қушга айланиб қолибди. Шу-шу одамлардан яшириниб, элга кўринмай якка ўзи ташландиқ, чордеворларда яшар эмиш”.

Ислом маданияти ва маърифати кириб келгунга қадар ўтмишда отни илоҳийлаштириш одати бўлган. Отнинг деви бор, деган тасаввур кейинги даврларгача давом этиб келган. Кўпқари (улоқ)да отнинг эгаси йиқилса, уни отнинг деви урган, деб ҳисоблашган. Қора чироқ ёққанлар, исирик ҳазорисидан тутатганлар.

...Қадимги Туркистон территориясида “Сурат тош” деган жой бор. Бу тошда отларнинг сурати тасвирланган. Айтишларича, ҳазрати Али шу ерга афсонавий оти Дулдулни боғлаб қўйиб, девларга қарши жанг қилмоқ учун ғорга кирган эмиш.

... Қадимда сигирларга “Қуръон” оятлари ёзилган туморлар тақишган, уларни мазорлардан айлантиришган. Янги туғилган бузоқни эҳтиёт қилиш, ёмон кўздан сақлаш, инс-жинс тегмаслик учун уни ҳоли жойда сақлашган. Борди-ю, сигир эгиз туғса, бу ҳолат бахтсизлик белгиси дейилиб, бузоқлардан биттаси садақа қилинган.

...Қадимда одамлар билан айрим ҳайвонлар, ўсимлик ва нарсалар орасида қон-қариндошлик, яқинлик бор, деб ҳисобланган. Бу фан илмий тилда тотемизм деб юритилиб; сиғинилган ҳайвон, ўсимлик ёки нарса у ёки бу уруғнинг тотеми ҳисобланган. Ўсимлик ёки ҳайвон ўша уруғнинг аждоди, ота-бобоси саналиб, тотемга озор бериш гуноҳ ҳисобланган. Тотем ақидаси ҳозирги Ўзбекистон территориясида ҳам кучли бўлган. Чунончи, мусича, лайлак, илон, капалак, қалдирғоч, балик, мушук, ит, балик, туя, от каби парранда-дарранда, ҳашорат, ҳайвонларга яхши кўз билан қараш, уларга тегмаслик, озор бермаслик керак. Уларни қийнаш, ўлдириш ўта гуноҳ ҳисобланиши исломга қадар яшаган туркийлар қабилаларидан мерос қолиб келаётган тотем ақидапарастлиги қарашларининг анъанасидир.

...Ёмон кўз тегмасин, суқ кирмасин, инс-жинслар безовта этмасин деган ақида билан бешикларга бўри тиши, майдаланган суякларидан тақиб қўйишган. Дарвоза тепаси, уй пештоқларига қўчқор, отларнинг бош суяклари, архар, такаларнинг шохларини илиб қўйиш ҳодисаси ҳозиргача мавжуд. Мевали дарахтлар ва экинлар мўл-ҳосил қилганда қўй, от, ит каби ҳайвонларнинг калла суяклари, исирик, кўз тикан ва бошқа предметлар осиб қўйилишини юқоридаги ақидалар билан изоҳлаш мумкин.

Шундай қилиб, халқимиз сеҳрли-сирли ҳолатлар, одатлар, удумлари, маросимлар, анъаналарини билиш, уларнинг ижтимоий-эстетик моҳиятини англаш муҳим амалий-

назарий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга, она-табиатнинг сирлари ва муъжизавий томонларини чуқурроқ англашимизга имконият яратади.

Халқимизнинг гулни ўта севиши, ҳамма вақт унга интилиши, гулни эъзозлашни ўрнига қўйиши, хоҳ аёл, хоҳ эркак, хоҳ ёш, хоҳ қари бўлсин, гул ўстириш, уни парвариш қилишига иштиёқнинг зўрлиги жуда қадимий, айна чоқда, замонавий қадриятларимизга киради. Шу муносабат билан гул билан боғлиқ халқ қадриятлари пандномасига ҳам тўхталиб ўтиш жоиз.

... Узоқ мозийдан гул ҳурмат-эҳтиром, севги-муҳаббат, вафо-садоқат, висол, жудо, яхшилик, ёмонлик, эзгулик ва худбинлик кабилар рамзи бўлиб келган. Ошиқ-маъшуқалар бир-бирларига гул бериш, гулнинг рангларига нигоҳ ташлаш орқали мулоқотга киришганлар, бошқача айтганда, “гаплашиб” олганлар, аҳду паймон қилганлар.

...Халқимизда кекса аёл-эркаклар чаккаларига райҳон ёки бошқа гуллардан тақиши, ҳар бир хонадонда гул экишга алоҳида меҳр қўйиши сингари ҳолатлар удумларимизга киради.

...Таомларда гул, хусусан, райҳондан фойдаланиш, гул ҳидлаб роҳатланиш, гулни нондек, китобдек азиз билиб, ҳамма жойга ташлайвермаслик, аксинча, одам кам юрадиган ерга қўйиш кабилар ҳам ўзбекона одатларимиздандир.

...Халқ донишмандлигида “гул кўкартирган”, “гул тутган”, “гул таққан”, “гул ҳадя этган” кишида ёмонлик бўлмайди, чунки гул-гўзаллик, эзгулик, яхшилик рамзи”, - деган пурмаъно иборалар кўп учрайди.

...Азал-азалдан турфа гуллар ўзбек хонадонини, меҳмон дастурхонини, тўй-томошаларини безаган. Ўзбеклар бир-бирларига бўлган соғинч-ташналикни гул тутиш ва ё олиш билан изоҳ қилганлар.

...Қадриятларимиз орасида гул билан боғлиқ ўнлаб удумлар, одатлар, расм-русумлар, анъаналар, байрам-сайиллар, бир сўз билан айтганда, қадриятлар беҳисоб. “Гул базми”, “Лола сайили”, “Гул мусобақаси”, “Гул байрами”, “Тули сурх” каби байрам сайиллар шулар жумласидандир.

...Байрам-сайилларда гулга бағишлаб мусобақалар ташкил қилиш, мушоиралар ўтказиш, гул кўргазмаларини ташкил этиш, бир-бирларини гул билан табриклаш каби анъаналар ўзбекларда қадимдан мавжуд. Тоғ-тошлар, қоя ва ғорларга гуллар расмини тош билан ўйиш, уй деворлари, ҳовли қўрғон пахсаларига гуллар шаклини солиш, белбоғ, дастурмол, сочиқ-дастурхонларга турфа гулларни чизиб, тикиш кабилар ҳам халқимизнинг азалдан гулга ўчлиги нишонасидир. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, гулга бағишланган ёхуд гул билан боғлиқ байрам-сайиллар, удумлар, ҳамма вақт шоду хуррамлик, бадий-эмоционал хусусият касб этиб, мазмунан бой ва маъноли ўтказилган. Бундай байрам – сайиллар кишиларга маънавий-маърифий, бадий-эстетик шавқ-завқ бериш билан бирга табиатни эъзозлаш, гўзалликнинг қадрига етиш, шунингдек, ахлоқий камолот ва маънавий устиворликка эришишда муҳим восита бўлиб хизмат қилган. Хусусан, гул кўринишлари орқали кишилар кайфияти, руҳий ҳолат-вазиятлари, тақдирларини айтиб бериш-қадимдан одат тусига кирган. Масалан, ҳар қандай гул яхшилик, эзгулик, ҳиммат-саҳоват белгиси бўлавермаган. Чунончи, қизил гул – севги, муҳаббат, қувонч, шодлик, белгиси бўлса, сариқ гул айрилиқ, жудоликни билдирган. Толгул бехосият – умрни қисқартиришдан нишона бўлиб, хонада ўстиришга йўл қўйилмаса, райхон аксинча, яхши кайфият, равшанлик, айни чоқда, соғ-саломатлик, ёруғлик белгисидир. Шу боис, райхон (унинг тури кўп: жамбил, қорарайхон, садарайхон, овқатга солинадиган катта-катта баргли райхон ва б.), бахмалгул, пуштиранг хидли атиргул, қирқ оғайни, наъматак, гулнорагул, нилуфаргул, печакгул, қашқаргул, гулсафсар, картошкагул, қиёкгул, карнайгул, бойчечак, чиннигул, гултожихўроз, гулибеор, гулхайри каби кўплаб тур гулларнинг ҳар бири ўз хосиятига эга. Улар билан боғлиқ халқ қадриятлари мавжуд. Халқимизнинг гул бора-сидаги қадриятларини уларнинг тури, кўриниши ҳамда экиш, тикиш, парваришлаш, асраб-авайлаш бобидаги саъй-ҳаракатларидан билиб олиш қийин эмас.

...Ўзбек халқининг гул билан боғлиқ қадриятларини ўзга юрт одамлари ҳам аллақачон пайқаниб, қўйил қолмишган, тан беришган. Бунга жуда кўп мисоллардан фойда биттасини келтираемиз. Рус миссионер-этнографи Н.П.Остроумов ўттай асрнинг иккинчи ярмида (1890) чоп эттирган, “Сартлар” деган китобида шундай ёзган эди: “Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобнинг, ҳатто, гадойнинг ҳам қулоғига гул тақши, дўшписи тагига қистириш учун гул ахтаришини кўриб ҳайратда қолдим”<sup>14</sup>.

Гул билан боғлиқ қадриятлар ҳақида гап борганда, туш таъбирларидан бирига тўхталиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Биноийнинг “Тушлар таъбири” китобида тушга райҳоннинг кириши шундай таъбир этилади: “Ҳар ким тушида райҳоннинг сабза бўлиб (гуркираб) турганини кўрса, Аллоҳ таоло унга фарзанд ато қилгай. Агар райҳонни узиб олса, андух кўргай. Имом Жаъфар Содиқ айтибдурларким, киши райҳонни тушида кўрса, етти нарсага далолат қилгай:

1. Яхши хотун.
2. Яхши канизак.
3. Солиҳ фарзанд.
4. Холис дўст.
5. Хушвақтлик.
6. Илму донишлик.
7. Яхши феъл.

Агар боғи ёки ҳовлисида райҳонни кўрса, хайри манфаат кўп кўргай<sup>15</sup>”

Халқимизнинг гулга оид қадриятлари орасида киши сиҳат-саломатлиги, таом-пазандалик билан боғлиқлари бағоят ибратлидир. Масалан, райҳоннинг бир тури таомлар тайёрлаш ва уларнинг тотли-мазали бўлиши учун қўлланса, бошқасидан чой тайёрлаш, доривор сифатида фойдаланилади, яна биридан эса хона ҳавосини хушбўй қилиш, тоза ҳаво бўлишини таъминлагани учун эъзозлаб келинган.

<sup>14</sup> Остроумов Н.П., Сартъ, Ташкент, 1890, 36-бет.

<sup>15</sup> Биноий, Тушлар таъбири, “Мерос” нашриёти, Тошкент – 1991, 67-бет.

Шундай қилиб, гулга оид ўзбек қадриятлари кўп ва хўб бўлиб, улар ўтмишда ҳам, ҳозирги кунларимизда ҳам ўзининг чуқур мазмун-маънолари билан ажралиб турадилар...

Буни сунбула, зуҳрасоч, ҳамиша баҳор, тилак, саримсоқ, пиёз, шовул, шивит, аччиқ қалампир, хина, седана, тасбеҳ, ҳасса-муса, қалампирмунчоқ, кўзтикан, кўктикан, арпабодиён, аччиқмия, бангидевона, бешбарг, етмак, арслонқуйруқ, итузум, исфарак, мингдевона, мингбош, кўкўт, коврак, кементили, кашнич, ерқалампир, қоқи, қушқўнмас, пахмоқ, қариқиз, бургун, бўймодарон, бўтакўз, кўка, себарга, руйан, равоч, ачамбити, бодринг, гузакўт, газанда, лимонўт, қорақиз, ичир, далачай, ерқўннок, занжавул, зира, кармон, зиғир, зубтурум, кўка, ламнум, карафс, қалампир, ялпиз, янтоқ, эрмон, шувоқ, шотўра, сасиқалаф, шилдирбош, ширач, чўчқатикан, шўра, беда, жажак, исмалок, райҳон, совун ўт, момоқаймоқ, қуштили, ерчай, исириқ, кунжут, карам, кашнич, кендир, ковул, ламум, маккажўхори, олаута, омонқора, откулоқ, эшакмия, оққуврай, сабзи, санчиқўт, сариқ бош, сариқ беда, сариқчой, сачратқи, сувқалампир, тарвуз, темиртикан, термописис, тиллабош, тирноқгул, торлон, тағрайҳон, тоғрайҳон, тоғ кудуси, тугмачагул, турп, ўсма, хантал, саминчўп, чакамик, чучукмия, ширчой, шотўра, ғўза, қўнғирбош, қашқарбеда, қуштурон, қизғалдоқ, қовоқ, қовун, кунгабоқар, қора андиз, қоразира, ерёнғоқ, қорақант, қорапечак, каби ўт-ўсимликлар, анжир, анор, арча, бежи, бодом, ёнғоқ, жийда, итсечек, лимон, моврак, маймунжон, маржондарахт, наъматак, нок, косоннок, нашвати, сирка нок, олча, олхўри, олма, тут, оқ тут, шотут, балхи тут, ёввойи тут, хандон писта, сохтакаштан, такондарахт, дўлана, чилон жийда, шафтоли, гилос, олча, ток, ўрик, итжумрут, чирканак, шўрак, чўлқизилча, қайин, терак, сада, ўрис дарахт, чинор, тол, қора терак, мирза терак, қора зира каби тиканли-тикансиз, мевали-мевасиз сингари хонаки ва ёввойи ҳолда ўсадиган дарахтлар мисолида кўриш мумкин.

Олимларнинг аниқлашларича, Ўзбекистонда ёввойи ҳолда ўсадиган ва ўстириладиган ўсимликлар сони қарийб тўрт

минг бир юз элликтага етади. Шулардан беш юз етмиш еттитаси шифобахш хусусиятларга эга<sup>16</sup>. Она заминда ўсадиган мевали, мевасиз ва манзарали дарахтлар инсониятнинг яшаши, саломатлиги учун керакли бўлган. Дов-дарахт ва гиёҳ-ўсимликларнинг шифобахш хосиятлари қадим замонлардан маълум бўлган ва улардан турли касалликларни даволаш учун фойдаланиб келинган. Дарҳақиқат, мазийнинг машҳур шифокорлари, ватандошларимиз Абу Али ибн Сино, Абу Абдуллоҳ, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Абу Бакр Муҳаммад ибн Абулғозихон, Исмоил ал-Жузжоний ва бошқалар беморларни даволашда доривор ўсимликлардан кенг қўламда фойдаланган. Донишманд болаларимиз, фозила момоларимиз дов-дарахтлар, гиёҳлар, ўсимликларнинг гули, барги, меваси ва танасидан турли туман дори-дармонлар тайёрлашни билганлар, одамларни, ҳайвонот оламини касалликлардан сақлашда улардан фойдаланганлар.

Шу боис, улар билан боғлиқ қадриятлар – халқ оғзаки ижоди намуналари ҳали ёзув пайдо бўлмаган даврлардаёқ пайдо бўлган.

Шуни ҳам айтиш керакки, халқ заминдаги барча ўсимликларни эмас, балки шифобахш, доривор, қисқаси ажойиб-ғаройибларини тимсоллаштирганлар, улар ҳақида афсона ва ривоятлар тўқиганлар. Гиёҳ-ўсимликлар билан боғлиқ қадриятлар ва халқ оғзаки ижоди намуналари асосида аниқ мақсад ётади, албатта. Бу инсоният тараққиёти, унга у ёруғ дунёда яшашдек буюк имкониятдан қай даражада фойдаланишга ўргатиш Она заминни авайлаш, ундаги барча жонли-жонсиз мавжудодларга меҳр билан муносабатда бўлиш ибратномаси, одобнома ва одатномаларидан иборат ғоядир.

Халқимиз ўсимликлар дунёси, шу жумладан, шифобахш, доривор ўсимликларни ҳимоя қилиш орқали таби-

---

<sup>16</sup> Х.Х.Холматов, Х.Х.Ҳабибов, Н.З.Олимхужаева, Ўзбекистон шифобахш ўсимликлари, Тўлдирилган учинчи нашри, Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт, 1991, 3-бет.

атни эъюзлаш, уни оёқ-ости қилмаслик, топтамаслик, аксинча улардан оқилона фойдаланиш кабиларни назарда тутган бўлса, иккинчидан, шифобахш ўсимликларнинг муъжизавий хосиятларини билиш, улардан хасталикларнинг олдини олиб, даволашни ўз олдига мақсад қилиб олган. Учинчидан эса улар ҳақида афсона-ривоятлар яратиб, табиат берган инъомни кишилар қалбига муҳрлаш билан табиатга худди онага нисбатан муносабатни тарбиялаш нияти ётади ва ана шу услуб орқали шифобахш ўсимликлар, гиёҳлар, дов-дарахтлар сақлаб қолиниб, авлоддан-авлодга ўтказилган.

Биз доривор гиёҳлар, ўсимликлар, дов-дарахтларнинг турли касалликларни даволашдаги роли ва ўрнига тўхталиб ўтирмай, бу борада узоқ йиллар излаб, қўлга киритган халқ қадриятлари ва улар ҳақидаги афсона-ривоятлар ва иборалар хусусида қисқача тўхталиб ўтамиз.

АФСОНА. Ҳисор тоғи этагида “Сунбула” деган жой бор. Бу жой Сунбула – хосиятли ва шифобахш ўсимлик номига қўйилган. Дарҳақиқат, бу жойда ажойиб сунбулалар ўсади. Мазкур ер хушманзара, тароватли, кўркам, гўзал жой бўлганлигидан узоқ ўтмишдан бизнинг кунларимизгача муқаддас ҳисобланиб, зиёратчиларнинг кети узилмайди.

...Баъзи хосиятли, гиёҳлар, ўсимликлар муқаддаслаштирилиб, “Кўз тегмасин” деган мақсадда кишилар, ҳайвонларга дарахт ва полиз экинлари-ю, уйлар пештоқларига осиб қўйилган. Халқ тушунчасида “кўзи бор” одамнинг осиб қўйилган кўзтикан, ҳасса-муса, қалампирмунчоқ, кўктикан, ҳамишабаҳор, тасбеҳўт, седана, райҳон, чақиртикан, отқулоқ, кийикўт, тўдана, ялпиз ва бошқа нарсаларга кўзи тушса, уни қайтаради, ҳатто, айрим кишилар кўзли одам тўданага тикилиб қараганда, у ёрилиб кетганлигини айтадилар.

...Халқимиз наздида, кимда-ким ҳамишабаҳор ёхуд тилакўтни айвон пештоқи ёки уй тўрига осиб қўйса, уникага бахт келармиш-да, шу жойга муқим бўлиб қолармиш.

...Тасбеҳўт эса халқда мана бундай қадрланади. Тасбеҳ (унинг иккинчи номи хотинёнғоқ) тоғли жойларда ўсади.

Вақти-соати келгач, унинг меваси йиғиб олиниб, пўстидан тозаланади. Натижада, чиройли, ялтироқ, ранг-баранг доналар пайдо бўлади. Уларни ипга тизиб, тасбеҳ ҳолига келтирадилар. Ўз-ўзидан маълумки, тасбеҳ бандаси учун Аллоҳни ёдга солиб туриш, бир зум бўлса-да, гафлатда қолмаслик воситаси, илоҳий нарса. Шу боис унга талаб, эҳтиёж кучли, бозори чаққон... Тасбеҳнинг аҳамияти яна шундаки, уни ўтирган киши Аллоҳ олдидаги қарзини узиш билан бирга фикрини бир жойга жамлайди. Хаёлпаршонлик ва ёмон хаёлга бордирмайди, хотирасини бир нуқта – Аллоҳга тикишга ёрдам бериб туради.

... Седана ҳам халқ табобатида муҳим ўрин тутди. Унинг уруғи дамламаси тиш оғригини қолдиради. Гижжа ҳайдовчи, ухлатувчи дори-дармон сифатида ҳамда ошқозон-меъда касалликлари, шамоллаганда ва томоқ бўғилганда ишлатилади<sup>17</sup>.

Седана халқ наздида тимсоллаштирилган ўсимликлардан бўлиб, унга эга бўлган кимса бахтсиз воқеа-ҳодисалардан ҳоли бўлади. Седана ёвуз кучлар назари ва кўнгилсиз воқеалардан сақлайди.

Халқимизнинг шифобахш ўсимликлар ҳақидаги бой тажрибаси, Ўзбекистон ҳудудида ёввойи ҳолда ўсадиган ва экиладиган шифобахш ўсимликлар, уларнинг илмий тиббиёт ва халқ табобатида қўлланиши масалалари юқорида тилга олинган “Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари” китобида ёритилган.

...Республиканинг деярли барча жойларида чақалоқни бешикка солишдан аввал хонага, бешикка исириқ солинади, яъни исириқ солинган хокондоз бешик атрофида уч марта айлантирилади, тагига олиб кирилади. Бундай йўл билан чиллали уй, она ва бола, бешикни ёвуз руҳлар, инс-жинслардан тозаланади. Айни чоқда, халқ табобатида кўра, исириқ ёрдамида хонадаги микроблар “ўлдирилади”.

---

<sup>17</sup> Ўзбекистоннинг шифобахш ўсимликлари, 119-бет.

... Умуман халқимизда чақалоқ ва бешик билан боғлиқ қатор ирим-сиримлар, удумлар, расм-русумлар, ҳусусан, исириқ, саримсоқпиёз, туз, ойна, тароқ, нон-кулча, тумор каби сеҳр-жоду кучига эга бўлган нарса-буюмлар ҳам болани ёвуз кучлардан сақлаб, эсон-омон вояга етказиш каби ниятлар, орзу-истаклар рўёбга чиқиши учун хизмат қилади, деб ҳисобланган.

... Ҳар бир хонадонда янги инсон дунёга келмасдан бурун ва кейин-туғилгач, исириқ солиш тўхтамаган. Исириқ солувчи олқиш-айтимлар айтган. “Исириқ солинган уй инс-жинсдан ҳоли бўлади”, “Қимга исириқ тутатилса, унга ёвуз кучлар даф қилаолмайди”, “Исириқ ҳар қандай бало-қазодан, ёмон руҳ ва ёмон кўздан сақлайди” каби халқ иборалари ва уларга мос саъй-ҳаракатларнинг тағ-заминида ҳам олам-олам маънолар бор!

Яна бир гап. Фанда таъкидланишича, исириқнинг тутуни микроб ва бактерияларни йўқотишга ёрдамлашади.

...Исириқ солганда айтиладиган дуо – айтимлардан баъзи-бирларини турли йилларда ёзиб олгандик, улардан айрим намуналар келтирамиз:

Ота-онасининг кўзи,  
Амма-холасининг кўзи.  
Бало-қазодан сақласин  
Яратган Аллоҳнинг ўзи!

Ёки:  
Исириқ солди унга,  
Умид билан момоси.  
Бало-қазо йўқолсин,  
Омон бўлсин боласи.

Янги туғилган болага исириқ тутаётганда эса шундай айтим-қўшиғи айтилган:

Исириқ исмон дейдилар,  
Минг бир дардга дармон дейдилар,

Эшикдан кирган балога  
Исирик қалқон дейдилар.  
Исирик ҳазор дейдилар,  
Ҳамма дардга даво дейдилар.

...Агар чақалоқда озгина ўзгариш бўлса, яъни бетоқатланса, инжиқланиб, йиғласа ёки эммай кўя бошласа, албатта исирик тутатилиб, унга, онасига солинган, исирик билан эласланган.

Шундай қилиб, халқимиз шифобахш, доривор, айна чоқда, табиат кўрки ва жамоли бўлган гул ва ўсимликлар қандайлигидан қатъий назар бирибир, уларни эъзозлаган, оқилона иш тутган ва уларни сақлаб қолишнинг хилма-хил йўллари излаган. Дарҳақиқат, гуллардан бири тимсоллаштирилса, иккинчиси илоҳийлаштирилса, учинчиси эса муқаддаслаштирилган.

Тоғ-тошларда ўсувчи халқ табобатида қўлланувчи “Арғувонгул”ни олиб кўрайлик, бу гулнинг тусидан келиб чиқиб қадр-қиммати борасида турлича ирим-сиримлар, афсона-ривоятлар тўқилган.

РИВОЯТ: “Арғувонгул” қизил рангдадир. Бу гул гўё ёғийлар билан жангда ҳалок бўлган суворийларнинг қонидан кўкариб чиққан эмиш-да, шаҳид бўлганнинг умри бекорга кетмаганлиги, улар тириклигини фақат қизил гул бўлиб, оламини безаб турганлиги билан англатар эмиш... Шу сабабли “Арғувон гул”га тегиш гуноҳ эмиш. Борди-ю, билиб-билмасдан уни ушлаган ёки юлган киши бир фалокатга дучор бўлармиш.

“Меҳригиё” ўсимлиги ҳам шундай. Уни юлган киши ҳалок бўлмай қолмайди. “Меҳригиё” ўтининг “фазилат”лари тўғрисида афсона ва ривоятлар ҳам кўп. Мана, улардан бири: Борди-ю қандайдир йўл билан “Меҳригиё” ни қўлга киритган кишида шундай бир ҳосият пайдо бўлармишки, кишилар унинг олдидан кетаолмай қолишаркан. Ёнидан одамлар кетмайдиган, доимо уларга яхшилик қиладиган оқибатли, мурувватли, саховатли кишиларга нисбатан “Меҳригиёси бор”, “Меҳригиёли” киши ибораларининг қўлланилиши бежиз эмас экан.

Гул ва ўсимликларни тимсоллаштириш, илоҳийлаштириш, муқаддаслаштириш билан бирга буталар, дов-дарахтларнинг кадр-қимматига етиш, ҳуда-беҳудага уларни йўқотмаслик, бошқача сўз билан айтганда, она табиатга қўл кўтармасликнинг халқона тарбияси улар ҳақидаги қадриятларда аллақачонлар илгари сурилгандир.

Мевали ва мевасиз, хонаки ва ёввойи дарахтларни муқаддаслаштириш, илоҳийлаштириш ва тимсоллаштириш ҳам ана шундай халқона донишмандликдан бошқа нарса эмас.

...Халқ тасавуридаги муқаддас ўсимлик дарахтларидан бири – анжирдир. У япроғидан газ ҳолатидаги эфир мойларини чиқаради, унинг тагида ётиб ухлаш, узоқ ўтириш мумкин эмас, кишига ёмон таъсир этади, ҳатто, оғир оқибатларга олиб боради. Қадим-қадимлардан халқ орасида кимда-ким анжирни кўриб қолса, албатта фалокатга учрайди, деган ақида яшаб келади. Яна бир ривоятда “Севишган ошиқ-маъшуқаларни ахтарсанг, анжирзорга бор”, деган мазмун сингдирилган. Шу боис, ўтмишдан анжирни уй атрофига экмаслик, дала-чорбоғлар бундан мустасно, мевасини бозорга чиқариб сотишлик одат тусига кирмаган. Жойларда “Анжир бобо”, “Анжир ота”, “Анжирзор” деб номланган муқаддас қадамжолар бўлиб, кишилар уларга сизиниб келганлар.

Чинор, ғужум, садда каби сояли дарахтларнинг муқаддаслиги борасидаги ақидалар, қадриятлар, афсона-ривоятлар ҳам бағоят ибратлидир.

## ЎЗБЕК ХАЛҚ АНЪАНАВИЙ ДОСТОНЛАРИ – ЭТНОМАДАНИЯТНИНГ БАДИИЙ НАМУНАЛАРИ СИФАТИДА

Масалалар:

1. Ўзбек халқ анъанавий эпоси – қадриятларнинг энг қадимий намуналари.
2. Ўзбек халқ достонлари: турлари, ғоявий-бадиий хусусиятлари.
3. “Ёзи билан Зебо” достонининг тарқалиши, замона-мизда ёзиб олинishi ва илмий ўрганилиши.
4. “Ёзи билан Зебо” достонида эпик анъана.
5. Достонда ишқ талқини.
6. Ишқ меҳнатга доядир.
7. “Ёзи билан Зебо”да қадимий қадриятлар.

### “ЁЗИ БИЛАН ЗЕБО” ДОСТОНИНИНГ ЧОП ЭТИЛГАН ЙИҒМА ВАРИАНТИ ҲАҚИДА

“Ёзи билан Зебо” достонининг ўзига хос жиҳатларидан бири унинг жуда кенг ҳудудда-бутун Ўрта Осиёда тарқалганидир. Бу шу ҳудуддаги меҳнат жараёнининг ўхшашлиги билан, достонда эса деҳқончилик, чорвачилик, хунар-мандчилик ҳақида қўшиқларнинг, қўшиқларда барча хунар эгаларига интим туйғуларнинг нафис ифодалангани билан изоҳланиши мумкин. Достоннинг йиғма вариантини нашрга тайёрлаган О. Собиров китобга ёзган сўз бошисида унинг тарқалиш доираси ҳақида шундай ёзади: “Бу достон кўп вариантларда ва кенг тарқалганлиги билан алоҳида қимматга эга. Фақат Қашқадарё ва Сурхондарё қишлоқларидагина эмас, балки Фарғона водийсида, Қирғизистондаги Ўш областининг Ўзган, Аравон, Олабуқа районларида, Қозоғистоннинг Туркистон атроф қишлоқларида, Жанубий Ўзбекистонда ҳам бу достонни ёд айтadиганлар кўп... Аниқлашимизча, Янгиқўрғон районида яшовчи ўн тўрт киши бу достонни нисбатан яхши ижро

этар экан”.<sup>18</sup> Аммо ажабланарли жиҳати шуки, “Ўзи билан Зебо” дostonини кўпчилик ёд билса, ҳатто бир жойда 14 киши яхши ижро этса, у фольклоршунослар томонидан нега тўлиқ ёзиб олинмади? Нега Ҳ. Зариф, М. Афзалов, М. Алавия, Х. Раззоқов, М. Муродов, Т. Мирзаев, К. Очилов, М. Саидов, А. Қаҳҳоров ва бошқа устоз фольклоршунослар республикамиз ҳудудида қадамма-қадам кезиб юздан ошиқ дostonларни ёзиб олгани ҳолда “Ўзи билан Зебо”ни унутди? Бу саволларга устоз Ҳоди Зариф, бизнингча, энг тўғри жавобни беради. “Ўзи билан Зебо” ҳақида ривоят ўзбеклар ўртасида кенг тарқалганига қарамай, ўзбек фольклористлари томонидан тўла ва тугалланган дoston ҳолда қўлга киритилган эмас” (Ҳ. Зариф, юқорида кўрсатилган асар, 206-207-бет). Фольклоршунос “Ўзи ва Зебо” ҳақида ривоят кенг тарқалганига, тугалланган дoston сифатида қўлга киритилмаганига эътиборни қаратмоқда. Демак, фольклоршунослар “Ўзи билан Зебо”ни тўлиқ дoston ҳолида билувчи бахшиларга дуч келмаган, шу боис у мукамал ёзиб олинмаган, бошқача айтганда “Ўзи билан Зебо”ни тўлиқ айтувчи бахшилар бўлмаган. Бу фикрни, анъанани сақлашга интиланган, устозлар айтган матнни бузиб айтишни гуноҳ ҳисоблаган Қодир бахши ҳам тўлдиргандай бўлади. Яъни, у Ражаб бахшидан эшитган, бундан қониқмай одамлардан (“Ўзи-чилар”дан) ҳам тинглаган ҳатто устози машҳур бахши Умир Сафаров ҳам ўзи яхши билган ўринларни айтиб, ёмон билган (эхтимол билмаган) ўринларни қолдирган. Фольклоршунос. О. Собировнинг ўзи ҳам: “Бу дostonни куйловчиларнинг деярли барчаси дostonчи бахшилар бўлмай, оддий меҳнат кишилари дидир” (5-бет), - дейдики, шу ҳукмнинг ўзиёқ “Ўзи билан Зебо”нинг тўлиқ куйловчилардан кўра унинг парчаларини биладиганлар кўпдир, деган хулосани беради. Шу боис гарчи уни ёзиб олишга уриниш 1922-25 йилларда Рафиқ томонидан бошланган

---

<sup>18</sup> “Ўзи билан Зебо” дoston. Тошкент 1978, 4-бет. Биз бундан кейин шу наслдан олинган кўчирмаларда фақат саҳифаларни кўрамиз.

бўлса ҳам узоқ вақт бу иш тўлиқ уддаланмай келди. Гарчи фольклоршунос О. Собиров “Ёзи билан Зебо”ни билувчилар кўп”, деб даъво қилса ҳам, ҳеч ким ўзи билган бахши шоирлардан мукаммал ёзиб ололмаган ва натижада уни йиғма равишда нашрга тайёрлашдан ўзга илож қолмаган. Нашр килиш жараёнида эса қаердан, кимлар томонидан ижро этган вариантларни жамланганига изох бериш ҳам унутилган. Ҳолбуки, фольклоршуносликда биргина тўртлик ёхуд иборани ташувчи, авлодларга етказувчи бахши номи ҳам сақланиши лозим.

Хўш, чоп этилган йиғма вариантда қадимий дostonчилик анъаналари сақландими, турли савияда, турли касбадаги кишилардан ёзиб олиб жамланган, китоб ҳолига келтирилган дoston композицияси ва сюжетида бутунлик ва изчиллик қай ҳолатда ўз аксини топди..

“Ёзи билан Зебо” ишқий романтик дoston бўлганидан, шу тур дostonлардаги анъанавий нуқтаи-назардан қарасак, қуйидаги ҳолатларда анъанавий дostonчилик талабларига мос келмаганликка гувоҳ бўламиз.

1. Ишқий-романтик дostonларда эпик қаҳрамонлар бир-бирини севиб қолиши туш кўриш ёки қизнинг сирли тарзда ўзини ошиққа билдириши, хабар етказиши орқали юзага чиқади. Бу мотив “Ёзи билан Зебо”да сақланмаган.

2. Эпик қаҳрамонлар туғилган юрт бир-биридан узоқ бўлиб, ошиқ маъшуканинг мамлакатига етгунча кўп машаққатлар чекиши, йўл азобларига чидаши, йўлдаги эпик тўсиқларни бартараф этиши лозим. Гарчи Ёзи туғилган юрт эпик Кўҳи Қоф, Зебонинг жойи Маймоноқ деб кўрсатилса ҳам, улар учрашгунча юз берадиган тўсиқлар йўқ. “Ёзи бир куни Зебонинг овозасини эшитиб, уйининг ташқарисига чиқади, Зебони кўриш ниятида ҳовузнинг бўйига келиб бир тутам гулни супасига қўяди” (10-бет).

3. Маъшуқа (Зебо)нинг ошиққа (Ёзига) маълум шартларни қўйиши, синовдан ўтказиши сақланмаган. Балки билмаган, аввал кўрмаган, сирли тарзда ҳам маълум бўлмаган Ёзини илк кўришдаёқ Зебо: “...бир тутам гулингни қўлимга олиб турдим, кўнглимни яқдила қилдим, энди сен ҳам

кўнглингни бўлма: мен сеники, сен меники, икковимиз ошиқ бўлдик”, (11-бет) деб дил изҳор этади.

4. Анъанага кўра, ошиқ-маъшуқлар (кўпинча ошиқ) бир-бирларини дастлабки кўришдаёқ ҳадсиз гўзаллик олдида беҳуш бўлиб йиқиладилар. Ушбу вариантда эса Ёзи Зебони юзидан етти қават пардани кўтариб, кўрибгина қолмай, ундан бир бўса ҳам олади, неча бор севги изҳор қилади ва яна бир учрашувда хушдан кетади. Тасвирнинг бундай айқаш-уйқаш берилиши албатта, йиғма вариантни тўплаб, яхлитлик касб этувчи тадқиқотчининг хатоси. Асар композицияси ва сюжетига путур етказувчи бу сингари ўринлар анчагина топилади.

5. Ёзининг дастлаб Поёндабойдан қизини сўраши, бой рози бўлмай ҳайдаб юборгач, Ёзи совчиларнинг бой уйига келмасдан йўлда совчилик қилиши эпик анъаналарга эмас, балки халқнинг этник қарашларига, миллий урф-одатлар, расм-русумларга ҳам зиддир. Чунки ўзбекчиликда совчилар кўча-кўйда, йўлда совчилик қилишмайди, уловда юрган отадан қиз сўрамайди.

6. Эпик анъанага кўра ошиқ ва маъшуқа асосан шаҳзода-ю маликалардан, ҳеч бўлмаганда бири шу табақа вакилларидан танланган. Бунга деярли барча ишқий-романтик дostonлар мисол бўла олади. Эртақларда эса кўп вақт ошиқ камбағалнинг ўғли, маъшуқа шоҳ ёхуд бойнинг қизи бўлади. Эртақларга хос шу мотив “Ёзи ва Зебо” дostonида ўз аксини топган.

“Ёзи билан Зебо” дostonининг биз фикр юритаётган йиғма вариантыда балоғатга етганда илк бор учраштириб, сўнгра “Ёзи билан Зебо бирга-бирга ўйнаб балоғатга етдилар” деб изоҳлаш (12-бет), аввал бўса олганини таърифлаб (12-бет), кейин “Зебонинг бошидан рўмолини олиб, тўрт буклаб қизнинг” бетига ёпиб, рўмолининг устидан икки бармоғини қўйди. Қизининг бетидан ўпмасдан ўз қўлининг бошмалдогидан ўпди. Рўмолини кўтариб қараса, қизнинг бетидан қора доғ пайдо бўлиб қолипти”,- тарзида воқеани алмаштириб тасвирлашлар, такрорлар, изчиллик сақланмаган ўринлар истаганча топилади.

“Ёзи билан Зебо” дostonидан олинган кўшиқларни деҳқонлар ер ҳайдаш, ўрим-йиғим пайтида чорвадорлар кўй боқиш, соғиш жараёнида айтиши ва ундан руҳий мадад олиши Х. Зариф, К. Очилов, М. Афзалов, М. Алавия, М. Муродов, Т. Мирзаев, А. Қаҳҳоров, Б. Х. Кармишева каби фольклоршунослар томонидан қайд этилган. Меҳнат кўшиқларини монографик тарзда тадқиқ этган Камол Очилов шундай ёзади: “Ёзи билан Зебо” бевосита меҳнат жараёнини ифодаловчи асар бўлганлиги учун ҳам деҳқонлар кўш ҳайдаш, ўрим-йиғим пайтида, ҳатто хирмон янчишда ҳам ана шу дostonдан парчаларни кўшиқ қилиб куйлаганлар”.<sup>19</sup> Олимнинг бу фикри Қодир бахши ва Қаҳҳор бахши Раҳимовлардан ёзиб олинган янги вариантда ўзининг тўла аксини топган (бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз) бўлса-да, О. Собиров чоп эттирган вариантда меҳнат кўшиқларининг ўрни сезиларли кўринмайди. Бошқача айтганда, Ёзининг қовун экишда айтган интим туйғулар билан йўғрилган кўшиқларини ҳисобга олмаганда йўқ ҳисоби.

Йиғма вариант бахшилар, кўшиқчилар, ёзичилар, деҳқонлар - турфа касб-ҳунар эгаларидан ёзиб олинган парчалардан ташкил топгани боис матнга лирик кўшиқлар, термалардан парчалар, эпик дostonлардан мисралар кириб қолган. Асосий ўринни халқ лирик кўшиқлари ташкил этади. Жумладан:

Қошингни қорасига қотгин мени,  
Ошиқлик бозорига сотгин мени,  
Ошиқлик бозорида олмасалар,  
Полохмон тоши қилиб отгин мени. (29-бет).

Бу ерда кўшиқдаги сўнги мисранинг “Полохмон тоши қилиб отгин мени” тарзида ўзгартирилиши бадийликка путур етказган. Аслидаги “Кипригинг ўқи қилиб отгин мени” мисрасида мантик кучлироқдир.

Куйидаги тўртликлар ҳам аслида лирик кўшиқлар бўлиб, айтувчилар томонидан дoston матнига кўшиб юборилаверган:

<sup>19</sup> К. Очилов. “Қалдирғочни кўндирган кўшиқ”. “Зарафшон” нашриёти, Самарқанд - 1992, 12-бет.

Дарёларнинг нарёғида уйларингиз,  
Қукариниб кўринади бўйларингиз,  
Ипмиди, ипакмиди кийганингиз,  
Биздан ҳам ортиқмиди суйганингиз (29-бет).

Ёки:

Сени унда, мени бунда яратди,  
Орамизда оқар дарё яратди,  
Оқар дарё экан, оқдида кетди.  
Бевафо ёр экан ташлади кетди. (89-бет)

Достондаги лирик қўшиқлар насрий қисмдан кейин берилса-да, асар қаҳрамонининг индивидуал руҳиятини ифодаламайди, балки умумий тарзда ошиқ (маъшуқа) ҳолатини кўрсатиб, ҳар тўртлик алоҳида асар эканлиги сезилиб туради. Қуйидаги биргина мисол фикримизни асослай олади деб ўйлаймиз: “Зебо Ёзининг келганини билиб, уни жуда соғинганидан шундай қўшиқ айтади:

...Самарқанд сойига тушди узугим,  
Қачон келгай менинг кўзи сузугим,  
Қачон келса менинг кўзи сузугим,  
Шу йигит сатқаси бўлсин узугим.

Шом бўлмай мен ёқарман шамчирик,  
Ошиқнинг кўздан йироғи яхширик,  
Яқин бўлиб куйиб-ёниб юргунча,  
Олис бўлса, интизорлик яхшироқ (94-бет).

Шеърый қисмларнинг аксарияти шу тарзда қўшиқлар йиғиндисидан иборат бўлиб, воқеликни изчил ифодаламайди. Бу ерда қўшиқларнинг инсон руҳий дунёсини ёритишдаги, энг нозик ҳис-туйғуларни бадиий юксак савияда акс эттиришини таъкидлаган ҳолда, улар достоннинг шеърый ўринларига воқеабанд матн бўла олмаслигига эътиборни қаратмоқчимиз.

Ушбу вариантда бахшилар репертуаридан мустаҳкам ўрин олган, қуйма ҳолга келиб қолган термалардан олинган мисралар ҳам учрайди:

Қибладан турган шамол қор келтирар,  
Бадахшон кетган йигит мол келтирар (16-бет).  
Қорайиб келган булут қор келтирар,  
Келмайин кетган йигит ор келтирар (95-бет).  
Чўлда битган саксовулнинг ўтини,  
Ул пиширар чори қўйнинг этини,  
Жилвагар бўлса эр йигитнинг хотини,  
Ул чақирар мард йигитнинг отини (40-бет).  
Эй худоё, бор худоё, бешни ярат,  
Ёлғизни яратгунча тошни ярат,  
Бири ўлса тўрти турар бошида,  
Ёлғиз ўлса кимлар турар қошида (92-бет).

Ушбу мисоллар Умир бахши Сафаров (1994-1996) ва унинг фарзандлари, шогирдлари Қора ва Чори Умиров, Қодир бахши Раҳимовлардан ёзиб олган термаларда айнан сақланган. Фақат учинчи мисолдаги биринчи банд сал бошқачароқ, яъни “Худоё, энадан тўртни ярат, бешни ярат” тарзидадир. Шунингдек, “Ҳаво ёғса, халқоб жойлар кўл бўлар, Карвон кучса баланд тоғлар йўл бўлар” (28-бет), “Тўрвангни бахмал қилай, еминг новвот... Бир бўз от, жоним бўз от, меркайиб бўйинг узат” (39-бет) каби мисралар ҳам йиғма вариантда халқ бахши-шоирлари айтган парчалар мавжудлигини кўрсатади.

Достон Ёзи билан Зебонинг кечинмаларини, бир-бирига бўлган оташин муҳаббатини, висолга етишиш йўлида чеккан жабру жафоларини, ситамларини, висол шодликлари-ю хижрон аламларини ёритади. Эпик кахрамонлар ўз мақсадлари сари дадил интиладилар, зарурият туғилганда ўлимга ҳам тик бора олишади. Бироқ воқелик халқ бахшилари тилидан ёзиб олинмагани, балки ҳар тоифа кишилар, профессионал бўлмаган ижодкорлар томонидан баён қилингани боис Ёзи ҳам, Зебо ҳам ҳар жиҳатдан ҳавас қиладиган, намуна бўладиган образ даражасига кўтарилмайди. Маълумки, профессионал бахши-шоирлар катта йигинларда, тўй-томошаларда куйлайди. Уларнинг аудиториясида ёшлар ҳам, кексалар ҳам, эркаклар ҳам, аёллар ҳам, йигитлар ҳам, қизлар ҳам бирдек иштирок этади ва

бу бахши зиммасига улкан масъулият юклайди. Бахшидан фақат ўйноқи созда, қизиқарли матнни ёқимли овозда ай-тишгина талаб этилмасдан, анъанага риоя қилиш, халқ урф-одатлари, расм-русумларини бузмаслик, одоб-ахлоқ чегарасидан чиқмаслик, ахлоқий фазилатларни улуғлаш ҳам талаб қилинади. У дoston куйлар экан, буларнинг бар-часига амал қилади, ўзини беҳаё сўзлардан, ноўрин ҳат-ти-ҳаракатлардан тияди. Шунинг учун дostonларда ҳаё, шарм, ор-номус юксак тарзда тараннум этилади, ҳар қан-дай интим туйғулар, ҳаракатлар ниҳоятда нозиклик, би-лимдонлик, топқирлик билан пардали ҳолда баён этилади.

Биз “Ёзи билан Зебо” дostonининг йиғма вариантыда ана шу назокатли, пардали тасвирни кўрмаймиз. Балки бепарда сўзлар, ҳаёсиз ҳатти-ҳаракатлар тасвири меъдамызга тега-ди. Эпик қаҳрамонлар Ёзи ҳам, Зебо ҳам ўзларининг му-ҳаббати билан қалбимизда илиқлик пайдо қилиб турган бир пайтда ноўрин ҳаракати ёки беҳаё қилиғи ва сўзлари билан ҳайрат, таажжубга солади. Зебо Ёзининг орқасидан қичқи-риб айтган қуйидаги сўзларини ўқиб энсангиз қотмайдими:

Ғам билан, ғурбат билан абгорман,  
Ёзидан икки бўса қарздорман,  
Ёзижон, келгин бутун қарзингни ол,  
Мен кишининг ҳақидан безорман (19-бет).

Минг-минг йилдан буён аёлларимизни, қизларимизни гўзал, бетакрор ахлоқий фазилатлари—шарм-ҳаёси, ор-номуси, ибоси -учун олқишлаймиз ви улар шунга лойиқ. Бироқ халқ орзу-умидлари, кураш ва интилишлари, меҳна-ту урф-одатлари қомуси бўлган дostonнинг қаҳрамони, яна балоғат ёшидаги қиз йигитга мендан бўса ол, деб турса, қандай ҳазм этиш, ундан қандай ўрнак олиш мумкин? Ошиқ Ёзининг маъшуқага жавоби ҳам беандишалиги, ҳақорато-музлиги билан Зебонинг чорлашига яқин туради. Ёзи:

Лоилоҳо қудратингдан долдир,  
Ўнг бетингда неча холинг бордир,  
Отгинангдан ўргилай гулдай, Зебо,  
Мендан ўзга неча ёринг бордир? (19-бет)

Ишқида ўртаниб юрган ошиқ маъшуқага шундай мурожаат этиши қайси одобномага тўғри келади. Ўзбек йигитлари ҳеч вақт севиклисига, ҳатто унга эриша олмай қолганда ҳам бу каби савол билан мурожаат эта олмайди. Қиз бола учун бундан ортиқ ҳақорат бўлиши мумкинми?

Бош қаҳрамон Ёзи бутун дoston давомида ўқувчи (тингловчи)да яхши таассурот қолдирмайди. Ошиқ йигитнинг шўхлиги меъеридан ошиб кетади, жиззакилиги, ўзини тута олмаслиги ажаблантиради. Қуйидаги мисолга эътибор беринг: “Ёзи ҳўш ҳайдашдан юраги тошиб, бойга қараб бир сўз айтиб турипти:

Дарёлар тошга оқади лой-лой,  
Шу қизингни бер менга, Поёндабой,  
Шу қизингни бермасанг, Поёндабой,  
Соқолингни кузатарман мисли той,  
...Икки ўпиб, бир қучганим фойдадир,  
Икки ўпдим, тагин ўпсам уч бўлар...

Ўзи хизматкор бўла туриб хўжайинига, бу ҳам майли, бўлғуси қайнотасига, севгилисининг отасига шундай орсишларча муносабатда бўлса, ҳаёсизларча сўзласа, эпик қаҳрамонни ориятли, ахлоқли, одобли деб бўладими? Асло! Поёндабойнинг ўрнида бўлган ҳар қандай ота бундай беҳаё йигитга қиз беришдан бош тортиши, уни хонадонидан ҳайдаши лозим. Шу мисолдаги “Соқолингни кузатарман” бирикмасидаги “кузатарман” сўзи “кузарман” (кесарман) сўзининг нотўғри ёзилгани эканини изоҳлашга ҳожат йўқ.

Китобдаги кириш сўзида фольклоршунос О. Собиров “Дostonда кенг яйловларда яшаган ошиқ йигитнинг беғубор табиати, шўхликлари, софдиллиги, соҳибжамол дилбарнинг самимийлиги, ибо ва ҳаё, ёқимли ҳазил ва ноз-карашмалари, меҳр-вафоси бир бутун ҳолда жўшқин сатрларда жонли ва табиий тасвирланади” (8-бет) деб китобхонни ишонтирса-да, асарни ўқиш давомида юқоридаги баҳо тўғри эмаслигига гувоҳ бўламиз. Фольклоршунос самимий, иболи, ҳаёли деб таърифлаган Зебо тўй маслаҳатини қилаётган меҳмонлар олдида Ёзига шундай дейди:

Қор ёққанда келма, ёрим, из бўлар,  
Изни кўрса халойиқда сўз бўлар,  
Бир фасл сабр қилсанг аёз бўлар,  
Сийнангни сийнамга қўйсанг ёз бўлар. (30-бет)

“Чаллаки чиллакини кўриб чумак уради”, деган нақл бор халқда. Қизки, совчилар олдида, отаси олдида уларга эшиттириб, юқоридагидек ошкора сўзлаб, ҳаё пардасини, ибони юздан олган экан, Ёзи ҳам ўз ҳаракатлари тилининг эркисзлиги билан ундан қолишмайди, гоҳ ёр олди-да, гоҳ ўзича, гоҳ одамларга эшиттириб, сўзлайберади. Мана, унинг Зебодан кейин, ўша совчилар ҳузурида Поёндабойга айтаётган сўзи:

Қўй ичига қўчқорим оралади,  
Қўчқоримни бўрилар яралади,  
Қизгинангни буй. дема, Поёндабой,  
Оқ ўтовда ой қизинг болалади. (32-бет)

Йиғма вариантда бундан беш баттар беҳаё мисралар борки, уларни келтиришдан, шарҳлашдан уяласан киши.

Ўзбек фольклоршунослари ёзиб олган юзлаб дostonларда бундай қўпол, интим туйғуларни беҳаёларча тасвирлаш учрамай, унинг ушбу нашрда мавжудлигининг икки сабаби бор.

Биринчиси ва асосийси, асарнинг профессионал бўлмаган ижодкорлардан ёзиб олингандир. Чунки, “Ёзи билан Зебо” дostonидан парчалар тор доирада беш-ўнта эркакнинг қўш ҳайдаш, ўрим-йиғим ва янчиш даврида айтилишидадир. Бир жинсга мансуб кишилар ўз кўнглини ёзиш учун гоҳ бепарда мисраларнинг ҳам қўшиб айтилишини маъқуллаган. Улар асосан катта ёшдаги ва бир жинсдан бўлганидан айтилаётган матннинг ахлоқий-тарбиявий жиҳатига эътиборсиз бўлган. Шунингдек, эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз жинси доирасида суҳбат, давра уюштирганда баъзан шу тор доирада интим туйғуларнинг баёнида меъёрдан чиқиб тургани сир эмас. “Ёзи билан Зебо”ни худди шундай кўнглига келгунча айтувчилардан ёзиб олинган парчаларда юқоридаги сингари умумхалқ ахлоқига зид мисралар кириб қолгани

шубҳасиз. Агар уша ўринлар бадиҳагўй бахшилардан ёзиб олинганда, бундай очикдан-очик катталарга, кўпчиликка ҳурматсизликни ифодалайдиган, беандиша сўзлар, жумлалар, мисралар бўлмаслиги аниқ эди.

Иккинчи сабаб шуки, матнни ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи умумий ахлоқимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизга эътибор берган ҳолда иш тутмаганида.

Ахир, айтилган ҳар бир назмий бандни халқнинг ижоди, тафаккур маҳсули деб тақдим этавериш тўғри эмас. Халқнинг ҳақиқий ижодкорлари қайси жанрдаги асарни куйламасин, авлодларга етказмасин, у даврлар синовидан ўтган, катта аудиторияга, халққа, унинг ахлоқий, таълим-тарбиявий қарашларига, эътиқодига мос бўлади. Буни мингмиглаб сатрлардаги фольклор намуналари исботлайди.

Ушбу фикрлар билан нашр этилган, йиғма вариантдаги “Ёзи билан Зебо” достонидаги яхши ўринларни, қизиқарли, ўқимишли эпизодларни, халқ тафаккури билан сайқал топган, бадиийлик даражаси юксак, инсон руҳий олами авж пардаларини ёритувчи назмий ўринларни йўққа чиқармоқчи эмасмиз. Достонни нашрга тайёрлаб, дастлабки илмий фикрларни айтган О. Собировнинг “Асарда рамз, тимсол, ўхшатишлар, мажоз, жонлантириш, муболаға, қаҳрамоннинг тағофил ҳолатини тасвирлаган бадиий воситалар халқ шеърятининг бойлигидан нишонадир”, -деган фикрига қўшилаемиз. Аслида ҳам ушбу нашрга зеб бериб турган, унинг сюжетидаги тарқоқликдан бир оз чалғитадиган шу халқ шеъряти, қўшиқларидир. Ҳозирча, достондаги образлар, уларнинг талқини, бадиий-тасвирий воситаларнинг воқеликни баён қилишдаги ўрнидан чекинмизда (вақти билан уларга кенгроқ тарзда қайтаемиз албатта), “Ёзи билан Зебо” достонининг янги вариантга қайтаемиз. Зеро, яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва қабоҳат, мардлик ва номардлик, мукамаллик ва номукамаллик таққослашларда намоён бўлади.

## ЯНГИ ВАРИАНТДАГИ ЭПИК АНЪАНА

Давримизнинг машхур бахши-шоири Қодир Раҳим ўғли репертуарида етмиш тўрт дoston қайд этилган бўлиб, у бу дostonларнинг барчасини бир-икки устоздан ўрганиб қолмаган, балки Жанубий Ўзбекистонда 60-70-йилларда яшаган кекса авлод бахшиларининг барчаси билан учрашган, улардан эшитган, шунингдек, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Пулкан шоир, Ислom шоир, Умир шоир ва ўзгалардан ёзиб олиб нашр этилган дostonларни ҳам ўқиб ўзлаштириш орқали, репертуарини бойитган эди. Қайратомуз хотира қувватига эга бўлган Қодир бахши созни-дўмбирани ўта маҳорат билан сайратар, ширадор ёқимли овозда куйлар, унда бадихағўй бахши учун зарур барча хусусиятлар жамулжам эди. Бахши анъанавий дostonларни устозлардан эшитиб, китобларни ўқиб ўрганган бўлиб, уларни ижро этишда яна сайқаллаштиришга, жозибадорлигини оширишга ҳаракат қиларди У “Ёзи билан Зебо” дostonини ҳам дастлаб устозлардан эшитган, ўзлаштирган бўлиб, айна вақтда 1972 йилда нашр этилган йиғма вариантни ҳам ўқиб “Дoston эмас, улама” деб баҳо берганди. Ўша ўзи айтган уламани сездирмаслик, уни устозлардек тугал ҳолда айтиш учун кўп изланди. Хаёлда уни тиклади. Давраларда куйлади, шогирдлар ўрганиб қолсин деди. Бунга ишонч ҳосил қилди чоғи, анъанавий “Нима айтай” термасида:

Оллоҳ дедим, яратганга бош урдим,  
Темур ҳақда дostonимни яширдим,  
“Олчинбек”у ,“Ёзи-Зебо” дардларин,  
Куйлай-куйлай шогирдларга оширдим,  
“Ёзи-Зебо”, “Олчинбек”дан айтайми? -

деб куйлайди. Зеро, у шогирдларга оширгани рост эканки, ўғли Қаҳҳордан ҳам “Олланазар Олчинбек” дostonи тўлиқ ёзиб олинди ва фарзанд-шогирд ота улгуrolмай қолган “Ёзи билан Зебо” дostonини ниҳоясига етказди.

Қодир бахши “Ёзи билан Зебо” дostonини айтишга киришишдан олдин муқаддимада ўзининг концепцияси-мақсадини баён этади. Бу ошиқлик денгизида кема каби сузиб,

завқ-шавқ ва илҳом билан дostonнинг камини тўлдириш, ишқни тараннум этиш, эпик қонуниятларга мос ҳолда Ёзи Шаҳри Зангар мамлакатининг шоҳи Олимшоҳнинг ёлғиз фарзанди. Икки зар кокил билан туғилган ўғил бир ёшга кирганда юртни ёв босади, шоҳ қатл этилади, хотини Ой-савсар болани кўтариб қочаётиб ўқ ейди. Даштда ўлган она бағрида қолган болани бефарзанд Мардон чол топиб олади. Ҳар кокилини подшоҳликка бермайдиган болага чолу-кампир Қайқувват<sup>20</sup> деб исм қўйишади. Кунлар ўтиб бола каттаравергач, кўз тегмасин ҳамда янги бўлган золим подшоҳ олиб кетмасин деган мақсадда бошига эчкининг қорнини жумир қилиб кийгизиб қўядилар. Шундан сўнг, Қайқувватни кўрганлар Ёзи<sup>21</sup>, Ёзи кал деб атаб юрадилар.

Ёзи ўн олтига кириб, чолу-кампири қора ерга қўйиб, деҳқончилик қилиб юрганда туш кўради. Тушида бир тоғнинг дарасида юрибди, олдида катта дарё, бошини кўтариб қараса, олдидан бир отлик келаётир. Ёзи разм солиб тикилса бешови ҳам қиз. Олдиндаги қизга кўзи тушиб, ақлиҳушидан кетиб, бир пари-пайкар, нозанинни кўриб, оҳ деб оғзидан олов чиқиб йиқилади. Шунда қиз Ёзининг қошига келиб, бошини кўтариб турғизганда, Ёзи қизнинг ҳусни-жамолига лол қолиб: “Эй, пари-пайкар, сен қаердан, кимнинг қизи бўласан”, деб сўраб турибди:

Рўмолингни хўб ўрабсан дол қўйиб,  
Гулгунчадай лабларингга бол қўйиб,  
Мен ғарибни ўтга солиб куйдирма,  
Ой юзингга олтинмисол хол қўйиб.

Буғдой тушар тегирмоннинг тошига,  
Ўт қуқарар, кўздан оққан ёшига,  
Қайдан келиб сени кўрдим нигорим,  
Ошиқликнинг доғи тушди бошим.

<sup>20</sup> Подшоҳларнинг сағир қолган боласига Қайқувват деб исм қўйиш одати бўлган (Қодир бахши изоҳи)

<sup>21</sup> Бошида бир туки ҳам бўлмаган одамнинг Ёзи ёки шумурт кал дейишади (Қодир бахши изоҳи)

Ойдин-кўлнинг ўрдагисиз, ғозисиз,  
Мен ғарибман. Сиз бошимда қозисиз,  
Сайри боғнинг сайраб турган хумоси,  
Қайси элда, қайси бекнинг қизисиз (6-бет),  
Шунда у қиз ўрнидан туриб:  
...Мерган отмас осмонимда ойимни,  
Ёрга ато қилсин гулдай бўйимни,  
Ёлгон демай мен айтайин ростимни,  
Майманоқ дер, ўйнаб-ўсган жойимни (7-бет),

дея ўзини таништирди. Бундай танишув анъанавий достонларга хосдир. Шундан сўнг Ёзи Зебога ошиқ бўлади, ишқий саргузаштлар бошланади.

Эпик қахрамон Ёзининг туш кўриб, ошиқ бўлиши, тушда маъшуканинг ўзидан, яшаш жойидан хабар бериши “Гўрўғли” силсиласига кирувчи “Гулнор пари”, “Узумкўз”, “Равшан”, “Нурали” каби достонларда кўплаб учрайди. Худди шу достонларда бўлгани каби эпик қахрамон Ёзи ёрни излаб сафарга отланади. Бошқа достонларда эпик қахрамонлар шоҳлиги, шаҳзодалиги барчага маълум бўлгани сабабли, сафарга учкур отда, қуролланган ҳолда, йўлдаги афсонавий тўсиқлар - аждарлар, мастонлар, айёрлар, балолар ёхуд ҳад-ҳисобсиз душман қўшинларига қарши курашга тайёр ҳолда отланса, Ёзи пойи-пиёда, ҳеч қандай қурол-яроқсиз йўлга тушади. Бу ҳол достон яратилган даврдаги халқ тафаккурининг акс этиши билан ҳам изоҳланади. Жумладан, Гўрўғли силсиласига кирувчи романтик достонлар X-XIV асрларда шаклланган, тугал ҳолга келган бўлса, “Ёзи билан Зебо” достони нисбатан кейинроқ, XVIII асрнинг охири XIX аср бошларидан дастлаб қўшиқлар тарзида, сўнгра достон шаклида айтила бошлаган. Республикамизнинг барча ҳудудида “Ёзичилар”, “Ёзи билан Зебо” ҳақида куйловчилар бўлгани қайд этилгани ҳолда, уни тўлиқ ёзиб олинмаганининг боиси ҳам яхлит сюжет ва композицияга эга бўлган матнни биладиган ижрочилар камлиги билан изоҳланса, эҳтимол тўғри бўлар. “Ёзичи”ларнинг кўплиги халқнинг меҳнат жараёни билан изоҳланади. Қўл меҳнатига асосланган деҳқончиликда ишни қўшиқ айтиб бажариш, хирмон янчиш-

да, ер ҳайдашда, ўроқ ўришда куйлаш, ақалли ҳиргойи қилиш мушкулни енгиллаштиргани шубҳасиз. “Хўп - майда” ёки “Майда-ё, майда”ни ҳамма маромига етказиб ижро эта-вермаган. Балки овози ёқимли, хотираси кучли бир киши Ёзи номидан, Ёзи қўшиғи деб айтган, ўзгалар эшитиб рухланган ва шу тарзда “Ёзичи”лар юзага келган.

Айни вақтда XIX асрда яшаган халқ, унинг куйчилари тафаккури билан XII-XIV асрда яшаган халқ дostonчилари дунёқарашидаги фарқни ҳам назарда тутиш керак. Биз бу муқоясани ёзма адабиёт, унинг тасвир усулида ҳам кўришимиз мумкин.

“Ёзи билан Зебо” дostonида ҳам анъанавий ишқий дostonлардаги каби ошиқ қийинчиликларни енгади, ошиқ-маъшуқ олдида тўсиқлар учрайди. Аммо бу қаршиликлар, қийинчиликлар афсонавий ва сеҳрли кучлар томонидан эмас, балки реал шахслар туфайли юзага чиқади. Ёзи ёр юртига етгунча мифологик тўсиқларга дуч келмайди. Фақат бораётган жойини билмай, бироз азоб чекади. Майма-ноққа етишганда ҳам анъанавий дostonларга хос қаршиликларга дуч келмайди ёки унинг олдида маъшуқанинг оғир шартини бажариш вазифаси кўндаланг турмайди.

“Ёзи билан Зебо”да Хоразм воҳасида кенг тарқалган “Ошиқ Ғариб”, “Тоҳир ва Зухро” дostonлари каби ишқий саргузаштлар ўз аксини топган бўлиб конфликт ва унинг ечими ҳам шу дostonлардаги кабидир. Аммо бойлик ва қашшоқлик юзага келтирган зиддият, маъшуқа ва ошиққа бўлган тўсиқ бир хил бўлса-да, воқеалар ечими бошқачадир. “Ёзи билан Зебо” дostonида севишганлар қатл этилмайди, балки ғойиб бўлишади. Бу мотив ҳам қадимий асосларга эга эканлигини Гўрўғли силсила дostonлари, хусусан Гўрўғли биографик туркуми кўрсатади. Жанубий Ўзбекистон дostonчилигида эпик қаҳрамон Гўрўғлининг ўлими ҳақида дoston йўқ. Балки унинг 120 ёшга кириб, куч-қувватдан қолгач, горга кириб ғойиб бўлиши ҳақида “Ғойибнома” (Ғарибнома), “Шаҳиднома” “Эрўғли”) дostonи<sup>22</sup> мавжуд-

<sup>22</sup> Ушбу дostonни Юсуф Ўтаган ўғлидан фольклоршунослар М.Муродов ва А.Қаҳҳоров икки марта ёзиб олган. Қўлёзма ёзиб олувчилар шахсий архивида

дир. Хоразм, туркман ёки озорбайжон версияларида эса Гурӯғли ўлдирилади. Бу халқ эстетик идеалига мос эмас. Чунки, халқ ўз қаҳрамонларининг «ўлмаслигини истади, шу сабабли уларни ўқ ўтмас, қилич кесмас, сувда чўкмас, ўтда ёнмас ҳолатда тасвирлайди. Чунки, ҳали эпос қаҳрамонларини ўзига ҳомий деб билади. Ҳомий бор экан, юрт тинч, мамлакат обод, халқ осойишта ва тўқ яшайди.

Яна бир дoston “Олланазар Олчинбек”да<sup>23</sup> Олчинбек жонини фаришталар у дунёга олиб кетадилар ва унинг жисмини дафн этишади. Демак, “Ёзи билан Зебо” дostonида қаҳрамонларнинг горда ғойиб бўлиши ҳам бошқа поэтик мактабларда кенг тарқалмаган бўлса-да, Сурхондарё - Қашқадарё дostonчилигидаги анъанавийликка мос келади. Зеро ғойиб бўлиш, жаҳон фольклоршунослигида ва диний мафкурада кенг ишланган. Фикримиз далили сифатида “Маҳобҳорат” номли улуг ҳинд эпосида беш ака-уканинг тоққа йўл олиб, худоларга қўшилиб кетиши ёҳуд Мусо пайғамбар тақдирини эслаш кифоя.

Қодир бахши “Ёзи билан Зебо” дostonини анъанавий бошлашдан чекиниб, дастлаб назмий муқаддима билан устозлар руҳини шод қилиб, уларнинг давомчиси эканлигини қайд этиб, мақсадини баён этса дostonни ниҳоясига етказган Қаҳҳор бахши воқеалар баёнидан сўнг назмий хулоса беради. Хулоса тингловчида умид, ишонч туйғуларини юзага келтиради, тушкунлик кайфиятидан қутқазади.

“Ёзи билан Зебо” дostonида эпик анъанага мос равишда қаҳрамонлар номи, насаби, фаолияти, яшаган вақти номълум бўлгани каби, унда эпик макондан бири - Зебонинг юрти Майманок деб кўрсатилиши ёҳуд қаҳрамонлардан бири Абдуллахон деб айтилиши воқеа тарихий шахс Бухоро амири Абдуллахон даврида тарихий макон Майманокда рўй берган деган қатъий хулосага олиб келмаслиги лозим. Чунки эпосга айрим тарихий жой ва шахс номларининг берилиши куйловчи билан унинг хотирасида қолган ёҳуд эътиборини тортган, ё эшитган ном билан боғлиқ Шу ўринда “Ёзи билан

<sup>23</sup> “Олланазар Олчинбек” дoston айтувчи Қаҳҳор бахши Қодир ўғли, ёзиб олувчи: А.Эргашев. Қўлёзма ёзиб олувчиларнинг шахсий архивида.

Зебо”ни ёзиб олиш жараёнида рўй берган бир воқеани келтириш аҳамиятлидир. “Қодир ака дostonни айтар экан, Зебо таърифига келганда унинг онаси номини эслай олмади. Шунда бизни кузатиб турган хотини Робия янгага қаради-да: “Кел-э мақтамайсан дейсан, сениям бир мақтайин, Зебонинг энасининг номи Робия бўла колсин. Шу билан сен ҳам дostonга кириб қол, бахшининг яхши кўришини билиб қол, гапимни қулоғингга илиб қол, мен кетсам ҳам хурсанд бўлиб қол”, деб Зебонинг энасига Робия деб ном қўйди...”<sup>24</sup> Кўринадики, бахши айрим жой ва шахс номларини қўйишда анъанадан чекиниши мумкин. Дostonдаги Шўрдарё, Таҳам, Катта Ўра, Ойша дара, Куйтан, Қарши, Ғузор каби жой номлари ҳам худди шундай бахши яшаган ҳудуд атрофида бўлиб, улар бахшига яхши таниш жойлардир. Бироқ шу ўринда умумтуркий ёки жаҳон фольклорида машҳур Бойсун, Кўҳи Қоф, Чамбил, Ғирот, Ғурўғли, Алпомиш, Аваз ва ҳоказо каби машҳур эпик номлар асло ўзгармаслигини, ўзгаришлар иккинчи даражали жойлар, шахсларга тўғри келишини ёдда тутиш лозим.

“Ёзи билан Зебо” дostonида воқеаларнинг бошланиши, ривожланиши, ечими, эпик анъаналарга мос равишда назмий ва насрий нутқнинг алмашилиб туриши асосида баён қилинади.

Барча дostonларда эпик қаҳрамон ошиқ-маъшуқа асосан ота-онадан дуо олади, хўшлашади. Хайрлашиш, дуо олиш эпик ўрин даражасига кўтарилган. Бу “Ёзи билан Зебо”да ҳам қисман сақланган. У ўз ҳамкасблари билан, қўйчибонлар билан дўстлашади. Йўлида буғдойини ўриб берган бобонинг дуоси мазмуни ота дуоси ўрнида қўлланилади: “Болам, соғ бўл, саломат бўл, севишганинг билан қўшилиб қўша қари. Биринг минг бўлсин, донинг мўл бўлсин, қўйинг кўп бўлсин, душманларинг хор бўлсин, яхшилар мададкор бўлсин, ишласанг хорима, есанг тўйма”.

---

<sup>24</sup> “Ёзи билан Зебо” дostonини ҳар қўлга олганда, бу воқеани эслаб, минг бор афсус билан Қодир бахши яқинлашиб келаётган ажалини билган, бу ёздирётган сунги дoston эканини сезган, аммо биз аҳамият бермай қолган эканмизда деб ўйлаб қоламан (А.Эргашев).

“Ёзи билан Зебо” достонининг анъанавий ишқий достонлардан фарқли жиҳати шундаки, эпик каҳрамонлар меҳнат жараёнида ўз аксини топади. Ошиқлик, муҳаббат фавқуллода руҳий қувват бағишлаб, оғир меҳнат жараёнини енгиллатишга, — мушкулни осонлаштиришга хизмат қилади. “Ёзи аччиғи келиб етилмаган бўлса кира, деб бўйинтириқни олиб ерга урди, бўйинтириқ ерга ярмигача кирди. Орадан бир фасл ўтган эди, бўйинтириқнинг рангги ўзгариб, у ер бу еридан барглар чиқа бошлади. Ана-мана дегунча барглар хипчага айланиб, бир дарахт бўлди” (13-бет). Ёки Ёзи Зебога атаб эккан палакнинг тезда пишиб етилиши, бугун бир майдондаги ҳосилни ўриб-янчиш бир фаслда бўлиши ишқнинг қудрати билан изоҳланади. Асосийси эса ўша меҳнат жараёнларида. Ёзи деҳқончилик қўшиқлари “Майда-ё майда”, “Қўш ҳайдаш”ни куйлаб, айни дамда севги кучини, айрилиқ азобини, висол қудратини, кучини тараннум этади. Унинг вужудидаги ишқий беқарорлик гўзал мисраларда жилоланади:

Бовлиқларинг эшилибо, бовлар қолсин қўшилиб,  
Ҳар бовидан ўталмаё, ҳўкизларинг осилиб,  
Уюрилиб тур, буғдойларо, мен турибман шошилиб,  
Мендай Ёзи бунда зора, гулдай Зебом унда зор,  
Мен билан бутадаё, иккаламиз интизор. (21бет)

Ёзи ишқини тасвирлашда деҳқончилик, полизчилик билан боғлиқ қўшиқлар сюжетли ҳолда тикланса, Зебо муҳаббатини баён қилиш жараёнида хотин-қизларнинг ижтимоий турмушидан мустаҳкам ўрин олган ҳунармандчилик ва чорвачилик меҳнати билан боғлиқ қўшиқлар достонга зеб беради. Шу ўринда ўтов тикиш, ўрмак ўриш, қўй соғиш, эчки соғиш, сигир соғиш, каштачилик билан боғлиқ қўшиқларни, уларда Зебо руҳияти акс этишини таъкидлаш кифоя. Характерлиси, бахши маҳорати туфайли “Хўш-хўш”, “Турей-турей”, “Чурей-чурей”лар анъанавий туртлик шаклидан сюжетлик, воқеабандлик касб этади.

## ЯНГИ ВАРИАНТДА ИШҚ ТАЛҚИНИ

“Ёзи билан Зебо” ишқ достони. Аммо унинг ишқий достонларидан фарқи, ишқнинг меҳнат жараёнида кечиши, меҳнатга йўғрилганидир. Ёзма адабиётда шундай ҳолатни аввало Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан кўрамиз. “Фарҳод ва Ширин”, “Ёзи билан Зебо” орасида баён услуби, бадиий воситалар жиҳатдан фарқ катта бўлса ҳам, аммо гоյ жиҳатдан ўхшашликлар учрайди. Умуман, фақат бу икки достон орасидагина эмас, ёзма ва оғзаки ижодда, гоյви\* тематик яқинликлар кўп. Бироқ биз уларни айрича таҳлил қилишга, ўрганишга кўникиб қолганмиз. Масалан, ўзбек адабиётида ишқ талқини сўз саъатининг ёзма турида ҳам, фольклорида ҳам кўп бор ишланган. Аммо ёзма адабиёт ва оғзаки ижоддаги ишқ талқини уларнинг алоқаси, ўзаро таъсири халқ достонлари мисолида етарли ўрганилган эмаслигини ҳисобга олиб, ушбу соҳада айрим фикр ва мулоҳазаларни билдиришга ҳаракат қиламиз.

Бу вазифага киришишдан аввал улуг Алишер Навоийнинг ишқни — авом ишқи, мажозий ишқ ва илоҳий ишқ деб уч турга ажратгани, мумтоз адабиётда илоҳий ишқни улуглаш асосий мавзу эканлигини эслаш лозим.

Аммо халқ ижсдкори — бахши Алишер Навоий ёки ўзга классик каби ўқимишли эмас: тини, диний ва илмий манбаларни мутолаа қилмаганлигини унутмаслик зарур. Бироқ, улар ўзи мансуб жамиятнинг аъзоси сифатида дин, шариат, қонун-қоидаларичи ўз давридаги йўналишлар, оқимларнинг қарашларини, одамларнинг дунёқараши, интилиши, билимидан беҳабар бўлмаган. Фақат улар ўз билимларини ўқиб ўрганиб эмас, хотира кучига асосланиб, эшитганларини чуқур мушоҳада этиб, онгида қайта ишлаб, фикр юритганлар. Яссавий, Боқирғоний, Навоий, Машраб, Маҳтумқулидек машҳур шахсларнинг асарлари халқ ўртасида кенг ёйилгани, шўхрат топганини ҳисобга олсак, уларнинг ишқни талқин этишлари халқ бахши-шоирларига ҳам таъсир этган дейишга ҳақлимиз. Бу эса ило-

хий ишқ ҳақидаги тасавурий ғоялар, тасвирлар халқ оғзаки ижодига ҳам таъсир қилган дейишга асос беради. Хусусан, Хожа Аҳмад Яссавийнинг Оллоҳ ишқи ҳақидаги “Тун саҳар Ҳақ уйғотиб қон йиғлатар. Бедор қилиб ўз ишқига дил боғлатар” сатрлари эпик қаҳрамонлар Ёзи ва Зебо, Тоҳир ва Зухронинг руҳий дунёсини кўрсатишга, ифода-лашга мос келади. Биз талқин этаётган ота-бола Қодир баҳши ва Қаҳҳор баҳши Раҳимовлар репетуаридан ёзиб олинган “Ёзи билан Зебо” достонида акс эттирилган ишқи илоҳий Алишер Навоийнинг “Лайли ва Мажнун”, “Лисонут тайир”, “Фарҳод ва Ширин ” дostonларидаги ишқ тасвирлари билан ўхшаш жиҳатларга эга.

Ёзига ҳам, Зебога ҳам Оллоҳ назари тушган бўлиб, бири иккита олтин кокил билан, иккинчиси юзда етти қат парда билан туғилган. Зебода Оллоҳ жамоли акс этганки, унинг ҳусни гўзаллигини кўрган ўзини йўқотади, ўзликдан ажралади. Шу боис у юзида етти қават парда тутилган ҳолда юради. Ёзининг жамоли, ҳусни эса икки кокилида ва икки кокил ҳам жумр билан пинҳон сақланади. Эпик анъанага кўра, тасаввуфга биноан ҳам ошиқ (Ёзи) маъшуқани (Зебони) кўрмасдан, қалб кўзгусида, хаёл, туш воситасида кўриб, ғойибона севиб қолади. Севги боиси - гўзаллик, беқиёс хусн-жамол. Дастлаб ўзига асир этган ташқи гўзаллик бутун онгга, шуурга сингиб руҳ гўзаллигига айланадики, энди ундан кечмоқ имкони йўқ.

Ошиқ Ёзи қисматига дoston сюжети бўйича қарайдиган бўлсак, унинг қалбида, руҳиятида муҳаббатнинг кучли тугёни Зебони иккинчи бор тушида кўриб, унинг қули билан тикилган дўппини илоҳий ҳомийлар ёрдамида бошига кийганидан сўнг бошланади:

Буғдой тушар тегирмоннинг тошига,  
Ўт кукарар кўздан оққан ёшига,  
Қайдан келиб сени кўрдим, нигорим,  
Ошиқликнинг доғи тушди бошима.

Тегирмонга тушган буғдой ўзлигини, шаклини йўқотди. Тегирмон тошлари уни эзиб янчиб унга айлантиради.

Инсон ҳам ошиқ бўлгач, олдинги характер, хусусият, ҳолатдан маҳрум бўлади. Унинг қалби, руҳиятида ўзгача тасаввурлар, ҳолатлар, кайфиятлар ҳукмрон бўлади. Ошиқ бўлгунгача ҳолат билан ошиқликдан сўнгги ҳолат бошқабошқа олам. Ошиқ бўлгач маъшуқа ҳажрида шу қадар ёш тўқмоқдаки, бу ёшдан гиёҳлар (ўтлар) кўкармоқда. Аслида кўз ёши аччиқ, у гиёҳни (ўтни) қуритиши лозим эди. Аммо у илоҳий ишқ йўлидаги изтироблар ёши бўлганидан, майсага ҳаёт бахш этмоқда. Зеро, қанчалик кўз ёши тўқилмаса-да, ошиқ нечоғлик азоб чекса-да, бунинг боиси маъшуканинг борлигида, руҳиятининг, кўнгилнинг унга талпинишида. Сўнгги мисрадаги “Ошиқликнинг доғи тушди боши-ма” сатридаги доғ аслида қалбга тушган. Оллоҳ Ёзининг юрагига солган ошиқлик доғи “уч юз олтмиш томирига титроқ солиб”, аланга олади. Шу аланга, нур, ёруғлик. Ёғду эса Оллоҳ ҳусни, Оллоҳ жамолидир.

Зебонинг етти қават ҳарир тўсган жамоли ҳам нур билан чулганган. Ошиқ Ёзининг юрагига (бошига) ошиқликнинг доғини солган ҳам ўша нурли сиймо. Достонда ошиқ Ёзининг ишқ ўтида ёнаётганини кўплаб далиллар орқали кўриш мумкин. Дарвоқе, тасаввуфда нур ҳам, ўт-олов ҳам илоҳий ишқ рамзи эканлигини ёдда тутишимиз лозим.

Ёзи ошиқ бўлгач, ёрни излаб кетмоқчи бўлади. Аммо ошиқликни билмаган, бошига ишқ савдоси тушмаган қўшчилар унга ишонмай: «Ошиқ бўлдим куйиб бораётирман дединг. Куйиб бораётган бўлсанг, анаву тошни қучоқлаб кўрчи, исирмикан», дейди. Ёзи бориб тошни қучоқлаган эди, тош сув бўлиб оқа бошлади. Бу Ёзининг ошиқ бўлганига ишонмаган ҳамкасбларига жавоб бўлиши билан ишқ ўти қудратига тош ҳам бардош бера олмаслиги далилидир. Ёки:

Ишқ балоси дардга қилди гирифтор,  
Юрагимда олов деган дардим бор.

дейиши билан Ёзининг ишқи илоҳийга йўлиққани баён этилади. Ошиқ Ёзи вужуди ишқ ўтига айланган. Шу сабабли:

Зебони ўйласам кундуз зим-зиё,  
Оҳ десам, оҳимга бўлинар қоя,

Кўксим очсам қовжирайди гиёҳлар. Майманокни биласанми, туялар?—  
дер экан, ишқ ёлқини билан зим-зиёни (зулматни) ёри-  
тишга интилади. Бу сатрлар орқали ошиқнинг оқ деганда оғзи-  
дан чиқаётган ўт ёлқини қудратига қоянинг иккига бўлини-  
ши табиийлигини ўтли қалб тафти қаршисида гиялар (гиёҳ-  
лар)нинг униб туриши мумкин эмаслиги гувоҳи бўламиз.  
Дарвоқе, ошиқ юқорида юрагида олов деган дарди борли-  
гини айтган, ўша олов - ишқ балосига мубтало бўлганидан  
хабар берган эди.

Ох деганда юрак куяр, қадамим йўқ,

Боғ олдидан боғ яратсам бодомим йўқ, Ошиқликдан  
ора чўлда куйиб кетсам,

Сув синнали дардлашгани одамим йўқ.

Ошиқлик, ишқ ўти билан Ёзи қалби, вужуди ёнмоқда.  
Ҳижрон азобидаги Ёзининг ҳар оҳидан юрак куймоқда. Худ-  
ди Мажнун чўлда, чўл жазирамасида Лайли васли учун  
кезганидек Ёзи ҳам ишқ саҳросида танҳо. Ошиқнинг сувсиз  
чўлда сув ахтариши, яна ишқ ўтини, қалб оловини ўчи-  
ришга сув излаши кучли руҳиятни ифода этади. Унинг дар-  
дини эшитишга, куйган вужудига сув сепишга ёр васли-  
дан ўзга дўст йўқ. Барча азоб-уқубатлардан, ташналикдан  
фақат висол, ёрга зришиш озод қилади.

Дарвоқе, ислом мафқурасида худо суйган бандасининг  
ўтда куймаслиги кўп ўринларда қайд этилган. Бу нарса  
ҳатто исломдан минг йиллар олдинги қараш натижасидир.  
Шу ўринда энди туғилган Мусо пайғамбарни Фиръавн зул-  
мидан сақлаб қолиш учун ёниб турган тандирга солиб қўйил-  
гани, ёхуд Иброҳим пайғамбарни катта гулханда уч кеча-  
кундуз ёққанда ҳам соғ-саломат тасбеҳ ўгириб ўтирганли-  
ги ҳақидаги ривоятни эслаш кифоя. Ёзи ҳам шундай ҳолат-  
га тушади. “Ёзи Зебонинг қошида куйманглаб юриб эди.  
Поёндабой шашт билан келиб қолди. Шошиб қолган Ёзи ёниб  
турган тандирга тушди. Етиб келган бой тандирга эгилиб:-  
Қизим, нонинг пишдимми?-деб, қараса, қип-қизил чўғнинг  
ичида Ёзи қунишиб ўтирибди. Чунки шу пайт ошиқларнинг  
пири етиб келиб, Ёзини бир ўшқириб музлатди. Тандир-

нинг ичидаги қип-қизил чўғ Ёзига пахтадай тўшалди. Ис-  
сиги тандирнинг бетига ловуллаб ура бошлади. Алқисса,  
жами саҳобалар кўзга кўринмай, Ёзини оловдан сақлаб  
турди. Хужаи Хизир бобо ҳозир бўлиб, Ёзининг оғзига  
сув томизиб, чанқоқликдан сақлай берди. Чор тарафдан 40  
чилтон пайдо бўлиб, оловнинг рангини бор қилиб иссиги-  
ни жиловлади. Ҳатто иссиқ тандирнинг иссиқ кесаклари  
оқариб, Зебонинг ҳурматига иссиқни ўзига юта берди. Олқ-  
ишлаган жонивор қушлар тандирнинг устида “Ёзи дадил  
бўл, Ёзи тангрига сизин”, деб чарх уриб, чириллаб сайрай  
бошладилар. Дала-даштдаги жами ўсимликлар, тоғлару  
тошлар, дарёлар бир нафае жимликда қотдилар. Кўрина-  
дики, шу ўринда Ёзи борлиқ билан бирлашиб кетди. Таъ-  
кидланганидек, “кесаклар Зебонинг ҳурматига иссиқни  
ўзига юта берди”. Демак, Зебо мисолида Оллоҳ мужассам.

Фольклорда, хусусан “Ёзи билан Зебо” достонида ҳам  
тасаввуфдаги каби ҳақиқий ошиқ кўнгли пок, тўғри сўз,  
диёнатли, нафс балосидан озод инсон тарзида таърифла-  
нади:

Яхши ёмон кунда мен ҳам ярайман,  
Қиз-жувонлар кўрган тушин сўрайман,  
Кетиш-кетмаслигим сиздан сўрайман,  
Хўп десангиз хизмат ҳақи не керак,

деб ошиқ Ёзи Поёндабой берадиган иш ҳақини ҳам рад  
этади. Ёзи ёмонлик, жаҳолат, нодонлик, ахлоқсизлик,  
молпарасатлик, порахўрлик каби жирканч иллатларни  
кўнглидан қувган ошиқ Абдуллахон ҳайвонлигини бил-  
дирди,

Пора олиб Поёндани кулдирди,  
Юрагимни қон-зардобга тўлдирди..

дея ўз руҳий ҳолатини баён этади. Ўз қизини Ёзига тавсия  
қилган Абдуллахондан нафратланади, унинг устидан ку-  
лади, хонга хитоб қилади:

Дастагулни мудом таъриф айланг,  
Ёш юракни ер қаърига тайладинг,

Бу фикрни шохим қачон ўйладинг..

Сара дostonлар сирасига кирадиган “Ёзи билан Зебо” дostonида ҳам назмий йўл билан берилган матнлар ишқ ўтида ёнаётган кахрамоннинг руҳий ҳолати билан табиат тасвири чамбарчас ҳолда берилган. Бу дostonнинг ўқувчига ҳам, тингловчига ҳам, куйловчига ҳам эстетик завқ бағишлашини таъминлайди,

Худо ва табиат бирлиги, ишқ ва инсон, инсон ва табиат яхлитлиги дostonда яхши талқин этилган. Ёзи Зебо ҳажрида юрган пайт Зебонинг баҳорги юртида ухлаб қолади. “Туллоланинг жазирама иссиғи пайтида иссиқда ухлаб ётган Ёзининг қўлида бир лола сувга тўймаса ҳам яйраб турибди, тепасида бир булбул сайраб турибди”. Гул(лола) тимсол. У табиат ва инсон руҳиятидаги уйғунлик, илоҳий бирлик моҳиятини ифода этади. “Жалолиддин Румий рубойларида айтилганидек, унинг лирик кахрамони “Ишқ- оби ҳаёт аст, дарин обдаро”, яъни ишқ- оби ҳаётдир, шу сувга киргил, дея қўнглига фармон беради. Юракнинг оби ҳаёти эса қон, юрак қондан шундай мавж урадики, бу юрак эмас, дарёдир”. (И. Ҳаққул. Тасаввуф ва шеърят, 1993 й. 108-бет). Бутун вужуди билан ишқ оби ҳаётига фарқ бўлган Ёзи юрагида ҳам мавж ураётган қон қон эмас, оби ҳаётдир. Томирларида оқаётган юрак дарёсига тегиб турган лоланинг сўлмай туриши аниқ. Бу ҳолни фақат булбул англаб, сайраб туради. Шу ўринда “Лайли ва Мажнун” дostonини эслаш жоиздир. Негаки, ишқ мулкининг султони Мажнуннинг руҳий ҳолати билан Ёзининг руҳий ҳолати ҳам, ҳаётлари ҳам бир-бирига ўхшаб кетади. Инсон ва табиат бирлиги - ҳайвонлар, қушлар, гуллар, гиёҳлар, ҳашоратлар мисолида берилган. Ёзи билан Зебо муҳаббатига бутун табиат ҳамдард. Туя, қўй, сигир, эчки, от каби ҳайвонлар: капалак, оқ каптар, чуғурчук, муллатўрғай, чўпонхаллагич, кўк каптар, жизиллавуқ, каклик, турна, қалдирғоч сингари қушлар ва ҳашоратлар: қўзигул, бойчечак, чучмома, қизғалдоқ, чирич, қоқигул, жупар, туятупак, лола, буғдойик, нухатак, тактак каби гуллар ва шифобахш гуллар ҳам ошиқ маъшуқларга ҳамдард, ҳамнафас, севгисига жўровоз.

Ошиқ ва маъшуқанинг илк учрашувини ҳеч ким кўргани йўқдек, аммо табиат, табиатдаги ҳар гиёҳу гул, қушу парранда гувоҳ. Улар ҳар бири Ёзи, Зебони олқишлайди. Характерлиси, гўзал жонлантириш орқали тилга кирган ўсимликлар сўзида уларнинг ўзига хос хусусияти ҳам, икки севишганга эзгу истаклари ҳам мужассам:

Қўзигул:

Ошиқлигинг рост бўлсин,  
Қучоғинг гулга тўлсин,  
Дил берибсан, Ёзижон,  
Ёринг ўйнасин-кулсин, -  
деб шодлик ва қувонч тиласа,

Туятупон:

Дунёинг кенг берилган,  
Бизларга тенг берилган,  
Зебожон ўйна, қувна,  
Сизларга онг берилган, -

дея кенг дунёнинг кимларгадир торлигини, унда ўзи каби бир жойда сиқилиб яшовчилар борлигини таъкидлайди. Айни вақтда у инсонни шарафламоқда. Қоҳигулнинг қутловида халқ оғзаки ижодида кенг қўлланиладиган бадий параллелизм ҳодисаси мужассам:

Томирим тортиб борар,  
Туймачам туртиб борар,  
Зебо садоқатига,  
Хавасим ортиб борар.

Бу аслида қоҳигулнингмас, бўй қизнинг армони ва умиди. Дастлабки, икки мисрада қаршилантириш орқали чуқур руҳият ўз аксини топган. Тортишиш-кичрайиш, туртиш-кўтарилиш, юксалиш. Томир ҳамиша тортмайди. Зеро, томири тортди ибораси турли маъноларда қўлланилади ва ҳамиша руҳиятни билдиради. Томирим тортди-да -қариндошчилик, яқинларни соғиниш маъносида, яна ўта шодланиш ёхуд оғир хасталанишни ифодалашда қўлланади. Қоҳигулнинг гули, қоқи ўсиб (энди чиққанда эмас) гуллаш

арафасида тугмачаси туртиб чиқади ва гуллайди. Гуллади-ми, энди уруғ қолдиради. Гуллаш— балоғат, гуллаш уруғ (зот) қолдириш. Қоқигул ва Зебо ҳар иккиси балоғат ёшида. Қоқигул қоқигул эмас, у Зебодай 16 ёшли қиз, ҳали севилмаган, аммо тенгдоши севгисидан ҳайратланган, унга ҳавас қилган қиз.

Достонда ўттизга яқин гулу гиёҳлар ошиқ-маъшуққа шундай ўз муносабатини билдирадики, бу бахши маҳорати. Бахшининг бадий, эстетик дунёқараши маҳсули сифатида баҳоланмоғи лозим. Зеро, бизга маълум халқ достонларининг ҳеч қайсисида табиат ва инсон бу қадар чамбарчас алоқада яхлит куйланмаган. Бундай яхлитлик достоннинг бошидан охиригача давом этади. Ёзи Зебони тушида кўриб, излаб чиқишидан олдинроқ “ҳўкиз”ларга дардини айтади:

...Бўйинтириқларга бошинг бойланган,  
“Булчи-бул”, -деб бой таёғи тайланган,  
Эртароқ бул, эрта ерга борайлик,  
Омоч ушлаб азиз бошим айланган.  
Қаерларда менинг ёрим, чувҳая,  
Яйловларда сенинг ёринг, чувҳая (11-бет).

Бу каби мисраларда зулм ҳам, зулм чеккан қалб изтироби ҳам, вужуди ишқда куяётган ошиқ руҳияти ҳам мужассам.

Ёзи қалбида жуш урган муҳаббатни карвонбоши, яъни инсон ҳис этмагач, туяларга мурожаат этиб:

...Ҳамдард йўк, биров келмас қошима,  
Ошиқлик савдоси тушди бошима,  
Девонаман келолмайман ҳушима,  
Юрагимга ҳамдард бўлди гиялар,  
Зебожонни биласанми туялар (18-бет).

деб илтимос қилганда, забонсиз ҳайвонлар юришдан тўхтаб, ётиб олади ва бош силкиб ёр юрти Майманоқнинг йўлини кўрсатаверади. “Ошиқлик-савдоси” бошига тушган девона –ошиққа фақатгина гиёҳлар ҳамдард бўлади, туялар бош силкиб, кўзларида ёш билан Майманоқ томонни кўрсатаверадики, бу оддий ходиса эмас. Балки табиат ва инсон ўртасидаги уйғунлик, бир-

ликнинг акс этишидир. Бу бирлик ошиқ Ёзининг Зебо билан горда бойиб бўлиши, унинг Ҳаққа-Оллоҳга этишувидир.

### *ИШҚ МЕҲНАТГА ДОЯДИР*

Ўзбек дostonчилигида “Ёзи билан Зебо” дostonи ишқни, севги кечинмаларини нозик ва нафис тарзда ёритгани билангина эмас, балки халқнинг узоқ асрлик деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик касб-кори билан боғлиқ меҳнатини бадиий талқин этган асар сифатида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, инсонни инсон сифатида юксакка кўтарган, уни оламдаги бошқа жонли мавжудотдан айириб турадиган руҳий қудрат— ишқ ва моддий яшаш воситаси меҳнатни яхлитликда улуғлаш, дostonнинг бош мавзусидир. Шу боис Қодир бахши ва Қаҳҳор бахшидан ёзиб олинган “Ёзи билан Зебо” дostonи ишқий кечинмаларни ифодалайдиган меҳнат қушиқлари бўлиб жаранглайди.

Дoston қаҳрамонлари - Ёзи, Зебо қисматида меҳнат, меҳнат қуроллари ва воситалари- ҳукиз, от, туя, бия, қуй, эчкилар, омов, ўроқ ҳамда тикувчилик жиҳозлари муҳим ўрин тутайди. Бахшилар маҳорати шундаки, дostonда инсон алоҳида олинган, алоҳида яшашга ҳақли мавжудот сифатида эмас, аксинча бу оламда яралган, яшаётган минглаб жонли ҳилқатнинг бири тарзида берилайди. Шу боис севишганлар ўз дардларини — қувончу ғамларини иш ҳайвонларига, меҳнат қуролларига, қушлар ё ўсимликлар дунёсига айтиб, дардлашадилар. Масалан, Ёзи Зебо ишқига мубтало бўлгач, дардлашгани одам тополмайди. Оғир меҳнат, ер ҳайдаш унинг зиммасида. Ҳатто севгани ҳақида ўтириб ўйлашга ҳам имкон йўқ. Шундай пайтда унинг ҳасратдоши ҳукиз, ўзича унга мурожаат қилади:

Нордай бўйинг, жонивора, толмасин,  
Тўғри юрда, ерда монда қолмасин,  
Бой келганда монда ерни билмасин,  
Ўзал қизлар маҳтал бўлиб қолмасин,  
Қаерларда менинг ёрим, чувҳа-я,  
Ўтлоқларда сенинг ёринг, чувҳая.

Ушбу илтижода хўкизни мақтаб ишлатишдан ташқари эпик кахрамоннинг руҳий кечинмалари ҳам яққол намоён бўлади. Озод бўлишнинг, ёрга боришнинг бир йўли бор - ернинг тез шудгорланиши. Бунинг шарти хўкизнинг чарчамаслиги ва тўғри юриб, монда ер колдирмаслик. Аслида монда ернинг қолиши Ёзини қизиқтирмайди, қолса-қолар, аммо бой билмаса бўлди. Ёзи хўкизни эркак жинсидан эканлигини билиб, унга одамдай мурожаат этар экан, гўзал қизлар маҳтал бўлиб қолмаслигини уқтиради. Гўзаллар икки қиёфа - инсон ва ҳайвон қиёфасида. Хўкизнинг севгани аниқ жойда—ўтлоқда; аммо Ёзининг Зебоси қаерда? Шу ернинг ўзида инсонга, ошиққа қийин жумбоқ, ёрни излаш вазифаси қўйилади:

Бой билмайди қорин тўқу очингни,  
Беда бериб мен тўйдирай ичингни,  
Зебо деб ушласам омоч тутайди,  
Оёгинга кўк жонивор кучингни,  
Қаерларда менинг ёрим, чувҳа-я,  
Сувлоқдадир сенинг ёринг, чувҳа-я...

Сен бормасанг, сендек хўкиз туғилмас,  
Мен бормасам улуг машғал ёқилмас,  
Қора ерни қарсиллатгин жонивор,  
Қаерларда менинг ёрим, чувҳа-я,  
Анов сойда сенинг ёринг, чувҳа-я.

Ёзининг тилидан айтилган қўшиқ, унда қўш хўкизни ҳам ошиқ тарзида таърифлаш қандай табиий жарангласа, уч ошиқнинг бир бўлиб қисқа фурсатда ер ағдаришни тамомлаши ҳам шу қадар ишонарлидир. Иш ҳайвонларига мурожаат, уларнинг гапириши, зарур ҳолларда инсонга кўмаклашуви, ҳомийлиги, анимистик ва тотемистик қарашлар, тушунчаларнинг “Ёзи билан Зебо” достонида қолдирган изларидир. Дарвоқе, сигирлар, хўкизни тотем билиш, уларга сиғиниш, шарқ халқларининг кўпчилигида борлиги аён. Биз таҳлил этаётган дostonда ҳайвонот оламининг бир

тури деҳқон учун, чорвадор учун яшаш омилларидан бири. Деҳқон шудгор қилганда ҳам, ҳосилни йиғиштириб, янчиб олишда ҳам ҳукизлар меҳнатига суянади. У тукинлик, мўл ҳосил гарови. Шу боис Ёзи узинигина эмас, ҳукизларнинг ҳам ёрга бориши учун жон койитади. Ишқда ҳайвонот дунёси ҳам эркин бўлмоғи лозим.

Халқ дostonларида меҳнат жараёни акс этган меҳнатнинг қадрини, меҳнаткаш шарафини улуғлайдиган ўринлари кўп. Бироқ, бошқа ҳеч қайси дoston “Ёзи билан Зебо” дostonичалик меҳнат билан боғлиқ воқеаларни, меҳнат турларини, меҳнат ва инсон руҳияти орасидаги мустаҳкам алоқани кўрсатувчи қўшиқларни ўзида изчиллик билан жамламаган. Бахши асар композициясини шундай яхлит тузган, воқеалар занжирини шундай изчил жойлаштирганки, деҳқоннинг ерни шудгор қилишдан, то ҳосилни ўриб, янчиб олгунча бўлган меҳнат жараёни тўлиқ акс этган. Ёзининг ошиқлик савдосига йўлиқиши ер шудгорлаш пайтига тўғри келади. Қалби ишқ билан лиммо-лим тўлган ошиқ шудгорни тугатади-ю:

Оҳ деганда қарсиллайман булутдаин,  
Ёр йўлига қанот ёздим бургутдаин,  
Майманоқдан топсам топдим Ой Зебони,  
Тополмасам сув бўб оқай йиллар сайин.  
Қўй ҳайдаган, қўйчивонлар, хуш қол энди,  
Тиклаб турган, Боймаматжон, хуш қол энди,-

деб ёр юртини, ёрни излаб йўлга тушади. Узоқ йўл тортиб, ўроқ ўраётган чолу кампирга дуч келади. Унинг чолу кампирга ёрдамлашиш учун “қўлга ўроқни олиб, ўнгирини белига чалиб, ўз Зебоси ёдига тушиб, товушини баланд қўйиб қўшиғини айтиб, буғдой ўраётгани:

Жовдирашган буғдойларо келавергин қўлима,  
Ўтган бобо деҳқонларо мадад бергин белима,  
Юракларим тўлганибо қўшиқ келар тилима,  
Мендай Ёзи бунда зоро, ойдай Зебом унда зор,  
Каклик қушдай чирқиллабо иккаламиз, интизор,

Бовликларинг эшилибо, бовлар қолсин қўшилиб,  
«Ҳар бовингдан ўтолмаё ҳўкиз унга осилиб,  
Уюрилиб тур бугдойларо. мен турибман шошилиб,  
Мендай Ёзи бунда зоро, гулдай Зебом унда зор,  
Моя билан бутадаё иккаламиз интизор.

Осмондаги булутларо соя солгин бошима,  
Ёр ишқи, қуёш тафти жабр солди тушима,  
Ўроқ урай чирпинибо, поялар кел қошима,  
Сағир Ёзи бунда зоро, бекдай Зебом унда зор,  
Қўзи билан қўйдаи бўлиб иккаламиз интизор.

Булбулларнинг сайраши-я, гул баргини титратар,  
Ошиқларнинг нолаеси-я, бу заминни ингратар,  
Севишганлар айрилса-я, бу заминни ингратар,  
Етим Ёзи бунда зоро, султон Зебо унда зор,  
Қуёш билан ойдаи бўлиб, иккаламиз интизор.

Эсаётган шамоллар-о, силаб кел ёр бошини,  
Меҳр қўйиб искайин-о, Зебожоним исини,  
Обкелмасанг исини-ё, ур тегирмон тошини,  
Шўрли Ёзи бунда зор-о, шоҳим Зебом унда зор,  
Мағриб билан Машрикдаи-о, иккаламиз интизор.

Ёзининг меҳнатни енгиллатиш учун бошлаган ўрим вақ-  
тини, ўрим жараёнини ифодалашга бағишланган ушбу  
қўшиқда унинг ишқ дарди, юрагининг ўтли нолаеси ҳам акс  
этмоқдаки, унинг нолакор овозини эшитган атрофдаги де-  
ҳқонлар ҳам ҳашарга етиб келади. Мисралардаги табиий  
оҳангдорлик, чуқур мантиқ, фавқулодда топиб ишлатил-  
ган қиёслашлар, табиий сифатлашу ўхшатишлар, равон  
қофияли мисралар онги шууримизга ёқимли, жонга ҳузур-  
бахш мусиқа бўлиб жойлашади ва ўрим жараёнини ҳам,  
ўроқ ўраётган ошиқ Ёзи қалбидаги ўтли муҳаббат туғёнини  
ҳам ҳис этамизки, бу бахши маҳоратидан.

Достондаги шудгорлаш, қўш ҳайдаш ва ўрим билан боғ-  
лиқ қўшиқлар воқеабандлиги, меҳнат жараёни ва эпик  
каҳрамон руҳий дунёсини изчил акс эттириши билан аж-

ралиб турса, хирмон янчиш ёхуд “майда-ё майда”ларда бу узвийлик, боғланиш доимий ҳолда кўринмайди. Балки халқ қўшиқлари сингари ҳар тўртлик тарзида алоҳида ҳам келади. Улар алоҳида ҳолда ҳам айтилабериб, қуйма ҳолга келиб қолган.

Шоҳингни қайраб қойирган, майда-ё, майда,  
Туёгингни мойирган, майда-ё, майда,  
Сени хирмон янчсин деб, майда-ё, майда,  
Бобо-деҳқон буюрган, майда-ё, майда.

Майда десам майда қил, майда-ё, майда,  
Донни чори қўйдаи қил, майда-ё, майда,  
Оёгингни борлаб бос, майда-ё, майда,  
Ҳар буғдойни ойдаи қил, майда-ё, майда.

Юқоридаги сатрлар гарчи айнан халқ қўшиқлари шаклидаги майда-ё майдани сўзма-сўз такрорламасада, унда вазн қурилиши, қофия системаси, иш ҳайвонини алқаш, унга илтимос қилиш усули айнан сақланган. “Майда-ё майда”нинг давоми бўлган тўртликлар фольклоршунос Камол Очилов тўплаган меҳнат қўшиқларидаги билан жуда ўхшаш (Қаранг: К. Очилов “Қалдирғочни кўндирган қўшиқ”, Самарқанд—1992, 53-56-бетлар). Матн фақат майда—иш жараёнини акс эттирмай, балки қаҳрамоннинг интим туйғуларини ҳам лирик тўртликлар тарзида ифодалайди. Қўл меҳнатда, хаёл Зебода:

Овулингда бормикан, майда-ё, майда,  
Зебоойдай бўтакўз, майда-ё, майда.

Ер ҳайдаш, дон сепиш, ўрим ва янчиш ишлари эркеклар томонидан бажарилган, шу боис меҳнатнинг ушбу турлари билан боғлиқ қўшиқлар Ёзи томонидан айтилади.

Ўтов (қора уй) тикиш, сигир, қўй, эчкиларни соғиш, кашта тикиш, тўн бичиш ишлари хотин-қизлар томонидан бажарилган. Шу боис соғим ва бичиш-тикиш, каштачилик билан боғлиқ қўшиқлар Зебо томонидан айтилади. Зебо айтган соғим қўшиқлари воқеабандлиги билан ажралиб ту-

ради. Бир томондан анъанавий тарзда сигир (қўй, эчки)ни алқаш, шу билан кўпроқ сут олиш кўзланса, иккинчи томондан соғувчининг руҳий олами, кувончи ё изтироби акс этади. Бу икки ҳолат алоҳида тўртликларда айри-айри эмас, бир банднинг ўзида ҳам ифодаланади.

...Тошмоқларинг қотибди-ё, турей-турей,  
Сийроғингга ботибди-ё, турей-турей,  
Тушимдаё бир йигита, турей-турей,  
Сой бўйида ётибди-ё турей-турей.

Ёки:

Кўзларим тўрт кутармано, турей-турей,  
Қачон ёрга етармано, турей-турей,  
Шундан боланг олмасанг-а, турей-турей,  
Қассобларга сотарман-о турей-турей.

Бахши айтган йиғим қўшиқлари профессионал бўлмаган ижодкор айтгандан кўра мукамалроқ, бадий юксакроқ ҳам. Бунга ишонч ҳосил қилмоқ учун қуйидаги тўртликни юқоридаги иккинчи тўртликка қиёслаш етарли деб ўйлаймиз:

Агар боланг олмасанг, турей-турей,  
Икки итни қўшарман-а, турей-турей,  
Молдан олдин келмасанга, турей-турей,  
Бўриларга берарман-а, турей-турей.

Зебонинг қўшиғида маъшуқанинг ёрга интизорлиги, соғинч туйғуси кучлироқ. Айни вақтда мақтовга кўнмаган қўйни қўрқитиб, пўписа қилиш мужассам. Иккинчисида лирик қаҳрамон руҳиятида ошиқлик йўқ, балки фақат ит ва бўри билан қўрқитиш акс этади. Аммо қассобга сотиш билан, ит ёки бўрига бериш бир нарса эмас. Бирида қўйни ҳалол қилиш, иккинчисида ҳаром ҳайвонга ем қилиш ифодаланган. Гарчи ҳар иккаласида ҳам мақсад қўйга ўз кўзисини эмас (қўй ўз кўзисини эмизади, боласига нисбатан оналик туйғуси ҳайвонларда ҳам кучли), балки онаси ўлган етим кўзини олдириш, эмдириш мақсад бўлса ҳам, шунга эришиш йўли икки хил.

Юқорида Зебо айтган қўшиқдан келтирилган парчалардаги тематик ва психологик параллелизмлар ҳам тўртликнинг эмоционаллигини оширади. Товушлар аллитерацияси, қофиядаги оҳангдорлик, икки ҳолатни параллел тасвирлаш ва улар орасидаги ички боғланиш бахшининг маҳоратига гувоҳлик беради.

Шуниси характерлики, турей-турейлар, чирий-чирийлар, ҳуш-ҳушлар - соғим қўшиқларининг ҳеч қайси барча соғим ҳайвонларига бирдек айтилавермайди. Балки асов, сут бермайдиган сигирга ёки боласини олмайдиган қўй-эчкига нисбатан айтилади. Агар сигирга айтиладиган хуш-хушларда мақсад сутни мўлроқ олиш бўлса, қўй ва эчкиларга қўлланадиган соғим қўшиқларида боласини эмизишга ундаш асосий ўринда туради. Шу соҳани кўп кузатган фольклоршунос К. Очилов шундай ёзади: “Агар қўзиларга бошқа бирор-та ҳайвоннинг ёки ётган жойининг ҳиди уриб қолган бўлса, ўз боласини эмизмайди. Чорвадорлар қўзиларни эмизиш ва ийдириб сут олиш учун қўй олдига ит ёки мушук олиб келиб, қўйни қўрқитадилар” (К. Очилов. “Қалдирғочни кўндирган қўшиқ”, 27-бет). Демак, турей-турейлар ва чирий-чирийларда қўзи ёки улоқни эмизиш, шу орқали уларни асраб қолиш нияти устун туради, бу фикрни К. Очилов юқоридаги китобга киритган қўшиқлар ҳам Зебонинг қўй ва эчкига айтган турей-турей ва чирий-чирий ҳам асослайди. “Зебо жолпиллоқни ушлаб олди, жонгги тўрт оёқ бўлаётган улоқни олиб келиб, энасига искатиб:

Энажоним, жолпиним-а, чирий-чирий,  
Қизил-яшил қулпиним-а, чирий-чирий,  
Ол боврингга болангни-я, чирий-чирий,  
Кўздан тўкма жоламни-я, чирий-чирий.  
Сенсан эчки сараси-я, чирий-чирий,  
Товлай боланг қораси-я, чирий-чирий,  
Ўз болангдан безибсана, чирий-чирий,  
Борми қалбинг яраси-я, чирий-чирий...,-

деб “чирий”лай берди, жонивор жолпонг улоғини искаб-искаб эмиза берди”. Сўз сеҳри, қудрати, нафақат одамларга, балки ҳайвонларга ҳам таъсир қилиши шу мисолда

ўз аксини топган. Энажоним, деб эркалаш, кўздан тўккан жолага ҳамдардлик, қалб ярасини сўраб, меҳр-шафқат кўрсатиш орқали эчкида меҳр уйғотиб, эчкини — жолпиллоқни ўз боласини эмизишига сабаб бўлди. Сигир соғишда эса сигирнинг боласига меҳрини жўшдириш эмас, болани унутиб туриш, болага муҳаббатни ёддан чиқариб, сутни ийиб бериш талаб қилинади:

Хўш-хўш дейман, хўш дейман,  
Боланг унутиб жўш дейман.

Демак, соғим қўшиқларини таҳлил қилаётганда сигир ва қўй-эчкиларга мурожаат, уларни эркалаш, суйиш, ёҳуд қўрқитишда бир хил мақсад ифодаланмайди. “Хўш-хўш”ларда сутни ийдириб, кўпроқ олиш, “турей-турей” ва “чирий-чирий”ларда онани боласига топиштириш, она-нинг меҳрини кўзга шетакчилик қилади. Бу фарқларни чуқурроқ тадқиқ қилиш навбатдаги вазифалардан бўлмоғи лозим.

Ота-бола Раҳимовлардан ёзиб олинган вариантда хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар, хунармандининг меҳнат жараёнини кўрсатувчи тасвирлар анчагина. Воқеаларнинг асосидан ва чорвачилик, кўчманчилик билан боғлиқ бўлганидан ўтов қуриш, гилам тўқиш, кийиз босиш, шунингдек кундалик турмушдаги бичиш-тикиш, каштачилик билан боғлиқ ўринларга дуч келамиз. Дарвоқе, моддий турмуш турар жойини ҳам, кийим-кечакни ҳам, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлашни ҳам тақозо этган. Шу боис ўтов тикиш, гилам тўқиш, тандир ясаш каби ишларнинг ҳам ўз устаси, ўз қонуниятлари, урф-одатлари бўлган. Достондан биргина гилам қуриш ҳолатига назар ташласак, бу сатрларни диққат билан эшитган (ўқиган) киши ўрмак ҳақида тўла тасаввурга эга бўлади. “Робиягул опа хотин-халажларни чақириб, Зебожонга атаб чим-чим гилам тўқийин деб ҳашар қилди. Ёзини чақириб, қозикларни учбурчак қилиб қоқтирди. Кал Ёзи ичида: “Бизнинг гиламда”, деб югуриб хизмат қилаётир. Зебо эса арқонни ийириб, кулаётир, момолар чим-чим гиламнинг калабасини чамалаётир:

Уч қозикни уч томонга,  
 Қоқаётир Ёзижон,  
 Уч қозикни бириктириб,  
 Боғлаётир, Ёзижон.  
 Бу томонда ой Зебо,  
 Арқовини ийирар,  
 Тез-тез чопсин Ёзижон, деб,  
 Момолари буюрар.  
 Калабани айлантириб,  
 Қузувига бойлади,  
 Ҳар хил ипни айлантириб,  
 Камалак қиб тайлади.  
 Серсувини сернавлатиб,  
 Бир маромга келтирди,  
 Одоғини селтанглатиб,  
 Бот олишни билдирди.  
 Зебожоннинг ўрмагини,  
 Ясантириб жойлади  
 Қилич билан тўқийсан деб,  
 Ип ичига жойлади.  
 Уч қозикдан икковини,  
 Шарта-шарта суғурди  
 Заранг қозик беш қозик де,  
 Энг бошига туғ урди.

Бу парчани нисбатан тўлиқ келтиришимиз боиси, аввало биз билган дostonларнинг асосий қисмида маълум бир ҳунарни, хусусан ўрмак қуришни бундай изчил таърифлаган ўрин йўқ. Қолаверса, ўрмак қуриш ҳашар билан бўлиши, унинг бошида кўпни кўрган, кўпни билган-обру-эътиборли онахонлар туриши, югуриб бажариладиган ишларни ёшлар бажаришини, иш жараёнида қатнашувчилар руҳиятини ва иш жараёнини гўзал ифодалаётир.

Бичиш-тикиш, урчиқ йигириш билан боғлиқ қўшиқлар Зебо ва онаси Робия меҳнати орқали берилади. Тикувчилик ўзбек хотин-қизларининг барчаси билиши шарт бўлган ҳунар ҳисобланса-да, бу соҳанинг ҳам ўз усталари, элда ном қозонганлари бўлган. Қўшиқда айтилганидек: “Жомовни жонли

тикади, тугмани эгри тикади, тўп тикиш, кўрпа тикиш, уни кўр ҳам тикади". Бироқ, турли нақшлар солиб, кашта тикиш барчага насиб этавермаган. Халқда эса қиз болага фақат оддий бичиш-тикишни эмас, турли хилда, усулда кашта тикишни ўргатиш зарур деган қараш мавжуд бўлган. Ҳозир ҳам Ғузор, Деҳқонобод, Қамаш, Чироқчи, Бойсун, Шеробод, Шўрчи, Денов каби Жанубий Ўзбекистоннинг қатор туманларидаги қишлоқларда ҳар бир қиз каштачиликни билиши, гулли ёстиқлар, болишлар, қўлрўмоллар, сочиқлар, зардеворлар, сўзаналар тикиши шарт ҳисобланади. Ҳатто улар балоғатга етганда тўй бўлиш арафасида ўзлари тайёрлаган кашталар кўрилади ва улар кетин сепининг бир қисмини ташкил этади. Зеро, қўлрўмолча тикиб, ўз севгисини шу рўмолчадаги гул, ёхуд ип ранги орқали билдириш одати бўлганки, баъзи жойларда бу ҳозиргача сақланиб қолган.

Бизнинг қаҳрамонимиз Зебо ҳам ҳадсиз гўзал, назокатли, нафосатли бўлиш билан бирга хунарманд ҳам. У ўзининг ахлоқий фазилатлари, ёқимли хулқ-атвори билан бирга чорвадор оилада қилинадиган барча ишларни маҳорат билан бажаради, каштадўзлик, ўрмак тўқиш, урчуқ йигириш сингари хунарларни астойдил ўрганган. Достонда Зебонинг моҳир ткувчи-каштадўзлиги, унинг руҳий ҳолатдаги кайфияти орқали берилади. Бой Ёзини ҳайдаб юбориб, Зебо қаттиқ назоратга олинганда айрилиқ уни оғир аҳволга солиб қўяди. Ёзидан жудодик қалбини ўртади, унинг ёди бир зум омонлик бермайди. Соғинч ҳисси ниҳоятда қийнаган дамда ўзини овутиш учун Ёзи хаёли-ла банд бўлиб, кашта тикади. Ўзи тиккан буюмларга кашта солар экан, қатимлар қатига дардини ҳам қўшиб куйлайди. У айрилиқ қанча азоб бермасин, висолга умид боғлайди. Шу сабаб Ёзи учун жавдар мунчоқли қўлрўмол, сачоқли белбоғ, ҳар гули нақшли қалпоқ, иккаласи учун чеварлигини билдириб, ёстиқ парчасини мўллатиб кўрпа, уй безашга зардевол, ипак гулли бўғжам, пахтагулу товусгулли уй жиҳозлари тикади. Ҳар бирини тикишда Зебо хаёлида, улардан Ёзи кўриниб туради.

Белбоғ тикай сочоқли,  
Сачоқлари мунчоқли,

Ёр белига боғлансин,  
Ёзим тоғдай қучоқли.

Бу биргина тўртликда халқона оҳангдорлик, маъно юксаклиги, бўйқиз-маъшуқа кечинмаларини, орзу-умид парвозини, халқ удумини қўриш мумкин. Белбоғлар ҳар хил, аммо куёв учун белбоғ атрофига сачоқлар (тўр шаклида) тикилади ва унга. сонсиз мунчоқлар осилади, мунчоқлар куёв белида унинг қадам ташлаши билан бир-бирига урилиб оҳанглар ҳосил қилади, товланиши билан кўзни олади. Белбоғ қадимдан эркакнинг рамзи ҳам. Ҳатто ҳозир ҳам белингда белбоғнинг борми дейди. Белбоғсизлик оғир ҳақорат. Белбоғи борлик эса сабот, мардлик, ирода, оғир машаққатларга тайёрлик. Эркак, йигит белида ҳамиша белбоғ бўлиши лозим, яъни у доимо мард, лафзи ҳалол яшаши лозим. Аммо, сачоқли, сачоқлари мунчоқли белбоғ энг улуғ кунда, куёв бўлганда белга боғланади. Бу гулли, сачоқли, мунчоқли белбоғ куёвга бахтли турмуш ато этади. Лирик қаҳрамон Зебо, белбоққа меҳрини боғлаб тикар экан, тоғдай қучоқли Ёзига-севганига бўлган муҳаббати чексиз, уни куёв ҳолида қўриш, ёнида келин бўлиб сузилиш орзусида. Хуллас, “Ёзи билан Зебо” достони икки ёш муҳаббатини оташин сатрларда ифодаловчи дoston бўлиб қолмай, айна дамда қадимий деҳқончилик, чорвачилик, хунармандчилик меҳнатини, шу меҳнат турлари билан боғлиқ қўшиқларни юксак пафосда, инсон руҳий кечинмалари билан боғлиқ тарзда акс эттиргани билан ҳам аҳамиятлидир.

## ДОСТОНДА УРФ-ОДАТЛАР ТАСВИРИ ВА БАДИИЯТ

Миллий қадриятлар, урф-одатлар, расм-русумларни тиклаш, миллий маънавият ва маърифатни ривожлантириш, бизга истиқлол берган улуғ имкониятлардан биридир. Миллий қадриятларимиз эса узоқ асрлар давомида халқнинг оғзаки бадий ижодига заррама-зарра жойланган ва даврлар тўфонидан омон келиб, ўша халқ асарлари орқали бизгача етиб келган. Шу боис бугун халқ дostonларига мурожаат этганда, уларда халқ тафаккури, урф-одатлари қай тарзда сақланиб қолганини кузатиш, ўрганиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир.

“Ёзи билан Зебо” достонининг Қодир бахши ва Қаҳҳор бахши Раҳимовлар варианты халқнинг ижтимоий, оилавий турмуш тарзи билан боғлиқ урф-одатларни, расм-русумларни, ирим-сиримларни ўзида жамлаш билан ажралиб туради. Айниқса, анъанавий дуо олиш, дуо бериш, меҳмон кутиш, келинни безаш —кийинтириш, совчи қўйиш, кўпкари, хўйя-хўй айтиш, фол очиш, кинна силаш, ҳаллослаш, ўтов тикиш, ўрмак тўқиш сингари одатлар, расм-русумлар, ирим-сиримлар ҳаётийлиги, маҳаллий ҳудудда яшовчилар руҳияти, турмуш тарзи билан мустаҳкам боғлиқлиги, миллий хусусиятларни акс эттириши ва бадиийлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Буларнинг барчаси ҳақида фикр юритиш имкони бўлмаса ҳам, айримлари тўғрисида тўхталмоқ фойдадан ҳоли бўлмас.

Маълумки, аллани ким айтиши, нимага айтиши, қачон айтилишини ҳамма билади. Болага айтилаётган аллада фақат болани тинчитиш учун эркалашгина эмас, онанинг ўй-кечинмалари, орзу-умидлари ва мавжуд яшаш тарзи ҳақида қарашлар ҳам акс этиши аён. Бироқ, болани тинчитиш, ухлатиш, ором олдириш фақат оналарнинг вазифаси бўлмаган. Ҳозир кўпроқ рўй бераётганидек, эркаклар - оталар ва боболар гўдакларни тинчитиш, унга қараш фақат онанинг ёҳуд момонинг иши деб қарашмаган. Она оилавий ишлар билан банд бўлган пайтда оталар фарзандини овутган, беланчак, бешик тебратган ва улар ҳам аллага ўхшаш қўшиқлар айтган, оталар ва боболар айтган қўшиқлар алла дейилмаган, балки “хўйя-хўйлар” деб юритилган. Хўйя-хўйлар кўп вақт болани қўлга олиб айтилган. Достонда бобо тилидан айтилган “Хўйя-хўй” намунаси берилган.

Ота-бола бахшилар маҳорати шундаки, дoston воқеалари занжиридан ҳар бир урф-одат, расм-русум мустаҳкам ўрин эгаллайди ва асар қаҳрамонларининг руҳиятини, қалб тебранишларини очиб беради. Халқда бола ширин, боласи ундан ширин ёки бола данак, боласи мағиз деб, набирасини улуғлаш мавжуд. Боболар: “Боламнинг боласи, қанддак ўрик донаси”,-деб набирасини суяди, эркалайди, авлоди давом этаётганидан қувончини ифода этади. Асар қаҳра-

монларидан бири Поёндабойнинг ”ун тўрт сурув ҳисори қора қўйи, тўққиз сурув бузовли сигири, бир сурув буқаси, уч сурув такаси, олти сурув эчкиси, етти сурув йилқиси, бир сурув айғири, икки сурув эшаги, юзта пишаги, икки юзга яқин ит ва товуғи, ўлик молдан ўттиз икки бўйноқ тилласи, тўрт сандиқ рўпияси, беш ёқдан жавҳари зари, қанча эрони, туркмани гилами” бор. Бироқ, унинг камбағал Боймамат бободек “Ҳуйя-хуй” айтадиган, эркалайдиган невараси йўқ. Шу боис Боймамат бобонинг “Ҳуйя-хуй” айтиши-ни юраги жизиллаб эшитади:

Гавҳар болам, хуйя хуй.  
Олтин болам, хуйя-хуй,  
Пўлат бўлсин бошгинанг,  
Султон болам, хуйя-хуй,  
Даврон болам, хуйя-хуй...

Бовримдаги тойлоғим,  
Хавф солмасин овлоғим,  
Душман келса пойлоғим.  
Полвон болам, хуйя-хуй,  
Арслон болам, хуйя-хуй.  
Даврон берсин худойим,  
Ухла ақлли, бойим,  
Ярқирасин манглайинг,  
Морқа болам, хуйя-хуй,  
Орқа болам, хуйя-хуй..

Шу тарзда Боймамат неварасини хуй-хуйлаб, роҳатланиб, гавдаси кенгишиб, дили енгил тортса, Поёндабойнинг юраги эзилаверади, “Набирам бўлганда, мен ҳам бир суйганимда, чори қўйнинг гўштидан минг марта зиёд бўлар эди. Зебо бировнинг бандаси.” — деб хўрсина берди. Кўринадики, мол-дунё қанчалик кўп бўлмасин, ўғилсизлик, ўғилнинг фарзандини кўролмаслик, эркалаб суёлмаслик, бой учун чексиз армон. Аввал ҳам қисман ҳозир ҳам қизга полохмоннинг тоши деб қаралган. Унинг тақдири, кимга, қаерга боғлангани, яъни полохмоннинг тоши қаерга тушиши маълум эмас. Бахшилар “Ҳуйя-хуй”и келтириш орқали бир одатни тиклаб қолмай, икки ин-

соннинг кайфиятини, ҳолатини бериб, дostonларда ҳам руҳиятни кучли, таъсирли ифодалаш мумкинлигини кўрсатди. Дарвоқе, халқда ўғилнинг ўрни бор, дейилади. Ўғилнинг фарзандини кўриш эса, ҳаётда мустаҳкам илдиз отиш, бахтиёрликдир. “Хуйя-хуй” айтаётган бобо ўз илдизини, неварасини гавҳар, олтин, пулат, полвон, арслон, султон, даврон, тойчоқ, тулпор, морқа, орқа, ақл, маъқул куёв, отам, болам деб алқар экан, унинг эл дардига дармон, ном қозонган инсон бўлишига умид қилади. Умид эса инсоннинг мангу ҳамроҳи.

Инсон умрининг ёддан чиқмайдиган лаҳзалари, қувончли онлари бўлади. Никоҳга тайёрланиш, оила қуриш, шундай лаҳзалардан бири Қодир бахшидан ёзиб олинган “Келиной” достонида Никоҳ маросимига оид урф-одатлар, расм-русумлар берилганки, ҳар бирида халқнинг ўз қадрияти, яхши нияти акс эттирилган. Биз “Келиной”да куйланган урф-одатлар ҳақида эмас, балки “Ёзи билан Зебо” достонида акс этган никоҳ билан алоқадор қизни никоҳга тайёрлаш-кийинтириш тасвири ҳақида тўхталмоқчимиз.

Қизни ювинтириш, кийинтириш, безатиш никоҳ олдидан бажариладиган қадимий одатдир. Бу одат қизнинг, бўлажак келиннинг дугоналари томонидан бажарилган. Поёндабой якка-ю ягона қизини кал Ёзига беришдан ор қилиб, бойга тўй қилаётганда, одатга кўра қизлар Зебони ювинтириб, поклашга киришадилар. Қизларга тўй бўлса, шўхлик, ўйин-кулги бўлса бас. Уларга Зебонинг ички дунёси, изтироблари, дарди бегона. Бўлғуси келин куёвга кўнгли бўлса шодланиб, қувониб никоҳга тайёрланади, мажбуран узатилаётганда эса дунё кўзига қоронғу:

Зебо эса йиғлайди,  
Нозик қалбин доғлайди,  
Ёзи калга кайғуриб,  
Боғни маҳкам боғлайди.

Шаддот қизлар унинг дардли дунёсига бепарво, ўз бурчларини бажаришга киришаверади.

Қизлар ойдаи тўлдилар,  
Какирдашиб кулдилар,

Ой Зебони йиғлатиб,  
Тогорага солдилар.

Сувдан танини гулдай қилиб, жамолини кундай қилиб  
қора сочини тундай қилиб чиқарган ой Зебони кийинти-  
ришни бошлади:

Бўғжамани очдилар,  
Бор кўйлакни сочдилар,  
Хон атласни танлашиб,  
Зебожонни кучдилар.

Шундан сўнг назмда маржон сирга тақиш, белни маҳ-  
кам сиқадиган қисмача васкача кийдириш, бўйнига ҳапа-  
мат тайлаш, бир шаҳарга тенг мунчоқлар билан безаш, оқ  
билакка олтин билакузук ўтказиш, оқ ҳарир кўйлак усти-  
дан ерга тегадиган сочларни тушириб, бошга қасоба кий-  
дириш таъриф қилинади:

Рўмол тушди ҳилкиллаб,  
Ҳар бир учи жимиллаб,  
Қирмиз желак ёпганда.  
Женги қолди қимиллаб.

...Тур дейишди тузуклар,  
Ичи куйди бузуклар,  
Ой Зебога ярашди,  
Шунда маржон узуклар.

Зебони чумилтириш, кийинтириш, келинлик либослари  
тақинчоқлари билан безаш шу қадар табиий, ўзбекона  
берилганки, бахшини тинглаш (асарни ўқиш) жараёнида  
ғўзалликка бой, иболи, ҳаёли келинлар кўз олдингизда  
намоён бўлади. Сўзларнинг, ўз ўрнида қўлланиши улар  
ўрнини алмаштиришга ҳам имкон бермайди. Сўзку-сўз,  
хатто товушларни алмаштириш ҳам маънога ва бадий-  
ликка путур етказди. Дастлаб сатрдаги сўзлардаги оҳанг,  
жило, маъно кейинги сатрлар билан узвий боғланади-да,  
бирон товушни ҳам ўзгартиришга йўл қўймайди. Масалан,  
рўмол тушди ҳилпиллаб мисрасидан сўнг, ҳар бир учи

жимирлаб деб бўлмайди. Жимиллабни жимирлабга айлан-тириш оҳангдорликнигина эмас, маънодаги нозикликни ҳам йўққа чиқаради. Ёхуд шу банднинг сўнги мисрасидаги қимиллабни қимирлаш деб алмаштириш мумкин эмас. Гарчи адабий тилда қимиллаш ва қимирлаш бир хил маъно касб этса-да, халқ тилида уларга юкланган маъно турлича. Сўзлардаги маъно нозиклигини англаш, оҳангдорликка зътибор бериб қўллаш орқали воқеликни ёдда қоларли тарзда баён этиш албатта куйчининг-бахшининг салоҳиятидан, маҳоратидан нишона. Улар ҳар бир воқеа баёнида таққослашни, яхши ва ёмонни қиёслашни унутмайдилар. Зеро яхши билан ёмон, оқ билан қора, дўст билаи душман, диёнат ва хиёнат ҳамиша ёнма-ён бир-бирини маҳв этиш учун курашиб яшайди. Бу фикр ростлигига сўнги банднинг дастлабки икки сатрида ҳам ишонч ҳосил қиламиз: “Тур дейишди тузуклар, ичи куйди бузуклар”. Зебо-ни безантираётганлар орасида ҳам унга хайрихоҳлар қанчалик бўлса, ҳуснига, одобига, ахлоқига, ҳунарига ва ниҳоят, келин бўлаётганига ҳасад қилувчилар бор. Уларнинг ичи куйиши бузук феъл-атвори учун жазодир.

Анъанавий эпосда отда пойга чопиш, кўпқари ўйини кўп таърифланган ва пойга-ю кўпқари тасвирида ҳам романтик баён услуби етакчи ўрин тутаяди. Аммо тадқиқ этаётганимиз “Ёзи билан Зебо” достонида деярли барча урф-одатлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар реалистик услубда берилаяди. Бахшилар дostonда тасвирланган урф-одатларга ҳозирги кунда ҳам амал қилинаётган ҳудудда яшаганидан, уларга кўп бор гувоҳ бўлганидан ҳаётда кўрган билганларини дoston воқеалари қатига сингдира олади. “...чавандозларнинг жандаси жолпиллаб, оёғидаги нўғай этиклари торпиллаб, от-отиға овушиб, кўпқарига тайёрлаётир. Отларнинг кишнаши, бир-бирига урилиши, узангиларнинг тақирлаши, чавандозларнинг беҳаё бақирик-чақириги, така тайланиб, отларнинг така устига дўнишлари”, кўпқаридаги манзарани ифода этади. Шеърий таърифда “От чопар даста-даста, қамчилари чапараста” каби бир икки анъанавий тайёр мисралар учраса ҳам улар етакчи характерга эга эмас.

Кўпқарида чавандозлар улоқ учун алоҳида-алоҳида ўртага тушмайди, балки ҳар уруғ, ҳар қишлоқ, овул бир-галикда, қишлоқ ёхуд уруғнинг обрўси, шуҳрат-шони учун курашга тушадилар. “Ҳар уруғнинг зўрлари, қўллаб эшон, пирлари” даврага кирганда орият учун курашади:

Нечов бети шилиниб,  
Қанча қамчи бўлиниб,  
Чавандозлар от хайдар,  
Ор-номусга бўлиниб.

Така ердан олингач, чавандоз ўнлаб, юзлаб рақиблар даврасидан узилиб чиқиши лозим. Бу осон эмас, албатта. Аммо ҳар моҳир чавандознинг ўз қўлловчилари, ёрдамчилари, юқорида айтилганидек, уруғдошлари ёхуд қишлоқдошлари борки ўшалар кўмаклашади. Улоқни олган чавандознинг ён томонида бўлишга, катта даврадан узила, ажралиб кетишига ҳиссасини қўшади. Қачонки, баковул “ҳалол”, -деб бақиргач, чавандоз улоқни ерга ташлайди ва айтилган соврин (зот)ни олади:

Баковули бақирар,  
Хуржинчини чақирар.

Кўпқари теп-текис жойда бўлмаган, ҳозир ҳам бўлмайди. Кўпқари учун алоҳида жой танланган бўлиб, томошабин тепаликдан туриб кузатиши, кўпқари эса пастликда чопилиши лозим. Кўпқарига йиғилган барча 500-600, баъзан минг ва ундан ортиқ чавандоз бир пайтда кўпқарига қўшилиб, бир пайтда чиқиб ҳам кетмайди. Кимдир бошида, кимдир ўртада, кимдир охирида даврага қўшилади. Отлар ҳам ҳар хил усулга ўргатилган. Қайсидир от давранинг ўртасига ёриб кириб боради, ҳатто оёғи, кўкраги билан босиб, ўз чавандозига така (улоқ)ни олишга кўмаклашиб, даврадан чиқишга интилса, ўзгаси четдан олиб чопишга моҳир. Кўпқарида улоқчи отларга дам бериб чопиш, отни чарчатиб кўймаслика доимо зътибор қаратилади.

Ҳар газада Қўшхона,  
Қўшга сайис парвона,

Гоҳ соғутиб отларни,  
Яна ҳайдар мардона.

Чавандоз улоқни даврадан олиб чиқиши билан четда пайт  
пойлаб турганлар унинг изидан от қўяди:

Сурдов келар гуриллаб,  
Тойчи қочар чириллаб,  
Неча чолнинг салласи,  
Тушиб қолар гириллаб.  
От жilовин қайириб,  
Четкир келса уйириб,  
Хурсанд бўлар келганлар,  
Кўзи, улоқ айириб.

Сурхондарё-Қашқадарё вилоятларида кўпкарининг энг қизиган пайтида тўй эғасининг зоти (совруни) ёҳуд тўй эғаси ташланади. Тўй эғаси ва тўй эғаси совруни тушгунчаси асли бир бўлиб туюлсада, улар фарқланади. Ўхшашлиги бу соврун энг кўплиги, қимматбаҳолиги билан ажралиб турса, фарқи шундаки, тўй эғаси, соврунида нималар олиши баковул томонидан айтилади, эълон қилинади. Тўй эғаси ташланганда эса соврун номаълум бўлиб туради. Тўй эғаси соврунга ташланганда, уни айирган чавандоз инсоф билан от ёки туя ҳозирда машина ёҳуд мотоцикл сўраши мумкин Албатта, сўралган соврун берилади. Мана “Ёзи билан Зебо”да тўй эғаси соврунининг ташланиши:

Энди отлар шайланди,  
Беллар маҳкам бойланди.  
Айни чошгоҳ бўлганда,  
Тўй эғаси тайланди.  
Икки кўзи беш улоқ,  
Учта тана бир бўлак,  
Беш зотига бир туя,  
Чавандозлар бўл халак.

Ана шу бир мартада ташланган икки кўзи, беш улоқ, учта тана ва бир туяни кутиб турган энг моҳир чавандозлар “жангга” киради. Бу ерда соврундан кўра, бош совруни

палончи чавандоз олибди, палончининг оти олибди деган ном қозониш муҳим. Шу сабабли аввалги соврунларда та- рафкашлик кўп кўзга ташланмаса бу мартаги улоқ учун бўлган курашда қишлоқ ёки уруғ чавандозлари уюшган ҳолда ҳаракат қиладилар. Улоқни айирган чавандозга ким- дир кўмаклашса, ҳақини сўрайди ҳам. “Тўй эгасининг зо- тига шериклик кўпайди. “Мен отингни қайирдим”. “Мен жиловидан ушладим”, “Мен отингга қамчи урдим”, “Ер- дан кўтарганингда мен ҳам ёрдамлашдим”, деб Панжи чо- поғонни ўртага олдилар. Панжи ҳам бари билан, озми,- кўпми собиқа қилаберди”.

“Ёзи билан Зебо” достонида инсон тарбияси, яшаш тар- зи, урф-одатлари билан биргаликда халқнинг турмушида- ги ирим-сиримлар ҳам жонли тасвирланади. Бу жиҳатдан инсон хасталанганда фол очириш ва беморга чироқ ёқиб, халлослаш характерлидир. Маълумки, оиланинг бирон аъзо- си соғлигини йўқотганда фақат табибларга даволатиб қол- май, уни азайимхонларга, мулла, эшонларга ўқитиш (қай- тарма қилдириш, ёсин тушириш) азиз авлиёларга зиёрат- га олиб бориш, дам солдириш, кинна силатиш, фол очи- риш, чироқ ёқтириш, халлослаш, қон чиқариш сингари турли-туман ирим-сиримлар ёҳуд илоҳийлик билан боғ- лиқ даволаш усулларига ҳам мурожаат қилишган. Булар кўпчилиги сўз магияси ва оташпарастлик эътиқодларидан келиб чиққан бўлиб, қадимий асосларидан анча йироқла- шиб кетган бўлса-да, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятла- рининг кўпгина туман ва қишлоқларида ҳамон бажарила- ди. “Ёзи билан Зебо” достонига киритилган хастага фол очириш ва чироқ ёқиб, халлослаш шу кейинги ҳолатлар бўйича киритилган. Зебо жудолик дардида, Ёзининг ҳаж- рида касал бўлиб қолади. Унинг хасталик боисини аниқ бил- маган онаси жўги (лўли) фолчига фол очиради. “Жўги момо: “Рост сўзла, момоларим”,-деб доирасинн дукилла-тиб, кал- ласини лиқиллатиб, тақинчоқларини шикиллатиб, ой Зе- бони инқиллатиб фол оча кетади.

Бахтингдан очайми, болам,  
Тахтингдан очайми, болам,

Юзинг гулдай очилган ҳей,  
Аҳдингдан очайми, болам.  
Тушундингма, ой Зебо.  
Туда жинга дуч келибсан,  
Юра-юра кўп толибсан,  
Бир иисонга кўнгил бериб,  
Изига зор бўб қолибсан.  
Шу фолда жин кўринди, болам.  
Чоршанба кун десамми ё,  
Пайшанба кун десамми ё,  
Қанжалоқдан ҳақкалабсан,  
Сенга қурбон бўлсамми ё.  
Қанжалоқ ҳам кўринди, болам.

Бахши маҳорати шундаки, фолчи Зебони ҳам, онани ҳам, тингловчини ҳам ишонтиради. Шу боис фолбин кўзига кўринган жин, қонжалоқ, суқ, кўз, дуолардан Зебони озод қилиш, ўша ёвуз кучларни ҳайдаш, беморнинг соғайиши учун қонлик чиқариб (қўй сўйдириб), унинг қонидан чироққа суртиб (бир қанча қамишга пахта ўраб, уни ёққа ботиргач) ёққан ҳолда беморни халлослаш, ҳозирги кун нуқтаи назаридан ниҳоятда табиий чиққан ва мазкур тасвир дostonнинг умумий воқеаларига сингиб кетган:

Жинлар жонни қийнама.  
Менинг билан ўйнама,  
Ҳозир кетгин Зебодан,  
Ёлғиз қизга иннама,  
Ё худо, ё Али, ё пирим.

Қушнач, кинначиларнинг жинлар, ажиналар, ёвуз кучларга дуқ-пўписа қилиши, уларни бемор танасидан ҳайдашда кўрқитиш, эзгу руҳларнинг мададига таяниш, Жўги момонинг айтимларида ҳам кўринади:

Ушлаб гўрга тикаман,  
Суқни сенга тикаман,  
Агар шундан чиқмасанг,  
Дабим билан боқаман,  
Э эгама, ё жаббира, ё пирима.

Бу ерда ёвуз руҳлар дўқ уриш билан бемор вужудидан чиқмаса, қоқимдан кейинги даво турига - боқимга ўтиш ҳам эслатилади. Асосийси ўз хасталиги боисини билган Зебонинг Жўги момо (фолчи, қушноч)га, унинг ҳаракатларига бефарқлиги, Пояндабой ва Робиянинг қизининг тузалиши учун ҳамма нарсага тайёргарлик ҳамда фолбинга ихлоси, Жўги момонинг руҳиятидаги ўзгаларни ишонтира билиш ва бойлик, мол-дунё учун ўзгаларни алдай олиш ҳолатларининг яхлит ҳолда берилишидир.

“Ёзи билан Зебо” достонида урф-одатлар, расм-русумларнинг алоҳида олинган воқеабанд тасвиридан ташқари дoston яратилган ерли халқ табиатига хос хусусиятлар, миллий қадриятларни ифодаладиган, ўзаро мулоқотдаги эзгу ниятни кўрсатадиган иборалар ҳам кўплаб учрайди. Масалан, салом-алик, хол сўрашда Жанубий Ўзбекистонга хос қўйма иборалар борки, улар одоб-ахлоқ, маънавий камолат рамзи бўлиб хизмат қилади. Масалан, Ёзи: “Ассалому алайкум яхшилар, хирмонингиз тўлсин” деб деҳқонларга мурожаат қилганда улар “Ваалайкум ассалом, йўлингиз ўнсин”, —деб жавоб қайтаради. Халқда “ҳорманг” деб ишлаётганга мурожаат этиш умумий ҳоллашувни ифодалайди. Аслида ҳар бир касб эгасига шу касбнинг моҳиятидан келиб чиқиб, ният билдирилади ва шунга яраша жавоб кутилади. Ёзи билдирган ниятга жавобан деҳқонлар, қаерга кетаяпсан деб эмас, йўлингиз унсин деб истагини айтаяпти. Дарвоқе, халқда қаёққа кетаяпсан, нима қиляпсан каби сўров йўқ. Балки, йўл бўлсин, ишингиз унсин, савдога ёки хирмонга барака, кирингиз оқарсин деб омад тилаш бор. Жавоб ҳам умрингизга барака, йўлингизни берсин, кўнглингиз оқарсин сингари эзгу ниятли жумлалардан иборат бўлади. Шунингдек, дoston қаҳрамонларига хос характер хусусиятларини кўрсатишда фольклор асарларига умумий тасвирлаш билан бирга хусусий ҳолатлар ҳам ишонарли тасвирланган. Агар Ёзи, Зебо, Поёндабой, Абдуллахон образларида эпиклик кўпроқ намоён бўлса, Зебонинг онаси Робия образида содда, меҳнатсевар, меҳрибон она сиймоси ўз аксини топган. “Робия ирғада ўтирган кал болани кўриб, енгини тушириб, қўлини енгининг ичига олиб, қўл учи билан

кўришди”. Бу соддагина тасвирда Қодир бахши ва Қаххор бахшига яшаган қишлоқ, шунингдек, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларининг қўнғирот уруғи яшайдиган худудларарида яшовчи аёлларнинг хоҳ ёш бўлсин, хоҳ катта, эркак жинси билан кўришмоқ одати ўз аксини топган. Улар ҳамон ўзининг энг яқин қариндошлари билан кўришаётганда минг бир андиша, ибо билан энг учиди қўл узатади, меҳмоннинг юзига тик боқмай сўрашади. Робия шуларнинг умумлашма образи: “Робия чин меҳнатқаш, оёғи энгил, тиниб-тинчимас дилбар жувон эди. Қизим ёлғиз ўйнаб-кулсин демай, ички иш, ташқи ишга ўргатиб тайлаган, меҳнатга муҳаббатли қилиб бойлаган эди. Бир жойга тушса, энасининг егани захари бўлсин, деб айтмасин, ишга ўргатайин деб Робия ҳамма ишларни ўргатиб, Зебони ҳамма ишга зебо қилиб қўйган эди. Дарвоқе, элда арқоғини кўр, бўзини ол, энасини кўр, қизини ол мақоли беҳуда яратилмаган. Онаси Робиянинг уйловлилиги, ишчанлиги, ҳунармандлиги, самимияти Зебога ҳам ўтган. Шу боис у барча ишларни—ўрмак тўқиш, қийиш, босиш, турли бичиш-тикиш, каштачилик, кубу пишиш, қурит қилиш, сигир, қўй, эчки соғиш кабиларни мукамал ўрганганки, буларнинг барчаси рўзғор қуриш, оила тебратиш, яшаш учун жуда зарур. Чорвадор оилада шу ишларни бажармасдан, билмасдан яшашга имкон йўқ. Меҳнат билан зийнатланган Зебо гўзалликда ҳам тенгсиз. Беқиёс ҳусни жамол, қалб гўзаллиги садоқат билан уйғунлашиб кетади:

Девонага яйлов бўлар тушларим,  
Қамчисига бурам бўлсин қошларим,  
Менинг учун хафа бўлманг, Ёзижон,  
Булут бўлиб соя берсин сочларим.  
Сизнинг учун садақа бўлсин тилагим,  
Йўлингизда соқчи бўлсин юрагим.  
Симоб бўлиб сузилайин Ёзижон,  
Бўйнингизга тасма бўлсин билагим.

Ушбу мисолда дастлабки сатрларни ўқигандаёқ (эшитгандаёқ) кўз олдимишга алп қиз Барчиннинг Алпомишга “Оқ тушим яйловинг, сочим супурги” деган илтижоси келади. Барчин ва Зебонинг севиклисига садоқати бирдек юксак,

бекиёс бўлса-да, аммо ҳар бири индивидуал образ сифати-да садоқатини баён этишда ўзига хосликка эга. Гарчи Зебо-нинг сўзларида Барчин нутқининг таъсири бор дейилганда ҳам, бахши маҳорати Зебо руҳиятини янада нозикроқ, чуқурроқ тасвирлашда кўрилади. Аввало, юқорида айтганимиздек, Ёзи ва Зебо муҳаббатиде илоҳийлик мавжуд. Шу илоҳийлик боис ошиқ ўзини ақли-ҳушдан айрилган девона деб билади. Девонани эса ҳамма тушунавермайди, уни фақат маъшуқа англайди. Зебо Ёзининг девоналигини англаганидан, тушини яйлов қошларини қамчисига бурама бўлишини истайди. Қодир бахшидан дастлабки ёзиб олинган дostonлардан бири “Ойша”да: “Булут бўлиб соя солгин боши-ма” деган сатр бор. Буни эслашдан мақсад шуки, шу сатр айрим ўзгаришларга учраган ҳолда бахши қуйлаган барча дostonларда қўлланади ва ҳар дафа маълум мақсадга бўйсундирилади. Зебо: “Булут бўлиб соя солгин сочларим”, — деганда ўзига мадад сўраётгани, булутта илтижо қилаётгани йўқ. Балки ўзининг сочлари ёйилиб севганига соя солишини, ошиқнинг ёнаётган вужудига эпкин беришни, ўзи оловга айланган Ёзини қуёш тафтидан асрашни хоҳляпти. У барча тилакларини, орзу-умидларини ошиққа садқа қилишга тайёр. Ошиқни асраш, пойлаш учун кўз соқчи бўла олмайди. Чунки кўз алдамчигина эмас, балки унинг ҳамиша бедор бўлиш имкони ҳам йўқ. Кўз уйқуга кетади. Фақат қалб, юрак бедор, угина соқчи бўла олади. Соқчиликдан мақсад, ошиқни қарши олиш ва унинг вужудига симобдай сингиб кетиш. Бахши симобнинг хусусиятини яхши англагани ҳолда шу ўхшатишни танлайдики, бу ҳам маҳорат. Гарчи ўхшатиш анъанавий бўлмаса-да, ниҳоятда ўринли. Таъкидлаганимиздек, илоҳий ишқнинг натижаси Оллоҳга қўшилиб кетишдир. Йиғлай-йиғлай хумор кўзлар кўр бўлди,

Ёлғончида пещоналар шўр бўлди,

Малайкалар қучоғига олганда,

Ёзи-Зебо кун тиймаган ҳур бўлди.

Чекилган заҳмат, ишқ йўлидаги ҳадсиз азоб-уқубат, тўкилган кўз ёшларнинг натижаси ҳурликка эришиш эканлиги дoston сўнгида юқоридагидек яна бир бор уқтирилади.

Бахши маҳорати ҳақида гап кетганда бадиий тасвир воситаларни қўллаш, адабий усуллардан фойдаланиш, тил имкониятларини ишга солишнигина эмас, бир жанр доирасида ўзга жанрга мансуб асарларни қўллашни ҳам англаймиз. Шу нуқтаи назардан қараганда “Ёзи билан Зебо” достонида ҳам асар сюжетига мақоллар, топишмоқлар, туюқлар, ривоятлар, қўшиқлар ўта санъаткорлик билан сингдириб юборилганини ва улар бош ғояни очишга хизмат қилганини таъкидлаш kifоя.

Лой томларнинг устидан ўтар чакки,  
Сори мойдир кубига тушса чакки,  
Куёвини ҳайдади ўз уйдан,  
Қизин бермай севганига қилди чакки.

Асли касби ўзбек тили ва адабиёти мутахассиси бўлган Қаҳҳор бахши туюқ жанрини назарий жиҳатдан ҳам яхши билади ва шу боис чакки сўзининг шевадаги маъноларидан ўринли фойдаланган ҳолда Поёндабой уйдан кетаётган Ёзи тилидан юқоридаги туюқни яратади. Биринчи мисрадаги чакки, томчи маъносидадир. Маълумки, яқин яқингача уйларнинг усти лой шувоқ қилинган ва ёмғир кўпроқ ёққанда томчи томиб, яшовчиларни безовта қилган. Иккинчи мисрада чакки сўзи адабий тилдаги сузма (қатикнинг зардоби олиб, қуюқлангани) атамаси билан синоним (маънодош). Ерли халқ, чорвадорлар чакки (сузма)ни кубига пишириб ёғ олишган. Шу боис чакки кубига тушса, сори мой бўлади дейилмоқда. Тўртинчи сатрдаги чакки хато маъносида қўлланмоқда.

Яъни, Поёндабой қизини севганига бермай чакки (хато) қилди. Юқоридаги тўртлик туюқда мисралар орасида алоқа йўқдек кўринади. Аслида чуқурроқ назар ташланса, ошиқ йигитнинг руҳий ҳолати яхлит намоён бўлади. Уйдан томчи томиши кўнгилсиз ҳодиса, безовталик, беоромлик. Сори мой олиш ҳам кўп меҳнат талаб қиладиган машғулот. Аммо оғизнинг мойга етиши учун ўша машаққатдан қочмаслик лозим. Шунингдек сори мой атамаси қизлар гўзаллигининг ифодаси сифатида ҳам ишлатилади. Академик шоир Ғофур Фулом қозоқ қизларини мақтар экан, беҳудага “Сори мойдай сўлқиллаган, ғоз умровли қизлари” демаган. Ёхуд эпосда

юзларидан мой томиб туради деган ибора ҳам бор. Дастлабки икки мисрадаги безовталиқ меҳнат натижасига сўнги икки сатрда хулоса чиқарилади. Поёндабой “қизини бермай севганига қилди чакки”. Бахши Ёзининг кайфиятини ёритишда давом этар экан, кейинги бандда ҳам тажнисдан фойдаланади:

Салом бердим отангга келса туриб,  
Қийин ишни бажардим енгиб туриб,  
Ўз куёвин ҳайдаса таёқ билан,  
Зебо қандай яшайди уйда туриб.

Хурмат-иззатни жойига қўядиган, қийин ишларни оғринмай бажарадиган йигит ҳамиша хурматга лойиқ бўлиши лозим. Бундай хусусиятга эга йигитларни кўпчилик куёв қилишга интиқ, куёвлар эса қадрланган. Аммо, Ёзи саломни туриб, одоб билан берса ҳам, ҳар қандай оғир ишларни бажарса, бажаришга тайёр турса ҳам бўлгуси қайнота уни уйдан таёқ билан уриб ҳайдамоқда. Ана шундай бир ҳолатда, ошиқ маъшуқа хонадонидан хор бўлиб ҳайдалаётганда, маъшуқа қандай кайфиятда? У ошиқни дилдан севса, у уйда қолиб қандай яшайди? Хулоса, оддий чин ошиқлар ажралиб яшай олмайди. Ошиқ буни англасада, безовта, ҳайратда. Бу ҳайрат тингловчи (ўқувчи)га ўтади. Хўш, Ёзидан жудо бўлган “Зебо қандай яшайди уйда туриб?”.

Жанубий Ўзбекистон бахшилари репертуаридан ёзиб олинган дostonларда шеърий тарздаги жумбоқли савол-жавоблар, топишмоқлар кўп учрайди. Улар асосан эпик қаҳрамоннинг билимини, тушунчасини, дунёқарашини, топқирлигини, зукколигини ифодалаш учун хизмат қиладди. Мана, Ёзи билан Зебо ҳам бир-бирининг ақлий қувватини синаб кўрмоқда.

Зебо:

Сурувли қўй сувга энди,  
Сулув йигит бирга энди,-

деб жавобини кутганда, оддий тингловчи сурувни ва уни сувга эндирган чўпон йигитни ўйлаши мумкин. Аммо Ёзининг жавоби дастлабки тасаввур нотўғрилигини кўрсатади:

Сурувли қўй сувга энса,  
Сулув йигит бирга энса,  
Иккови ҳам бошма-бош,  
Чўмич билан кесган ош.

Достонларда берилган бу каби топишмоқларнинг дастлабки икки мисраси қисмангина ўзгаришга учраб такрорланади ва сўнгги икки мисрада жавоб берилади. Аммо бу қатъий тартиб эмас. Савол-жумбоқ уч мисрада берилиб, тўртинчи мисрада жавоб қайтарилиши, ёхуд тўрт мисра, тўрт хил савол ва тўртта жавобдан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Нима бўлар қушдан ҳам тез учади.  
Нима бўлар ер бағрини қучади,  
У нимадир қўрқмай сириг-очади,  
Муна саволимга жавоб айлагин.

Фикр бўлар қушдан ҳам тез учади,  
Булут бўлар ер бағрини қучади.  
У ойнадир одам сириг очади,  
Билар-билмас устоз, жавоб айладим.

“Ёзи билан Зебо” достонида валий кишиларнинг, эшонларнинг каромат қила олиши ҳақидаги ривоятлар ҳам, мустақил терма жанри даражасига кўтарилган насихатлар ҳам асарнинг умумий композициясига сингдириб юборилган, воқеалар занжирига мустаҳкам боғланган. Шундай термалардан бири Абдуллахон Ёзига Зебодан воз кечишни, қизига уйланишни таклиф этганда Ёзи тилидан айтилади:

Номард ўзин мард билади панада,  
Бошга иш тушганда фарқи билинар...

## ЭТНОПЕДАГОГИКА ВА МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТ

Масалалар:

1. Этнопедагогика ва педагогика назарияси.
2. Этнопедагогиканинг хусусиятлари.
3. Этнопедогогика ва миллатнинг шаклланиши.
4. Этнопедагогика ва миллий қадриятлар

Миллатни миллий тарбия шакллантиради. Бу оддий ҳақиқат. Шунингдек, миллий тарбия халқ педагогикасининг муҳим йўналиши экани ҳам исбот талаб қилмайди. Халқ педагогикаси эса, халқ ижодининг таянчларидан бири. Чунки халқдаги ижодкорлик хусусиятини ўзини ҳам шу халқ педагогикаси тарбиялайди.

Халқ ижоди – битмас-туганмас хазина. Унинг бойликларидан қанча кўп баҳраманд бўлсак, у камаймайди, балки шунчалик бойиб боради. Уни қанчалик чуқур ва кўп ўргансак, у шунчалик кўп янги қирраларни зуҳур этади.

Халқ педагогикасининг муҳим хусусиятларидан бири шундаки у миллат хусусиятларининг сақланишини, ҳатто яралишини таъминлайди, бошқача айтганда у миллатни миллат сифатида, халқни халқ сифатида сақлаб турувчи муҳим асосдир.

Халқ педагогикаси бўлмаса, халқ ўзининг хусусиятларини йўқота боради ва охир-оқибат бошқа халқлар таркибига сингиб кетади. Худди шу хусусияти туфайли у шўролар даврида тилга олинмади, ўқитилмади, унутишга маҳкум этилди, чунки унинг халқни халқ, миллатни миллат сифатида тарбиялаши шўроларнинг сохта байналмилалчилик сиёсатига мос келмас эди. Бу сиёсатнинг сохталиги шунда эдики, у гарчи сўзда байналмилалчиликни тарбиянинг муҳим тамойили, деб эълон қилган бўлса ҳам, амалда тарбия бир миллатни мадҳ этиш, бошқалар тўғрисида гапирмаслик, гапирганда эса, уларнинг ўтмишда қанчалик қолоқ, саводсиз, маданиятсиз бўлганини рўкач қилишдан

иборат эди. Аслида эса, байналмилалчилик фақат бир миллатни кўкларга кўтариб, бошқаларни унутишга эмас, барча миллатларни ҳурмат қилишга асосланиши керак эди.

Шўроларнинг байналмилалчилик сиёсати қанчалик ҳақиқий ва самарали экани ўтган асрнинг 80-йилларига келиб аён бўлиб қолди. 80-йилларнинг охирларида бир қатор минтақаларда миллатлараро муносабатлар кескинлаша бошлади, қатор ҳудудларда, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам, миллатлараро тўқнашувлар юз берди. Бундай тўқнашувлар натижасида беғуноҳ одамларнинг қони тўкилди. Аслида халқ педагогикасига ёвларча муносабатда бўлмай, унинг қадрига етилганда бундай машғум ҳодисалар юз бермаслиги мумкин эди. Чунки халқ педагогикаси фақат миллий тарбияни амалга оширмай, бошқа миллатларга ҳурматни ҳам тарбиялайди. Тўғрироғи халқ педагогикасида миллий тарбия бошқа миллатларга ҳурмат билан уйғунликда олиб борилади.

Ижтимоий психология ва педагогикага оид ҳозирги адабиётларда миллий характерни тарих ва ижтимоий муҳит шакллантириши айтилади. Миллий характернинг шаклланишида тарих ва ижтимоий муҳит муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Лекин шу билан бирга уларнинг ўзи миллий характер шаклланиши учун кифоя қилмаслигини ҳам айтиш лозим. Тарих ва муҳит характерни шакллантириши тўғри, лекин бу характер миллий характер бўлиши учун тарих ва муҳитдан ташқари миллий тарбия ҳам бўлиши лозим. Миллий тарбия бўлмаса характер миллий характерга айлана олмайди.

Айтилганлардан халқ педагогикасининг ягона вазифаси миллий характерни шакллантириш экан, деб хулоса чиқариш нотўғри бўлар эди. Халқ педагогикаси халқ характерини шакллантириш билан бирга ахлоқий, бадиий, диний, сиёсий, жисмоний тарбия йўналишларида ҳам намоён бўлади.

Халқ педагогикаси юқорида санаб ўтилган ва бошқа яна бир қатор йўналишларда ўзини намоён қилиш учун муайян воситалардан фойдаланади. Улар жумласига уйинлар, маросимлар, анъаналар, эртақлар, дostonлар, топишмоқ-

лар, аския, халқ қўшиқлари, муסיқаси ва бошқаларни киритиш мумкин. Бу воситалардан замонавий педагогика ҳам фойдаланади. Лекин фарқ шундаки, замонавий педагогика бу воситалардан бошқа воситалар билан бир қаторда фойдаланса, халқ педагогикаси улардан асосий восита сифатида фойдаланади.

Ҳозирги замон педагогикасида халқ педагогикасига яқинлаштиришнинг кучли тамойиллари кўзга ташланмоқда. Масалан, замонавий педагогик технологияларда интерактив усулларга катта ўрин ажратилмоқда. Айниқса, ролли ўйинлар, хизмат ўйинлари каби шакллар кенг ёйилмоқда. Ҳолбуки, бу шаклларнинг асоси юзлаб эмас, минглаб йиллар олдин халқ педагогикасида халқ ўйинлари шаклида яратилган эди. Бу мисол ҳам ҳар қандай янгилик – яхши унутилган эскилик экани ҳақидаги матал тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди. Этнопедагогика муаммоларини чуқурроқ таҳлил қилиш замонавий педагогика масалаларига янгича қараш имконини беради. Таҳлил шуни кўрсатадики, этнопедагогика усуллариининг кўпчилиги интерактивликка асосланган. Масалан, ўйинлар, топишмоқлар, маросимлар, масаллар, бошқотирмалар ва бошқалар интерактивликсиз мутлақо мавжуд бўла олмайди. Эртақлар, афсоналар, дostonлар, халқ қўшиқлари эса, интеллектуал интерактивликни тақозо этади.

Замонавий педагогика муайян даврларда интерактивликдан узоқлаша бошлаган эди. Ҳозир эса, яна интерактивликка қайтиш тамойили кузатилмоқда. Лекин ҳали педагогикада интерактивликдан узоқлаштириш даври асоратлари тугатилганича йўқ. Ҳаттоки педагогика фанининг таянч тушунчаларида ҳам бу асорат сезилиб турипти. Масалан, педагогиканинг марказий объектларидан бири бўлган тарбияга берилган турли таърифларда ҳам буни сезиш мумкин. Яқин даврларгача тарбия жараёни педагогикада субъект – объект муносабатлари сифатида талқин этилар эди. Бу ҳолат деярли барча дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва луғатларда тарбияга “инсон онги ва хулқига муайян установкалар, тушунча, тамойил, кадриятларга йўналтирилганлик-

ни шакллантириш учун мақсадли таъсир ўтказиш”, деб берилган таърифда ҳам кўриниб туради. Турли муаллифлар бу таърифга баъзи жузъий ўзгаришлар киритганлар, лекин унинг моҳияти аслича қолган. Бу таърифда тарбияланувчига объект, тарбиячига эса субъект сифатида кўраш ифодаланган. Тарбияга бундай ёндошувнинг илдизлари тарбияланувчи оқ қоғоз, тарбиячи эса хат битувчи деган ақидага асосланади. Бу ақидага кўра тарбияланувчи бўш идиш бўлса, тарбияловчи унга маҳсулот қуйиб турувчи шахс. Бундай ёндашув самарасиз бўлишдан ташқари зарарли ҳам эканини педагогика тарихи кўрсатди.

Тарбия жараёнини бир томонлама, режали, мақсадли таъсир ўтказиш, деб таърифлаш уни киши онгини манипуляция қилиш, яъни ҳоҳлаган кўйга солиш билан айнан бир хил қилиб қўяди. Ёшларни зомбиларга айлантиришга уринаётган ва муайян даражада мақсадга эришаётган диний экстремистлар ҳам ана шундай “мақсадга йўналтирилган, режали таъсир” ўтказадилар. Киши онги устида турли манипуляциялар ўтказиш бўйича рисола ва қўлланмаларда ҳам манипуляцияга худди тарбияга “субъект-объект” муносабатлари доирасида берилган таъриф билан айнан бир хил таъриф берилади. Ана шундай қўлланмаларнинг энг сўнгиларидан бирида бу ҳақда қуйидагилар билдирилади: “Биринчидан, бу – жисмоний зўравонлик ёки зўравонлик таҳдиди эмас, маънавий, руҳий таъсир ўтказиш тури. Иккинчидан, бу – манипуляция объектига сездирмай таъсир ўтказиш (қаранг: Кара-Мурза С.Г. Краткий курс манипуляции сознанием. Москва, “Алгоритм”, 2002г. с.12.) Бу таърифнинг биринчи қисми педагогика бўйича қўлланмаларда тарбияга берилган таърифга тула мос тушади. Педагогика дарсликларида ҳам тарбия зўравонлик ёки зўравонлик таҳдиди сифатида эмас маънавий руҳий таъсир ўтказиш тури сифатида талқин қилинади. Таърифнинг иккинчи қисмига келсак, педагогика бўйича қўлланмаларда тарбияни яширин таъсир ўтказиш, деб айтилмаса ҳам, унинг мақсадлари очик-ойдин айтилмаслиги назарда тутилади. Ҳеч бир тарбиячи ўзи тарбияламоқчи бўла-

ётган объектга “сени мана шундай мақсад билан тарбияламоқчиман”, деб ошқора айтмайди. Айниқса, юқори синф, ўрта махсус билим юртлари ўқувчилари, олий мактаб талабалари билан ўтказиладиган тадбирларда тарбия мақсадлари ошқор қилинмайди. Бирорта соғлом фикр юритадиган тарбиячи тарбия объектларига мен сизларни тарбияламоқчиман, деб ҳам айтмайди. Аксинча, тарбия самарадорлиги кўп жиҳатдан унинг мақсадларидан эътиборни қай даражада четга тортилишига боғлиқ бўлади.

Катталар у ёқда турсин, ҳатто болаларга ҳам, тарбиячининг сизларни тарбияламоқчиман, деб айтиши ёқмайди. Шунинг учун ҳам тарбиячилар тарбияланувчиларни тарбиялаётганларини ошқор этмасликка ҳаракат қиладилар. Шундай қилиб, манипуляцияга берилган таърифнинг иккинчи қисми ҳам педагогик адабиётларда тарбияга берилган таърифга мос тушмоқда.

Тарбия жараёнига онг устида ўтказиладиган манипуляциялар билан бир хил таъриф бериш тасодифий ҳодиса эмас. У шўролар жамиятининг тарбия жараёнига ёндашуви хусусиятларини ифодалайди. Тарбия жараёнига манипулятив ёндашувнинг шаклланиши ва ўрнашиб қолишига асосий сабаблардан бири шундаки, тоталитар тузумга мустақил фикр юритувчи кишилар ёқмасди. Унга итоаттўй, манипуляцияларга берилувчан одамлар керак эди. (Шўролар тузумининг ўз фуқароларига муносабатини манипуляциядан бошқа нарса деб бўлмайди).

Кейинги йилларда тарбияга берилган таърифларга ўзгаришлар киритишга, унга янгича таъриф беришга уринишларга келсак, бирмунча ижобий силжишлар кузатилади. Масалан, 2000 йилда нашр этилган “Педагогика” маъруза матнларида тарбияга қуйидагича таъриф берилади: “Тарбия – маънавий манбалар ва ҳозирги замон талаблари ва эҳтиёжларини назарда тутган ҳолда, ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган ўзаро амалий ва назарий мулоқотидир” (Қаранг: “Педагогика” Маърузалар матни. Т.: 2000. 38-бет) Бу таъриф “аввалгиларга қараганда шубҳасиз ҳақиқатга яқинроқ, чунки унда тарбия мулоқот жараёни

сифатида талқин қилинмоқда. Бунда таъриф муаллифлари мулоқот жараёнида икки томоннинг иштирок этиши, демак у интерактив жараён, деган тасаввурдан келиб чиқадилар. Бу таърифдаги “ўқитувчининг ўқувчи билан аниқ бир мақсадга қаратилган” иборасига нисбатан шундай эътироз билдириш мумкинки, тарбия жараёнида ўқитувчи ўқувчи билан мулоқот қилмайди, балки ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро мулоқотга киришади. Ўқитувчи ва ўқувчи мулоқоти ҳар икки томоннинг фаоллигини назарда тутса, ўқитувчининг ўқувчи билан мулоқоти аввалги таърифлардагидек, ўқитувчининг фаол, ўқувчининг пассив томонлигидан келиб чиқади. Қолаверса, тарбия жараёни мулоқот сифатида талқин қилиш – олдинга қараб ташланган бир қадам, лекин ҳар қандай мулоқот ҳам интерактив бўлавермаслигини унутмаслик керак. Масалан, ҳар қандай дарс жараёни бу – ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқоти, лекин айтилган пайтда ҳар қандай дарс ҳам интерактив бўла олмайди.

Бундан ташқари, шуни ҳам айтиш керакки, тарбияни мулоқот тариқасида изоҳлаш унинг моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини тўла очмайди. Чунки тарбиядан ташқари таълим ҳам мулоқот, мактабда, оилада, маданий-маърифий муассасаларда ўтказиладиган барча тадбирлар ҳам мулоқот.

Тарбиянинг мулоқот экани тўғри, лекин бу унинг асосий хусусиятларидан биттаси холос.

Халқ педагогикасининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, у тарбияланувчиларни асосан ўзини-ўзи тарбиялашга йўналтиради, замонавий педагогика эса кўпроқ тарбия объектига педагогик таъсир ўтказишга урғу беради. Халқ ўйинлари, эртақлар, топишмоқлар ва этнопедагогиканинг бошқа воситалари тарбия объектини айтилган пайтнинг ўзида тарбия субъектига айлантиради.

Замонавий педагогикада тарбия субъекти ва тарбия объекти деганда алоҳида-алоҳида шахслар тушунилса, этнопедагогикада тарбия объекти кўпинча тарбия субъектига айланади, лекин уларнинг ҳар иккиси ҳам бир шахс бўлади.

Этнопедагогика ва этномаданият ўзаро боғлиқлиги шубҳасиз. Лекин шу боғлиқликни таъминлайдиган халқлар

ва ришталарни аниқлаб олиш зарур. Бу халқа ва ришталарнинг барчасини аниқлаш учун бир эмас, бир неча тадқиқотлар талаб қилинади. Мазкур ўринда биз улардан фақат биттаси тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Этнопедагогика ва этномаданият узвийлигини таъминлайдиган халқалар орасида муҳимларидан бири қадриятлардир.

Халқ педагогикаси ўз олдига қўядиган вазифалар билан замонавий педагогика олдига қўйиладиган вазифалар ўртасида муайян тафовутлар мавжуд. Бу тафовутлар аввало шунда кўринадики, халқ педагогикаси тизим сифатида ўзининг ички хусусиятларидан келиб чиқиб ўз олдига ўзи вазифалар қўяди. Педагогика фани олдига қўйиладиган вазифаларни эса мавжуд ижтимоий-сиёсий тузум белгилайди. Ижтимоий-сиёсий тузум ва у олиб бораётган сиёсатнинг қанчалик халқчиллигига қараб халқ педагогикаси ва педагогика фани олдидаги вазифалар бир-бирига яқин ёки узоқ бўлиши мумкин. Айниқса, тоталитар тузумлар даврида бу тафовутлар кучайиб кетади. Масалан, шўролар тузуми педагогика фани олдига ёшлар ва аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш вазифасини қўйди. Германиядаги ва бошқа баъзи давлатларда мавжуд бўлган нацистик тузум эса педагогикадан ёшлар ва аҳолини нацистик руҳда тарбиялашни талаб қилди. Фақатгина фуқаролик жамиятида педагогика фани сиёсий тузум тазйиқларидан тўла халос бўлади. Демак, педагогика фани ва халқ педагогикаси орасидаги биринчи тафовут уларнинг олдига ким вазифа қўйишида.

Иккинчи тафовут эса уларнинг қандай вазифаларни бажаришга йўналтирилганида. Халқ педагогикаси ёшларни аввало халқнинг таянч қадриятларига йўналтириш учун ҳаракат қилади. Ҳар бир халқнинг ўз таянч қадриятлари мажмуаси бўладиги, улар бир-биридан аввало ана шу мажмуалар ва шу мажмуаларнинг халқ руҳини ва менталитетига қай даражада таъсир қилгани билан фарқланадилар. Албатта, ҳамма халқлар учун муштарак бўлган умуминсоний қадриятлар ҳам мавжуд. Лекин миллий хусусиятлар миллат учун устувор қадриятлар билан боғлиқ бўлади.

Тинчлик, Эрк, Тенглик каби қадриятлар барча халқлар учун умумий ҳисобланса, ҳар бир халқ учун хос бўлган қатор қадриятлар ҳам мавжудки, улар халқнинг тарихи, машғулоти, яшаш тарзи каби ҳодисалар билан боғлиқ бўлади. Шуни айтиш жоизки, миллий қадриятлар ҳам миллий характер ва миллий руҳият сингари абадий бўлмайди. Айни бир халқ характерида маълум вақтда жанговарлик, фидойилик, жасурлик сингари сифатлар устуворлик қилса, бошқа пайтда ўзаро бир-бирини кўра олмаслик, ҳасад, чақимчилик сингари хусусиятлар ғолиблик қилиши мумкин. Ўз характерида қайси сифатлар устун бўлишига қараб халқлар гуллаб-яшнаш ёки инқироз даврини бошдан кечирадилар.

Ҳар қандай халқ ёки миллатнинг маънавияти муайян қадриятларнинг муайян тартибда, даражада ва йўсинда тизим ҳолига келишидан ташкил топади. Барча халқларнинг маънавияти ҳам асосан бир хил қадриятлар тизимидан иборат. Бу қадриятлар сирасига озодлик, тинчлик, хотиржамлик, иймон, инсоф, лафз, орият, фаровонлик, катталарга ҳурмат, ҳамкорлик, адолат, меҳмондўстлик сингарилар киради. Лекин айни бир хил қадриятлардан тузилса ҳам турли халқлар маънавиятининг ўзига хос бўлишига боис шуки, ўша айни бир хил қадриятлар маънавиятда аввало, ўзига хос йўсинда боғланади. Масалан, бир халқ маънавиятида меҳмондўстлик устувор бўлса, бошқа халқ маънавиятида жасурлик устун бўлиши мумкин. Бундан ташқари, айни бир халқ маънавияти тараққиётидаги бир босқичда ўша меҳмондўстлик ёки катталарга ҳурмат катта ўрин тутса, кейинги босқичда жасорат ёки адолат энг устувор қадриятлар бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун айтиш мумкинки, барча миллатлар маънавиятида деярли бир хил қадриятларнинг жамланиши миллий маънавиятларнинг умуминсоний асосини ифодаласа, уларнинг ҳар биридаги ҳар бир қадрият турли даражада ривожлангани ва ўзаро турли йўсинда боғланиши миллийликни ифодалайди. Қадриятлар бирикишидан маънавият ҳосил бўлса, маънавият негизида мафкура вужудга келади. Мафкура тур жиҳатидан хилма-хил бўлиши мумкин: оила маф-

кураси, ижтимоий гуруҳлар мафкураси, сиёсий мафкуралар, диний мафкуралар ва бошқалар. Бу мафкураларнинг барчаси ҳам бир миллий маънавият негизида шаклланса-да, уларга шу маънавиятнинг муайян жиҳатлари асос қилиб олинади. Жумладан, сиёсий партияларнинг мафкурасига маънавият таркибига кирувчи эътиқод асос қилиб олинади ва ижтимоий гуруҳ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу қадрият устувор қилиб олинади. Кўпинча бу қадриятлар сиёсий партияларнинг номида ҳам ўз ифодасини топади: либерал-демократик партия, халқ демократик партияси, адолат, эрк, бирлик, фидокорлар ва бошқалар шулар жумласидандир. Бу партиялар ўзларига қандай қадриятларни мўлжал, шиор қилиб олиши уларнинг номидан кўришиб турипти. Баъзан сиёсий партиялар ташвиқот мақсадида ўз номларига кўпчиликка манзур бўлиш эҳтимоли юқори бўлган қадриятларни қўшиб қўядилар. Лекин, бу бошқа мавзу.

Ижтимоий гуруҳларнинг мафкураларида бутун халқ ва миллат манфаатларига, орзу-умид ва интилишларига мос бўлган қадриятлар ифодаланса, улар негизида миллий мафкуралар вужудга келиши мумкин. Лекин миллий мафкуралар сиёсий партияларга уюшмаган ижтимоий гуруҳ ва қатламларнинг орзу-умидларини ҳам ифодалайди. Миллий мафкура миллий қадриятлар орасида устувор бўлганларини жамласа, миллий ғоя улар ичидаги энг устувор қадриятни ифодалайди. Халқ маънавиятида эса ана шу ижтимоий гуруҳ, қатлам ва партиялар қадриятлари орасида халқ учун энг мақбул бўлганлари жамланади. Аслини олганда қадриятларни халқ ижтимоий гуруҳ ва партиялардан олмайди, аксинча бу гуруҳ ва қатламлар халқ қадриятлари орасидан ўзлари учун маъқул ва қулай бўлганларини танлаб оладилар.

## АДАБИЁТЛАР:

1. *Каримов И. А.* Миллий мафкура ҳақида. Т. 2000.
2. *Каримов И. А.* Маънавий юксалиш йўлида. Т. 1998.
3. *Каримов И. А.* Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. “Ўзбекистон”, 1996.
4. *Каримов И. А.* Ўзбекистон буюк келажак сари. “Ўзбекистон”, 1998.
5. *Каримов И. А.* Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродасига ишонаман. “Фидокор” газетаси, 8 июнь. – Т., 2000 й.
6. *Каримов И. А.* “Туркистон” газетаси мухбирининг саволларига жавоблар. 1999 йил 3 феврал.
7. *Каримов И. А.* Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Тошкент, 1997 й.
8. *Каримов И. А.* Истиқлол ва маънавият. Т. “Ўзбекистон”, 1994.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисидаги” қонуни. — Т. 1998 й.
10. *Жабборов И.* Ўзбек халқ этнографияси. Т. 1994.
11. Народы мира. М. 1998.
12. *Карабаев У.* Традиционная народная культура как социально-духовное явление. Т. 1993.
13. *Қорабоев У.* Ўзбекистон байрамлари. Т, 1991.
14. *М. Муродов.* Ўзбек қадриятлари, Т., 1996.
15. *А. Эркаев.* Маънавият — миллат нишони. 1999.
16. *Т. Аннаев, Ш. Шайдуллаев.* Сурхондарё тарихидан лавҳалар. 1997 йил.
17. *А. Иброҳимов* ва бошқалар. Ватан туйғуси. Т. “Ўзбекистон”, 1996
18. Халқ педагогикаси. Қарши. Университет, 1988.
19. *М. Муродов, А. Эргашев.* Алпомишнома. 1-китоб, Сурхондарё талқини. Т. 1992.
20. *М. Муродов, Абдуолим Эргашев.* Алпомишнома. 2-китоб, Қашқадарё талқини. Т. “Меҳнат”, 1999
21. *М. Муродов, Н. Ҳакимов, А. Эргашев.* Қадриятнома (олий ва ўрта махсус ўқув юртлари учун ўқув қўлланмаси). Қўлёзма. Т. “Меҳнат”. 2000.
22. Педагогика. Ўқув қўлланма. Т. 1994 й.